

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ



**«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА РАҶАМЛИ
ҲАМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ»
МАВЗУСИДАГИ**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ

(I ҚИСМ)
2023 йил 20-22 май кунлари

САМАРҚАНД – 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОМСК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ
ИНСТИТУТИ**

**ШИМОЛИЙ КАВКАЗ ФЕДЕРАЛ УНИВЕРСИТЕТИ
САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ
ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД
ФИЛИАЛИ**

**«ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШДА РАҶАМЛИ ҲАМДА
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ»
(I ҚИСМ)**

2023 йил 20-22 май кунлари

САМАРҚАНД – 2023

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

**ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И МЕНЕДЖМЕНТА ТОМСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

СЕВЕРО-КАВКАЗСКИЙ ФЕДЕРАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САНКТ-ПЕТЕРБУРГСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ «ВЫСШАЯ
ШКОЛА ЭКОНОМИКИ» РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ТУРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО
НАСЛЕДИЯ «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»**

**САМАРКАНДСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**“ВОЗМОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ
ИННОВАЦИОННЫХ И ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
В РАЗВИТИИ СФЕРЫ УСЛУГ И СОКРАЩЕНИИ
БЕДНОСТИ”
(ЧАСТЬ I)**

(20-22 мая 2023 г.)

САМАРКАНД– 2023

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (I қисм). 2023 йил 20-22 май кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2023. – 270 бет.

Нашр учун масъул:

М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раҳбари:

М.Э.Пўлатов – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши аъзолари:

М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

О.Муртазаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

В.И.Абдукаримов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,

Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

А.Эштаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,

С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор,

А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,

Д.Х.Холмаматов – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Саҳифаловчи: Фирдавс Ўроқов

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш шароитида хизмат кўрсатиши ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида соҳанинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, хизмат кўрсатиши соҳасида аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизmlари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, менежмент ва маркетингни, инвестицияларнинг ўрни ва молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гурух қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

I ШЎЙБА. ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мухитдин Эгамбердиевич Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада туризм соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қараб чиқилган. Унда асосий эътибор туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига, хусусан, бевосита туризм инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган. Бу йўналиш жамият тараққиётининг асосий негизини ташкил қиласиди. Шу туфайли ушбу муаммонинг ечими ва масаланинг асосий йўналишлари нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам тадқиқ қилинган ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, миллий туризм, туризмнинг тараққиёт стратегияси, Янги Ўзбекистонда туризм, туризмнинг турлари, ички туризм, ҳалқаро туризм ва.х.к..

Аннотация: в статье рассматриваются приоритетные направления развития туристической отрасли. Акцентируется внимание на основных направлениях развития туризма, в частности, на развитии туристической инфраструктуры. Это направление является основной основой развития общества. Благодаря этому решение данной проблемы и основные направления вопроса были изучены не только теоретически, но и практически, и даны рекомендации.

Ключевые слова: экономика, национальный туризм, стратегия развития туризма, туризм в Новом Узбекистане, виды туризма, внутренний туризм, международный туризм и др.

Abstract: the priority directions of the development of the tourism industry are considered in the article. It focuses on the main directions of tourism development, in particular, on the development of tourism infrastructure. This direction is the main basis of the development of the society. Due to this, the solution to this problem and the main directions of the issue were studied not only theoretically, but also practically, and recommendations were given.

Key words: economy, national tourism, development strategy of tourism, tourism in New Uzbekistan, types of tourism, domestic tourism, international tourism, etc.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда дунёда туризм соҳаси иқтисодиётнинг фаол ривожланаётган ва келажакка эга бўлган соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Бу соҳа юксак даромадли, қўплаб мамлакатларда иқтисодий ўсишининг етакчи, ҳаракатланувчи кучи сифатида хизмат қилмоқда. Салмоқли туристик ресурсларга эга Ўзбекистон Республикаси, мавжуд ресурслардан самаралироқ фойдаланган тақдирдагина, ўз иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ана шундай ўлкан кучга эга бўлиши мумкин. Шу боис мазкур соҳанинг модернизациялашуви шундай даражада бўлиши зарурки, у миллий иқтисодиётда янги иш ўринларни кўпайтириш, хорижий валюта тушумларни ошириш, халқимизнинг маънавий-маданий меросини асраб авайлаш ва табиий ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлаши лозим

Шунинг учун хам давлатимиз томонидан туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони билан қабул қилинган “2019—2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш асосида Ўзбекистонда туризм соҳаси миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

2019 йилнинг сўнгига бутун дунёда туризм соҳасининг музлатилишига сабаб бўлган COVID-19 пандемияси мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. 2020 йил давомида мамлакат ҳудудида жойлашган туристларга хизмат кўрсатиши фаолияти билан шуғулданаётган корхона ва ташкилотларнинг танazzулга учрашига олиб келиши мумкин эди. Аммо давлатимиз раҳбарининг туризм соҳаси субъектлари учун берган имтиёзлари вазиятни мутадиллаштиришга хизмат қилишди. Карантин талаблари юмшатила бошлангандан доимо уйларида ўтиришга мажбур бўлиб қолган инсонлар саёҳат қилишга интила бошлишди, натижада туризм соҳасида 2021 йилда жонланиш сезилди. 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 баравар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижасида у ерга қўшимча 2 миллион сайёҳ келган. Шундай қилиб, ушбу тадқиқот иши ўта долзарб масаланинг ечимиға бағишиланган.

Таҳлил ва натижалар. Бу кўрсаткичлар нисбати албатта кувонтирмай қолмайди, аммо мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини инобатга оладиган бўлсак, бу кўрсаткичлар етарли эмас. Бунга асосий сабаб

сифатида мамлакатимизнинг туристик салоҳияти тўлиқ равишда тадқиқ қилинмагани, туристларни жалб қилиши мумкин бўлган, туристик жозибадорликга эга бўлган ресурслар тўғрисидаги маълумотлар кенг оммага маълум бўлмагани, улар тўғрисидаги дастлабки маълумотларни олиш имкониятининг чекланганлигида деб кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йилнинг 29 март куни мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Бу муаммоларнинг бири сифатида туризм дастурларининг мазмуни ва уларнинг натижасида хорижий туристларнинг мамлакатимиз худудида кўпроқ қолишлирига эришиш деб эътироф этилди. Қайд этилганидек, хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиши йиллик туризм экспортини 300 миллион долларга оширади. Мисол учун, Хоразмда хорижий туристлар Бухоро ва Самарқандга қараганда 2 баравар кам бормоқда. Лекин, Хоразмда сайёҳларни 3-4 кун олиб қолиш учун барча имконият мавжуд. Ёки, ўтган йили 31 та туман ва 143 та маҳалла туризмга ихтисослаштирилиб, уларда алоҳида солиқ режими жорий қилинган эди. Бу имтиёзлардан 4 мингга яқин корхона фойдаланиб, товар айланмаси 1,5 баравар ошган.

Туристлар мамлакатимизнинг асосий туристик дестинацияларига ташриф буюрганларида ҳар бирида максимал даражада 1,5-2 кун давомида қолишилари, мамлакат бўйича 7-8 кун ташкил этиши барча маълум бўлган ҳақиқат. Президентимиз томонидан эътибор қаратилган нарса сайёҳларни кўпроқ ваqt олиб қолишида этишмаётган нарса бу қизиқарли дастурлар ва тарғибот эканлиги, яъни тегишли контентнинг этишмаслигидир. Шунингдек, юртимизда туризм соҳасида мавжуд мавсумийликни узайтириш, туристик кластерларни ташкил этиш, “туристлар учун меҳмондўст муҳит сертификати”ни жорий қилиш, ёзда 22 та қўриқхона, 24 та миллий табиат боғи ва табиат ёдгорликлари имкониятидан тўлиқ фойдаланиш, ёзги ва қиши мавсумларга мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқиши, туристик мавсум бўлмаган кунларда сайёҳлар учун қизиқарли фестивал ва маданият тадбирлари ташкил қилиш, “Ўзбекистон ташриф қофози”ни ишлаб чиқиб, туризм брендини янгилаш, халқаро телеканаллар ва интернет платформаларида Ўзбекистон ҳақидаги реклама роликларини кўпайтириш вазифалари қўйилди. Умуман, бу йил 7 миллион хорижий ва 15 миллион ички сайёҳларни жалб қилиш, соҳа экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу боис йиғилишда туристик салоҳияти мавжуд бўлган туманларнинг бу соҳадаги фаолиятларига қўмаклашишга 11 та олий таълим муассасаси бириктирилди. Улар 31 та туман ва 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратишлари, улар асосида 12 та тилда туристик

пакетлар ишлаб чиқишилари, ҳудудларда фаолият қўрсатаётган туризм ва сервис обьектлари ишчилари ўқитишилари керак бўлади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти зиммасига Навоий вилоятининг Нурота, Хатирчи ва Қизилтепа туманларининг туристик салоҳиятини тадқиқ қилиш ва йиғилишда белгиланган вазифаларни бажариш юклатилди. Бу вазифаларнинг энг асосийси ва кўпроқ меҳнат ҳамда эътибор талаб қиласидаги сифатида туризм контентини яратиш ва такомиллаштириш вазифасини алоҳида кўрсатиши мумкин. Вазифани бажариш учун эса “контент” тушунчасининг мазмун-моҳияти очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Контент тушунчаси остида сайт (электрон портал)нинг ахборот таркиби (матнлар, график, овозли маълумотлар ва бошқалар), шунингдек, китоблар, газеталар, мақолалар тўпламлари, материаллар ва бошқалар тушунилади.

Барча қайд этилган тоифалар турли форматларда тақдим этилиши мумкин. Масалан, ахборот манбаси ҳисобланаётган сайт ёки электрон портал кўпинча реклама баннерларини ўз ичига олади, таъкидлаш керакки сотиши матни бир вақтнинг ўзида қизиқарли бўлиши мумкин. Аммо контент таркиби қанчалик яхши бўлмасин, фойдаланувчи кўрмаса, ундан фойда йўқ. Иложи борича кўпроқ одамлар материаллар ҳақида билиб олишлари учун “мижозни жалб қилиш” билан шуғулланиш керак. Бунинг учун қуйидаги каналлардан фойдаланишиш тавсия қилинади:

- Ижтимоий тармоқлар. Турли тематик групкалар ва жамоаларда тарғиб қилинадиган контент мавзусига оид постлар нашр этилади ва маълум материалларга ҳавола беради.
- Электрон почта хабарномалари. Улар почта рўйхатидаги янги материаллар ҳақида гапириб, уларнинг қанчалик қизиқарли ёки фойдали эканлигига эътибор беришади.
- Тематик соҳалар бўйича сайтлар. Мавзу бўйича турли машҳур сайтларда нашрларни жойлаштиришмумкин.

Яхши контентдан самарали фойдаланиш қидирив сайтлари томонидан тақдим этиладиган натижалари рўйхатида олдинги қаторларда илгари суриси мухим аҳамиятга эга. Аммо яхши контентни яратиш унинг қидирив натижаларининг биринчи қаторларида пайдо бўлишига кафолат бермайди. Афсуски Yandex ҳам, Google ҳам ўзларининг баҳолаш параметрларини тўлиқ ошкор қилмайди. Шуни инобатга олган ҳолда ахборот манбаларининг контентини бойитиш ва уларнинг тарғибот ишларини кучайтиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Навоий вилояти бошқа вилоятлар каби катта туристик салоҳиятга эга бўлган, аммо улардан тўлақонли фойдаланмаётган вилоятлардан биридир. Вилоят ҳудудида экологик, геологик, тарихий, археологик, архитектура, рекреацион, соғломлаштириш, гастрономик ва монументал туристик ресурслар мавжуд бўлиб, улардан фақат бир нечтаси туристик фирмалар эътиборидадир. Вилоятда 20дан зиёд туристик фирмалар мавжуд бўлса ҳам,

уларнинг 12таси самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Умуман олганда вилоят ҳудудидаги туристик ресурслар киритилган 12та туризм пакетлари мавжуд бўлиб, уларнинг ўртача давомийлиги 1.5 кунни ташкил этади. 2022 йилда вилоят ҳудудига 1019.0 минг турист ташриф буюрган бўлиб, уларнинг 26.2 мингтаси хорижий ҳамда 992 мингтаси маҳаллий туристлар ташкил этган. Статистика қўмитаси берган маълумотларга қараганда, ички туристларнинг фақат 0.4% қисми турфирмалар томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, ташриф буюрган ички туристлар сони 2018 йилга нисбатан 6 баробар камайганлигини кўриш мумкин. Туристларнинг асосий қисми Нуротадаги Чашма зиёратгоҳи, Тўдакўл ва Айдаркўл сув омборлари атрофидаги дам олиш маскани, Сентоб туризм қишлоғи, Кармана туманидаги Работи Малик ва Сардоба ёдгорликлари, Қосим Шайх масжиди, Мир Сайд Маҳром мақбараси, Мавлоно Ориф Деггароний мақбараси, Конимех туманидаги ўтовли лагерлар, Олтинсой санаторийсига ташриф буюрмоқда. Ваҳоланки вилоят миқёсида 437та маданий мерос руйхатига киритилган обьектлар мавжуд. Шу каби маълумотларни умумлаштирган ҳолда Навоий вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришда мавжуд қўйидаги муаммоларни көлтириш мумкин:

•Навоий вилоятининг туристик жозибадорлиги мавжуд бўлган ҳудудларнинг туристик салоҳияти бўйича контентларнинг тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, аниқ тарихий-илмий асосланган маълумотларнинг камлиги, мукаммал маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги, туристик салоҳиятнинг етарли даражада тарғиб қилинмаганлиги ҳамда ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан тўлиқ ҳажмда фойдаланилмаслиги. Вилоятнинг ҳар бир тумани тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган маҳсус нашрдан чиқсан китоблар яратилган, аммо туристлар эътиборини тортадиган ва уларга фойдаланишга қулай бўлган имкониятлар мавжуд эмас.

•Вилоят ҳудудида туристларни кенг жалб қиласидиган туристик дестинацияларда хорижий тилларда гаплаша оладиган гид-экскурсоводлар, малакали мутахассислар, тажрибали туроператорларнинг йўқлиги. Шунингдек, вилоятдаги туристларга хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг етарли даражада туризм соҳасига оид тушунчаларга эга эмаслиги ҳамда хизмат вазифаларини яхши билмаслиги.

•Туристлар оқимини ҳисоблашда асосий дастак бўладиган механизmlарнинг, яъни туристик обьектларга кириш қисмида тўловлар тизимининг ёки ташриф буюрувчилар оқимини бошқариш имконини берувчи турникетларнинг жорий этилмаганлиги, натижада ушбу туристик дестинацияларида туристлар оқими ҳисобининг юритилмаслиги.

•Бугунги кунда Навоий вилоятида жами 437 та маданий мерос обьектлари мавжуд бўлса ҳам, улардан фақатгина 24 таси туристик маршрутларга киритилганлиги. Жумладан, Кармана туманидан ўтувчи М-37 автомагистрали ёнида жойлашган Работи Малик ва Сардоба туристик

объектларининг, Навбахор туманидаги Сармишсой давлат қўриқхонаси, Хатирчи туманидаги Сангижумон, Лангар, Ангидон ҳудудларининг салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги.

• Вилоят ҳудудида туристларнинг эркин ҳаракатланиши учун қўшимча қўйилмаларни яратадиган ҳамда маълумот бериши мумкин бўлган автомобил йўллар бўйлаб жойлаштириладиган туристик йўл кўрсаткичларининг, туристик хариталарнинг ва инфокиоскларнинг, хар бир туристик объектлар, хусусан, зиёратгоҳларнинг кириш қисмида унинг тарихи, унга тегишли фактлар ва улар ҳақидаги зарурий маълумотларнинг етарли эмаслиги.

• Туризм хизматларини кўрсатувчи корхоналар, таълим муассасалари ҳамда туризм соҳасига ёндош тармоқлар ҳамкорлигининг самарали йўлга қўйилмаганлиги.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларни инобатга олган ҳола Навоий вилоятининг туристик жозибадорлигини ошириш, туризм соҳасининг фаолиятини жадаллаштириш ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни таклиф қилиш мумкин:

1. Ҳудуднинг мавжуд туристик ресурсларнинг жозибадорлигини оширишда асосий восита ҳисобланадиган, туристларга тўлиқ ва фойдали маълумотларни берувчи туристик объектлар контентларини шакллантиришда туристик обьект геолокацияси ёки харитаси, фотожамланмаси, обьект тўғрисида маълумот, обьект атрофида фаолият кўрсатаётган меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари ҳамда умумий овқатланиш корхоналари, шунингдек обьект ҳақида қўшимча ва фойдали маълумотларни ўз ичига қамраб олган, 12 тилларда тайёрланган контент жамланмаларини тайёрлаш ва кенг оммага етказиш. Кенг оммага етказишида ижтимоий тармоқлар ва туризм соҳасига оид сайтларда контентларни мунтазам равишда янгилаб бориш, туристлар диққатини тортадиган маълумотлар билан тўлдириб бориш мақсадида контент матрицасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш механизмларини жорий қилиш.

2. Вилоят ҳудудидаги туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган кадрлар муаммосини ҳал қилиш мақсадида Навоий давлат педагогика институтида хорижий тилларни ўрганаётган талабаларни, туристик дестинациялар атрофида яшовчи хорижий тилларни мукаммал билувчи шахсларни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти билан ҳамкорликда мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш, уларга қўшимча гид-экскурсовод малакасини (кўш малака) бериш, туристик инфратузилма таркибидағи барча корхона ва ташкилотлар ходимлари учун семинар тренинглар, қисқа ўқув курсларини ташкил этиш.

3. Вилоят ҳудудига ташриф буюраётган туристларнинг аниқ миқдорини ҳисоблаш мақсадида ҳудудларда туристик оқимни бошқариш ҳамда уларнинг статистик ҳисобини олиб бориш методикаларини таҳлил қилиш асосида, ҳудудларда фойдаланиш мумкин бўлган методиклар

таклифини ишлаб чиқиш, зиёратгоҳ ва дам олиш масканларида имтиёзли кириш чипталарини жорий қилиш ва шу орқали туристик оқим статистикасини юритишининг оптималь ечимларини тадқиқ қилиш.

4. Худудлардаги туристик маршрутларга киритилмаган жозибадор туристик обьектларининг имкониятларини баҳолаш, туризмда фойдаланиш мумкин бўлган обьектларни танлаб олиш ва янги туристик маршрутлар яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. Шунингдек, вилоятда мавжуд бўлган туристик ресурсларининг жозибадорлигини янада ошириш ва туристлар қизиқишини тўғдирадиган ўзига хос янги турдаги обьектларни яратиш, уларни туристик маршрутлар таркибига киритиш мақсадида кўйидаги “янги” туристик обьектларни яратиш:

- Конимех, Навбахор ёки Нурота тумани ҳудудида тошбақалар популяцияси катта бўлган локацияда тошбақа шаклидаги бинода жойлашган Тошбақа музейини яратиш, музейда тошбақаларга оид қизиқарли маълумотларни акс этувчи экспонатлар билан биргаликда, йил давомида тирик тошбақаларни кўриш имкони берувчи питомникни ташкил этиш.

- Навбахор туманидаги Сармишсой дарасида жойлашган дам олиш масканларида ибтидоий жамоа тузуми давридан то ўрта асрларгача бўлган даврда маҳаллий халқларнинг турмушида ишлатилган “сопол идишларни ясаш”, “теридан кичик буюмларни тикиш”, шунингдек “сунъий қоятошларда суръатларни чизиш” устахоналарини (ўша вақтдаги тошдан ясалган уйлари кўринишида) ва мастер-классларни ташкил этиш.

- Навоий тоғ–кон metallurgия комбинати ҳудудида Ўзбекистон саноат туризмининг марказини ташкил этиш, туристлар томонидан белгиланган масофада очиқ қаръер тизимида олиб борилаётган қазилма ишларини кузатиш имконини берувчи инфратузилмани яратиш.

- Хатирчи туманининг “Тасмачи”, “Олтинсой” “Учқора” ва Акмал Икромов МФЙларда узумчиликка асосланган агротуризм турмаршрутларини ташкил этиш.

- Навоий вилояти Кармана туманидан ўтувчи М-37 халқаро автомагистрал йўлида жойлашган Работи Малик ва Сардоба ёдгорликлари яқинида “МАЛИКЧЎЛ” ўлкашунослик маркази яратиш, унинг таркибида ҳудуднинг этнографиясини акс этувчи ўлкашунослик музей ҳамда чўл ҳудудида яшайдиган ҳайвонлардан иборат ҳайвонот боғини ташкил этиш.

5. Вилоят ҳудудида мавсумийликни қисқартириш мақсадида туристлар эътиборини тортадиган кўйидаги республика ва халқаро даражадаги оммавий тадбирларни ташкил этиш:

- Хатирчи туманидаги Сангижумон МФЙ ҳудудида миллий кураш ва камончилик бўйича халқаро очиқ чемпионатларини ўтказиш.

- Қизилтепа туманининг Тўдакўл кўлида спортнинг Baydarka, Rowing (академик эшкак эшиш) ва Surfing турлари бўйича Ўзбекистон чемпионатларини ўтказиш.

- Навбахор туманидаги Сармишсой давлат музей қўриқнонасиининг қоятош суръатлари тушурилган дарасида “Тасвирий санъат: этнос ва

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

археология” халқаро тасвирий санъат ва археология форумини ўтказиш.

- Хатирчи туманининг Ангидон экохудудида ёшлар учун ЭКОКВЕСТ форумини ўтказиш.

- Хатирчи, Нурота, Навбаҳор, Кармана ва Қизилтепа туманлараро туризм халқаси бўйлаб Ўрта Осиё очиқ веломарафонини ташкил этиш.

- Нурота туманининг Айдаркўл ҳудудидан Қорақолпоғистон Республикасининг Орол денгизигача бўлган масофада халқаро “Great Silk Road Desert Ralli” саҳро ралли мусобақаларини ташкил этиш

6. Республика ва халқаро даражадаги оммавий тадбирларни, анимацион дастурларни ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш, олий таълим ва профессионал таълим муассасалари талабалари иштирокида 5 муҳим ташаббус тадбирларини ўтказиш, Навоий вилоятининг туристик салоҳияти ва имкониятларини инобатга олган ҳолда 2024 йилга мўлжалланган туристик календарини ишлаб чиқиш, унга бутун йил давомида ўтказиладиган халқаро ва республика даражасидаги тадбирларни киритиш.

7. Туристик обьектларга, зиёратгоҳлар ва дам олиш масканларига олиб борадиган йўл кўрсаткичлари ва хариталари, ҳудудга тегишли реклама баннерлари, айниқса, овқатлантириш, мотел, хостеллар, дорихона, автомашиналарга техник хизмат кўрсатиши каби хизматлар рекламаларини ташкил этиш.

8. Ҳудудларда туризмни жадал ривожлантириш мақсадида туризм хизматларини кўрсатувчи корхоналар, таълим муассасалари, қўшимча хизмат кўрсатувчи корхоналар ва туризм соҳасига ёндош тармок/соҳалар ҳамкорлигини ташкил қилувчи кластерли ёндошувни жорий қилиш таклифларини ишлаб чиқиш.

Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ХУСУСИДА КАРЛ МАРКСНИНГ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИГА МУНОСАБАТ

Аннотация: мақолада иқтисодиётнинг ривожланиш тарихида Карл Маркснинг илмий қарашларидаги камчиликлар билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган. Бунда XIX ва XX асрларида иқтисодиётнинг ривожланиш тарихини даврийлаштириш назариясининг шаклланишида Карл Маркснинг илмий қарашларининг ижобий жиҳатлари билан бирга, айrim камчиликлари ҳам мавжудлиги асослаб берилган. Унинг ижтимоий-иктисодий жараёнларга материалистик қараш ниқоби остида ушбу жараёнларга илохий кучларнинг, диннинг ҳал қилувчи катта роли борлигини инкор қилганлиги иқтисодчининг энг

кatta хатоларидан бири бўлди. Бу борада Маркс назариясида мавжуд муайян камчиликлар реал далилларга асосланган ҳолда очиб берилди.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, иқтисодиёт назарияси, иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш, иқтисодиёт тарихи, иқтисодий даврийлаштириш, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари.

Аннотация: в статье рассматриваются вопросы, связанные с недостатками научных взглядов Карла Маркса на историю экономического развития. При этом обосновывается, что, наряду с положительными сторонами научных взглядов К. Маркса, имеются и некоторые недостатки в формировании теории периодизации истории экономического развития XI и XX вв. Под видом материалистического взгляда на общественно-экономические процессы он отрицал решающую роль в этих процессах божественных сил и религии, что было одной из крупнейших ошибок экономиста. В связи с этим были выявлены определенные недостатки теории Маркса на основе реальных данных.

Ключевые слова: экономика, экономическая теория, экономическое развитие, экономический рост, экономическая история, экономическая периодизация, производственные отношения, производительные силы.

Abstract: the article examines issues related to the shortcomings of Karl Marx's scientific views in the history of economic development. In this, it is justified that, along with the positive aspects of Karl Marx's scientific views, there are also some shortcomings in the formation of the theory of periodization of the history of economic development in the 11th and 20th centuries. Under the guise of a materialistic view of socio-economic processes, he denied that divine forces and religion play a decisive role in these processes, which was one of the biggest mistakes of the economist. In this regard, certain flaws in Marx's theory were revealed based on real evidence.

Key words: economy, economic theory, economic development, economic growth, economic history, economic periodization, production relations, production forces.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Тарих инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Чунки у маълум даврда содир бўлган ҳодиса ва жараёнлар ҳақида аниқ маълумотлар йифиндисини ўзида мужассам этган ҳақиқатлар мажмуидан иборат. Уни сохталаштириш ва у асосда турли гипотезаларни бериш ҳам ўта мураккаб. Ҳодиса ва жараёнларни нотўғри талқин қилиб, уларни сохталаштириш оқибатида турли ғайритабиий назариялар, уйдирмалар яратилиши мумкин. Бу эса иайдонга ташланган назариянинг рўй бермаслиги, ҳаётда ўз тасдифини топмаслиги билан якунланади.

Инсоният вужудга келгандан буён унинг тарихи турли даврларда турлича бўлган. Бу даврда дунё халқлари улкан тараққиёт, буюк силжишлар ва кескин кўтарилиш ҳодисаларига гувоҳ бўлган. Кишилик тараққиётидаги ўзгаришлар, унинг ривожланиши ва таназзулга юз тутиши бевосита ўша давр одамлари тафаккури маҳсули сифатида юзага келган. Уларнинг хулқ авториидаги ўзгаришларга қараб Аллоҳ уларни тегишли тарзда ўзгартириб келган. Чунки инсоннинг ақл ва тафаккури, қалби ва ҳиссиёт олами орқали ўз ҳаётини ўзи йўлга қўяди. Буларни тартибга солиб турувчи куч – бу Яратганинг ўзи. Аммо турли даврларда ижтимоий-иктисодий тараққиётда

диннинг ролини инкор этувчи турли ғоялар ҳам вужудга келди. Булардан бири Карл Маркс бўлиб, у ўзининг материалистик ғоясини олдинга сурди ва бутун дунёни ўз ғояларининг тўғрилигига ишонтира олди.

XIX ва XX асрларида иқтисодиётнинг ривожланиш тарихини даврийлаштириш назариясининг шаклланишида Карл Маркснинг илмий қарашлари муҳим ўрин тутди. У ўзи яратган, яхлит шаклда тизимлаштирилган назариянинг асосий таркибий қисмлари, яъни элементлари сифатида, олдин иқтисодиёт назарияси фанида мавжуд бўлмаган ижтимоий-иктисодий формация, ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий базис ва сиёсий-иктисодий устқурма каби тушунчаларни киритди ва улардан унумли фойдаланди. Аммо вақт ўтиши билан Карл Маркс назарияси ўз моҳиятини йўқотиб, формамцияларнинг ривожланиши ҳам тўхтаб янгиланиб қолди. Ушбу ҳолат ҳам кўрсатиб турибдики, иқтисодиётнинг ривожланиш тарихида Карл Маркснинг илмий қарашларидаги ютуқлар ва камчиликлар билан боғлиқ масалалар чуқур тадқиқ қилишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан мазкур мақола ўта долзарб масаланинг ечимиға бағишлиланган.

Тадқиқот методологияси. Иқтисодиётнинг ривожланиш тарихида Карл Маркснинг илмий қарашларидаги ижобий ва салбий жиҳатлари билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш жараёнида макон ва замон, индкуция ва дедукция, миқдор ва сифат, мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил каби усул ва услублардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Маркс таълимоти ишлаб чиқариш усулларига ёки жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражасини акс эттирувчи турли формацияларга (ибтидоий тузум, кулдорлик тузуми, феодал тузум, капиталистик тузум, социализм ва коммунистик тузум) бўлишни асослайди ва бунда тарихни материалистик нуқтаи назаридан англашга қаратади. Бу сиёсий иқтисод фани тарихида ижтимоий-иктисодий тараққиётни даврийлаштиришга қаратилган биринчи уриниш бўлишига қарамасдан, у ўзидан кейин пайдо бўлган концепцияларга нисбатан ўзига хос устунликларга эга илмий қараш сифатида тан олинди ва шу назарияга иувофиқ тарзда иқтисодий сиёsat амалга оширилди.

Бундай назариянинг амалиётга жорий қилиниши бежиз эмас эди. Зеро, унинг асосий устунлиги шунда эдики, унда кишилик жамияти тўрт босқични босиб ўтиб, келажакда ўзининг навбатдаги юқорироқ босқичига – коммунизмга ўтиши муқаррарлиги башорат қилинган ва мантиқий далиллар асосида илмий жиҳатдан асослаб барилган. К.Маркс ўзи таклиф қилган методологияни асослаш учун ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучларининг табиати ва ривожланиш даражасига мос келиш қонуни ихтиро қилди. Ушбу назариянинг негизини ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлиги қонунига асосланган ишлаб чиқариш усули ташкил этиши асослаб берилди.

Карл Маркс ғоясига кўра, ишлаб чиқариш усули таркибидаги ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги

мутаносиблик, ўзаро мослик жамият ижтимоий-иктисодий тараққиётининг асосий шарти ҳисобланади. Ушбу мутаносибликтининг, ўзаро мосликкининг бузилиши, улар ўртасида зиддиятнинг пайдо бўлиши ва аста-секин кескинлашиб, антогонистик зиддиятга айланиши мавжуд формациянинг инқирозга учраши, унинг ўрнига янги формациянинг вужудга келишининг асосий сабабчиси эканлиги ҳам назарий жиҳатдан исботлаб берилди. Маркс бу хусусда қуйидаги фикрларни илгари сурган: тараққиёттининг муайян босқичида “...жамият моддий ишлаб чиқариш кучлари билан амалдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келади... Ушбу муносабатлар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш шаклидан унинг кишанига айланади. Шунда социал революциялар даври бошланади. Шунда иктисодий асоснинг ўзгариши билан бутун улкан устқурмада у ёки бу тезликда тўнтариш содир бўлади”¹. Бу революцион тўнтаришни Карл Маркс тарихнинг локомитивига, яъни тараққиётни илгарига тортувчи асосий кучга айланишини қайд этади.

Ушбу назарияга мувофиқ, кишилик жамияти нажотсиз ва шу сабабли ёввойилик ва ваҳшийликнинг азоб-уқубатларидан катта изтироб чекаётган даврдан (ибтидоий жамоа давридан) аста-секин, босқичма–босқич бир неча формацияларни босиб ўтди. Келажакда узлуксиз юксалиш натижасида у адолат ва ўзаро тенглик қарор топган ижтимоий-иктисодий тараққиёттининг энг юқори босқичига, яъни даставвал социалистик, кейинчалик коммунистик, формацияга ўтади, деган ғояни илгари сурди. Бу ғояниг ҳақиқийлигига қаттиқ ишонган, уни ҳаётий деб тан олган айrim “доҳийлар” ушбу назарияни амалиётга жорий қилиб, социалистик тузумни бунёд қилишга эришди ва уни коммунизмнинг дастлабки боясқичи, пойдевори сифатида қаради.

Яна бир муҳим жиҳат. Маркс таълимотига мувофиқ, ишлаб чиқариш воситалари, уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштироки натижасида олинадиган даромадни тақсимлаш ҳам ишлаб чиқаришда банд аҳоли гурухлари ўртасида нотекис кечади. Оқибатда жамиятда синфий табақаланиш юзага келади. Натижада ўзаро зиддиятда бўлган иккита йирик социал гуруҳ: шлаб чиқариш воситаларининг эгалари, яъни мулқдорлар (капиталистлар) синфи ҳамда шу воситаларни ҳаракатга қелтирувчи ёлланиб ишлайдиганлар, яъни ёлланма ишчилар синфи шаклланди. Ҳар иккала синф ўртасидаги иктисодий қарама-қаршилик кескинлашиб, кишилик жамияти тараққиётининг муайян босқичида ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари ишлаб чиқаришни эски усуслар билан бошқара олмайдилар, ёлланма ишчилар эса эскирган усуслар билан бошқаришни қатъиян инкор қиласидилар.

Маълумки, қарама-қаршиликлар хукм суриб турган жамиятда (хатто меҳнат жамоасида ҳам) барқарор тараққиёт бўлмайди. Ушбу ҳолат, Карл

¹ Маркс, К. Фейербах тўғрисида тезислар. / Маркс К., Энгельс Ф. Асарлар: 50 томда, иккинчи нашр. М.: Сиёсий адабиётлар давлат нашриёти, 1961. 3-том, 1-4 бб.

Маркс таъбири билан айтганда, турли синфларни юзага келтиради ва ушбу синфлар ўртасидаги зиддият тобора кескинлашиб боради ва пировард натижада революция содир бўлади.

Собиқ советлар ҳукумати даврида Карл Маркс томонидан ишлаб чиқилган ушбу таълимот, яъни тарихий-формацион ёндашув, кенг тарқалди ва барча олимлар эътироф этган етакчи назария даражасигача кўтарилди. Айни пайтда, Карл Маркс методологиясининг моҳиятига чуқурроқ назар ташлагандан, унинг Совет мамлакати иқтисодчилари тасаввур қилган, қўкларга кўтарган, дастурил амал қилиб қабул қилишга арзийдиган даражада кучли эмаслиги, унга айрим камчилик ва нуқсонлар хос эканлиги тўғрисида хuloscha чиқариш мумкин. Фикримизнинг далили сифатида, шуни таъкидлаш жоизки, Маркс назариясида Аллоҳнинг борлиги, унинг яратувчи ва йўқ қилувчи эканлиги бутунлай инкор қилиниб, барча ўзгаришлар материалистик омиллар эвазига содир бўлиши исботланган эди. Шу тариқа Карл Маркс инсоният тарихига ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда Худосизлик назариясини олиб кирди. Маркснингшбу назариясига бир қанча камчиликлар хослигини кўриш мумкин.

Биринчидан, даврий ривожланишининг навбатдаги, юқори босқичи сифатида капиталистик формациядан коммунизмга ўтиш ғояси ўзининг тўғрилигини амалда исботлай олмади. Икки босқичдан иборат коммунистик жамият қуриш назарияси инқирозга учрагандан кейин, ушбу назарияни амалиётда қўллаш имкониятлари чекланганлиги аён бўлди. Мамурий-буйруқбозлик тизими даврида ушбу назария сиёсий нуқтаи назардан идеаллаштирилган дормага айланиб қолган эди. Мазкур ёндашувга мувофиқ кишилик жамияти ёлланма меҳнатга асосланган капиталистик формациядан тараққиётнинг навбатдаги, юқори босқичи сифатида коммунистик формацияга ўтишининг муқаррарлигини башорат қилган материалистик қарашлар тўқума эканлигини реал ҳаётнинг ўзи исботлаб берди.

Иккииинчидан, етмиш йилдан зиёдроқ СССР ва анча йиллар давомида қолган 13 та собиқ социалистик мамлакатларнинг тажрибаси Маркснинг навбатдаги ва энг юқори, яъни даставал социалистик, кейинги босқичда эса коммунистик формацияга ўтиш кераклиги тўғрисидаги назариясини батамом пучга чиқарди. Нима учун мазкур назария ҳаётда ўзининг исботини топмаганлиги, охир оқибатда инқирозга учраганлиги, унинг сабаб ва оқибатларининг батафсил таҳлилини илмий тадқиқотнинг алоҳида, мустақил йўналиши сифатида беришни мақсад қилганмиз. Ҳозир Маркс томонидан таклиф этилган тарихий-формацион ёндашув ва унга таянган ҳолда иқтисодий тараққиёт тарихини алоҳида босқичларга бўлиш амалиётда ўзининг исботини топмаган нотўғри назария эканлигини таъкидламоқчимиз. Бизнингча, ушбу назарияни чуқурлаштириш ва замонавий-лаштириш нуқтаи назаридан келажақда такомиллаштириш зарур бўлади.

Учинчидан, Карл Маркс ихтиро этган қонунга асосланиб, кишилик жамиятининг ибтидоий жамоа тузумидан нима сабабларга кўра қулдорлик жамиятияга ўтганлигини тушунтириб беришнинг имкони йўқ. Чунки ибти-

доий жамоа даврида ишлаб чиариш кучлари ҳам, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам мавжуд бўлмаган. Демак, улар ўртасидаги мутаносиблик, унинг бузилиши, улар ўртасида зиддиятнинг пайдо бўлиши ва кесинлашуви бир формациядан бошқа формацияга, яъни ибтидоий жамоадан қулдорлик жамиятга ўтганлиги Маркс ихтиро этган қонун талабларига батамом зид. Шу туфайли ушбу босқичларни иккига бўлиб ўрганиш ҳам тегишли натижа бермайди. Демак, Маркснинг бир формациядан бошқа бир, янги формацияга ўтишида ҳам анча камчиликларга йўл қўйилган.

Тўртинчидан, ислом тарихида эътироф этилишича, инсоният тарихи Одам алайҳиссаломнинг яратилишидан бошланади. Шу даврдан бошлаб Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаломнинг давригача ва ундан кейин ҳозиргача таҳлил қилинадиган бўлса, ҳақиқатда ибтидоий жамоа бўлмаган ва айнан шундан кейин қулдорлик жамияти шаклланмаган. Қуръони Каримда жамият тараққиётида бундай босқичлар умуман эътироф этилмаган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўзининг асрларида: “Қуръон ва унинг қиссалари тўқима, уйдирма эмас, балки аввалги илоҳий китобларда келган хабарлар тасдиғидир. Одатда ёлғон, тўқима гап бирбирини тасдиқлай олмайди. Тезда ўртада хилоф чиқиб, сир фош бўлади. Шунингдек, Қуръон ҳар бир нарсани муфассал баён қилувчидир. Агар у тўқилган ва уйдирма бўлганда, бу қадар муфассал, бу қадар аниқ ва равшан, бунчалик мўъжизакор бўла олмас эди”², деб таъкидлайди. Кўриниб турибдики, жамият тараққиётини турли формацияларга бўлишда Маркс назарияси Шариат нормалари олдида ожизлик қиласди.

Бешинчидан, Ислом дини бирорларнинг тўқ фаровон яшашининг, бадавлат бўлишининг, бошқа бирорларнинг эса иқтисодий жиҳатдан танг ахволда бўлишининг, ночорликда, қашшоқликда кун кечиришининг, аҳоли кенг қатламларининг бой ва камбағалларга табақаланишининг сабабларини Оллоҳнинг ами, унинг иродаси билан боғлайди. Бу борада Қуръони Каримда ҳар бир мўмин банда боқий дунёда мулк масаласида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун, бирорнинг мулкига кўз олайтиргани учун Яратганинг қаттиқ ғазабига учраши муқаррарлиги, қилган гуноҳлари учун фоний дунёда албатта жавоб бериши, жазоланиши эътироф этилган. Асрлар давомида барча халқларнинг онгига қатъий ўрнашиб олган, аҳолининг барча қатламлари тан олган ва шу сабабли сўзсиз риоя қилган ушбу тамойилга зид тарзда Маркс таълимоти бойларнинг мулкини зўравонлик билан, куч билан тортиб олишга, мулкдорларни экспроприация қилишга, мулкини камбағалларга бўлиб беришга, шу йўл билан ижтимоий адолат ўрнатишга қаратилган. Бизга маълумки, Шариатнинг одил нормаларига батамом зид бўлган, Оллоҳнинг ами-иродасини инкор этувчи ушбу ёндашув амалда ўз исботини топмади ва жамиятда қўллашга яроқсиз назария сифатида ўз аҳамиятини батамом йўқотди. Қуръони Карим нормалари устунлик қилиб, жамиятда аҳолининг бой ва камбағалларга

² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. 1-китоб. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2022. – 17 бет.

табақаланиш тамойтили қарор топди.

Жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш масаласига келсак, Шариатда мулкни тақсимлашнинг, ахоли кенг қатламлари ўртасида яратилган миллий бойликни оқилона баҳам кўришнинг Маркс таълимотига нисбатан чандон устун бўлган жуда мукаммал тамоийлари яратилган. Бу ерда бойлар томонидан камбағалларга хайрия қилиш, закот тўлаш масаласи назарда тутилаяпти.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилар асосида хулоса қилинадиган бўлса, шуни таъкидлаш жоизки, инсоният тарихи билан боғлиқ масалаларда шунчаки илмий гипотезияларга асосланиб эмас, балки Қуръони каримда баён этилган кўрсатмаларга таянган ҳолда ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Бундан келиб чиқиб, қуидаги тавсияларни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Биринчидан, Маркс назариясидаги катта камчилик Аллоҳнинг борлиги, унинг яратувчи ва йўқ қилувчи эканлиги бутунлай инкор қилинганлиги билан боғлиқ бўлганлигига. Унинг назарияси бўйича барча ўзгаришлар материалистик омиллар эвазига содир бўлади, деб исботланган эди. Шу тариқа инсоният тарихига Худосизлик назариясини олиб кирди ва бу нотўғри бўлганлиги туфайли маълум даврдан кейин инқирозга учради ва ўз кучини батамом йўқотди.

Иккинчидан, Маркс томонидан таклиф этилган тарихий-формацион ёндашув ва унга таянган ҳолда иқтисодий тараққиёт тарихини алоҳида босқичларга бўлиш амалиётда ўзининг исботини топмади ва бу нотўғри назария эканлиги аниқ бўлди. Бундан келиб чиқиб, ушбу назарияни чуқурлаштириш ва замонавийлаштириш нуқтаи назаридан келажакда уни такомиллаштириш устида кўплаб тадқиқотлар олиб бориш ўткир заруратга айланиб бормоқда.

Учинчидан, дунё иқтисодиётини даврийлаштиришда Қурони Каримда берилган таълимотларни инсониятнинг ривожланиш босқичлари билан боғлаган ҳолда, янгича ёндошиш лозим, деган хуносага келдик. Чунки ҳозирги замон фанида икки йўналишни ҳам инобатга олган ҳолда, бир-бирига боғлаган ҳолда ўрганиш вазифаси долзарб муаммога айланиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният тарихини, унинг иқтисодий йўналишларини тадқиқ қилишда муқаддас манба бўлган Қурони Каримдек манбалардан фойдаланиб ёндошиш лозим. Бу эса мазкур масалани янгича йўналишда тадқиқ қилишни, дунёда содир бўлаётган ўзгаришларга илмий жиҳатдан тўғри баҳо беришни тақозо қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ислом тарихи. 1-китоб. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2022. – 17 бет.
2. Мамаюнус Пардаев, Мурод Мухаммедов. Янги Ўзбекистон иқтисодиёти: янги йўлдан кетмоқда. (1-мақола). February 08, 2023. <https://telegra.ph/YANGI->

%D0%8EZBEKISTON-I%D2%9ATISODIYOTI-YANGI-J%D0%8ELDAN-KETMO%D2%9ADA-02-07.

3. Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов. Янги Ўзбекистон иқтисодиёти: янги йўлдан кетмоқда. (2-мақола). February 08, 2023. <https://telegra.ph/YANGI-%D0%8EZBEKISTON-I%D2%9ATISODIYOTI-YANGI-J%D0%8ELDAN-KETMO%D2%9ADA-02-08>

4. Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов. Инсоният тарихини ислом дини асосида даврийлаштириш. 2023 йил. 2.03. 1152. 9:34. // <https://telegra.ph/> insoniyat-tarikhini-islom-dini-asosida-davrijlashtirish-03-02.

5. Мамаюнус Пардаев. Жаҳон, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётининг вужудга келишидаги асосий омиллар. March 12, 2023. <https://telegra.ph/ZHa%D2%B3on-shu-zhumladan-%D0%8Ezbekiston-i%D2%9Btisodiyotinng-vuzhudga-kelishidagi-asosij-omillar-03-12>.

6. Murod Muhammedov Mamayunus Pardayev. Ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot bosqichlari. January 22, 2023 // <https://telegra.ph/Ijtimoiy-iqtisodiy-taraqqiyot-bosqichlari-01-22>.

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ СТРАТЕГИЯСИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: мақолада миллий иқтисодиётнинг тараққиёти стратегияси ва асосий йўналишлари қараб чиқилган. Унда асосий эътибор тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишига, яъни бевосита миллий иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган. Бу йўналиш жамият тараққиётининг асосий негизини ташкил қиласиди. Шу туфайли ушбу муаммонинг ечими ва масаланинг асосий йўналишлари нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам тадқиқ қилинган ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, стратегия, тараққиёт стратегияси, маънавият, тинчлик ва ҳамкорлик, Янги Ўзбекистон.

Abstract: the strategy and main directions of the development of the national economy are considered in the article. It focuses on the third direction of the development strategy, that is, directly on the development of the national economy. This direction is the main basis of the development of the society. Due to this, the solution to this problem and the main directions of the issue were studied not only theoretically, but also practically, and recommendations were given.

Key words: economy, national economy, strategy, development strategy, spirituality, peace and cooperation, New Uzbekistan.

Аннотация: в статье рассматриваются стратегия и основные направления развития национальной экономики. Он ориентирован на третье направление стратегии развития, то есть непосредственно на развитие национальной экономики. Это направление является основной основой развития общества. Благодаря этому решение данной проблемы и основные направления вопроса

были изучены не только теоретически, но и практически, и даны рекомендации.

Ключевые слова: экономика, народное хозяйство, стратегия, стратегия развития, духовность, мир и сотрудничество, Новый Узбекистан.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Тараққиёт стратегияси – Янги Ўзбекистонни шакллантириш стратегияси бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясида юриб борилган бўлса, тараққиёт стратегиясида чопиб боришга тўғри келмоқда. Қанчалик олдинга интилсак, қанчалик тез юрсак, шунчалик тез Янги Ўзбекистонни барпо қиласиз. Олдин пиёда юрган бўлсак, ҳаракатлар стратегиясида олға кетиш учун машинага ўтириб олишга тўғри келди. Тараққиёт стратегиясида шу машинанинг бошқачароқ, такомиллашган тезроқ юрадиган моделини танлаб олишимизга тўғри келмоқда.

Машинанинг тўртта ғилдираги бор. Бирортаси ишламаса, машина юрмайди. Тақаққиётимизни таъминловчи омиллар ҳам бир қанча уларнинг бирортаси ишламаса, белгиланган тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу туфайли тараққиётнинг ҳам тўртта ғилдираги ҳаммаси соз ва тўлиқ ишлаши лозим. Фикримизча, тараққиётимизнинг тўртта ғилдираклари: иқтисодиёт, маънавият, тинчлик ва ҳамкорлик ҳамда муаммолар ечимларини топишдан иборатдир.

Мұхтарам Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон Стратегияси” номли асарида юқорида қайд этилган тўртта ғилдиракни айлантиришга мўлжалланган еттига йўналишни белгилаб берган. Булар:

Биринчидан, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш.

Иккинчидан, адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон қадр-қимматини таъминлаш.

Учинчидан, миллий иқтисодиётни ривожлантириш.

Тўртинчидан, адолатли ижтимоий сиёsat юритиш ва инсон капиталини ривожлантириш.

Бешинчидан, маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш.

Олтинчидан, глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш.

Еттинчидан, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш. Ушбу йўналишларнинг ҳар бири тараққиётни тўлиқ таъминлашга хизмат қиласиз. Шу туфайли уларни тадқиқ қилиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот ва натижалар. Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши бевосита **миллий иқтисодиётни** ривожлантиришга қаратилган. Бу йўналиш жамият тараққиётининг асосий негизини ташкил қиласиз. Бироқ, иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам бир қанча омиллар иштироки ўз аксини топади. **Маънавият** бевосита бешинчи йўналишда белгиланган,

маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш бўлимида аниқ белгилаб берилган. Бу ҳам тараққиёт ва хотиржамликнинг муҳим омили ҳисобланади. **Тинчлик ва ҳамкорлик** еттинчи йўналишда ўз ифодасини топган бўлиб, унда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқа-ро ҳамкорликни ривожлантириш масаласида батафсил ёритилган. Чунки бутун мувоффақиятларнинг омили тинчликнинг барқарорлигига боғлиқ. **Муаммолар ечимларини топиш** масаласи бевосита олтинчи йўналишда, яъни глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш бўлимида қайд этилган. Шу тўртта ғилдиракдан фойдаланиб ҳаракатланиш натижасида биринчи йўналишда белгиланган, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришга эришилади ва шу мувоффақият орқали халқпарвар ижтимоий давлат барпо этилади, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатлари таъминланади. Шунингдек, тараққиётнинг иккинчи устувор йўналиши бўлган, адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон қадр-қимматини таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилинади. Ниҳоят тўртинчи йўналиш, адолатли ижтимоий сиёsat юритишга ва шу орқали инсон капиталини ривожлантиришга ҳам эришилади.

Юқорида келтирилган учинчи йўналиш миллий иқтисодиётни ривожлантириш масаласига қисқагина тўхталишни масадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу бўлимнинг энг устувор йўналишларидан бири **мамлакатдаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишдан** иборатдир. Чунки бугунги глобаллашув шароитида ушбу масала ўта муҳим ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ дунё мамлакатлари ўртасида ҳали анча паст. Масалан, Швейцарияда аҳоли жон бошига ЯИМ, яъни бойлиги 56,9 минг АҚШ долларини ташкил қиласи. Аҳолининг ўртача бойлиги Нидерландияда 47,1, Францияда 39,1, Венгрияда 24,5, Руминияда 9,4 минг АҚШ долларига тенг. Мамлакатимизда ушбу кўрсаткич 2,5 минг АҚШ долларини ташкил қиласи. Агар стратегияда кўрсатилганидек, ҳар йили ўрта ҳисобда 6,3-6,5 фоиздан ўсадиган бўлса 2025 йилга бориб ҳисоб-китоблар бўйича 3,351 минг АҚШ долларини, 2030 йилда эса, 4,569 минг АҚШ долларига этиши кутилмоқда. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қаерда ўртача иш ҳақи юқори бўлса, ўша ерда ЯИМ ҳажми ҳам аҳоли жон бошига юқори. Чунки, аҳолининг харид қобилияти ошган сари у моддий неъматларни сотиб олади ва мос равишда мамлакат ЯИМни кўпайтиради. Бу борада тескари фикрлар ҳам бор. Яъни мамлакатда ЯИМ аҳоли жон бошига кўп бўлса, ўртача иш ҳақи ҳам юқори бўлади, деб таъкидлашади. Аммо бу бироз янглиш фикр. Қачон ўртача иш ҳақи катта бўлсагина мамлакат ЯИМ ҳам юқори бўлади. Бу ҳам мантиқан тўғри, ҳам реал воқеликдир.

Мамлакатимиз тараққиётининг мустақилликдан кейинги барча босқичларида **хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушкини ошириш** масаласига катта ахамият берилиб келинди. Ушбу муаммо ҳамон тўлиқ ҳал бўлган эмас. Шу туфайли тараққиёт стратегиясининг бир

йўналиши айнан шу масалага қаратилди. Чунки Янги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибида хусусий секторнинг устуворлиги ва унга давлат аралашувининг камайтирилишига қаратилган. Мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг мамлакат тараққиётидаги ролини кучайтириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, оиласи тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга қаратилган рағбатлантириш механизмлари такомиллашган тарзда жорий қилиниб келинмоқда. Шу йўл билан мамлакати-мизда кенг иқтисодий имкониятларни ишга солинишига эришилади.

Президентимиз Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “хар бир фуқаро бой бўлса – давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса – мамлакат фаровон бўлади”³ деганда ҳам бевосита кичик бизнес, хусусий ва оиласи тадбиркорликнинг ривожланишини назарда тутмоқда. Ушбу йўл нафақат тадбиркорликни ривожлантиришга, балки мамлакатимизни кенг имкониятлар юртига айлантиришига, аҳолининг бандлигини оширишга ва камбағалликни қисқартиришга олиб борадиган йўлдир.

Янги Ўзбекистонда олдингидек солиқчи назоратчи эмас, балки “солиқчи – кўмақчи”, банклар фақат кредит берувчи эмас, балки “банклар – ҳамкор”, давлат олдингидек, маъмурий тўсиқ эмас, балки “давлат - ҳимоячи” тамойили асосида тадбиркорларнинг яқин ҳамкорига айланади. Эндиликда кичик бизнес, хусусий ва оиласи тадбиркорликнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун тегишли имтиёзлар ҳам берилиб, турли қулайликлар ҳам яратилмоқда. Бу боада мамлакатимиз раҳбари “Оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизини кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизини устувор равишда ўзини-ўзи банд қилишга йўналтиришга кўмаклашиш лозим”⁴, деб таъкидлади. Ушбу йўналишлар уй шароитида ҳунармандчилик билан шуғуланиш, касаначи-ликни йўлга қўйиш, томорқадан самарали фойдаланиш каби 64 та ўзини ўзи банд қилиши мумкин бўлган хизмат турларининг ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимизда “Ҳар бир оила - тадбиркор” доирасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ғоя оилада ёшидан, мавқеидан қатъи назар ҳамма аъзолари шуғулланиш имкониятлари яратилди. Ҳар бир оила аъзоси асосий ишдан ташқари бўш вақтларини шу йўналишга сарфламоқда. Чунки бу оила бюджети даромаднинг маълум миқдорда кўпайишига олиб келмоқда. Шу йўл билан ишсизлик ва камбағаллик ҳам қисқарилишига эришилмоқда. Булардан ташқари “Иқтисодий стратегиянинг муҳим банди – 2030 йилга қадар муносиб ҳақ тўланадиган 10 миллионта янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни бартараф этиш, ишсизлик даражасини 2030 йилда 5,2 фоизга, инфляцияни эса 15,2 фоиздан 4,3 фоизга пасайтиришга эришами”⁵, деб таъкидланган.

³ Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “Uzbekiston” нашриёти, 2021. - 138 бет.

⁴ Ўша жойда. – 143 бет.

⁵ Ўша жойда. – 145 бет.

Ушбу тадбирларнинг барчасининг замирида аҳолини юқори меҳнат даромади билан таъминлаш, камбағаллик даражасини қисқартириш, бандликни ошириш эвазига фуқароларимизнинг реал даромадлари ва реал ойлик маъошларини инфляция даражасига нисбатан тезроқ ўсишини таъминлашга қаратилган. Шу йўл билан аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини оширишга эришиш мумкин. Бу – Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадидир.

Таъкидлаш жоизки, Марказий банк ўтказган сўровномалар натижасида аниқланишича Ўзбекистонликларнинг 70 фоиз аҳолисининг асосий даромади ойлик маошдан, 15 фоизи тадбиркорликдан эканлиги маълум бўлди. 3,4 фоиз респондентнинг даромади эса хориждан келадиган маблағлардан иборат. Сўровномада қатнашганларнинг 86 фоизи ойлик даромадлари 7 млн сўмгача эканини билдирган⁶. Демак, аҳолининг тадбиркорликдан оладиган даромади ҳали кам. Яқин келажакда 50 фоиз аҳолининг даромадини тадбиркорлик ҳисобига шаклланишига эришиш мақсадга мувофиқ. Зеро ривожланган мамлакатларда аҳолининг асосий даромади тадбиркорлик ҳисобидан шаклланади.

Тараққиёт стратегиясида инвестицияларга катта аҳамият берилган. Чунки, жадал ривожланишини таъминлаш учун мамлакатимизга янги инновацион техника ва технологиялар керак бўлади. Бунга ўзимизнинг маблағларимиз етарли даражада бўлмаслиги мумкин. Бу эса хорижий инвестицияларни жалб қилишни тақозо қиласиди. Бунда устуворлик **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган**. Чунки бизнинг иқтисодиётимиз ва қабул қилинган тараққиёт стратегиясида унинг муҳимлигини инобатга олиб катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилишга қаратилган тадбирлар ҳам белгиланган. Мамлакатимизда инвестицияларнинг ўсиш суръати келгуси 10 йилда ЯИМнинг 25 фоизини ташкил қилиш вазифаси ҳам стратегияда акс эттирилган. Инвестициянинг муҳимлигини, инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида “Инвестиция кодекси”ни ишлаб чиқиш ҳамда “Инвестициявий омбудсман” институтини ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.

Алоҳида қайд этиш жоизки, тараққиёт стратегиясида **«хомашёдан – тайёр маҳсулотгача» тамоили асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш** масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бугунги кунда кластерлар барча соҳаларда ривожланиб бормоқда. Агарар соҳада “даладан – достурхонгача” тамоили асосида кузда этиштирилган мева-сабзавотларни сақлаб бу йилги мавсумгача истеъмолчиларга турли йўқотишларсиз етказилиб турган бўлса, бир йўналишда ушбу мева-сабзавотларни қайта ишлаб, у билан ҳам аҳолини узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали озиқ-овқат хавфсизигига ҳам эришмоқда. Кластерларнинг биргина қишлоқ хўжалигига жорий қилиниши этиштирилган маҳслотнинг 30-35 фоиз олдинги

⁶ Хабарлар 24 | Расмий канал]@Kunxabariofficial

йўқотишларни тежаб қолмоқда ва аҳолини қиммали маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаб туришга эришилмоқда. Шу билан бирга аҳолини сифатли овқатланишига ҳам сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқида: “Сўнгти 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чукур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат”. Шуларни инобатга олиб, кейинги йилда бир қанча инновацион йўналишларда кенг қамровли ишларни амалга ошириш кўзда тутилди. Улардан бири кластер усулидир.

Кластер усулининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бир мақсад сари шунга дахлдор бўлган кучларнинг бирлашишидир. Қадимдан мақол бор: “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”, деган. Кластер айнан “ўзиш” учун ташкил қилинган. Бирлашганда куч ҳам бирлашади. Кучнинг бирлашиши ушбу субъектнинг рақобатбардошлигини таъминлаши тайин. Бундай бирлашиш жараёнини турли соҳаларда амалга ошириш мумкин. Буни ишлаб чиқаришда (саноат, қишлоқ хўжалиги), хизмат қўрсатишнинг барча соҳаларида, ҳатто ижтимоий ҳаётда ҳам амалга ошириш мумкин. Бу борада мамлакатимизда жуда қисқа вақтда етарлича тажрибалар тўпланди. Шунда бир нарсага алоҳида аҳамият бериш жоизки, ҳамма соҳада замонавий илм ва билимларсиз катта мувоффақиятга эришиб бўлмайди, уни белгиланган даражада ривожлантириб ҳам бўлмайди.

Тараққиёт стратегиясининг асосида аҳоли фаровонлигини ошириш масаласи устувор масалалардан бири сифатида турибди. Бунга эриши учун аҳолига тўланадиган иш ҳақидан, улар истеъмол қиласидан маҳсулотлар қимматлашиб кетмаслиги, яъни инфляциянинг олдини олшга эришилиши лозим. Бу борада ҳам тараққиёт стратегиясида аниқ вазифалар белгиланган. Хусусан, **макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш** масаласи қўйилган. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзаги бўлган инсон манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Агар ҳар йили инфляция даражасини шу даражада сақлаб қолинадиган бўлса, аҳолининг ойлик маъшининг ўсиш суръати шу қўрсаткичдан 1,5-2,0 баробардан зиёд бўлиши керак. Шундагина аҳолининг харид қобилияти ошади ва шу билан бирга фаровонлиги ҳам яхшиланади.

Ушбу ҳолатни Марказий Осиё аҳолисининг ўртача даромадларида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда ойлик маош Қозогистонда 532 \$га тенг бўлса, Туркманистанда 330 \$, Қирғизистон 237 \$, Ўзбекистон 230 \$ ва Тожикистанда 134 \$дан иборат. Бежиз тараққиёт стратегиясида ойлик маошни ошириш вазифаси белгиланмаган. Шунингдек, ўртача нафақа ҳам Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон Қозогистондан кейин иккинчи ўринда турибди. Масалан, ушбу қўрсаткич Қозогистонда 235 \$, Ўзбекистонда 127 \$, Туркманистанда 120 \$, Қирғизистонда 74 \$,

Тожикистон 28 \$ни ташкил қилади⁷. Кўриниб турибдики, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ҳам ўз мавқеимизни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада мустаҳкамлаб олишимизга тўғри келар экан.

Ҳар бир мамлакатда олиб борилаётган тўғри иқтисодий ислоҳотлар бевосита давлат ва маҳаллий бюджетларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишга боғлиқ. Буни инобатга олиб, тараққиёт стратегиясида бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтириш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур устувор вазифаларнинг бажарилиши бевосита макроиктисодитӣ барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишга боғлиқ. Бунинг учун мамлакатимизда тахчилликсиз (дефицитсиз) бюджеттага эришиш, ташқи қарзнинг даражасини халқаро меъёрдан оширмаслик масалалари назарда тутилади.

Тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўлимида тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солик юкини камайтириш, бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича ислоҳотларни давом эттириш масаласи устувор қилиб белгиланган. Ушбу бўлимда давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш ва эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорларни энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш масалалари ҳам киритилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз учун муҳим устувор вазифалардан бири - аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш масаласидир. Буларга ҳам асосан иқтисодиётни ривожлантириш эвазига эришилади.

Мамлакатимизда инсон манфаатлари иқтисодий ислоҳотларнинг ўзагини ташкил қилган паллада иҷтимоий ҳимоя соҳасида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, иҷтимоий хизматларнинг сифатини яхшилаш ва қўламини кенгайтиришга ҳам устувор вазифа сифатида қараш лозимдир. Чунки бу вазифа бевосита инсонпарварлик тамойилига асосланган ҳолда амалга оширилиши ҳаммага аён.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР. Мамлакатимиз аҳолисининг тез ўсиб бориши, бевосита улар эҳтиёжини турли неъматлар билан кондиришга қаратилганлиги ҳам аҳолининг талабига мос стратегияларни ишлаб чиқиши тақозо қилади. Ушбу масалага бевосита даҳлдор бўлган устувор йўналиш **уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратишдан** иборатдир. Бундай устувор вазифалар қўйидагилардан иборат:

⁷ Телеграмдаги @UZBEKISTANUZ. расмий канали.

Биринчидан, тараққиёт стратегиясида ҳудудларда **1 миллиондан ортиқ ахоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этиш масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланган.** Ушбу стратегик вазифага яқин бўлган **«Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» дастурларини изчил давом эттириш** масаласи ҳам устуворликка эга.

Иккинчидан, қадимдан маълумки, аҳолининг соғлиги биринчи галда тоза ҳавога ва тоза сувга боғлиқ. Оммо бу борада ҳамон мамлакатимизда кўплаб муаммолар мавжуд. Буларни инобатга олиб тараққиёт стратегиясида **аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш** масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Учинчидан, яна бир ҳаётий муҳим масалалардан бири **жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро мунтазам автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатновини яхшилаш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишдан** иборатдир. Чунки инсонларнинг ҳаракати, бевосита юкларнинг бир манзилдан иккинчисига ўз вақтида етказиб берилиши каби муҳим масалалар айнан тараққиёт стратегиясининг ушбу йўналишига боғлиқдир.

Тўртинчидан, **қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш** миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан биридир. Аҳоли турмуш даражасини, яшаш сифатини белгиловчи муҳим омиллардан бири **агар соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан** иборатдир.

Бешинчидан, сир эмас, мамлакатимизда ҳам узоқ йиллардан буён қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг турмуш даражаси кўп ҳолларда шаҳардан тубдан фарқ қилиб, эркин ва фаровон яшаш имкониятлари чекланиб келинмоқда. Булардан келиб чиқиб, тараққиёт стратегиясида **қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш** масаласини ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди.

Олтинчидан, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярма қишлоқларда яшайди ва асосан дехқончилик билан шуғулланади. Қишлоқдаги аҳолининг фаровонлигини таъминлаш мақсадида **фермер ва дехқонлар даромадини 2 баробар кўпайтириш учун зарур шароитларни яратиш** масаласи ҳам устувор вазифа сифатида белгиланди.

Юқоридаги марраларни қўлга киритиш учун соҳани жадал ривожлантириш мезонларини ҳам белгилаб олишни тақозо қиласди.

Бундай заруриятдан келиб чиқиб, тараққиёт стратегиясида **қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга етказиш** масаласи қўйилган.

Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди.

Энди барча соҳаларда мувоффақиятларга эришмоқчи бўлсак фақат билимга ва яна билимга таянмоғимиз лозим.

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

Мамлакат Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқида яна шуни ҳам таъкидлаган эди: “Холбуки, бирорта ҳудудни ҳам, тармоқни ҳам замонавий илм ва билимларсиз ривожлантириб бўлмайди. Тарақкий этган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиги “билимлар иқтисодиёти” ҳисобидан, яъни, инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан яратилаётгани буни яққол исботламоқда”. Мамлакатимизда ҳам билимлар иқтисодиётини кўтармасак, жуда катта мувоффақиятга эришишимиз қийин. Бунинг учун билимларнинг қадрланиш даражасига алоҳида аҳамият беришни тақозо қиласи. Билим соёз жойда мувоффақиятга эришиш, айниқса ҳозирги жуда тез ўзгараётган замонда ўта мураккаб бўлиб қолди.

Тўлқин Саидахмедович Шарипов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув ишлари проректори, и.ф.н., доцент.

Анвар Нематович Холиқулов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

МЕҲМОНХОНАГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотация: мақолада меҳмонхонага оида бир қанча тушунчаларнинг, жумладан меҳмондўстлик, меҳмондўстлик индустряси, меҳмонхона шунингдек уларнинг қисқача тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, Меҳмонхона хўжалиги, туристик ресурслар, меҳмондўстлик, меҳмондўстлик индустряси, меҳмонхона.

Аннотация: В статье дано краткое описание нескольких гостиничных понятий, включая гостеприимство, индустрию гостеприимства и гостиницу.

Ключевые слова: туризм, гостеприимство, туристские ресурсы, гостеприимство, индустрия гостеприимства, гостиница.

Abstract: The article gives a brief description of several hotel concepts, including hospitality, the hospitality industry and the hotel.

Key words: tourism, hospitality, tourist resources, hospitality, hospitality industry, hotel.

Меҳмонхона хўжалиги туризм соҳасининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли туризм ривожланиши меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайишига олиб келади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, туризм умумий иқтисодий ўсишга, кам тарақкий этган ҳудудларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бундай ҳудудларда туристик марказларни очиш кўпгина давлатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий усули ҳисобланади. Тоғ ва қишлоқ жойларида туристик марказларнинг ташкил қилиниши шу жойларнинг ўзлаштирилишига, аҳоли яшаш даражага-

сининг яхшиланишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда бой туристик ресурсларга эга бўлишига қарамай, мавжуд имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳолатдан анча кам. Ушбу соҳанинг яна бир муҳим жиҳати, қишлоқда ортиқча иш кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал қилишга кўмаклашувчи муҳим соҳа ҳисобланади. Чунки, хусусий тадбиркорлик учун жазибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари шаҳарда ҳам қишлоқда ҳам етарли даражада ривожланган эмас. Айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳанинг ривожланиши учун охирги пайтларгача ҳеч қандай таъсирчан чоралар қўрилмасдан келинди.

Хизмат ва сервис соҳасининг ривожланмаганлиги аҳолининг истеъмол харажатлари таркибиغا ҳам таъсир қиласи. Мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибидаги хизматларнинг улуши бор-йўғи 15,4 фоизни ташкил қиласи⁸. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичнинг миқдори ривожланган мамлакатларда 50-60 фоиздан кам эмас⁹.

Кейинги йилларда кўпгина мамлакатларда, хусусан ўзимизда ҳам шаҳарларда яшовчиларнинг хордик чиқариши учун дам олиш кунлари қишлоқларга чиқиши одат тусига кириб бормоқда. Бу шунга олиб келдики, қишлоқ аҳолиси туризм билан боғлиқ иккинчи ихтисосликка эга бўлиш ва қишлоқнинг хушманзара жойларида туристик мажмуаларни куриб ишга туширишни тақозо қиласи. Бу эса, ўз навбатида қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаб олиш имконини яратади.

Туризм кўламининг кенгайиши билан хизмат кўрсатиши корхоналарининг, жумладан меҳмонхоналарнинг сони ҳам ошиб бораверади. Булардан ташқари туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ соҳага яна кўплаб корхоналар, хўжалик юритувчи субъектлар (овқатлантириш шахобчалари, транспорт, кўнгилочар объектлар ва б.) киради ва улар туристик мавсум давомида фаолият кўрсатади. Уларнинг пул айланмаси туристлар сонига қараб ортади.

Туризм хизмат кўрсатиши соҳасига тегишли бўлиб, иқтисодиётнинг тезлик билан ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда туризмнинг юқори суръатлар билан ўсиши, ката ҳажмдаги валюта тушумларини таъминлаш орқали иқтисодиётга ижобий таъсир этиб, мамлакат туризм индустрясининг ривожланишига ҳам имкон беради. Чунки, туризм тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг асосида меҳмондўстлик ётади. Бу инсониятнинг азалий одати бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Олдин меҳмонлар ўз уйида, хонадонида кутиб олинган. Ҳозир унинг мазмуни ўзгарди. Одатда одамлар бир неча кун, хафта, ой мобайнида уйидан узоқда яшашига тўғри келади. Унга «бегона»

⁸ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2004. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2005.-72 бет.

⁹ “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2006 йил 17 апрел. Ҳалқ сўзи. 2006 йил 18 апрел.-1 бет.

кишиларнинг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами керак бўлади. Бу эса меҳмондўстлик орқали амалга оширилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига мувофиқ меҳмондўстлик «меҳмондўстга хос хислат, хатти-ҳаракат, меҳмон кутишини ўрнига қўйиш» демакдир¹⁰. Ҳозирги кунда меҳмондўстлик билан қилинган ташрифлар ҳам кимнингдир хонадонларида эмас, балки меҳмонхонларда тунаш ва дам олиш билан боғлиқ равишда амалга оширилмоқда. Шу туфайли меҳмондўстлик ва туризм атамаларини иқтисодий адабиётларда¹¹ бир-бири билан боғлиқ ҳолда қўлламоқдалар. Мамлакатимиз олимлари меҳмондўстлик ўрнига “меҳмоннавозлик” иборасини ҳам ишлатмоқда¹². Булардан ҳам кўриниб турибдики, меҳмондўстлик тушунчасининг табиатини очиб бериш туризмнинг назарий масалаларини қарашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳар бир тушунчанинг таърифини ишлаб чиқиши тақозо қиласди. Меҳмондўстлик ҳозирги пайтда туризмда кўрсатиладиган хизматларнинг тури бўлиб, маълум даражада тадбиркорлик аломатларига ҳам эга. Унинг шу мазмунидан келиб чиқиб меҳмондўстликка қўйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Меҳмондўстлик – бу меҳмонларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспортда ташиш, экскурсия қилдириш, конференция ўтказиши, кўнгилочар каби хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуидир.**

Меҳмондўстлик туризмнинг бир қисми сифатида мазкур соҳанинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Шу туфайли меҳмондўстлик индустриясини ташкил қилиш ҳам соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Буларни инобаттга олиб меҳмондўстлик индустриясининг ҳам таърифини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ, деб топилди. **Меҳмондўстлик индустрияси деганда меҳмондўстликни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти тушунилади.**

Туризмга оид адабиётларда «туризм ва меҳмондўстлик индустрияси» термини кенг қўлланилиб келинмоқда¹³. Унда эътироф этишилича меҳмондўстлик туризмга нисбатан кенгроқ ва умумий тушунча деб қаралмоқда. Чунки, унинг вазифаси нафақат туристларнинг эҳтиёжларини, балки барча истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, дейилмоқда. Бизнинг фикримизча, туризм ва меҳмондўстликни айри ҳолда қараб бўлмайди. Шу туфайли меҳмондўстлик индустриясини ҳам алоҳида кўриб чиқиши мумкин эмас, чунки туристлар ҳам саёҳат мақсадига боғлиқ

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. 2 Е-М

¹¹ Папиран Г.А. Менеджмент в индустрии гостеприимства (отели и рестораны). М.: ОАО НПО: Изд-во “экономика”, 2000., Уокер Дж. Введение в гостеприимство: Учебник / пер. с англ. М.: ЮНИТИ, 1999., Основы управления предприятиями и организациями индустрии гостеприимства / Под ред. А.Браймера. – М., 1994. ва бошқалар.

¹² Маматкулов Х.М. Туризм ва сервисга оид изоҳли луғат. Самарқанд: СамИСИ, 2010. – 151 б.

¹³ Туризм и гостиничное хозяйство. Учебник / Под ред. проф., д.э.н. А.Д. Чудновского. – М.: Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство ЭКМОС, 2001, – 400 с.

равишида ўзига хос эҳтиёжларга эга бўлган истеъмолчилар ҳисобланади.

Мехмондўстлик индустряси тарихан турли меҳмонхона корхоналари, яъни жойлаштириш хизматлари кўрсатувчи тармоқларда шаклланган. Умумий ҳолда меҳмонхона деганда ташриф буюрувчилар учун мебеллар билан жиҳозланган, яшаш учун тайёр ҳолга келтирилган хоналардан иборат бино тушунилади. Замонавий шароитда меҳмонхона фуқароларга, шунингдек, алоҳида туристлар ёки маҳсус гуруҳларга меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи корхона ҳисобланади. Аммо бу тушунча бўйича ҳам турли қарашлар мавжуд. Уларни умумлаштириб, меҳмонхонага қуйидаги таърифни бериш мақсадга мувофиқдир.

Меҳмонхона деганда меҳмонларнинг (туристларнинг) вақтинча яшаши, яъни дам олиши ва ишлиши учун зарур бўлган шароитлар яратилган ва талаб қилинадиган қўшимча хизматларни кўрсатишига мўлжалланган маҳсус хўжалик тушунилади. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф меҳмонхонанинг мазмунини тўлиқ ўзида ифода этади.

Замонавий меҳмонхона корхонаси истеъмолчиларга нафақат тураг жой ва овқатланиш хизматлари, балки транспорт, алоқа, қўнгилоchar экскурсия хизматлари, тиббиёт, спорт, гўзаллик салонлари каби кенг қамровли хизматларни таклиф этади. Амалда меҳмонхона корхонаси туризм ва меҳмондўстлик индустряси таркибида асосий функцияларни бажаради, истеъмолчиларга комплекс хусусиятларга эга меҳмонхона маҳсулотини таклиф этади. Бу маҳсулотнинг шаклланиши ва сотилишида туризм ва меҳмондўстлик индустрясининг барча секторлари ҳамда элементлари иштирок этади. Шу нуқтаи назардан ишда меҳмонхона бизнесини туризм ва меҳмондўстлик индустрясининг таркибий қисми сифатида мустақил кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ, деб топдик. Шу боис баъзи масалалар маълум даражада туризм ва меҳмондўстлик индустряси билан узвий алоқада ўрганилди.

Меҳмондўстлик индустряси фан ва техника ривожланиши натижасида инсонларга қулайлик яратувчи миллионлаб ходимлар фаолият кўрсатувчи кучли индустряга айланди. Меҳмондўстлик индустряси инсон касбий фаолиятининг турли соҳаларини бирлаштиради: туризм, меҳмонхона ва ресторон бизнеси, умумий (оммавий) овқатланиш, дам олиш ва қўнгилоchar хизматлар, анжуманлар ва кўргазмалар ташкил этиш, спорт, музей, кўргазма, экскурсия фаолияти, шунингдек меҳмондўстлик соҳасидаги касбий йўналишларни ўз ичига олади.

Туризм хизмат кўрсатиши соҳасига тегишли бўлиб, иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири бўлганлиги туфайли мамлакатимизда ҳам унинг юқори суръатлар билан ўсиши, ката ҳажмдаги валюта тушумларини таъминлаш орқали иқтисодиётга ижобий таъсир этиб, туризм индустрясининг ривожланишига имкон яратмоқда. Кейинги йилларда меҳмонхона бозорида таклифнинг ошиши билан бир пайтда жойлаштириш хизматларига бўлган талабнинг пасайиши кузатилмоқда. Бу ҳолат рақобатнинг кучайишига олиб келди. Меҳмонхона бизнесида

рақобатда устунликка эришишнинг асосий йўналишларидан бири рақобатчиларга бўлган юқори сифатли хизматларни таклиф этишдир.

Туризм асосан, ўз ичиға инсонларнинг кўнгил ёзиш, хордиқ чиқаридам олишга мўлжалланган ҳатти-харакатларини олади. Бундан ташқари, туризмга иш ҳамкорлари ва узоқдаги дўст-қариндошлар билан учрашиш кабилар ҳам кирсада, бундай саёҳатлар давомида ҳам кўнгилхушлик ва хордиқ ёзишлардан воз кечилмайди.

Туризм мураккаб социал-иктисодий система сифатида турли вазифаларни бажаради. Уларга: таништирув, рекреацион ёки соғломлаштириш, сиёсий, иқтисодий, тарбиявий йўналишларни киритиш мумкин. Саёҳат орқали инсон дунёни танийди, тажриба орттиради, янгиликлар кашф этади, ўзининг дунёқарашини шакллантиради ва бунинг натижасида фан, маданият, санъатни ривожлантириб ижтимоий ривожланишнинг асосий омилларига айланади. Саёҳат орқали одамлар ўзларининг соғлиқларини тиклайдилар, янги таъсуротлар олиб ўзларининг физик ва психологик ҳолатларини яхшилайдилар. Туризм ёрдамида мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўядилар. Чунки тарихан туризм доимо тинчлик ва дўстлик тимсоли мамлакатларни ўзаро боғлаган. Буларнинг барчаси миллат маданиятини кенгайтирган ва ўзаро тинч муносабатларни ўрнатган.

Туризмнинг иқтисодий вазифаси шуки, туризм бу мамлакатда илғор тармоқ бўлиб, туризм билан ҳамкорликда ишлаётган айрим иқтисодий фаолият турларини ривожланишига ёрдам беради. Туризмнинг тарбиявий йўналишдаги вазифаси шундан иборатки, инсон саёҳат натижасида билим ва тажриба олади, бундан ташқари чиниқади, қийинчиликларни бартараф этади, мамлакатини соғинади ва қадрлайди, бошқа миллат дунёқарашига, урф-одатларига ҳурмат билан қарайдиган бўлади.

**Рузибай Нормахматов – СамИСИ профессори,
Акрам Ғафуров – СамИСИ катта ўқитувчиси,
Суннатилло Бозорбоев – СамИСИ талабаси**

ОҚСИЛГА БОЙ ЧИҚИТЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда етиштириладиган ўрикнинг Юбилейный Навоий, Арзами, Кўрсодиқ помологик навлари данаги мағзининг (ядро) таркибидағи оқсил микдори ва унинг аминокислота таркиби бўйича олинган тадқиқот натижалари келтирилган. Шунингдек, бу хом ашёдан нон – булка ва баъзи бир қандалот маҳсулотларининг таркибини ўрин алмаштирумайдиган аминокислоталар билан бойитилиши масалалари ҳам ўрганилган.

Калит сўзлар: ўрик данаги, ўрик данаги мағзи, оқсил, аминокислота, ўрин алмаштирумайдиган аминокислота.

Аннотация: В статье представлены результаты определения белкового и аминокислотного состава ядер косточек абрикосов помологических сортов Юбилейный Навои, Арзами, Курсадик, выращиваемых в Узбекистане. Также изучены вопросы обогащения хлеба - булочек и некоторых кондитерских изделий из этого сырья незаменимыми аминокислотами.

Ключевые слова: косточка абрикоса, ядра косточек абрикоса, белок, аминокислота, незаменимая аминокислота.

Abstract: The article presents the results of determining the protein and amino acid composition of the kernels of apricot pits of pomological varieties Yubileiny Navoi, Arzami, Kursodik grown in Uzbekistan. The issues of enrichment of bread - buns and some confectionery products from this raw material with essential amino acids have also been studied.

Key words: apricot kernel, apricot kernels, protein, amino acid, essential amino acid.

Кириш: Бугунги кунда ер шари аҳолисининг оқсилига бўлган талабини қондириш муаммоси тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу ҳолат нафақат ер шари аҳолиси сонининг тез суръатлар билан ўсиши, балки ўсимлик оқсилиларининг асосий манбаи ҳисобланган бошоқли донларнинг ҳосилдорлигининг ошиши билан уларнинг таркибидаги оқсили миқдорининг камайиб бориш тенденциясига эга эканлиги билан ҳам изоҳланади.

Бундай шароитда аҳолининг ўсимлик ва ҳайвонот оқсилиларига бўлган талабини қондиришнинг янги йўлларини излаш муҳим аҳамият касб этади. Муаммони ҳал этиш йўллари эса ҳар хил. Шу сабабли оқсили танқислигини ҳал этишда турли соҳа мутахасислари иштирок этишмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили: Ҳозирги кунда дунё миқёсида кенг доирада селекция ишлари натижасида юқори даражада оқсили тутувчи ўсимлик навларини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Шу билан биргаликда олдинлари чиқит ҳисобланган – иккинчи даражали хомашёлардан озиқ – овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган тўлиқ қийматли оқсилиларни олишнинг биокимёвий усусларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда (2).

Тадқиқот методологияси: Ана шундай иккинчи даражали оқсилига бой хомашёлардан бири данакли меваларни консерва заводларида қайта ишланганда чиқадиган данаклар ҳисобланниб, уларнинг данагининг ичидаги мағзи (ядро) юқори озукавий ва биологик қийматга эгадир.

Таҳлил ва натижалар: Бизнинг олиб борган тадқиқот ишларимиз натижасига кўра ўрик данаги мағзининг (ядро) ҳиссаси ўрикнинг помологик навига боғлиқ бўлиб, 20 фоиздан 30 фоизгачани ташкил этади. Шу сабабли ўрик данаги мағзининг таркибида оқсили миқдорини ва унинг аминокислота таркибини ўргандик. Ўрик данагида оқсилиларни умумий миқдорини Къельдал усулида (1), оқсилиларни аминокислота таркибини эса “Хитачи” фирмаси ишлаб чиқарган аминокислота анализатори ёрдамида аниқладик.

Тадқиқот обьекти сифатида М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон

боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий - текшириш институти Самарқанд филиали боғларида етиштирилган ўрикнинг Юбилейный Навоий, Арзами, Кўрсодик помологик навлари танланди. Тадқиқот натижалари 1 – жадвалда келтирилади.

1 – жадвал

Ўрик данаги оқсилиниң аминокислота таркиби (Хўл протеинга нисбатан % ҳисобида).

Аминокислоталар	Юбилейный, Навоий	Арзами	Кўрсодик
Лизин	3,88	3,61	4,92
Гистидин	2,65	1,85	2,02,
Агинин	9,92	10,35	11,05
Аспарагин кислота	11,92	10,93	11,35
Тreonин	2,55	2,10	2,68
Серин	3,73	3,42	3,41
Глутамин кислота	28,12	24,62	22,52
Пролин	4,12	6,14	4,24
Глицин	5,09	4,70	4,22
Аланин	4,30	4,95	5,33
Цистин	2,38	2,42	2,65
Валин	3,29	4,53	4,71
Метионин ^x	-	-	-
Изолейцин	3,62	3,92	3,96
Лейцин	7,10	6,62	7,35
Тирозин	2,20	3,28	3,00
Фенилаланин	5,06	5,89	5,27
Триптофан	1,36	1,29	1,51
Хўл протеин, % хавода қуритилган массага нисбатан	21.82	18.76	18.68

х- аниқланмаган

1 – жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрик данагининг мағзида оқсил миқдори Юбилейный Навоий навида – 21,82 % ни Арзамида 18,78 %, Кўрсодикда эса 18,86 фоизни ташкил этади. Бу эса ўрик данаги мағзида оқсил миқдори гўштдаги оқсил миқдоридан ҳам бирмунча ортиқ эканлигини кўрсатади.

Маълумки, оқсилларнинг биологик қиймати уларнинг таркибига кирадиган ўрин алмаштирамайдиган аминокислоталар миқдори ва ва уларнинг нисбати билан баҳоланади. Бу аминокислоталардан атига биттасигина бўлмаслиги, инсон организмида ўзига хос бўлган модда алмашинувининг бузилишига олиб келади.

Шу сабабли таркибида оқсил тутувчи хом ашёларнинг озиқ – овқат

маҳсулотларига қўшиш асосида уларнинг таркибини бойитиш ва ўрин алмашинмайдиган аминокислоталар нисбатини оптималлаштириш муҳим илмий – амалий аҳамият касб этади.

Бизнинг тадқиқот ишларимиз натижалари умумлаштирилган 1 – жадвал маълумотлари шундан далолат беради, ўрик данагининг таркибиға киравчи ўрин алмаштирмайдиган аминокислоталарнинг умумий ҳиссаси, унда мавжуд бўлган аминокислоталарнинг 26 – 30 фоизини ташкил этади. Ўрикнинг биз ўрганган помологик навлар лизин, треонин, валин, лейцин, фенилаланин, триптофан каби ўрин алмаштирмайдиган аминокислоталар бўйича бир – биридан кескин даражада фарқ қилмаслигини кўрсатади. Шунингдек, ўрик данаги оқсили таркибида ноёб аминокислоталар ҳисобланадиган триптофан, лизин, валин каби аминокислоталарнинг нисбати энг қулай нисбатда эканлигини ҳам кўриш мумкин.

Ўрик данаги мағзининг оқсили таркибида ўрин алмаштирмайдиган лейцин аминокислотаси энг кўп миқдорни ташкил этиши аниқланди. Унинг миқдори жами аминокислоталар миқдорининг 7,10 фоизини ташкил этади. Маълумки, бу аминокислота валин ва изолейцин аминокислоталари билан биргаликда мускул толаларини ҳимоя қиласиди ва унинг қайта тикланишига ёрдам беради. Инсон организмида бу аминокислота сўлак безларида, талоқда, жигарда, буйракда, қон зардоби оқсили таркибида доимий равишда бўлади. Шунингдек, бу аминокислотанинг инсон организмида этишмаслиги модда алмашинуви жараёнларининг бузилиши, иммун тизимининг бир маъромда ишлашидан тўхтаб қолиши ва мускул массасидаги йўқотишлиарга ҳам олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам спортчиларнинг мусобоқаларда кўп куч сарфидан кейин мускул массасининг қайта тикланишини таъминлаш учун лейцин фаол биологик қўшимча сифатида қабул қилинади.

Ўрик данаги мағзининг оқсили таркибида миқдор жиҳатидан иккинчи ўринда фенилаланин ўрин алмаштирмайиган аминокислотаси туради. Унинг миқдори жами аминокислоталарнинг 5,06 фоизини ташкил этади. Бу аминокислота ҳам ҳаёт учун энг зарур аминокислота ҳисобланади. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бу аминокислота инсоннинг хуш кайфиятини таъминловчи серотанин ва дофамин гормонларининг синтезида иштирок этади. Шунингдек, бу аминокислота қалқонсимон безнинг асосий гормони тироксиннинг ҳосил бўлишида иштирок этиб, унинг нормал ишлашини таъминлайди. Мана шулар ва бошқалар ўрик данаги мағзини нон ва қандалот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўшимча хомашё сифатида кўллаш уларнинг аминокислота таркибини мувозанатлаштириши мумкинлигидан далолат беради.

Бизнинг ўтказган тадқиқот натижаларимиз бўйича ўрик данаги мағзини нон ишлаб чиқаришда ун массасига нисбатан беш фоиз миқдорда қўшилиши ноннинг ранг ва таъм кўрсатгичларининг табиийлигини ўзгартирмасдан, уларнинг таркибини оқсил ва ўрин алмаштирмайдиган аминокислоталар билан бойитиш мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек,

ўрик данагини қандалот маҳсулотларининг таркибини, бойитишда ҳам қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар: Ўрик данаги мағзи оқсили таркибида ўрин алмиштирмайдиган аминокислоталар мавжуд бўлганлиги сабабли, бу хомашёларни нон – бўлка ва баъзи бир қандалот маҳсулотларининг аминокислота таркибини мувозанатлаштиришда қўллаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ермаков А.И Методы биохимического исследования растений. – Л.: Агропромиздат, 1987.
2. Щеколдина Т.В. Получение белкового изолята из подсолнечного шрота. Известия вузов. Пищевая технология, 2008, № 1.

Анвар Нематович Холиқулов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: маколада хизмат кўрсатиши фаолиятининг назарий таҳлили, айниқса хизмат кўрсатиши фаолияти, сервисология тушунчаларининг мазмун ва моҳияти батафсил ёритиб берилган

Калит сузлар: хизмат, хизмат кўрсатиши, хизмат кўрсатиши фаолияти, сервисология, бошқарув, самарадорлик.

Аннотация: в статье подробно разъясняются теоретический анализ сервисной деятельности, особенности содержания и сущности сервисной деятельности, концепции сервисологии.

Ключевые слова: сервис, оказание услуг, сервисная деятельность, сервисология, управление, эффективность.

Abstract: the article explains in detail the theoretical analysis of service activities, the features of the content and essence of service activities, the concept of service science.

Key words: service, provision of services, service activity, service science, management, efficiency.

Турли хил жамиятларда хизмат кўрсатиши фаолиятини илмий тушуниш тарихий эволюция таҳлилини ҳозирги замонга хослигини ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиши фаолияти деганда – Бу одамлар фаолиятини жамоавий ҳамда индивидуал хизматларини ўзаро таъсири амалга ошишининг намоён бўлишидир. Бу ўзаро таъсиrlар бир томондан турли хил талабларни ўзлаштириб, белгиланган фойдани олишни ҳоҳлади. Бошқа томондан эса аниқ хизматни кўрсатиб, уларга ҳам худди шундай фойдани олишни намоён қиласи. Бу муносабатларнинг мақсади моддий бойликлар тўплаш эмас балки инсоният талабини қондиришдир.

Тарихда ўзини – ўзи таъминлаш ва қариндошлик ўзаро ёрдамидан ўсиб чиқиб, сервис хизмати муваффақиятли бозор муносабатида яхлит ҳолатга келтирилди. Бу ишчилар меҳнатини касбга бўлинишини ҳамда уларнинг корхона эгаларини бозордаги хизмати фаоллигини шартлаб қўйди. Бу хизмат кўрсатиши фаолиятини иқтисодиётга боғлиқ бўлмаган хусусияти ижтимоий ва таъсирчан қатъийлигини кучайишидан далолат беради. Хизмат кўрсатиши фаолиятининг мураккаб хусусияти сервисологиядир.

Сервисология – хизмат кўрсатиши фаолияти ҳақидаги фан бўлиб, яъни ҳозирги кун дунё анализасида ҳалқаро интизом, теоритик ва амалий текширишлари соҳалари шаклланиб бораётган фандир. Хизмат кўрсатиши доирасидаги меҳнатдан саноат ёки қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш меҳнати фарқ қилиниши аниқланганлигига анча вақт бўлган. Аммо ўз – ўзидан хизмат кўрсатиши хусусияти узоқ вақт текширувчилар учун, узоқ вақтгача ноаниқлигича қолиб келди. Хизмат кўрсатиши хусусиятини одамлар маданий ҳаётида жамоа ишлаб чиқариш боғлиқлигига кўп вақт керак бўлади. Қуйида хизмат кўрсатиши фаолияти илмий таҳлилини асосий ва шаклланиш босқичларини кўриб чиқамиз. Хизмат кўрсатиши фаолиятини ўрганишни умумий назарий ва илмий таҳлил хусусиятларини очишдан бошлаймиз. Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиши фаолиятини илмий таҳлил бошқа ҳар қандай илмий йўналишлар каби ўзининг предметини турли даража ва компонентларга эга сифатида қаралади. Хизмат кўрсатиши фаолияти ҳақидаги маълумотлар йиғилиб эмпирик даража босқичли таҳлили амалга оширилади. Бу ерда хизмат кўрсатиши фаолияти табиати аниқланади унинг факт жараёнлари хусусияти тавсифланиб, унинг асосий қисми ва чегаралари аниқланади. Хизмат кўрсатиши фаолияти ҳақидаги умумлашган назарий тушунчаларни юзага келиши билан боғлиқ ҳолда анча мураккаб таҳлилларни билишни кейинги босқичларда амалгам оширилади. Умумий назарий таҳлил жамиятда хизмат кўрсатиши фаолиятини англашни тўлиқ қондирилиш сифатининг юқори даражаси тушунилади. Ушбу даражадаги англашни назарий аспектларини билиш хизмат кўрсатишнинг методологик таҳлилларни ишлаб чиқишига йўл қўяди. Методологик таҳлил остида умумназарий таҳлил тушунчалар тизимини билиш қонуниятлари, унинг моҳиятини тушунтиришдаги ўрни, тарихий эволюциясидаги қонуниятлари, ҳамда жамият ишлаб чиқаришда социал тузилиши ва амалиётдаги ўрни тушунилади.

Кўплаб ижтимоий ва гуманитар фанларда таҳлилнинг аниқ даражаси амалиёт фаолиётида олинган илмий натижаларни қўллаш мухим аҳамият касб етади. Хизмат кўрсатиши фаолияти ҳақидаги фанда аниқ даража ўта мухим аҳамиятга эга бўлиб, хизмат кўрсатиши аҳолига хизмат кўрсатиши ҳақидаги бир қанча саволлар, шу доира ишчилари, давлат ҳокимияти ташкилотлари, ҳамда кўп сонли исътемолчилар учун ўта мухимдир. Ҳар қандай обектни илмий таҳлилдаги асосий маъно предмети эга бўлиб, хизмат кўрсатиши моҳиятини тўлиқ намоён бўлишини таъминлайди. Хизматлар тўғрисидаги назарий тушунчалар уларнинг бошланғич этапидаги таҳлили

иктисодиётда яққол йўналишга эга. XX – асрнинг ўрталарида хизмат кўрсатиши фаолиятини тушуниш халқаро меъёрлар ҳарактери хусусиятига эга бўлиб, ушбу ҳолатда иктиносий, ижтимоий, бошқарув ва бошқа аспектлар таҳлили тенг ҳуқуқли деб қаралди. Тарихий амалиётда хизматни илмий таҳлили империк фактларни йиғиши билан эмас, балки иктиносий ва ижтимоий табиатни аниқлаш билан бошлаган. Бу жараён 18-19- асрларда Англия сиёсий иктиносидиётида юзага келди.

Англия сиёсий иктиносичилари хизматни иктиносий муносабатларни таркибий қисми деб қаради. Шунинг учун олимлар хизматни номоддий фойдага киритишиди. Хизмат ҳарактерини тушунишда яна бир асосий хусусият фойдали меҳнат бўлиб, бу техника яратиш кундалик эҳтиёж моллари билан боғлиқлигини хизмат доирасида фойдасиз меҳнатга нисбати сифатида қаралди. Хизмат кўрсатиши фаолиятида моддий ишлаб чиқаришда фойдали меҳнатдан фойдасиз меҳнатни хизматни кўп турини кўрсатади ва сезилмайдиган меҳнатларнинг хусусиятларини бир-биридан фарқлади.

XX – асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб Шимолий Америка ва Фарбий Европа давлатлари иктиносидиётда хизматни жадал ривожланиш жараёни обекти сифатида қаралади. XX – аср ўрталарида иктиносидиёт амалиётида юзага келган ўзгаришлар таъсирида Фарб мамлакатларида оммавий психологияк ҳамда назарий фикрларни кенгайтириб, иктиносий ривожланишни ҳар томонлама тўлиқ ўрганишни тақазо етади. Иктиносидиёт фанида хизмат фойдали меҳнат элементи сифатида қаралади. Инсониятга фойда келтирадиган ҳар қандай фойдали хизмат фойдали меҳнат деб аталади. Хизмат доирасидаги бозор муносабатлари элементларининг товар ишлаб чиқариш доирасида хизмат кўрсатиши фаолияти ўзига хос хусусиятларига эга.

Хизмат кўрсатиши фаолиятида методологик таҳлилнинг назарий маданий – антропологик, политологик, ижтимоий психологик ҳамда ижтимоий тушунчалар қўллана бошланиши билан бойиди.

Юқоридаги ғояларга асосан хизматлар жамият ва индивидуал турларга бўлинади. Хизмат доирасини ривожланишини социологлар бевосита ҳозирги замон ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг вақтини ошириш билан боғлади. Бу ҳақда социология фанида бир қанча билимлар ривожланиб борди. Соғломлаштириш ва тиббий хизматни ўрганишда биология, психология ва медицина фанларининг билим ва ютуқларини ўрганиш билан амалга оширилади.

Туризм ва саёҳат билан боғлиқ бўлимида география ландшафтлар иклим ҳақида илмий маълумотлар қўлланилади. Хизмат кўрсатиши самарадорлигини оширишда маркетинг ва рекламанинг имкони бўйича қўллаш амалиётда бизнес тавсия этилади.

Хизмат кўрсатиши фаолиятини текширишда асосий йўналиш ишлаб чиқариш менежменти ҳақидаги тушунчалар шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, бунга менежмент хизмат кўрсатиши фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ёндошади. Менежмент таҳлилига корхона

табиати ва моҳиятини ундан ташқари бозор шароитида самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ ҳолда тушунилади.

1-жадвал.

Корхоналарнинг ташкилий асослари тўғрисида теоретик тушунчалар эволюцияси, бошқарув фаолияти ва унинг самарадорлик мезонлари

Концепциялар, мактаб ва муносабатлар	Аспектларда ташкиллаштириш модели		
	Корхоналарни ривожлантириш	Менежмент фаолиятини устуворлиги	Самарадорлик мезонлари
Илмий бошқарув мактаблари (1885-1920)	Механик конструкция	Ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш	Иқтисодий самарадорлик ёки ресурсларни роционал қўллаш
Инсоний муносабатлар мактаби (1930-1950)	Меҳнат тақсимотидан тузилган одамлар жамоаси	Ходимларни бошқариш ёки ташкиллаштириш	Психологик ва социал омилларни хисобга олувчи иқтисодий самарадорлик
Тизимли муносабат (50 – йилларнинг охиридан шу кунга қадар)	Мураккаб иерархик кўп табақали тизим	Стратегик менежмент	Мувофиқлик тизим
Ситуацион муносабат (60 – йилларнинг охиридан шу кунга қадар)	Хар – хил груп-лар қизиқишини хисобга олган, хар – хил ўзгарув-чиларга ва мақсадларга эга бўлган жамоа ташкилотлари	Ташкилотнинг хар – хил бўлмларидан ўзаро ташкиллаштириш умумий мақсадини биргаликдаги сиёсати	Социал иқтисодий мақсадга мувофиқлик

Шу ўринда назарий менежмент тушунчаси аста секин умумлашиб ва мураккаблашиб бормоқда. Корхона хизмат кўрсатиши фаолиятининг бошқаруви кўп функциялари сифатида қаралади. Яъни бунда корхоналарнинг фақатгина ишчилар бошқаруви ва моддий молиявий таҳлилни ҳар томонлама назарда тутилган.

Бундан ташқари менежмент хизматига жорий ва стратегик бошқарув, ишчилар бошқаруви, молиявий инвестицион, табиатни қўриқлаш йўналишидаги хизматлар киради.

Хизмат кўрсатиши фаолиятига назарий таҳлилни мураккаблашуви унга қўшимча обектларни қўллашни тавсия этади. Хозирги кунда бу фан халқаро меъёрлар йўналишидаги тушунча бўлиб, асосий ролни ижтимоий ва иқтисодий таҳлилларни бажаради. Бундан ташқари назарий даражадаги тушунчалар ушбу фанда аниқ даражада эга бўлиб, илмий тушунча, хулоса ва тавсиялар сервис фаолияти амалиётида қўллашни мақсад қилиб қўяди.

**Zayniddin Komila Nabijon qizi – O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
magistranti**

**MILLIY IQTISODIYOTNING BARQAROR RIVOJLANISHINI
TA’MINLASHDA VAQF INSTITUTINI RIVOJLANTIRISHNING
AHAMIYATI**

Annotatsiya. Ushbu tezisda vaqf tushunchasining mohiyati, undan ko‘zlangan asosiy maqsadlar yoritib berilgan. Shuningdek, vaqfning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati atroflicha tahlil qilingan. Izlanishlar shuni ko‘rsatadiki, vaqf institutining rivojlanishi davlat xarajatlarini kamaytirish, foiz stavkasini tushirish, kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlash, shuningdek, bir qator Barqaror rivojlanish maqsadlarini amalga oshirishda yordam beradi. Vaqfning shu kabi ijtimoiy-iqtisodiy afzallillarini inobatga olgan holda, tezis yakunida vaqf institutini rivojlantirish bo‘yicha zara chora-tadbirlar bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: vaqf, habs, vaqf instituti, iqtisodiy o‘sish, ijtimoiy-iqtisodiy farovonlik.

Аннотация. В данном тезисе разъясняется сущность понятия вакфа и его основные цели. Также была подробно проанализирована социально-экономическая значимость вакфа. Исследования показывают, что развитие института вакф способствует сокращению государственных расходов, снижению процентных ставок, поддержке малого и среднего бизнеса, а также реализации ряда целей устойчивого развития. Учитывая такие социально-экономические преимущества вакфа, в конце тезиса были разработаны рекомендации по необходимым мерам по развитию института вакфа.

Ключевые слова: вакф, хабс, институт вакфа, экономический рост, социально-экономическое благосостояние

Abstract. In this thesis the essence of the concept of waqf and its main goals are explained. Moreover, the socio-economic significance of the foundation was analysed in detail. Research shows that the development of the waqf institution helps to reduce government costs, lower interest rates, support small and medium-sized businesses, as well as contributes to the implementation of a number of Sustainable Development goals. Taking into account such socio-economic advantages of the foundation, at the end of the thesis, recommendations on the necessary measures for the development of the foundation waqf institution were developed.

Key words: waqf, habs, waqf institution, economic growth, socio-economic welfare.

Dunyo bo‘ylab azaldan har bir mamlakat, shubhasiz, iqtisodiy o‘sish va rivojlanishga intilib kelgan va bu maqsadga erishish yo‘lida iqtisodchilar tomonidan taklif etilgan kapitalizm, sotsializm va kommunizm kabi turli nazariyalar asosida o‘z siyosatlarini olib borishga harakat qilganlar, biroq ular ko‘pincha qisqa muddatli samara bergan yoki muvaffaqiyatsizlikka uchragan. Holbuki, Islom ijtimoiy-iqtisodiy farovonlikka erishish uchun o‘ziga xos iqtisodiyot hamda zakot va vaqf kabi iqtisodiy institutlarni taqdim etadi. Xususan, vaqf islom iqtisodiy tizimining aynan shu maqsadga erishishda

nihoyatda keng qamrovli yordam beruvchi institutlaridan biridir.

Vaqf “sadaqai joriya” yoki “doimiy sadaqa” deb ham ataladi, bunda vaqf qiluvchiga uning vafotidan so‘ng ham savob beriladi. “Vaqf” so‘zi arab tilidan “tutib turish” degan ma’noni bildiradi. Ta’kidlash joizki, ko‘plab fiqhiy adabiyotlarda vaqf so‘zi bilan bir qatorda habs tushunchasi ham keng qo‘llaniladi. Darhaqiqat, Qur’on va hadisda vaqf so‘zi to‘g‘ridan-to‘g‘ri qo‘llanilmagan bir paytda, vaqfga dalolat qiluvchi hadislarning birida aynan habs atamasi ishlatilganini ko‘rshimiz mumkin.

Ibn Umardan rivoyat qilingan hadisda aytishicha, uning otasi Umar ibn Xattob Xaybardan bir parcha yer oldi va shu zahoti Rasululloh (s.a.v) huzurlariga kelib, u yerdan iloji boricha samarali foydalanish uchun Payg‘ambarimizdan maslahat so‘radi. Shunda Rasululloh sollallohu alayhi vasallam aytdilar: “Istasangiz, u yerni yaxlit holda saqlang (habs qiling) va hosilini sadaqa qilib bering”. Shu voqeadan so‘ng Hazrati Umar (r.a.) ushbu yerni vaqf qildilar va hosillarni kambag‘allarga, xizmatkorlarga, Alloh yo‘lidagilarga va musofirlarga tarqatdilar. Ko‘plab fiqhiy kitoblarda aytiganidek, ushbu tabarru’ga asoslangan amalning savobi abadiydir.

Shu o‘rinda aytib o‘tish lozimki, vaqf quyidagi maqsadlarni o‘zida aks ettiradi:

- a. Alloh taologa yaqinlashish;
- b. Alloh taologa ibodat qilish;
- c. Umr bo‘yi va o‘limdan keyin doimiy sadaqa mukofotini olish;
- d. Islomiy ta’limotlar va ilmiy faoliyatni jonlantirish uchun masjid va maktablar qurish kabi vaqf mulkining afzalliklarini musulmon jamiyatni o‘rtasida bo‘lishish;
- e. Ummatning birligini mustahkamlash;
- f. Musulmonlarning mol-mulkiga egalik va aktivlarni bo‘lishish huquqini saqlab qolishni ta’minlash¹⁴.

Shunday qilib, vaqfdan ko‘zlangan asosiy maqsad jamiyatning kam ta’minlangan a’zolari, kambag‘al va muhtojlar, yetim va bevalar, musofirlar va talabalarning turmush darajasini, iqtisodiy ahvolini, sog‘lig‘i va ta’limini yaxshilash, suv ta’mnoti, daromadlar mutanosib ravishda qayta taqsimlanishiga erishish, ijtimoiy-iqtisodiy farovonliklarini oshirish, ularning jamoatchilik ishtirokini kengaytirish, xavfsizlikni ijtimoiy himoya qilish, shuningdek, jamiyatning kam ta’minlangan a’zolarining asosiy ehtiyojlarini ta’minalash uchun barcha zaruriy choralarini ko‘rish hisoblanadi¹⁵.

Ta’kidlash joizki, vaqf bugungi kunga qadar ko‘plab mamlakatlarning iqtisodiy va ijtimoiy hayotiga qo‘shgan xilma-xil va keng ko‘lamli hissasi bilan o‘ziga xos hayotiy va muhim rol o‘ynagan. Uning ahamiyati qishloq xo‘jaligi, sanoat va ijtimoiy-iqtisodiy soha kabi barcha tarmoqlarda yuqori ekanligi alohida

¹⁴ <https://www.jawhar.gov.my/wp-content/uploads/2021/12/waqf-information.pdf>

¹⁵ https://www.academia.edu/40799054/potentials_of_the_institution_of_waqf_towards_economic_growth_and_development

e’tiborga loyiq. Vaqf milliy iqtisodiyot rivojlanishiga turli yo’llar bilan hissa qo’shadi (1-rasm).

Oziq-ovqat, sog‘lijni saqlash va ta’limni rivojlantirish orqali kambag‘allikni qisqartirish

Davlat xarajatlarini kamaytirish

Daromadlarning taqsimlanishini tiklash

Budget defitsitini moliyalashtirishning oldini olish hamda foiz stavkasini tushirish

Ijtimoiy himoya

Kichik va o’rta biznesni moliyalashtirish

Barqaror rivojlanish maqsadlarining amalga oshirilishida ko‘maklashish

Davlat daromadlarining oshishiga yordam berish

1-rasm. Vaqfnинг ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati.

Oziq-ovqat, sog‘lijni saqlash va ta’limni rivojlantirish orqali kambag‘allikni qisqartirish. Iqtisodiyotda jamiyat a’zolari o’zlarining asosiy biologik ehtiyojlarini qondirishda qiyinchiliklarga duch kelganda, ijtimoiy va iqtisodiy majburiyatlarini bajara olmay qolgan holda, ishsizlik, daromadlarning past darajasi, sifatsiz ta’lim va sog‘lijni saqlash kabilalar, shubhasiz, iqtisodiy barqarorlik yomon ahvolda yoki xavf ostida ekanligini ko’rsatadi. Shu o’rinda, kambag‘allikni qisqartirishda ta’lim va sog‘lijni saqlash sohalari alohida qo’llab-quvvatlashni talab qiluvchi muhim sektorlar hisoblanadi desak, mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ta’lim masjidlardan keyingi o’rinda vaqf qo’llab-quvvatlashi va investitsiyalarini o’ziga jalb qiluvchi ikkinchi ijtimoiy institut hisoblanadi¹⁶. Islomning ilk davrlaridanoq ta’lim xayriya mablag‘lari hisobidan keng miqyosda moliyalashtirilib kelingan. Jumladan, 972-yilda Qohirada (Misr) tashkil etilgan, asrlar davomida musulmon olamidagi eng mashhur madrasalardan biri sanalib kelgan Al-Azhar universiteti, boshqa ko‘plab madrasalar singari xayriya jamg‘armasi hisobidan tashkil etilgan ta’lim maskani hisoblanadi. Universitet milodiy 1812-yilgacha vaqf daromadlari hisobidan moliyalashtirilgan. Aytish

¹⁶ https://www.academia.edu/40799054/potentials_of_the_institution_of_waqf_towards_economic_growth_and_development

lozimki, ta’limni moliyalashtirish nafaqat, diniy ilmlarni o‘qitish, balki kitoblar, kutubxonalar, talabalarga stipendiyalar hamda o‘qituvchilar va boshqa xodimlarning maoshlarini ham qamrab olgan.

Hozirgi vaqtida vaqfdan sog‘liqni saqlash sohasida foydalanish amaliyoti Islom hamkorlik tashkilotiga (IHT) a’zo mamlakatlarda keng tarqagan. Jumladan, Indoneziyada “Dompet Dhuafa”¹⁷ nomli vaqfga asoslangan kasalxona mavjud. Shuningdek, mamlakatdagi “Sulton Agung” vaqf kasalxonasi, Milliy Zakot Kengashi (BAZNAS) kasalxonasi va boshqalar ham vaqfga asoslangan sog‘liqni saqlash sohasini rivojlantirishga harakat qilmoqdalar. Malayziyada sog‘liqni saqlash vaqfi ijtimoiy va biznes bo‘linmalarini o‘z ichiga olgan Vaqf An-Nur Korporatsiyasi (WANCorp) tomonidan boshqariladi¹⁸. U butun Malayziya bo‘ylab 24 ta klinika, 26 ta kasalxona, shuningdek, chet elda 4 ta kasalxonaga ega bolib, 5 Malayziya ringgitini, shu jumladan dori-darmonlarni qoplab beradi¹⁹.

Shubhasiz, vaqf yordami bilan sog‘liqni saqlash va ta’lim olish sohalarini qo‘llab-quvvatlash kambag‘al aholi qatlami uchun o‘z turmush farovonliklarini yaxshilab olishlari uchun keng imkoniyatlar taqdim etishi mumkin.

Davlat xarajatlarini kamaytirish. Agar vaqf muassasasi to‘g‘ri va samarali tashkil etilsa, davlat ehtiyojlari uchun xususiy sektordan katta miqdorda mablag‘lar yig‘ish mumkin. Xususiy sektorning ixtiyoriy ko‘magi davlat xarajatlari hajmini kamaytirishi mumkin, bu esa oxir-oqibat uning iqtisodiyotdagi ishtirokini kamaytiradi.

Jumladan, masjidlar, maktablar, kasalxonalar, yo‘llar qurilishi, suv ta’mi-noti va to‘g‘onlar qurish orqali vaqf instituti ijtimoiy ne’matlar va rivojlanish loyihalarini taqdim etgan holda hukumatga o‘z xarajatlarini minimallashtirishga yordam berishi yoki yuqoridaq maqsadlarga ajratilishi mo‘ljallangan mablag‘larning boshqa sohalarga yo‘naltirishga imkon berishi mumkin.

Daromadlarning taqsimlanishini tiklash. Vaqfning yana bir o‘ta muhim vazifasi shuki, u nafaqat davlat xarajatlarini minimallashtiradi, balki natijada foiz stavkasini ham kamaytirishga, daromadlarning iqtisodiyotda yaxshiroq taqsimlanishiga ham imkon beradi. Boylarning jamoat maqsadlari uchun ixtiyoriy xayriyalari orqali vaqf instituti jamiyatda boylikning qayta taqsimlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin²⁰. Aytish lozimki, hukumatning budget siyosati, soliqlar va davlat transferlari orqali qayta taqsimlashidan ko‘ra, vaqf orqali bu jarayonning amalga oshishi ancha ijobiy samaraga ega hisoblanadi, chunki soliqlar vositasida daromadlarning mutanosib taqsimlanishiga erishish ko‘proq

¹⁷ “Dompet Dhuafa” indonez tilida so‘zma-so‘z “kambag‘allar uchun hamyon” degan ma’noni anglatadi. Shuningdek, u “kambag‘allar uchun xayriya” degan ma’noni ham bildiradi.

¹⁸ Fahreroji (2020), “Wakaf Kesehatan di Pakistan dan Malaysia”, available at: <https://www.bwi.go.id/4679/2020/04/artikel/wakaf-kesehatan-di-pakistan-dan-malaysia/>.

¹⁹ Sulistyowati, Sukmana, R., Ratnasari, R.T., Ascarya and Widiaستuti, T. (2022), "Issues and challenges of waqf in providing healthcare resources", Islamic Economic Studies, Vol. 30 No. 1, p. <https://doi.org/10.1108/IES-09-2021-0034>

²⁰ Hassan, M. K. (2010). An Integrated Poverty Alleviation Model Combining Zakah, Awqaf And Micro-Finance, Paper Presented At The 7th International Conference–The Tawhidi Epistemology: Zakah And Waqf Economy, Bangi, Malaysia.

xarajatlarni talab qiladi. Aksincha, vaqfdan foydalanilganda xarajatlar juda kam bo‘ladi, hatto ba’zi hollarda hech qanday xarajatlarni o‘z ichiga olmaydi.

Budget defitsitini moliyalashtirishning oldini olish hamda foiz stavkasini tushirish. Budget defitsitini moliyalashtirish odatda hukumat uchun salbiy moliyaviy ta’sir ko‘rsatadi. Hozirgi o‘zgaruvchan va globallashuv jarayoni ostidagi jahon iqtisodiy sharoitida davlat sektori kamroq davlat qarzlarini jalg qilishi kerak. Vaqf tizimi davlat xarajatlarini sezilarli darajada qisqartirishga hissa qo‘sishi mumkin, bu esa o‘z navbatida byudjet taqchilligining qisqarishiga olib keladi, bu esa davlatning qarzga bo‘lgan ehtiyojni kamaytiradi va shu bilan foiz stavkasini tushirishga, natijada xususiy investitsiyalar va o‘sish uchun asosiy to‘siqni bartaraf etishga yordam beradi²¹.

Ijtimoiy himoya. Tarixdan vaqf islom iqtisodiy tizimida ijtimoiy ta’minot xizmatlarini ko‘rsatishda muhim rol o‘ynagan. Vaqf tashkilotlari jamiyatning bevosita a’zolari muhtoj bo‘lgan quduqlar, sug‘orish ishlariga yordam berish uchun to‘g‘onlar, qabristonlar, ko‘cha favvoralari kabi ijtimoiy qulayliklar yaratish yoki qurishda yordam beradi. Shuningdek, bugungi kunda ko‘pgina musulmon jamiyatlarida vaqf instituti orqali aholini suv bilan ta’minalash uchun buloqlarni o‘zlashtirish, muhtojlar uchun uylar qurish, ko‘priklar qurish, kambag‘al va nogironlarga yordam berish, muhtoj yoshlarning nikohini moliyalashtirish, mehribonlik uylari va qariyalar uylarini moliyalashtirish kabi bir qancha ijtimoiy loyihalar amalgalashmoqda²².

Kichik va o‘rta biznesni moliyalashtirish. Ko‘pgina olimlar tomonidan kichik va o‘rta tadbirdorlik subyektlarining zakot, vaqf va sadaqa asosida rivojlanishiga yordam beradigan vositachilik institutlarini yaratishni ham taklif qiladilar. Samarali tashkil etilgan vaqf va sadaqalardan olingan daromadlar samarali musulmon kichik va o‘rta korxonalarini moliyalashtirishga yo‘naltirilishi mumkin va bu kabi muhtoj musulmonlarni foydali va daromadli biznesda qo’llab-quvvatlash musulmonlar orasidagi qashshoqlikni keskin va sezilarli darajada kamaytirishga imkon beradi.

Barqaror rivojlanish maqsadlarining amalga oshirilishida ko‘maklashish. 17 ta o‘zaro bog‘liq va ulkan maqsadlardan iborat Barqaror rivojlanish maqsadlari yoki boshqacha qilib aytganda, global maqsadlar har bir mamlakat, umuman, butun dunyo aholisi duch kelayotgan asosiy muammolarni hal etishga qaratilgan. Ular orasida qashshoqlikka barham berish, ochlikka barham berish, sog‘lik va farovonlikni yaxshilash, sifatli ta’lim, toza suv, iqtisodiy o‘sish, barqaror shaharlar va aholi yashash joylar kabilar ham borki, bularning barchasiga erishishda vaqf institutining samarali tashkil etilishi va rivojlantirilishi muhim rol o‘ynashi mumkin.

Davlat daromadlarining oshishiga yordam berish. Vaqf institutlari hukumat daromadlarining ko‘payishiga ham yordam beradi, chunki vaqf

²¹ Cizakca, M, (1998). Awqaf in History and its Implications for Modern Islamic Economies. Islamic Economic Studies, Vol. 6, No. 1, pp. 43-70.

²² Zuki, M.S. (2012) “Waqf and its role in socio-economic development,” ISRA International Journal of Islamic Finance, 4(2), pp. 173–178.

tashkilotlari faol ishlayotgan iqtisodda hukumat xarajatlari qisqaradi va natijada, hukumatga zaxirada ko‘proq mablag‘lar tejash imkonini beradi. Bundan tashqari, agar mamlakatda iqtisodiy o‘sish bo‘lsa, iqtisoddagi odamlar ish bilan band bo‘lib, o‘zlarini xohlagan narsani sotib olish va iste’mol qilish uchun daromadga ega bo‘ladilar, foiz stavkasi tushib, investitsiyalar gullab-yashnaydi, va nihoyat, ishlab chiqarish yaxshi rivojlanib, hukumatga ko‘proq daromad keltiriladi²³.

Xulosa qilib aytganda, vaqf milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda islam ijtimoiy-iqtisodiy tizimida muhim muassasa hisoblanadi. Vaqf sektorining davlat xizmatlarini ko‘rsatish va iqtisodiyotda xayrixoh, nodavlat va notijorat sektori sifatida ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotga hissa qo‘sishdagi muhim o‘rnini ham alohida ta’kidlash joiz. Vaqf sektorining davlat xizmatlarini ko‘rsatishdagi asosiy roli davlat xarajatlari va qarzlarining sezilarli darajada qisqarishida o‘z aksini topadi. Bu aholi zimmasiga tushadigan soliq yukining kamayishiga olib keldi va xususiy investitsiyalar va o‘sish uchun sarflanadigan jamg‘armalar salohiyatini oshiradi. Vaqf, shuningdek, davlat ishtirokisiz ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish imkoniyatini taklif qildi. Bu daromadlarni qayta taqsimlashga va jamiyatdagi tengsizlikni kamaytirishga yordam bergan holda, faol fuqarolik jamiyatining rivojlanishiga olib keldi. Bundan ko‘rinadiki, har bir mamlakat milliy iqtisodiyotining taraqqiy etishi uchun vaqf institutini rivojlanishiga alohida e’tibor qaratish muhim ahamiyat kasb etadi.

Bunda quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish tavsiya etiladi:

- Vaqfdan ko‘zlangan maqsadlarga erishish hamda u taqdim etadigan imkoniyatlardan to‘liq foydalanish uchun XXI asrda vaqf institutini rivojlantirish chora-tadbirlarini ko‘rish;
- Ta’lim hamda kichik va o‘rta biznesni qo’llab-quvvatlashda muhim rol o‘ynaydigan naqd pul ko‘rinishidagi vaqflarni rag‘batlantirish;
- Ulamolar tomonidan ko‘proq mol-mulkka ega musulmonlarni Allah roziligi uchun, shuningdek, kambag‘allar bilan o‘rtalaridagi munosabatlarni mustahkamlash uchun o‘z foydalarining bir qismini vaqf qilishlariga targ‘ib qilish ishlari olib borilishi;
- Vaqf mulkinning noqonuniy egallanishi va o‘zlashtirilishining oldini olish uchun vaqf mulkini to‘g‘ri va muntazam ravishda nazorat qilish va uning qanday boshqarilishini nazorat qiluvchi organ bo‘lishi talab etiladi.

Foydalilanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Cizakca, M, (1998). Awqaf in History and its Implications for Modern Islamic Economies. Islamic Economic Studies, Vol. 6, No. 1, pp. 43-70.
2. Fahrurroji “Wakaf Kesehatan di Pakistan dan Malaysia” 2020, available at: <https://www.bwi.go.id/4679/2020/04/artikel/wakaf-kesehatan-di-pakistan-dan-malaysia/>.
3. Hassan, M. K. (2010). An Integrated Poverty Alleviation Model

²³ Mohsin, M. I. A. (2013). Potentials of Zakat in eliminating Riba and eradicating poverty in Muslim countries: A case study of salary deduction scheme of Malaysia, Islamic Management and Business, 5(11), 114-126.

Combining Zakah, Awqaf And Micro-Finance, Paper Presented At The 7th International Conference–The Tawhidi Epistemology: Zakah And Waqf Economy, Bangi, Malaysia.

4. Sulistyowati, Sukmana, R., Ratnasari, R.T., Ascarya and Widiastuti, T. (2022), "Issues and challenges of waqf in providing healthcare resources", Islamic Economic Studies, Vol. 30 No. 1, p. <https://doi.org/10.1108/IES-09-2021-0034>

5. Mohsin, M. I. A. (2013). Potentials of Zakat in eliminating Riba and eradicating poverty in Muslim countries: A case study of salary deduction scheme of Malaysia, Islamic Management and Business, 5(11), 114-126.

6. Zuki, M.S. (2012) “Waqf and its role in socio-economic development,” ISRA International Journal of Islamic Finance, 4(2), pp. 173–178.

7. <https://www.jawhar.gov.my/wp-content/uploads/2021/12/waqf-information.pdf>

8. https://www.academia.edu/40799054/potentials_of_the_institution_of_waqf_towards_economic_growth_and_development

9. https://www.academia.edu/40799054/potentials_of_the_institution_of_waqf_towards_economic_growth_and_development

П ШЎЪБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА РИВОЖЛАНТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нозир Алиевич Ибрагимов – Самарқанд вилоят ҳокимининг маҳаллий саноат ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси, иқтисод фанлари доктори

КЎРГАЗМА ФАОЛИЯТИ ВА САНОАТ ЯРМАРКАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиёти равнақида, маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳақида маълумотларни бозор муносабатлари иштирокчиларига етказишида кўргазмаларнинг роли келтирилган, жадал ривожланиш йўлига ўтган иқтисодиёт тармоқлари ўсишида кўргазмалар имкониятларидан ва халқаро тажрибадан фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Шу билан бирга, кейинги йилларда доимий тарзда ҳудудларда ташкил этилиб келинаётган саноат ярмаркаларининг натижадорлигини ошириш таклифлари берилган.

Калит сўзлар. Кўргазма, саноат ярмаркалари, экспонатлар, тақдимот, кўргазма иштирокчилари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, рақобат.

Аннотация. В данной статье приведена роль выставок в развитии экономики страны, предоставлении участникам рыночных отношений информации о товарах и услугах, а также пути использования возможностей выставок и международного опыта в этой сфере для ускоренного экономического развития. В то же время, описаны предложения по повышению эффективности промышленных региональных ярмарок, организуемых в последние годы.

Ключевые слова. Выставка, промышленные ярмарки, экспонаты, презентация, экспоненты, местные производители, конкуренция.

Abstract. This article describes the role of exhibitions in the development of the country's economy, providing market participants with information about goods and services, as well as ways to use the opportunities of exhibitions and international experience in this area for accelerated economic development. At the same time, proposals are described to improve the efficiency of industrial regional fairs organized in recent years.

Keywords. Exhibition, industrial fairs, exhibits, presentation, exhibitors, local producers, competition.

Кириш. Кўргазма ва ярмаркаларда намуналар намойиши орқали кенг оммага товарлар ва хизматлар ҳақида батафсил ва фойдали маълумотлар етказиш узоқ тарихга эга.

Кўргазма тушунчасининг бир қанча таърифлари мавжуд, улар бири – бирига яқин ёки бири – бирини тўлдириб туради. Таърифлардан бирида кўргазма – жамият ҳаётининг иқтисодиёт, фан ва техника, маданият ва санъат каби соҳаларидаги ютуқларини оммавий намойиш этиш, деб айтилади. Кўргазма тушунчаси ҳам тадбирнинг ўзига, ҳам уни ўтказиш жойига, ҳам жараёнга ишлатилиши мумкин.

Халқаро кўргазмалар бюроси таърифига кўра, кўргазма – талабларни қондириш, бир ёки бир неча соҳадаги тараққиёт мақсадида маҳсулотлар намойиши, дейилади.

Кўргазмалар вақти ва жойи белгиланиб ўтказиладиган бозор тадбири бўлиб ҳисобланади, унда корхоналар ўз маҳсулотларининг фойдали хусусиятлари ҳақида ахборотларни кенг оммага етказишиди.

Кўргазмаларни ташкил этиш дастлаб Франция музейларида XVIII асрда бошланган. Биринчи халқаро саноат кўргазмаси Лондонда 1851 йилда бўлиб ўтган. Халқаро кўргазмалар оламшумул воқеа бўлиб ҳисобланган, уларни ташкил этиш жараёнида кўпинча шаҳарларда катта қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Мисол сифатида 1889 йилдаги Халқаро кўргазма учун маҳсус қурилган ва бугунгача ўзига бутун дунёдан сайёҳларни жалб этиб келаётган Эйфел минорасини келтириш мумкин. Охирги халқаро кўргазмалардан бири Expo Dubai 2020 учун Дубай ва Абу-Даби шаҳарлари орасида 438 гектар майдон янги шаҳарча барпо этилди.

Ўзбекистонда кўргазмалар фаолияти.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларини ўсишини таъминлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар орасида ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида 1992 йилда миллий кўргазма мажмуаси қайтадан қурилиб, умумий ер майдони 18 минг кв м бўлган ҳудудда 5 та павильон ишга туширилди ҳамда кўргазмаларни халқаро даражада ташкил этишга шароитлар яратилди.

«Ўзэкспонцентр» миллий кўргазмалар маркази томонидан 30 йил мобайнида 1 500 та кўргазма тадбирлари ўтказилди, улардан 1200 таси халқаро ва 300 таси миллий экспозицияларни қамраб олган. Бу ташкилот томонидан хорижда 100 дан ортиқ кўргазмаларда иштирок этиш ташкил этилган.

Кўргазмалар мажмуасидаги тадбирлар жаҳонда бўладиган кўргазмалар жадваллари билан мувофиқлаштирилиб, халқаро кўргазмалар жадваллари ҳам маҳаллий, ҳам хорижий иштирокчиларга қулай пайтларда йил бошланишидан олдин эълон қилиниб келинмоқда. Ҳар йили тахминан бир пайтларда бўлиши иштирокчилар учун қулайликлар яратмоқда.

Саноат ва хиъмат кўрсатиши соҳалари кесимида ихтисослашган халқаро кўргазмалар билан бирга 2023 йилдан халқаро саноат ярмаркалари ва кооперация биржаси ташкил этилиб, унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари намойишини ташкил этиб, ўзаро манфаатли шартномалар имзолашиб келишган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 майдаги “2023 йилда худудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўхрисида“ ги 195-сонли қарори билан мамлакатимизнинг барча худудларида босқичмабосқич худуд ихтисослашувидан келиб чиқсан ҳолда саноат ярмаркалари ва 12-15 декабрь кунлари республика саноат ярмаркаси ташкил этиш белгиланиб берилди.

Ушбу қарор билан Самарқанд вилояти худудий тармоқлараро саноат ярмарқасини ўтказиш жорий йилнинг 30-31 май кунларига белгиланган бўлиб, кўргазма туризм, гастрономик туризм, озиқ-овқат саноати, мебелсозлик ва электротехника саноати ҳамда гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари маҳсулотлари намойишига ихтисослашган. Кўргазмадар ўзаро манфаатли шартномалар тузилиши ва келишувларга эришилиши режалаштирилган.

Саноат ярмаркаларининг афзалликлари.

Саноат ярмаркалари ўзининг серқирралиги билан ажралиб туради ва, албатта, жараённинг ҳар бир иштирокчиси учун бир қатор афзалликларга эга. Ўз маҳсулотлари билан иштирок этадиган корхоналар учун афзалликлар:

- Маҳсулот намуналари, улар ҳақидаги ахборотлар ва тақдимотлар орқали реклама қилиш, маҳсулотларни бозорга танитишини кенгайтириш;
- Ўз маҳсулотига бўлган талабни ўрганиш, унга бозор иштирокчиларининг муносабатини ўрганиш, сўровномалар ташкил этиш;
- Рақобатчи корхоналар маҳсулотлари афзалликларини ва ўз маҳсулотларининг камчиликларини ўрганиш;
- Маҳсулот сотиш бўйича музокаралар ўтказиш, шартномалар тузиш, харидорлар доирасини кенгайтириш.

Кўргазма экспонатлари билан танишиш учун келадиганлар учун афзалликлар:

- Тадбиркорлар ўз маҳсулотлари солиштирма таҳлилини қилиш имконига эга бўладилар, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ғояларини оладилар;
- Ёшлар тадбиркорликлари учун имкониятларни кўрадилар, тадбиркорлик ғояларини яратадилар, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида билимларга эга бўладилар.

Худудларга саноат лойиҳаларини ташаббус қилиш, инвестициялар жалб этиш учун масъул давлат хизматчилари учун:

- Ўз худудларида тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларини кўрадилар;
- Кўргазма экспонатлари билан танишиш учун келган тадбиркорларга саноат лойиҳалари амалга ошириш йўл-йўриклари кўрсатилади;

- Ҳоким ёрдамчилари катта ва кичик лойиҳалар қилиш имкониятлари, лойиҳа таклифларини олиб, ўз ҳудудларини ривожлантириш режаларини қилиш имкониятларига эга бўладилар.

Олий ва касб таълими муассасалари учун афзалликлар:

- Кўргазмадаги иштирокчи корхоналар билан кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш бўйича ҳамкорлик имкониятларини мухокама қилиш, меморандумлар тузиш;
- Иқтисод йўналишида билим олаётган талабалар учун ҳудудлардаги саноат лойиҳалари билан танишадилар, иқтисодиёт билан бевосита ишлаётганлар билан мулоқот қиладилар.

Хорижий иштирокчилар учун афзалликлар:

- Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар салоҳияти билан танишиш имконига эга бўлишади;
- Ҳар бир ишлаб чиқарувчи билан юзма-юз кўришиб, музокаралар ўтказиш имкониятига яратилади;
- Янги алоқалар, янги ғоялар ҳамда янги лойиҳалар ташаббус қилиш шароитларидан фойдаланади.

Кўргазмаларда биринчи марта иштирок этаётган тадбиркорлар учун тавсиялар

Саноат ярмаркасида кўргазмаларда йиллар мобайнида иштирок этиб, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиб келаётган тадбиркорлар билан бирга ўз тадбиркорлигини бошлаб, бу жараёнда дастлабки қадамларни қилаётган иштирокчилар ҳам бўлади. Улар учун кўргазмага тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш учун бир қатор тавсияларни ишлаб чиқсанмиз.

Кўргазмада намойиш қилиш учун ажратиладиган стендлар жозибадор безаш учун маҳсулотлар етарли микдорда бўлиши керак (корхона саноқли турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарса, ҳар бир туридан кўп сонли олиб келиб, турли шакллар (пирамида, тўртбурчак, трапеция ва ҳоказо) ясад, чиройли қилиш керак).

Ҳар бир корхона учун қўйидаги зарур ҳолатларни тайёрлаш керак:

- Корхона раҳбари ёки сотув бўлими раҳбари алоқа рақамлари туширилган бизнес картаси (визитка), бунда корхонанинг сайти, ижтимоий тармоқлардаги манзиллари, QR-коди кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади;
- Корхона логотипи туширилган ручка, блокнот, буклетлар, бошқа реклама материаллари ҳамда уларни жойлаштириш учун маҳсус пакет тайёрланиши керак;
- Корхонанинг маҳсулотлари фотосуратлари ва маълумотлари туширилган каталоги (буклети);
- Реклама кичик баннери (“паук” симон ёки шунга ўхшаш шаклда);
- Реклама сифатида стандарт стендлар ичига ўзи ёпишадиган (самоклей) плёнкаларда дизайн (95 x 240 см) тайёрлаб, стенд ички деворларига

ёпиштириш мумкин бўлади, худди шунда корхона номи туширилган ёзув (30 x 285 см) тайёрланиб, стенд пештахтасига ёпиштирилиши мумкин;

- Маҳсулотлар қўядиган мослама (стол, полка, этажерка ва ҳоказо);
- Корхона ишлаб чиқариш жараёни, ҳудуди, маҳсулотлари ва бошқа бозор учун зарур тасвирлар туширилган замонавий видеоролик;
- Видеороликларни кўрсатиши учун монитор (телевизор) ост мослама (стойка) си билан;
- Стенд ва унинг атрофини декоратив гуллар ва кўчатлар, гуллар, адрес матоси билан безаб, стендга файл киритиш, уни жозибадорлигини ошириш мумкин;
- Стендда маҳсус идишда шириналар, музокаралар столи устида ичимлик суви, чой, кофе тайёрлаб бериш, шириналар қўйилиши тавсия этилади;
- Очиқ павильонларда қўйиладиган экспонатлар (транспорт ва бошқа катта ҳажмдаги техника ва қурилмалар) олдида маҳсус мосламада корхона, маҳсулот ва унинг характеристикалари ёзилиши керак;
- Кўргазма бошланишида стендда турувчилар бейджик таққан ҳолда бежирим кийинган ва барча саволларга жавоб беришга тайёр бўлишлари керак.

Хуноса

- Кўргазмалар ва саноат ярмаркалари тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлар ўртасида ўзаро манфаатли шартномалар тузиш ва келишувларга эришишга шароит яратади.
- Саноат ярмаркалари тадбиркорларга кўмаклашиш билан бирга, тадбиркорликни ривожлантиришга масъул давлат идоралари ва жамоатчилик ташкилотларига бир қатор афзалликларга эга.
- Саноат ярмаркаларида бирнчи марта иштирок этаётган тадбиркорлар учун янги имокният бўлиши билан бирга бу катта масъулият ҳисобланади. Шунинг учун улар ушбу мақолада келтирилган тавсилар асосида пухта тайёргарлик кўришлари талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 майдаги “2023 йилда ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўхрисида“ ги 195-сонли қарори
2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Выставка>

М.В. Герман – доктор экономических наук, доцент Национальный исследовательский Томский государственный университет
Институт экономики и менеджмента

Ирина Борисовна Адова – доктор экономических наук, профессор
Новосибирский государственный технический университет
кафедра менеджмента

ЭВОЛЮЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ ОБЩЕСТВА В КОНТЕКСТЕ ТРАНСФОРМАЦИИ НЕРАВЕНСТВА, ХАРАКТЕРА ТРУДА, ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ЗНАНИЙ И РОЛИ ЧЕЛОВЕКА

Аннотация. Для данного периода развития общества на фоне смещения приоритетов «в сторону признания материального производства основой общественного богатства, а также разделения труда на производительный и непроизводительный характерны подчинение труда капиталу, изменение организации труда и упрощение трудовых операций. В результате произошло снижение ценности индивидуальной квалификации» и повысилась востребованность узкоквалифицированных знаний.

Annotatsiya. Jamiyat rivojlanishining ushbu davri uchun ustuvorliklarning "moddiy ishlab chiqarishni ijtimoiy boylikning asosi sifatida tan olish, shuningdek, mehnatni samarali va unumsizga bo'lish, mehnatni kapitalga bo'ysundirish yo'nalishiga o'zgartirish" fonida. , mehnatni tashkil etishning o'zgarishi va mehnat operatsiyalarini soddalashtirish xarakterlidir. Natijada, individual malakalarning qiymati pasayib ketdi" [3] va yuqori malakali bilimlarga talab ortdi.

Каждый этап общественного развития формирует понимание роли человека и определяет концептуально-методологические основы парадигмы труда. Глобальные социально-экономические изменения XX века обусловили формирование новой модели общественного развития. Научное сообщество солидарно в том, что ключевыми характеризуемыми факторами этапов общественного развития являются: во-первых, труд и форма его социально-экономической организации; во-вторых, уровень технологического развития, профессиональных знаний и природы их формирования; в-третьих, место и роль человека в развитии общества; в-четвертых, уровень и характер общественного неравенства.

Таким образом, труд, являясь детерминантом эволюционных общественных трансформаций, стимулируя технологическое развитие и тем самым совершенствование профессиональных знаний, предопределяет движение к более совершенным видам труда, организации производства, обеспечивая развитие человека и общества в целом. Вместе с тем сдерживающим фактором развития выступает неравенство, которое, воздействуя на общественное сознание, негативно влияет на социально-экономические процессы. Поэтому следует полагать, что в настоящее время наибольшую актуальность приобретает осмысление исторических границ

преодоления общественного неравенства. Прежде всего, это связано с технологическими изменениями общественного развития, оказавшими влияние на трансформационные преобразования неравенства, характера труда, профессиональных знаний, а также места и роли человека (рисунок 1).

Совершая исторический экскурс, остановимся более подробно на ключевых этапах общественного развития и обоснуем характерные особенности.

Первая промышленная революция (середина XVIII – вторая треть XIX века) – Индустрия 1.0.




Рисунок 1 – Эволюционное развитие общества в контексте трансформации неравенства, характера труда, профессиональных знаний и роли человека

Вектор изменения предпочтений для других поколений задают представители поколения Y (люди, родившиеся в 1980–2000 гг.). Преобладающее большинство исследователей сходятся во мнении, что прослеживается явная тенденция изменения философии труда.

Для поколения X характерен наследуемый от предыдущих так называемый культ труда – «жить чтобы работать», с преобладанием стремления к самореализации, приемлемому уровню заработной платы, стабильности трудовых отношений и безопасности. Философия труда последующих поколений основывается на балансе между трудом и жизнью, с преобладающей ценностью немедленного вознаграждения ввиду неверия в отдаленную перспективу.

Согласно статистическим наблюдениям Всемирного банка, представители поколений, рожденных в период 1946–1964 г.г., выбыли или постепенно выбывают из состава трудовых ресурсов (рисунок 2).




Рисунок 2 – Доля поколений в населении ряда стран и в мире

Поколение Z только готовится вступить в трудовую жизнь, однако их целевые предпочтения служат ориентиром для формирования стратегических направлений достижения устойчивого развития и обеспечения достойного труда. Значительный сегмент в общей совокупности трудовых ресурсов составляют люди, относящиеся к поколениям X и Y, т.е. рожденные в период 1964–2000 гг.

Обозначенная выше тенденция объяснима в первую очередь тем, что глобализация рынков вызывает ускоренное распространение технологий и инноваций.

Кроме того, самая многочисленная группа безработных включает поколение X и старшую часть поколения Y (рисунок 3).

Новые профессии приходят на смену старым. Согласно исследованиям компании Boston Consulting Group, опубликованным в работе «Россия 2025: от кадров к талантам», ускорение развития цифровых технологий влечет за собой то, что профессиональные знания старших

поколений в меньшей степени, чем когда-либо в истории человечества, актуальны для новых поколений: «К 2025 году поколение Z (1997 года рождения и младше) будет составлять около 25% всей рабочей силы. Это люди, с рождения пользующиеся цифровыми технологиями (digital natives) и имеющие неограниченный доступ к информации.




Рисунок 37 – Мировая тенденция численности безработных по возрастным группам по методологии МОТ
(тыс. человек)

Личный рост, баланс работы и личной жизни для них приоритетнее финансового вознаграждения и карьеры. В отличие от предыдущих поколений, “зеты” склонны довольно часто менять не только работодателей, но и сферы деятельности. Зачастую они обладают более развитым набором цифровых компетенций, чем их учителя и руководители. В борьбе за новых сотрудников организациям придется адаптироваться под их ценности» [20, с. 16].

В связи с этим следует предположить, что в XXI веке сдерживающим фактором устойчивого развития, усугубляющим общественное неравенство, будет дефицит компетентных специалистов. Клаус Шваб в работе «Четвертая промышленная революция» акцентирует внимание на том, что «традиционные определения квалифицированного труда основаны на наличии образования повышенного уровня или специализированного образования и набора определенных способностей в рамках профессии или экспертной области» [21, с. 16]. Автор подчеркивает, что «...с учетом ускоряющегося развития технологий четвертая промышленная революция будет уделять особое внимание способности работников к постоянной адаптации и усвоению новых навыков и подходов в разнообразных

контекстах» [Там же, с. 56]. Это в перспективе приведет к повышению нагрузки на высококвалифицированную рабочую силу и снижению занятости в сегментах рынка труда, предъявляющих спрос на рабочие места низкой квалификации.

Более того, МОТ в качестве важного источника неравенства заявлено распределение навыков и возможностей повышения квалификации рабочей силы¹. В Повестке дня в области устойчивого развития на период до 2030 года, принятой мировыми лидерами в сентябре 2015 года на саммите ООН, закреплены «обеспечение всеохватного и справедливого качественного образования и поощрение возможности обучения на протяжении всей жизни для всех» [6].

Таким образом, проведенные исследования позволяют заключить, следующее.

В процессе общественного развития поступательно эволюционировали технологии, что определенным образом оказало влияние на труд и, соответственно, предопределило первостепенную роль человека. Цифровые трансформации, начавшиеся еще в 50-х годах прошлого столетия, в XXI веке значительно расширились, обусловив особую роль знаний в социально-экономическом развитии. Вместе с тем неравенство, сдерживающее общественное развитие, не только не было преодолено, но и приобрело особую форму цифрового и интеллектуального неравенства, коснувшись всех стран независимо от уровня социально-экономического развития.

Эволюционные трансформации привели к тому, что на современном этапе общественного развития приоритеты общественного развития от приращения капитала и максимизации прибыли смещаются в сторону обеспечения устойчивого гармоничного сбалансированного развития общества, бизнеса и человека. Вследствие этого детерминирующими факторами новой парадигмы труда стало в первую очередь «преобладание потребности в творческом труде, повышении профессионального мастерства, безопасных условиях труда... Под их влиянием труд приобрел характер разумной коллективной деятельности, способствующей формированию нового образа мыслей и структуры ценностей каждого отдельного индивида, обеспечивающей тем самым возникновение новых параметров производственного процесса, рост продуктивности труда, автономность и стабильность в обществе» [11].

В результате эволюционных преобразований общественного развития достойный труд становится квинтэссенцией труда, приобретая характер разумной коллективной деятельности, способствующей формированию нового образа мыслей и структуры ценностей каждого отдельного индивида, обеспечивающей тем самым возникновение новых технологий. Концепция достойного труда служит институциональной основой

¹ 97-я сессия Международной конференции труда. Доклад Генерального директора МОТ.

преодоления общественного неравенства, обеспечивает человеческое достоинство, социальные права и гарантии человека в процессе трудовой деятельности.

В процессе приложения труда профессиональные знания, являясь проявлением объективных качеств достоинства человека, создают ресурсную основу для достойного труда. В свою очередь, достойный труд, являясь высшей формой обеспечения достоинства человека, создает условия для проявления и применения профессиональных знаний, стимулируя их формирование и приращение и тем самым развитие человеческих ресурсов и преодоления неравенства. Поэтому достоинство человека является основой единства достойного труда и профессиональных знаний, которое проявляется в признании высшей ценности личности и необходимости поиска адекватных способов ее реализации.

Список использованной литературы:

1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. – М. : Эксмо, 2016. – 956 с.
2. Ельмееев В. Я. Социальная экономия труда: общие основы политической экономии [Электронный ресурс] / В. Я. Ельмееев. – СПб. : Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2007. – URL: <https://coollib.net/b/422515/read> (дата обращения: 05.05.2018).
3. Герман М. В. Взаимообусловленность достойного труда и устойчивого формирования профессиональных знаний / М. В. Герман // Вестник Томского государственного университета. Экономика. – 2017. – № 40. – С. 41–52.
4. Lifelong learning [Electronic resource] // The encyclopedia of pedagogy and informal education / R. Kotinsky. – Electron. date. – [S. l., s. a.]. – URL: <http://infed.org/mobi/lifelong-learning/> (accessed date: 15.02.2022).
5. Спенс М. Следующая конвергенция. Будущее экономического роста в мире, живущем на разных скоростях / М. Спенс. – М. : Изд-во Ин-та Гайдара, 2013. – 333 с.
6. Тоффлер Э. Третья волна / Э. Тоффлер ; [пер. с англ. К. Ю. Бурмистрова и др.]. – М. : ACT : ACT Москва, 2009. – 795 с.
7. Тоффлер Э. Революционное богатство : как оно будет создано и как оно изменит нашу жизнь / Э. Тоффлер, Х. Тоффлер ; [пер. с англ. М. Султановой, Н. Цыркун]. – М. : ACT : Профиздат, 2008. – 569 с.
8. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество : опыт социального прогнозирования / Д. Белл. – М. : Academica, 1999. – 944 с.
9. Труд, отдых и капитал [Электронный ресурс] // XXII век. Открытия, ожидания, угрозы. – Электрон. дан. – М., 2018. – URL: <https://22century.ru/popular-science-publications/work-leisure-and-capital/> (дата обращения: 05.12.2019).
10. Герман М. В. Непрерывное образование: эволюция развития, объективная реальность / М. В. Герман // Вестник Томского государственного университета. Экономика. – 2012. – № 2 (18). – С. 147–154.

Gulnora Mardiyevna Shadieva – SamISI professori, i.f.d.

MAMLAKATIMIZDA KAMBAG'ALLIK DARAJASINI KAMAYTIRISH DA O'ZINI O'ZI BAND QILISHNING O'RNI

Annotations: maqolada bandlikdagi yangi yo‘nalish bo‘lgan o‘zini o‘zi band qilishning o‘ziga xos xususiyatlari, tamoyillari va ularning tavsifi hamda o‘zini o‘zi band etishning sheklovleri, ularning shakllari qarab shiqilgan. Bunda o‘zini o‘zi ish bilan ta’milagan kishining nufuzi (imidji), uning imkoniyatlari, ish faoliyatidagi erkinligi, tengligi, iqtisodiy xavfsizligi, tovarlar va xizmatlarning etarli darajada daromadliligi, ish vaqtining ixtiyoriligi, ularning moslashuvshanlik xususiyatlari ham yoritilgan.

Kalit so‘zlar: tadbirkor, biznes, biznesmen, mulk egasi, tadbirkorlik sub’ekti, tadbirkor xususiyatlari, bozor infratuzilmasi, foydaga intilish, iqtisodiy erkinlik, iqtisodiy mas’uliyat, iqtisodiy tavakkalshilik, raqobatda qatnashish, tadbirkorlik siri

Аннотация: в статье рассматриваются особенности, принципы и характеристики самозанятости, новой тенденция в сфере занятости, ограничения самостоятельной занятости и их формы. Это включает в себя репутацию, потенциал, свободу, равенство, экономическую безопасность, достаточность товаров и услуг, время работы добровольцев и их гибкость.

Ключевые слова: предприниматель, бизнес, собственник, субъект предпринимательства, предпринимательские атрибуты, рыночная инфраструктура, стремление к прибыли, экономическая свобода, экономическая ответственность, экономический риск, конкуренция, деловая тайна.

Abstract: The article examines the features, principles and characteristics of self-employment, a new trend in employment, restrictions on self-employment and their forms. This includes reputation, potential, freedom, equality, economic security, the adequacy of goods and services, the time of volunteer work and their flexibility.

Keywords: entrepreneur, business, owner, business entity, entrepreneurial attributes, market infrastructure, profit drive, economic freedom, economic responsibility, economic risk, competition, business secrets, honesty

Mamlakatimizda ijtimoiy masalalardan biri aholini ish bilan ta’milashga qaratilgan. Bu borada juda keng ko‘lamli shora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Bu tadbirlarning yana bir yangi yo‘nalishi aholining o‘zini o‘zi ish bilan ta’milashdan iboratdir. O‘zini o‘zi band qilishning boshqa yo‘nalishlarga nisbatan o‘ziga xos xususiyatlari mayjud. Bu xususiyatlar o‘zini o‘zi band qilish tamoyillariga asoslanib ish ko‘rishida namoyon bo‘ladi. Bu holat odatda quyidagi besh sababdan kelib shiqishadi:

- shaxsiy qoniqish;
- mustaqillikka intilish;
- foya olish;
- bandlik kafolati;
- shaxsiy mavqe.

Ushbu tamoyillarni qarab shiqamiz. Ulardan biri **shaxsiy qoniqish** bo‘lib

hisoblanadi. Insonning tabiati shunday, u qaerda ishlamasin, qaerda yashamasin, eng avvalo, shaxsiy qoniqish hosil qilishga harakat qiladi. Ammo bunga mehnat jamoalarida juda yaxshi ishlab ham erisha olmasligi mumkin. Ammo odam o‘zi xohlagan ishni o‘zi qilsa va undan ma’lum darajada manfaatdorlik ta’mirlansa, juda katta shaxsiy qoniqish hosil bo‘ladi. Bunday holat odamni juda katta va yirik ishlarni amalgalash ushun asos bo‘lishi mumkin.

Ayrim odamlar ushun o‘zini o‘zi ish bilan ta’minalash evaziga shaxsiy qoniqish hosil qilishi mumkin. Bu bilan odam o‘zini o‘zi taqdirlagan bo‘ladi. Demak, ushbu jarayonning o‘ziga xos xususiyatlaridan biri, o‘zi ishni tashkil qiladi, o‘zi ishlaydi, o‘zini o‘zi rag‘batlantiradi

O‘zini o‘zi band qilish odamga har bir ish kunini va vaqtini o‘ziga rohat bag‘ishlaydigan ishni bajarishga sarflashiga imkon beradi. Masalan, rasm olishni yaxshi ko‘rsangiz, xususiy studiyangizni tashkil etishingiz mumkin. Har safar mijoz o‘z fotoportretidan qoniqqanini bildirganda, siz ham shaxsiy qoniqish his qilasiz va ma’lum miqdorda xizmatingiz ushun haq olasiz. Bu esa, o‘zini o‘zi ish bilan band qilish bilan birga katta ma’naviy qoniqish ham olishini ko‘ramiz.

O‘zini o‘zi ish bilan band qilish tamoyilining biri **mustaqillikdir**.

O‘zini o‘z ish bilan ta’milagan odam o‘z bilimini, ko‘nikmasini va qobiliyatini o‘zi xohlagan tarzda qo‘llashi mumkin. Boshqa ishlaydiganlarga nisbatan o‘zini o‘zi band qilgan odamlar ko‘proq erkinlikka ega. Shunki ixtiyori bilan tashkil qilingan ishda ixtiyoriylik hukm suradi.

Mazkur tamoyilga daxldor yana bir yo‘nalish ushbu shaxsning **foyda** olishida namoyon bo‘ladi. Bu barsha xarajatlarni to‘lagandan keyin qoladigan daromadning bir qismidir. Foyda ishni tashkil qilgan shaxsning o‘ziga qoladi. Juda ko‘p hollarda ishni tashkil qilgan odamga ko‘proq vaqt va ko‘proq harakat qilishini taqozo qiladi. Bunday holat ham ixtiyoriylik asosiga qurilganligi tufayli ham zavqlidir. Biroq inson boshqa birovlargacha ishlaganida bunday holat kamdan-kam ushrashi mumkinligi hammaga ayon.

Bandlik kafolati insonlar ushun juda muhim, shunki ko‘pgina korxonalar bandlik kafolatini to‘liq ta’minalay olmaydi. Ish ko‘لامи qisqarsa, korxona kasodga ushrasa albatta xodimlarni ushlab turish imkoniyati bo‘lmaydi. Shu tufayli odamlarning doimiy ish bilan ta’milangan bo‘lishligiga istagi yuqori bo‘ladi. Biroq, yollangan mehnatda bunga erishib bo‘lmaydi. Bu esa odamlarni o‘zini o‘zi ish bilan bandligini ta’minalash istagini tug‘diradi. O‘zini o‘zi band qilgan odamlar ishdan bo‘shatilishi, korxonadan haydalishi yoki ma’lum yoshga etganda majburiy tarzda ishdan pensiyaga shiqarib yuborilishi mumkin emas.

O‘zini o‘zi band qilgan odamlar ma’lum darajada **mavqe** baland bo‘ladi. Shunki o‘zini o‘zi band qilgan odamlar iste’molshilar bilan o‘rnatgan aloqalari va ularning faoliyati ommaviy axborot vositalarida yoritilishi tufayli, diqqatni jalb etadi va e’tirofga sazovor bo‘lishadi. Buning natijasi sifatida, ular ko‘pgina boshqa ishlayotganlardan yuqoriroq mavqega ega bo‘lib, bundan shaxsiy qoniqish olib, o‘z kasbining natijasidan rohatlanishi mumkin.

Qayd etish joizki, o‘zini o‘zi band etishning ma’lum sheklovleri ham mav-

jud. Bunday sheklovlar quyidagilardan iborat: investitsiya qilingan sarmoyani yo‘qotish ehtimoli, ishonshsiz yoki past daromadli bo‘lishligi, ko‘p vaqt sarflanishi, faqat o‘zi bo‘lganligi tufayli zerikarli bo‘lishligi, barsha ishlarni o‘zining bajarishga bo‘lgan zarurati.

O‘zini o‘zi band qilishning o‘ziga xos sheklovlar eng avvalo, o‘zi **investitsiya qilgan sarmoyasining yo‘qotish xavfi** borligida namoyon bo‘ladi. Ma’lumki, “investitsiya qilingan sarmoya” atamasi o‘zini o‘zi band qilgan kishining o‘z faoliyatini tashkil etganda sarflangan xarajatlarini bildiradi. Bu xarajatlar tez va samarali qoplansagina egasini qanoatlantiradi. Agar o‘zining faoliyati yaxshi rivojlanayotgan bo‘lsa, oladigan foydasi etarli bo‘lishi mumkin. Agarda, ushbu faoliyat omadsizlikka ushrasa, unga investitsiya qilingan sarmoya yo‘qotilishi mumkin. Shu tufayli o‘zini o‘zi band qilgan kishi ma’lum ma’noda ehtiyyotkorlik bilan ish ko‘rishiha to‘g‘ri keladi. Ammo Samarqand shahrida o‘zini o‘zi ish bilan ta’minlayotgan ko‘plab odamlar qatoriga “Samarqand noni”ni ishlab shiqarayotganlarni misol keltirish mumkin. Ularning kasbi va bandligi avloddan-avlodga o‘tib kelmoqda.

Yana bir sheklov o‘zini o‘zi band qilgan shaxslarning **ish haqlari yollangan xodimlarning ish haqidan farqli o‘larоq, o‘zgarib turishi** mumkin. Yollangan xodim bir ma’romda oylik oladi, ammo o‘zini o‘zi ish bilan ta’minlagan odamda bu holat bir maromda bo‘lmasligi mumkin. Bir oyda juda ko‘p va ikkinshi oyda kam bo‘lib qolish xavfi yo‘q emas. Foyda miqdori oydan-oyga o‘zgarishi mumkin-ligi ham bunday kishilarni biroz xavotirda ushlab turishi mumkin. Ammo daromad kelib turganda ham, u shaxsiy va oilaviy ehtiyojlarni qondirish ushun etarli bo‘lmasligi mumkin. Bunday holat ko‘pinsha faoliyatning boshlang‘ish davrlarida kuzatiladi. Shunki hali etarli tajriba va ko‘nikma hosil qilmagan bo‘ladi.

Соҳада рақобатбардошликни шакллантириш муаммоларини ўрганиш, комплекс, тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, янги ташкилий шаклларни яратиш ва ривожлантиришга, туристик маҳсулотлар ва хизматларни тарқатиш ва сотишга киритилган инвестицияларни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва ташҳислашнинг асосий тамойилларига таъриф беришни назарда тутади. Асосий таҳлил тамойилларига илмийлик ва комплекслилик, тизимлилик ва объективлик, аниқлик ва таъсирчанлик, шунингдек мақсадга йўналтирилганлик ва келишилганликни киритиш мумкин.

Иқтисодиётнинг давлат идоралари томонидан назорат қилинадиган қисми хусусий бизнес билан муносабатларни рақобатни улушли молиялаштиришнинг қайтариувчанлиги, ўзини қоплаши ва эвазлилиги тамойиллари асосида қуришни таклиф этади. Инвестицияларнинг таҳлили объектив воқеаликни аниқ акс эттирувчи ишончли ахборотга асосланган бўлиши керак. Хулосалар аниқ таҳлилий ҳисоб-китоблар билан тасдиқланади [2].

Таҳлилнинг самарадорлиги инвестиция жараёнига таъсири, шунингдек камчиликлар ва қоидабузарликлар ўз вақтида аниқланганда уларнинг натижаларида намоён бўлади[5]. Бундай таҳлил режа асосида, тизимда ўтказилиши керак. Бундан инвестициявий операцияларни тайёрлаш ва ўтказиша таҳлилий ишларни режалаштиришга эҳтиёж, шунингдек инвестиция жараёни иштирокчилари ўртасида мажбуриятларнинг бажарилишига эҳтиёж келиб чиқади. Таҳлилнинг тезкорлиги унинг тез ва аниқ ўтказилиши, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш орқали таъминланади. Инвестиция киритмаларини таҳлил қилишдаги демократизм ушбу фаолиятга манфаатдор иштирокчиларнинг кенг доирасини жалб қилишни назарда тутади, бу эса, ўз навбатида, инвестициялаш фаолиятининг очиқлигини таъминлайди [3].

Туристик мажмуа барпо этиш потенциал инвесторлар учун устувор мақсаддир. Аммо бу мақсадга эришиш йўлида бир нечта асосий муаммо ажратилади. Уларнинг асосийларини санаб ўтамиш:

1. Монополлашувга интилиши. Бозор тизимининг бекарорлиги туристик хизматлар ишлаб чиқарувчиларини фойда олиш мақсадида рақобатни бўғишига мажбурлайди. Сотувлар ҳажми нисбатан катта бўлган туристик фирмалар туризм соҳасидаги етказиб берувчилар билан ишлашнинг қалтис шаклларини тарқатиш орқали ўзлари учун зарур бўлган нарх устунлигини қўлга киритиши мумкин.

2. Бозор муҳитида ахборотнинг нотекис тақсимланиши. Истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва чакана сотувчилардан олинадиган ахборот катта аҳамиятга эга. Туризм соҳасида ахборот нотекис тарқалади ва

баъзан фақат бир нечта туроператорлар муҳим ахборотга эга бўлиши мумкин. Ахборотнинг бундай нотекис тарқалиши туристик бозорнинг имкониятлари катта бўлмаган субъектларига мураккаб бозор вазиятида қарорлар қабул қилишни қийинлаштиради.

3. Даромадларни тақсимлашда ижтимоий мақбул чегараларни белгилашнинг имконсизлиги. Бозор тизимиға бойликларнинг унинг бир кутбида ва камбағалликнинг бошқа қутбида тўпланиши тенденцияси хос. Бундай ҳолат шу билан изоҳланадики, туристик бозор маънавий талабларга бетараф муносабатда бўлиб, неъматларни ким қанча пул тўлай олишига қараб тақсимлайди. Бозор тизими субъектларининг даромадлари, одатда, аввал олинган фойданинг капиталлаштирилиши оқибатидир.

4. Бозорнинг ташқи таъсирларни бартараф этишга лаёқатсизлиги. Ташқи омилларнинг бозор тизимиға салбий таъсирига оғир металларни қайта ишловчи завод олдида қурилган маданий-соғломлаштирувчи марказга туристлар оқимининг пастлиги мисол бўла олади.

5. Бозор муҳитининг кўрсатиладиган туристик хизматларни назорат қила олмаслиги. Туризм соҳасида сифатни назорат қилиш зарур, чунки туристик хизматларнинг характеристири ва сифати бекарор хусусиятга эга. Бундан ташқари, туристик хизматлар муайян вақт билан чегараланган бўлиб, қайтарилмайди ёки алмаштирилмайди.

Шундай қилиб, туризм соҳасига инвестициялар фойда олиш учун молиявий ресурсларнинг аниқ мамлакат ёки хориж доирасида узоқ муддатли киритмалар шаклида ишга солинишини назарда тутади. Туризмдаги инвестициялар деганда капитал ёрдамида туристик хизматларни кўрсата оладиган янги туристик обьектларни яратиш ёки мавжудларини реконструкция қилиш жараёни тушунилади [4].

Туризм соҳасига инвестиациялар нисбатан катта ҳажмда юқори сифатли туристик хизматларни кўрсата оладиган янги туристик обьектларни барпо этиш билан боғлиқ ёндашувларни моддийлаштириш имкониятини беради. Туризм соҳасидаги инвестициялар истеъмолчи томонидан талаб ва туризм билан боғлиқ бизнес иштирокчилари томонидан берилган таклиф ўртасидаги мувозанат чеграсига риоя қилган ҳолда даромад ва фойда беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Astanakulov O.T., Asatullaev K.S., Saidaxmedova N.I., Ergashev O.T., Strategic support for accounting for the investment process in the innovation industry, Journal of Advanced Research in Law and Economics, Vol. 10, Is. 6, 2019, pp. 1877-1883

2. Азизов А. А. Предпринимательство в сфере туризма: инвестиционный аспект //Инвестиции: практика та досвід. – 2016. – №. 12. – С. 22-25.

3. Калафатов Э. А. Инвестиции в туристскую сферу: анализ

современных проблем //Научный вестник: финансы, банки, инвестиции. – 2014. – №. 4 (29). – С. 114-117.

4. Fu, H., Xiao, X. H., Li, Y., Köseoglu, M. A., Pan, Z., & Luo, H. (2022). Effects of entrepreneur passion on persuasion: Study of venture capitalist funding decisions toward hospitality and tourism business plan presentation. *Tourism Management Perspectives*, 44. <https://doi.org/10.1016/j.tmp.2022.101008>

5. Plzakova, L. (2022). Evaluation of investments in the tourism sector with a local focus. *Evaluation and Program Planning*, 94. <https://doi.org/10.1016/j.evalprogplan.2022.102151>

Худойназар Хабибуллаевич Эргашев – и.о. доцента, к.э.н., СамИЭС

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВНУТРЕННЕГО ТУРИЗМА НА ОСНОВЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ И ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. Среди видов туризма внутренний туризм занимает особое место и является одним из основных источников дохода. Политика поддержки инвестиций должна стать важной долгосрочной задачей для развития внутреннего туризма. Она является основой для создания, хранения и воспроизведения туристических ресурсов, а также для развития туристической индустрии и инфраструктуры. Для того чтобы правильно спланировать развитие внутреннего туризма нужна экономическая эффективность. Цель статьи изучить методы и влияние внутреннего туризма на экономику в стране осуществляющиеся с использованием различных путей.

Ключевые слова: туристические инфраструктуры, гостиницы, транспортно-логистические сооружения, инженерно-коммуникационная инфраструктура, иностранные инвестиции, туристические продукты, маршруты в регионах, туристические рынки.

Annotatsiya. Turizm turlari orasida ichki turizm alohida o‘rin tutadi va asosiy daromad manbalaridan biri hisoblanadi. Investitsiyalarni qo‘llab-quvvatlash siyosati ichki turizmni rivojlantirishning muhim uzoq muddatli vazifasiga aylanishi kerak. U turizm resurslarini yaratish, saqlash va ko‘paytirish, shuningdek, turizm sanoati va infratuzilmasini rivojlantirish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. Ichki turizmni rivojlantirishni to‘g‘ri rejalashtirish uchun iqtisodiy samaradorlik zarur. Maqolaning maqsadi turli usullardan foydalangan holda amalga oshirilayotgan ichki turizmning mamlakat iqtisodiyotiga ta’siri va usullarini o‘rganishdir.

Kalit so‘zlar: turizm infratuzilmalari, mehmonxonalar, transport-logistika obyektlari, muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi, xorijiy investitsiyalar, turizm mahsulotlari, hududlardagi yo‘nalish, turizm bozorlari.

Abstract. Among the types of tourism, domestic tourism occupies a special place and is one of the main sources of income. Investment support policy should become an important long-term task for the development of domestic tourism. It is the basis for the creation, storage and reproduction of tourism resources, as well as for the development of the tourism industry and infrastructure. In order to properly plan the

development of domestic tourism, economic efficiency is needed. The purpose of the article is to study the methods and influence of domestic tourism on the economy in the country, carried out using various ways.

Keywords: tourism infrastructure, hotels, transport and logistics facilities, engineering and communication infrastructure, foreign investment, tourism products, routes in the regions, tourism markets.

Наиболее эффективным из них является использование специального мультипликатора. Мультипликатор регионального туризма представляет собой показатель, характеризующий косвенное влияние туризма на экономику и влияние на социальную сферу в регионе. Расчет коэффициента выявляет его истинное значение, так как определяет доход, которые индивидуальные туристские расходы приносят в региональную экономику.

Мультипликатор коммерческих операций отражает рост оборота туристических организаций в результате увеличения расходов на туризм. Большое значение имеет форма повышенного спроса на товары и услуги в регионе. Спрос на комплекс услуг, формируемый туризмом, требует их производства, что, в свою очередь, стимулирует развитие предприятий, выпускающих продукцию для этой отрасли: сувениры, местные производители.

С одной стороны, туристы, посещающие наш регион, будут взаимодействовать с рядом отраслей. Соответственно, деятельность туристов напрямую влияет на дополнительный доход этих секторов. С другой стороны, туристы с большой вероятностью будут способствовать развитию отраслевой деятельности.

Вклад туризма в экономику страны требует экспорта услуг произведенных в национальной экономике и использовании иностранных финансовых ресурсов или использовании иностранных оборудований и технологий для развития сферы услуг и обеспечения занятости. Есть различные стратегические направления развития национальной экономики за счет использования таких возможностей. Включая:

- ✓ создание благоприятных условий для деятельности индустрии туризма, устранение всех препятствий и барьеры на пути развития туризма;
- ✓ всемирно ускоренное развитие новых потенциальных видов туризма - паломнический, экологический, образовательный, этнографический, гастрономический, спортивный, оздоровительный, сельский, производственный, деловой, детский, молодежный и семейный туризм;
- ✓ ускоренное развитие объектов современной туристической инфраструктуры, особенно гостиниц, транспортно-логистические сооружения, инженерно-коммуникационная инфраструктура в регионах страны, широкое привлечение иностранных инвестиций для этих целей;

- ✓ разработка конкурентоспособных туристических продуктов, создание новых туристических маршрутов в регионах, их вывод на мировые туристические рынки;
- ✓ стратегии радикального совершенствования системы качественной подготовки квалифицированных кадров для индустрии туризма и др.

Важность прогнозирования изменений объема социально-экономических параметров регионе, которые происходят с увеличением спроса на туристические услуги и продукты, заключается в том, что целевые индикаторы, отражающие будущую динамику роста сектора, будут включены в программу и стратегические документы.

Эффективная возможность стимулирования сферы туризма методом межотраслевого баланса позволяет количественно оценить изменения в динамике развития этого сектора. Это будет позволять обосновывать основные параметры региональной экономической политики в целом, а также развитие туристического сектора. Поэтому целесообразно разделить меры, направленные на стимулирование туристического потребления в регионе на две взаимосвязанные группы:

- стимулирование спроса;
- стимулировать поставку.

За счет повышения покупательной способности при реальном снижении доходов населения.

Характеристика нашего региона:

- короткая цепочка добавленной стоимости туристских продуктов,
- отсутствие системы производителей по оказанию туристских услуг потребителям,
- в стране недостаточно информации о существующих туристических возможностях в Узбекистане.

В целом, индустрия туризма внедряется. Следует отметить, что правительство, стремясь для развития внутреннего туризма, также дает ряд преимуществ для бизнеса, в том числе физические и юридические лица, осуществляющие деятельность в сфере туризма. В частности, Постановление Внебюджетного фонда поддержки туризма при Государственном комитете по развитию туризма в виде разовых целевых беспроцентных кредитов на 12 месяцев на основании критериев, установленных Республиканской антикризисной комиссии должна оказывать помощь в размере не более трех раза оплаты труда, разработке и продвижении новых туристических продуктов и маршрутов на период с 1 июня 2023 года по 31 декабря 2023 года путем выделения грантов в размере 10 млн сумов для туроператоров. Кроме того, предусмотрен ряд льгот, которые служат основанием для создания туристических компаний.

Если рассматривать существующие системные проблемы внутреннего туризма в нашем регионе, следующие основные проблемы сдерживают развитие туристической индустрии в разной степени. Для того, чтобы

получить экономический эффект от внутреннего туризма, необходимо сделать эффективным использование имеющихся туристических ресурсов. Туристический потенциал Узбекистана еще не полностью раскрыт. В результате лишь малая часть туристического потенциала нашего региона вовлечены в реальные туристические процессы, и есть проблема с инвентаризацией оставшихся туристических зон.

Заключение. Поскольку мы планируем принимать большое количество внутренних туристов в наш регион, мы не должны забывать что наша страна многонациональна. Для этого необходимо запустить производство медиа (карты, буклеты и т. д.), охватывающие иноязычную аудиторию;

- Для развития внутреннего туризма в нашем регионе, прежде всего, важно реальную оценку своего текущего состояния. На этом этапе нам может очень помочь SWOT-анализ.

- Все мы знаем, что понятия бренда, логотипа, имиджа уже показали себя в сфере маркетинга. Для развития внутреннего туризма в нашем регионе будет полезно создать систему помощи и консультаций в создании бренда, логотипа выбранного туристического агентства.

Список использованной литературы:

1. Садиков И. И. Международный туризм в мировом хозяйстве: Учеб. пособие. Мин.: Белгосуниверситет, 2016.
2. Маликова Е.П., Честникова В.А. Международный туристический бизнес.- М.,1997.
3. Сапрунова В.Б. Туризм: эволюция, структура, маркетинг. - М.: «Ось-89», 2017.
4. Сенин В.С. Введение в туризм. - М., 2013.
5. Артикова Л.Т. Организация международного туризма - М: Финансы и статистика, 2013.

Рисолат Абдуллаевна Исломова – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛARDАН ФОЙДЛАНИШ ОРҚАЛИ АГРОТУРИЗМ МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЕЧИМЛАРИ

Аннотация: Мақолада инновацион технологиилар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишининг ички туризмдаги иқтисодий аҳамияти ҳақида ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: Инновация, ички туризм, агротуризм истиқболлари, озиқ-овқат маҳсулотлари

Аннотация: В статье освещена экономическая значимость разработки продуктов питания на основе инновационных технологий во внутреннем туризме.

Ключевые слова: Инновации, внутренний туризм, перспективы агротуризма, продукты питания

Abstract: The article highlights the economic importance of developing food products based on innovative technologies in domestic tourism.

Keywords: Innovations, domestic tourism, prospects for agritourism, food

Туризм тизимида экологик туризмнинг ўз ўрни мавжуд. Бу айниқса Навоийдек вилоят учун жуда аҳамиятлидир. Мазкур худудда дашти-чўллар билан бирга тоғлар, гўзал манзарали худудлар, азиз авлиё ва мутафаккирлар қадамжолари, қўпгина фойдали қазилмалар, ўзига хос аҳоли қатлами мавжудлиги баён этилган. Экологик туризмни тўғри англаш учун унинг турларини аниқлаб олиш лозимдир. Навоий вилоятида экологик туризмнинг мақсади бўйича таснифланди. Ушбу белгиси бўйича экологик туризм ўрганиш натижасида уларнинг қўйидаги хусусиятлари аниқланди:

Навоий вилоятида “Яшил макон” дастурига асосан Зарафшон арчасини экиб кўпайтириш лозимлиги кўриб чиқилмоқда. Табиий ҳолда ушбу арчалар денгиз сатҳидан 260 метрдан 2 800 метргача баландликда ўсади. Аммо уни ҳозирги шароитда пастликларга ва турли текисликларга ҳам сунъий равишда мослаштириб ўстирилмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, бир гектар майдондаги арча дарахти бир йил давомида инсон соғлигига зарар етказувчи микробларни ўлдирувчи 30 тонна фитанцид моддаси ишлаб чиқаради. Бу Навоийдек, серсаноат индустриал вилоят учун катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари зайдун дарахти ҳам тоғли сувсиз жойлардаги худудларда ўстирилганда, атмосфера ҳавосини чанг ва ғуборларни ўзида ютиб қолиш ва инсон учун ўта зарур бўлган қўплаб миқдорда кислород чиқариш хусусиятига ҳам эга эканлигидир.

Вилоятнинг чўл ва адирлардан иборат экологик вазият мураккаб бўлган худудларида ўрмон хўжаликларини барпо этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу ўрмон хўжаликлирида алоҳида ихоталанган зоналарни ташкил қилиш ва улардан туристик объект сифатида фойдаланиш лозимлиги кўриб чиқилмоқда. Вилоятнинг ўрмонзорларини ташкил қилиш учун шу ернинг ўзида кўчатчиликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бундай экзотик ўсимликларга зайдун дарахтини ўрганиб чиқилганда, у сувсизликка чидайдиган бута дарахти бўлиб, агротуризмда муҳим ресурс ҳисобланади.

Ундан ёғ олиш кўриб чиқилганда ғўза ва зиғир ёғига нисбатан этиштириш тоғ-чўл зоналарида қулай ва туристларни ўзига жалб этувчи озуқавий ёғлик ўсимликларидир.

Озиқавий ёғ инсон истеъмоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан биридир. У тирик организм учун энергия манбай бўлиб хизмат қиласи. Инсон кундалик ҳаёт фаолиятида сарф қиласидаган энергиянинг қарийб учдан бир қисмини ёғлар ҳисобига олади. 1 грамм ёғнинг энергия бериш қобилияти 37,7 кЖни ташкил этади.

Ёғнинг бир кунлик илмий асосланган истеъмол мөъёри ўртacha 100 г қабул қилинган. Лекин бу кўрсаткич одамнинг жинси, ёши, ҳаёт фаолиятига




асосланиб 80-120 граммни ташкил этиши мумкин. Белгиланган меъёрнинг 60%дан кўпроғи ўсимлик ёғлари ҳисобига тўғри келиши керак.

Ёғлар организмни энергия билан таъминлаб қолмасдан хужайраларнинг тузилишида иштирок этади. Тери остида ёғ тўқимасининг ҳосил бўлиши бундан яққол далолат беради. Шунингдек, ёғ организмни ташки муҳитдан ҳимоя қилувчи омиллардан бири ҳамdir.

Ёғнинг аҳамияти юқорида айтилганлар билан чекланиб қолмасдан, улар организмда катта физиологик жараёнларда ҳам иштирок этишини қайд этиши лозим. Ёғларнинг физиологик аҳамияти шундаки, унда инсон ҳаёти учун зарур бўлган фосфатидлар, витаминлар, ўрин алмаштиrmайдиган юқори даражада тўйинмаган ёғ кислоталари ва бошқа фаол моддалар мавжуд. Улар ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган ҳамма жарёнларда иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 мартағи “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўрисида” ПФ-27-сон Фармони ижроси юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Инсон организмига фойдаси юқори бўлган ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш зарурлиги қўриб чиқилди.

Масалан, ёғлар таркибида учрайдиган тўйинмаган ёғ кислоталари организмнинг қон томирлари деворига ўтириб қоладиган холестеринни чиқариб, атеросклероз касаллигидан сақлайди. Шу сабабли ҳам кам ҳаракат қилувчи одамлар, айниқса қариялар ўз истеъмолларига қўпроқ ўсимлик мойларини киритишлари мақсадга мувофиқdir.

Ҳозирги кунда мой берувчи ўсимликларга 100 дан ортиқ ўсимлик киради. Лекин уларнинг кўпчилиги мойнинг миқдори унча кўп бўлмаганлиги туфайли мой ишлаб чиқариш саноатида ишлатилмайди. Асосий ўсимликлар уруғи таркибидаги мой миқдори ушбу диаграммада келтирилган.



1-диаграмма

Яқин йилларда Ўзбекистон зайдун мойи ишлаб чиқарадиган мамлакатлар қаторига қўшилишни режалаштиromoқда. Хусусан, жорий йилнинг март ойи охирларида республиканинг жанубий вилоятларида 530 гектар, шу жумладан, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Музработ ва Узун туманларининг ҳар бирида 100 гектардан, Термиз, Жарқўрғон, Сариосиё ва Бандиҳон туманларининг ҳар бирида 50 гектардан, Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманида 30 гектар майдонда зайдун плантацияси барпо этилиши бўйича маълумотлар эълон қилинди.

Маълумот учун, ҳозирда Ўзбекистон аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган йиллик талаби 475 минг тоннани ташкил этади. Ёғ-мой корхоналари эса йилига 259 минга ўсимлик мойи ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолиси орасида кунгабоқар ва пахта мойлари машҳур ҳисобланади. Бундан ташқари, зайдун мойининг нархи кунгабоқар ва пахта мойи билан солиштирганда анча юқори ва уни ишлаб чиқариш анча қимматга тушади. Бу иктисадий муаммони ечиш учун, табий шароити тўғри келадиган худудларда зайдун етиширилса чет элдан олинадиган кунгабоқар мойидан воз кечилади. Кундан кунга пахта ёғи ишлаб чиқарилиши камайганлиги сабабли, аҳоли талабини зайдун ёғи билан тўлдириш тавсия этилади.

Ўзбекистонда зайдун дарахтини етишириш тарихи 2002 йилдан бошланган, унга қадар Марказий Осиёда ҳеч қачон зайдун ўстирилмаган. 2002 йил февралида Туркиядан 4 туп зайдун дарахти қўчати олиб келинган.

Улар субтропик минтақа бўлган Сурхондарё вилоятига экилган. Ўзбекистонда зайдун етиштириш бўйича биринчи тажрибалар мана шундай бошланган.

Ўзбекистон делегацияси 2020 йил июль ойида видеоконференция шаклида бўлиб ўтган Халқаро зайдун кенгашининг 111-сессиясида (кузатувчи мақомида) иштирок этди.

Навоий вилоятининг Томди, Учқудук ва Нурота туманларида тажриба сифатида зайдун дараҳтлари экилгани ва зайдуннинг қурғоқчиликка чидамлилиги Ўзбекистон жанубида етиштиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида қайд этилган.

2022 йилда илк бор хукумат ташаббуси билан Ўзбекистон ҳудудининг чўл зоналарида 530 гектардан ортиқроқ майдонда зайдун экилмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий субтропик минтақалари иқлими зайдун етиштириш учун қулай ҳисобланади, яъни бу ерда об-ҳаво билан ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги мумкин. Аммо бу ерда энг муҳими, мамлакатда зайдун мойи ва зайдун истеъмолини ривожлантириш зарурлигини кўриб чиқиш керак. Зайдун мойи истеъмолчи учун арzon муқобилга айланмайди, аксинча у қиммат маҳсулот бўлиб, мамлакат аҳолисининг асосий қисмida даромад даражаси пастлиги сабабли зайдун бизнеси ривожлантириш бугунги кунда давлат аҳамиятига эга бўлган маркетинг йўналиши жиддий ривожланмоқда.

Сўнгги вақтларда дунё бўйича ўсимлик мойи нархи ўртача 20—25 фоизга, Ўзбекистонда эса 17 фоизга ошгани, шунингдек, нарх ошиши кунгабоқар мойи нархи кўтарилиши маҳаллий маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Маълумот учун, зайдун мойи фойдаси энг кўп бўлган маҳсулотлардан бири сифатида қадимдан машхур. Ундан тиббиёт, диетология ва косметология соҳасида фаол фойдаланилади. Зайдун мойи организм томонидан осон сўрилади, иштаҳани пасайтиради, модда алмашинувини тезлаштиради ва ошқозонга фойдали таъсир қиласи. Зайдун мойини муунтазам равишда истеъмол қилиш — юрак-қон томир касалликлари олдини олишнинг яхши усули: у томирларни мустаҳкамлайди ва уларни янада эластик қиласи.

Демак, таклиф этилаётган ўсимлик ёғи рақобатбардош маҳсулот бўлиши шарт. Унинг ҳудудларда етиштирилиши ва ишлаб чиқариш жараёнида сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Ўрганиб чиқилган муаммо бўйича қўйидагича хулосалар қилинди:

- 1) Чўл зоналарини ички туризм ресурси бўлган зайдун дараҳтини экиш билан “Яшил макон” дастури асосида агротуризмни ривожлантириш;
- 2) Иқтисодий нуқтаи назардан зайдун ёғини ишлаб чиқариш билан кунгабоқар ёғи имортидан воз кечиш;

3) Абу Али Ибн Сино таълимотларига кўра, аҳолини сифатли маҳсулот билан таъминлаш кўзда тутилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 мартағи ПФ-27-сон Фармони.
2. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси. Ш.М.Мирзиёев
3. “Эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизmlарини такомиллишишириш ”Автореферат Исломова Р.А.Самарқанд-2019 й. 12-13 бетлар.
4. “Tovarshunoslik” Б.Т. Эшқувватов Т-“Мехнат”-2004 й. 162-164 бетлар.

Olim Tashtemirovich Astanakulov – i.f.d.(DSc), professor, O‘zbekiston xalqaro islam akademiyasi “Islom iqtisodiyoti va moliyasi, ziyorat turizmi” kafedrasи mudiri,

Muslimaxon Xolmatjon qizi Soxibova – O‘zbekiston xalqaro islam akademiyasi magistranti

**TURIZM SOHASIDAGI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR:
MUAMMO VA ISTIQBOLLAR**

Annotatsiya. Turizm jahon iqtisodiyotining yetakchi kuchlaridan biridir. So‘nggi yillarda ushbu sektorga yangi texnologiyalarning keng joriy etilishi xizmat ko‘rsatish usullarini tubdan o‘zgartirdi. Ushbu maqolada bugungi kunda mehmondo‘stlik sanoatida qo‘llanilayotgan innovatsion texnologiyalar, ularning xizmat sifati va bozorga ta’siri tahlil qilindi. Bundan tashqari, xalqaro bozorda mashhur bo‘lib borayotgan mehmonxona menejmentidagi innovatsion yechimlar keltirib o‘tildi. Mehmonxonada qo‘llaniladigan texnologiyalarni faol rivojlantirish uchun fundamental masalalar muhokama qilindi.

Kalit so‘zlar: turizm, mehmonxona, innovatsiya, texnologiya.

Аннотация. Туризм является одной из ведущих направлений мировой экономики. В последние годы широкое внедрение новых технологий в этот сектор коренным образом изменило способ предоставления услуг. В данной статье проанализированы инновационные технологии, используемые сегодня в индустрии гостеприимства, их влияние на качество обслуживания и рынок. Кроме того, были представлены инновационные решения в гостиничном менеджменте, которые становятся популярными на международном рынке. Обсуждены принципиальные вопросы активного развития технологий, используемых в гостинице.

Ключевые слова: туризм, гостиница, инновации, технологии.

Abstract. Tourism is one of the leading segments of the world economy. In recent years, the widespread introduction of new technologies in this sector has fundamentally changed the way services are provided. This article analyzes the innovative technologies used today in the hospitality industry, their impact on the quality of service and the market. In addition, innovative solutions in hotel management were presented, which are becoming popular in the international market.

Key words: tourism, hotel, innovation, technology.

Pandemiyagacha bo‘lgan davrda ichki va xalqaro turizm bir necha yillar davomida barqaror o‘sish sur’atini ko‘rsatdi. Mehmonlarni joylashtirish vositalari, shu jumladan, mehmonxona xizmatlarini sotishdan olingan daromad turizm sektorini jahon iqtisodiyotining dvigatellaridan biriga aylantirdi. Soha mutaxassislari mehmondo‘stlik sanoatini yanada rivojlantirish xizmat ko‘rsatuvchilardan uchun mehmonlarning o‘zgaruvchan talablariga tez moslashuvchanlikni talab etadilar. Xususan, mazkur o‘zgarishlar yosh avlodni turizm xizmatlariga jalb etishga qaratilgan[1]. Mazkur o‘zgarishlar turizmdagi provayderlar va mehmonxonalar tomonidan qo‘llanilayotgan xizmatlar va asosiy texnologiyalarni tubdan o‘zgartirishga olib keladi. Bunda ustuvor ikki yo‘nalishdan foydalanish maqsadga muvofiq: tajribada mehmonning shaxsiy xohishlariga e’tibor qaratish va xizmatlarni raqamlashtirish.

Turistning shaxsiy istaklariga e’tibor qaratish yuqori daromad olish va a’lo darajada xizmat ko‘rsatish uchun zarur bo‘lib, taklif etilayotgan yechimlar va xizmat paketlarining moslashuvchanligi tufayli har bir mehmonga individual yondashuvni taklif etishi mumkin.


Ammo, maxsus xizmat paketlari va moslashuvchan xizmatlar ham har bir mehmonga alohhida yondashuvni ta’minlay olmaydi. Bu esa mehmonda ikki xil tanlov imkoniyatini qoldiradi: mavjud xizmatdan foydalanish yoki umuman xizmatdan foydalanmaslik. Odatda, mehmonlar ikkinchi tanlovni amalga oshiradi, bu esa mehmonxona daromadlarida o‘z aksini topadi. Bunday holatda mehmonxonalar o‘z iste’molchilariga ko‘proq moslashuvchan yechimlarni taklif eta olsa, mehmon o‘z istagi, imtirozi va byudjetiga ko‘ra xizmatlarni tanlashi va foydalanish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Turistik provayderlar va mehmonxonalar o‘zaro aloqani boshqarish uchun samarali innovatsion platformadan foydalanish orqali har bir mehmon uchun shaxsiy taklif yaratish jarayonini soddalashtirishi mumkin.

Xizmatlarni raqamlashtirishdan maqsad raqamli biznes modeliga o‘tishdan iborat bo‘lib, unda avval inson tomonidan bajarilgan ayrim vazifalar endilikda IT ga yuklash imkoniyatini yaratadi[2]. Bu mehmonxona xarajatlarini sezilarli darajada kamaytirishi mumkin. Raqamli xizmatlar platformasi iste’molchiga o‘ziga qulay muhitdan turib qidirish, ko‘rish va tanlash imkoniyatini bergen holda texnologiyalarning ularning sayohatiga integratsiyasini ta’minlaydi. Mustaqil registratsiya, bron qilish, nomerlarni buyurtma qilish, o‘zining shaxsiy kontenti (shaxsiy qiziqishlaridan kelib chiqqan holda tuzilgan kataloglarni) ni ko‘rish – bularning barchasi mehmonlarga yaratilishi mumkin bo‘lgan muhim

sharoitlardan hisoblanadi.

Mehmonxona sanoatining kelajagi IoT (Internet of things) tomonidan vujudga kelgan bugungi “bum” bilan tavsiflanadi. IoT – bu mahalliy aloqa tarmoqlari yoki internet orqali to‘gridan-to‘g‘ri/bilvosita o‘zaro ta’sir aloqada bo‘lishi mumkin bo‘lgan sensorlar, mobil qurilma va boshqalar kabi kundalik jismoniy qurilmalarning o‘zaro bog‘lanishidir[3].

IT-kompaniyalar o‘zlarining texnologik infratuzilmasini yangilash uchun katta mablag‘ jalb etadilar. 2019-yilda IT xarajatlar bo‘yicha o‘rta darajadagi mehmonxonalar yetakchilik qilgan(1-rasm). Xarajatlar, asosan, xizmat ko‘rsatish platformasini doimiy yangilashga qaratilgan bo‘lib, bu har ikki tomon uchun foydali hisoblanadi.



1-rasm. 2019-yilda IT-texnologiyalarga katta mablag‘ ajratuvchi mehmonxonalar kategoriyalari (daromadiga nisbatan foizda)[4]

Bugungi kunda mehmonlarga taqdim etilayotgan xizmatlar mulkni boshqarish tizimlari (PMS – property management system) orqali boshqariladi. PMS tizimlari mehmonxona boshqaruv tizimi, mehmonlar bilan aloqa, daromad va sotishni boshqarish bilan shug‘ullanadi. Misol sifatida, thermostat va yorug‘lik datchiklari kabi maxsus qurilmalar orqali PMS tizimlar harorat va yorug‘lik iste’molini nazorat qilishda qo‘llanilishi mumkin, bu esa enegriya xarajatlarini 20-45% ga kamaytirishi mumkin[5].

IoT ekotizimning o‘sishi va kundalik hayotning turli jabhalarida kengayishi bilan har bir qurilma ma’lumotlarni to‘playdigan va tahlil qiladigan tizimli kelajakni taqozo etishi mumkin. Turistik infrastrukturada esa mazkur texnologiyalardan turlar, xonalarni oldindan ko‘rish (interyer, qulaylik, jihozlar va h.k.), restoran menyusini tanlash va boshqa xizmatlarni uydan chiqmasdan sotib olishda foydalanish mumkin.

Biroq, bu innovatsion texnologiyalarni samarali joriy etish bilan muammolar mavjud. Asosiy 3 ta muammoni ajratib ko‘rsatish mumkin:

1. Ma’lumotlarni boshqarish. Mehmonlar haqidagi ma’lumotlarni yig‘ish va tahlil qilish mehmonxona xizmatlari tarmog‘ining ajralmas qismi hisoblanadi. Sanoatga yangi texnologiyalar va xizmat ko‘rsatish platformalarining joriy etilishi bilan ma’lumotlar hajmi eksponent ravishda o‘sishi lozim. Mehmonlarga moslashgan xizmatlarni taqdim etish uchun PMS tizimlari IoT qurilmalaridan

olingan mehmonxona ma'lumotlari bilan birlgilikda tahlil qilishi lozim. Bu esa har ikkala tizim uchun katta hisoblash yukini yaratadi.

2. Xavfsizlik va maxfiylik. Mehmonlarga yuqori darajada xizmat ko'rsatish uchun mehmonlarning xatti-harakati va joylashuvi kuzatilishi lozim (ular tashrif buyurgan muzey, restoran, do'konlar va h.k.). Mehmonxona esa o'z mijozlari ma'lumotlarini jismoniy, iqtisodiy va ijtimoiy tahdidlardan himoya qilishi va saqlashi lozim. Elektron tizimlar xavfsizlik nuqtai nazardam hujumlarga eng zaif nuqta hisoblanadi.

3. Samaradorlik. Mehmonxona so'rovlarni tezkor tasdiqlashi va xizmat ko'rsatilishini ta'minlashi lozim. Buning uchun mehmonlar va mehmonxona o'rtaсидаги о'заро aloqani raqamlashtirish lozim.

Turizmda bugungi kundagi innovatsion yondashuv uning taraqqiyotini ta'minlab beradi[6]. Bunda har bir turistik tashkilot va joylashtiruv vositalari mehmonlarga moslashuvchan bo'lishi va xizmatlarni raqamlashtirishi soha alohida e'tibor qaratishi lozim bo'lgan ikkita istiqbolli yo'nalish hisoblanadi.

Ko'plab mehmonxonalarda, ayniqsa, xalqaro mehmonxonalar tizimlarida xizmatlarni modernizatsiya qilish bo'yicha keskin choralar ko'rildi. Ular o'zlariga mos PMS tizimlardan keng foydalanadilar, mazkur tizimlar esa mos ravishda global iste'mol tizimlariga (GDS – global distribution system) bog'langanligi nafaqat mehmonxona menejerlari, balki mijozlar uchun qator qulayliklar yaratgan.

Tadqiqot davomida innovatsion texnologiyalarni qo'llashda vujudga kelayotgan fundamental muammolar aniqlandi, shuningdek mehmondo'stlik sanoati tomonidan yaqin kelajakda taklif etilishi mumkin bo'lgan yechimlar keltirildi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yxati:

1. Г.Лэнгфорд. Прогноз индустрии туризма и гостеприимства на 2016 год. <https://www2.deloitte.com/us/en/pages/consumerbusiness/articles/travel-industry-outlook-2016.html>.

2. М.Л.Касавана (2014) Индустрия гостеприимства: подключение неподключенного, Интернет всего. <http://www.hospitalityupgrade.com/magazine/MagazineArticles/Hospitality-Industry>

3. А.Мунир, П.Кансакар и С.У.Хан, «IFCIoT: интегрированное туманное облако IoT: новая архитектурная парадигма для будущего Интернета вещей». Журнал потребительской электроники, 74 б. – 82, 2017.

4. U.X.Li va K.K.Cheng, «Меньше значит больше: новый подход к измерению качества обслуживания в «зеленых» отелях», International Journal of Hospitality Management, 32–40 р., 2018.

5. Г.Пикколи, Т.B.Lui и В.Grun, «Влияние систем обслуживания клиентов с поддержкой ИТ на персонализацию обслуживания, восприятие обслуживания клиентов и работу отеля», Управление туризмом, 349–362 с., 2017.

6. Астанакулов О.; Гойипназаров, С. Туризм 4.0: возможности применения технологий индустрии 4.0 в туризме: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/A51. ЭиО 2022, 23, 330-337.

IV ШЎЬБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА МАРКЕТИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

С.Б. Фойипназаров— Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси” мудири, и.ф.ф.д.(PhD), доцент,

ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: Тадқиқотда инсон ресурсларини бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш имкониятлари ва уни бошқарув жараёнларига жорий этиш қандай ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келиши масалалри ўрганилган. Шунингдек, мақолада сунъий интеллектни жорий этиш шароитларида инсон ресурслари соҳасидаги меҳнат жараёнлари, меҳнат унумдорлиги ва иш билан бандлик ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларининг ўзгаришига оид таҳлиллар ва илмий асослар муҳокама қиқлинган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, рақамли инсон ресурсларини бошқариш, инсон ресурсларини бошқариш трансформацияси, меҳнат жараёнларини автоматлаштириш

Abstract: The research examines the possibilities of using artificial intelligence in the management of human resources and the social and economic consequences of its introduction into management processes. The article also discusses the analysis and scientific basis of the changes in labor processes in the field of human resources, labor productivity and employment and labor protection in the conditions of the introduction of artificial intelligence.

Keywords: artificial intelligence, digital human resource management, human resource management transformation, work process automation

Аннотация: В исследовании рассматриваются возможности использования искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами и социально-экономические последствия его внедрения в процессы управления. Также в статье рассматриваются анализ и научное обоснование изменений трудовых процессов в сфере человеческих ресурсов, производительности труда и занятости и охраны труда в условиях внедрения искусственного интеллекта.

Ключевые слова: искусственный интеллект, цифровое управление человеческими ресурсами, трансформация управления человеческими ресурсами, автоматизация рабочих процессов.

Кириш. Ҳозирги вақтда сунъий интеллектни корхоналар фаолиятига кенг жорий этиш қамрови кенгайиб бормоқда. Бу эса инсон ресурсларини бошқариш учун эҳтимолий имконият ва таҳдидларни юзага келтириши

мумкин. Анъанавий инсон ресурсларини бошқариш асосан корхоналар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларида кўприк вазифасини ўтаган бўлса, энди у машиналарни ўрганиш, қарорларни таҳлил қилиш, катта маълумотлар (Big Data) ва булатли ҳисоблаш (Cloud Computing) каби технологиялар билан интеграциялашни бошлади. Бу эса кадрлар бўйича менежерлар ишининг табиатини ўзгартиришга олиб келмоқда.

Сунъий интеллект келажакда инсон ресурсларини бошқаришга қандай ўзгаришлар олиб келади? Улар орасида сунъий интеллект технологияси ва инсон ресурсларини бошқариш тизимининг чуқур интеграциясининг муқаррар ривожланиш тенденциясидир. Инсон ресурсларини бошқаришдаги оддий ва транзакцион вазифалар сунъий интеллект билан алмаштирилгандан сўнг, инсон ресурсларини бошқариш тобора стратегик бўлиб боради ва иш мазмуни янада мураккаблашади, яъни инсон ресурсларини бошқариш модели аста-секин стратегик, ақлли бошқарувга ўтади ва корхоналар кўп сонли анъанавий инсон ресурслари амалиётчиларини ўз касбларидан маҳрум бўлишига олиб келади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Хитойлик иқтисодчи олимлар Фанг Ксинг ва Лиу Ксинглар ўз тадқиқотларида инсон ресурсларини бошқариш соҳасида сунъий интеллектнинг чуқур интеграциялашувининг фойдаси жуда катта бўлиб, у инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириши, ходимларни тўғри ва муносиб танлашни рағбатлантириши, корхонанинг иш ҳақини бошқаришнинг илмий характеристини яхшилаши ва бошқарувни ўзгартиришга ёрдам бериши мумкинлигини келтириб ўтадилар [1]. Бундан ташқари, соҳада тадқиқот олиб борган олимлар Строгмейер ва Пиазалар ўз тадқиқотларида сунъий интеллектнинг инсон ресурсларини бошқаришга таъсири асосан олти жиҳатда ўз аксини топишини таъкидлаб, улар яъни сунъий нейрон тармоқ айланмасини башорат қилиш, билимлар базаси тизимига асосланган номзодларни қидириш тизими ва матнни қазиб олиш асосида инсон ресурслари хиссиётини таҳлил қилиш, генетик алгоритмга асосланган ходимларни режалаштириш тизими, маълумот олиш учун резюме маълумотлар йиғиши ва интерактив овозли жавоб учун ходимларнинг ўзига хизмат кўрсатиши мумкинлигини асослаб беришган [2]. Тадқиқотчи Жия ва унинг жамоаси 2018 йилда “Сунъий интеллектга асосланган инсон ресурсларини бошқариш тизими (СИИРБ)” концепция моделини таклиф қилдилар, яъни сунъий интеллект “СИИРБ” тизимини яратиш учун инсон ресурсларини бошқаришнинг олти модули билан бирлаштирилиши мумкин: қарор қабул қилишга кўмаклашувчи ақлли тизим, ақлли баҳолаш тизими, инсон ва машинанинг ўзаро таъсири тизими, ходимларни ўқитишнинг ақлли тизими, консалтинг тизими ва ақлли рағбатлантириш тизими [3]. Шунингдек, инсон ресурсларининг асосий вазифаларига асосланиб, Строгмейер ва Пиазза сунъий интеллектга мос келадиган инсон ресурсларини бошқаришнинг концептуал моделини таклиф қилдилар, яъни

кадрлар модели, самарадорликни бошқариш модели, ривожланиш модели ва иш ҳақи модели [4].

Ушбу тадқиқотда биз сунъий интеллектнинг инсон ресурсларини бошқариш соҳасида қўлланилиши ва ривожланишини учта жихатдан таҳлил қиласиз, яъни иш ҳақини бошқариш, истеъдодларни танлаш ва ўқитиш ва инсон ресурсларини бошқариш тизими.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда бир қатор онлайн маълумотлар базаларидаги илмий манбаларда ўз аксини топган инсон ресурсларини бошқаришга сунъий интеллектнинг таъсири масалаларига таалуқли эмпирик ва концептуал тадқиқотлар ўрганилди ва улардаги илмий ёндашувлар тизимлаштирилди. Шунингдек, тадқиқот ишида тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гурухлаш усуслари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Сунъий интеллект технологиясининг инсон ресурсларини бошқаришга таъсири икки томонлама бўлади. Ижобий таъсир нуқтаи назаридан: у бъязи ишларнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши, хатолик даражасини пасайтириши, инсон ресурсларини бошқаришнинг ташкилий моделини ўзгартиришни рағбатлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган инсон ресурсларини тақсимлаш ва иш ҳақини бошқариш тизимини оптималлаштириши мумкин. Салбий таъсир нуқтаи назаридан: сунъий интеллектнинг саноатда қўлланилиши келажакда кўплаб паст технологияли иш ўринлари йўқ қилиши мумкин, бу мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган иш ҳақи даражасига таъсир қиласи, бу эса иш билан бандлик инқирозига олиб келиши ва ҳатто вазиятни янада кучайтириши мумкин.

Сунъий интеллект технологиялари инсон ресурсларини бошқариш сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Масалан, янги ходимларни ишга қабул қилишнинг аниқлигини оширади. Ишга қабул қилиш (рекрутмент) инсон ресурсларини бошқариш жараёнининг биринчи бўғини бўлиб, у корхонанинг келажакда омон қолиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсон ресурсларини бошқариш жараёнининг ажралмас қисмидир.

Анъанавий ишга қабул қилиш корхона учун бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради: улардан биринчиси ишга қабул қилиш каналларининг чекланиши, бу эса керакли ходимларнинг дарҳол лавозимга келишини имконсиз қиласи, бу ишга қабул қилиш вақтининг узайиб кетишига ва харажатларни ортиб кетишига олиб келади; иккинчиси - резюмени текширишнинг қийинлиги, қабул қилинган резюмелар сони кўплиги ва чекланган ишчи кучи учун қисқа вақт ичида энг мос резюмеларни кўриб чиқишининг қийинлиги; учинчиси - бир хил лавозимга кўп сонли номзодлар сараланса, бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказиш қийин бўлади; ўрта ва юқори лавозимларга ишга қабул қилишда кадрлар бўйича менежерларнинг кўникмалари етишмаслиги

каби муаммолар мавжуд. Катта маълумотлар ва булутли ҳисоблашларга асосланган сунъий интеллект истеъдодлар ҳақидаги катта ҳажмдаги маълумотларни қамраб олиши ва корхоналарнинг истеъдодларга бўлган талаби ва бозорда истеъдодлар таклифи ўртасидаги номувофиқлик муаммосини яхши ҳал қилиши мумкин. Резюмеларни скрининг қилишда сунъий интеллект резюмеларни илмий текшириш учун ўзининг ҳисоблаш функцияларига таянади. Скрининг тезлиги ёки текширилган резюме ва маълумотларнинг мослиқ даражаси жиҳатидан, сунъий интеллект, шубҳасиз, одамлардан қўра анча устун ҳисобланади. Шу билан бирга, сунъий интеллект вақт ва макон билан чекланмайди ва бир вақтнинг ўзида турли номзодлар учун тузилган суҳбатлар ўтказиши мумкин, бу эса инсон ресурсларини бошқариш бўлимнинг иш юкини сезиларли даражада камайтиради. Бу соҳада ўтказилган амалий тажрибада, сунъий интелект технологияси учун бир дона резюмени текшириш 2 ёки 3 сония етарли бўлиши маълум бўлди. Бу дегани СИ скрининг жараёнида инсондан кўра 28 минг баробар тез ишлашини англатади. Бундан ташқари, суниъий интеллект асосида ишлайдиган ақлли роботлар аввало номзодлар билан олдиндан режалаштирилган интервьюларни ўтказиши ва суҳбатдошнинг жавоблари бўйича матнни таҳлил қилиши мумкин. Масалан, номзод оғзаки нутқидаги “стратегия” ва “режалаштириш” каби тегишли сўзларни аниқлаш орқали номзоднинг стратегик қарашлари ва фикрлаш даражасини аниқлаш; соҳадаги касбий лугатни таснифлаш ва идентификациялаш орқали номзоднинг чукур билимга эга эканлигини аниқлаш қобилиятига эга бўлади. Шунингдек, сунъий интеллектни инсон ресурсларини бошқариш ва ишга ёллаш соҳасида кўллаш ходимларга хизмат вазифасида кўтарилиш имконини беради, иш берувчиларга касбий йўналиш ва ўқитишни бошқаришда кўл келади.

Инсон ресурсларини бошқаришда масаланинг яна бир муҳим жиҳати ходимларни ўқитиш самарадорлигини таъминлаш ҳисобланади. Корхоналар томонидан ходимларни ўқитиш ва ривожлантириш инсон капиталига сармоя киритишнинг асосий усули ҳисобланади ва ходимларни ўқитиш инсон капиталининг қўшилган қийматини амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Ходимларни ўқитишда сунъий интеллект корхона инсон ресурслари менежерларининг иш самарадорлигини ва ўқитишнинг натижавийлиги, барқарорлиги ҳамда стандартлаштирилишини сезиларли даражада ошириши мумкин. Сунъий интеллект, ўкувчиларнинг таълим самарадорлигини ошириш учун шахсий фикр-мулоҳазаларни тақдим этиши мумкин. Сунъий интеллектдаги катта маълумотлар ва башорат қилиш функцияси корхоналар эҳтиёжларига кўра тўлиқроқ ўқитиш тизимини шакллантириши мумкин ва шу билан бирга, тингловчиларнинг таълим самарасини яхшилаш учун СИ орқали ўрганиш сценарийларини симуляция қилиши мумкин.

Японияда амалга оширилган тадқиқотлардан бири сунъий интеллект

жорий этилгандан сўнг вазифаларнинг ишдан қониқишини оширишни ҳам, шунингдек зўриқишининг ортишига ҳам хизмат қилишини кўрсатди [6]. Сунъий интеллект ходимларга фақат одамлар бажара олиши мумкин бўлган мураккаброқ ишларига эътиборни кучайтириш имкониятини яратади. Ана шундай иш билан боғлиқ мураккаб вазифалар ҳам зўриқишини кучайтириши, ҳам меҳнатидан қониқишининг кучлироқ ҳиссини уйғотиши мумкин.

Сунъий интеллект хавфли такрорланадиган ёки номақбул вазифаларни автоматлаштириш орқали ходимларни хавфсизроқ ва самарилироқ вазифаларни ҳал этишга йўналтириши мумкин. Хавфли шароитларда (масалан кимё соҳасида) иш билан боғлиқ ходимларни роботлар билан алмаштириш бу билан меҳнат муҳофазаси соҳасидаги хавфларни камайтириш имконини бериши мумкин [7]. Янги авлод роботлари анъанавий дастурлар алгоритми ўрнига сунъий интеллект тизимларда ишлайдиган янги авлод роботлари янада қўпроқ имкониятлар туғдирмоқда. Ҳозир ҳам қўпгина одамлар анчагина вазифалар автоматлаштирилишига қарамасдан хавф туғдирадиган омилларга дуч келмоқда [8]. Ишлаб чиқариш ва қурилишда, шунингдек соғлиқни сақлаш, чакана савдо, хизматлар соҳасида жароҳатлар юқори даражадагилиги алоҳида ташвиш туғдиради.

Сунъий интеллект ишлаб чиқариш ва омборларда янги хавфлар бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Ақлли роботлар сунъий интеллектнинг қўллаб-қувватлаши билан ана шундай хавфли ишларни ўз зиммасига олиши мумкин. Бундан ташқари тўла автоматлаштиришнинг имконияти бўлмаса, ақлли роботлар ходимларнинг соғлигига заарни камайтириш учун операторлар билан бирга ишлаши мумкин. Бироқ агар ходимлар робот суръати даражасида ишласа, худди ана шу технологиялар яна хавфга дучор қилиши мумкин.

Меҳнат хавфсизлиши ва гигиенаси агентлиги – OSH зўриқтирадиган ва хавфли (масалан, кимё) соҳаларда иш билан ходичуларни роботлар билан алмаштиришнинг афзалликларини аниқлашди. Сунъий интеллект тизими асосида ишлайдиган янги авлод роботлари янада кенгроқ имкониятлар яратади [9].

Сунний интеллектни меҳнатни муҳофаза қилиш соҳаларида – видео таҳлилларини қўллаш, иссиқлик хариталарини тузиш, ходимнинг шахсий ҳимоя воситаи мажмуалари мавжудлигини таҳлил этиш, хавфли жойларни назорат қилиш ишлаб чиқаришда жароҳатланиш даражасини ўртacha 50 %га камайтириш имконини беради. Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш таваккалчилигига қарамасдан уларни қўллаётган компанияларнинг сони кейинги икки йил ичида 37 %дан 45%га кўтарилди.

Сунъий интеллект ҳақиқатан ҳам паст малакали ишчи кучининг ўрнини босади, лекин юқори малакали истеъододларга бўлган талаб ортади ва меҳнат қўникмаларига талаб ва таклиф мос келмайди, натижада тизимли ишсизлик пайдо бўлади. Келажакда ходимларни ишсизлик билан таҳдид

қиладиган фақат роботлар эмас. Энг муҳими шундаки, ходимлар асосий рақобатдош устунликларнинг йўқлиги сабабли ҳам иш ўринларини йўқотиш хавфига дуч келишади. Шу сабабли, ишчи кучи сифатини ошириш эҳтимолий ишсизлик босимини ҳал қилишининг асосий ютуқ йўналиши ҳисобланади. Ортиқча ишчи кучи ўз билим ва малакасини ошириши, рақобатбардошлиги ва мослашувчанлигини ошириши, замон тараққиётiga мослашиши керак.

Хулоса. Хулоса ўрнида, сунъий интеллектнинг инсон ресурсларини бошқаришга таъсири билан самарали қурашиб учун масъуллар сунъий интеллект ва инсон ресурсларини бошқариш ўртасидаги муносабатларни чуқур тушуниш асосида самарали чоралар кўришлари лозим. Улар орасида сунъий интеллект даври талабларига жавоб бериш учун инсон ресурсларини бошқариш амалиётининг муҳим чора-тадбирлари қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатиши мумкин:

биринчидан, инсон ресурсларини бошқариш трансформациясини фаол рағбатлантириш, шу жумладан рақамли инсон ресурсларини бошқаришни фаол рағбатлантириш, инсон ресурсларини бошқаришнинг техник имкониятлари ва инсон ресурсларини бошқаришни қайта белгилаш;
Германия, Испания, Италияда электрон тижорат субъекти сифатида руйхатдан ўтмай фаолият юритаётган шахсларга нисбатан катта миқдорда жарималар қўллаш, Хитой давлати интернет хизматлар кўрсатиши учун мажбурий тартибда давлат руйхатидан ўтказишнинг тартиби жорий этилган. Электрон хизматлар субъектининг давлат руйхатидан ўтганлиги нуфузли сайтларда эълон қилиниши ҳам шарт ҳисобланади. Шунингдек, Хитой давлати трансчегаравий алоқалар бўйича ҳамкор давлатлар билан соликка тортиш мақсадида доимий мулоқат тизимини ҳам йўлга қўйган.

Мамлакатимизда ушбу тоифадаги субъектлар тоифасини аниқлаш ва имтиёзли ставкада соликка тортиш учун мезонлар белгиланган. Солик имтиёзларига эга бўлишлари учун электрон тижорат субъектлари миллий реестрга киритилган бўлиши зарур. Лекин реестрга киритишлари учун электрон тижоратдан олинган даромадлар реализация қилинган товарлар (ишлар) умумий ҳажмининг 80 фоиздан кам бўлмаслиги ҳамда солик ҳисботи даври яқунлари бўйича электрон тижорат фаолиятдан олган даромад 90 фоизни ташкил қилиши зарур.

Тадқиқотларимиз электрон тижорат субъектлар фаолиятини соликка тортиш ва солик маъмуриятчилигини ташкил этишда қўйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда:

- электрон тижорат субъектларини соликка тортиш бўйича қонунчилигини мукаммал эмаслиги;
- электрон тижорат субъектларида солик назорати тадбирларини ишлаб чиқилмаганлиги;
- солик тўловчи мақомини белгилаш тартибларини аниқ белгиланмаганлиги;
- солик хуқуқий мақомини белгилашнинг ноаниқлиги;

- электрон тижорат маҳсулотлари таснифлари ишлаб чиқилмаганлиги;
- солиқ тўловчи мақоми ва солиқ ставкасини белгилашга турлича ёндошув мавжудлиги;
- электрон тижорат айланмалари иккиёклама солиққа тортилиш ҳолати юқорилиги.

Мазкур муаммолар ечими электрон тижорат айланмалари ўсиши ҳисобига аҳоли даромадининг ортиши, бандликни таъминлаш, солиқ базаси ва тушумларининг қўпайиши ҳамда солиқ қонунчилиги ижроси таъминланишини таъминлайди. Электрон тижорат субъектлари фаолияти солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига асосан қўйидагилар таклиф этилади:

- рақамли тижорат ва хизматлар маҳсулотлари таснифини ишлаб чиқиш;
- рақамли тижорат ва хизматлар учун электрон айланма ҳажми бўйича қатъий ставкали универсал солиқ солиш тизимини жорий этиш;
- рақамли тижорат ва хизматлар бўйича айланмалар субъектларини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда унинг истеъмолчисини солиқ тўловчи сифатида эътироф этиш тартибини жорий этиш;

Электрон тижорат субъектлари фаолияти солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган ушбу таклифларни амалиётга жорий этиш электрон тижорат ва хизматлар кўрсатиши ҳажмини ўсиши, солиқ базаси ва миқдорини қўпайиши ҳамда қонунчилик ижросини таъминлашга хизмат қиласи, деб ҳисоблаймиз.

Olim Tashtemirovich Astanakulov – i.f.d.(DSc), professor, O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi, “Islom iqtisodiyoti va moliyasi, ziiyorat turizmi” kafedrasи mudiri,
Muhammadali Olimovich Iskandarov – O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi magistranti

INVESTITSION FAOLIYATNI AMALGA OSHIRISHDA TAKAFULISLOMIY SUG‘URTANING O‘RNI VA AHAMIYATI

Annotatsiya: Ushbu maqolada takaful an'anaviy sug‘urtaning muqobil alternative sifatida ko‘rib chiqilgan. Takaful an'anaviy sug‘urtadan afzalligi va musulmon aholisi ko‘p mamlakatlar uchun nafaqat riskni oldini olishning eng muqobil varianti ekanligi keltirib o‘tilgan balki investitsiyaga aholidagi bo’sh turgan pul mablag‘larini jalb qilishda muhim ahamiyatga ekanligi muhokama qilingan. Buning misoli sifatida takafulning mudoraba modeli keltirib o‘tilgan.

Kalit so’zlar: Takoful, islom sug‘urtasi, an'anaviy sug‘urta, mudoraba, operator, risk, sug‘ortalash, mudorib.

Аннотация: В данной статье рассматривается тақафул как альтернатива традиционному страхованию. Было отмечено преимущество Тақафул перед традиционным страхованием и то, что он является наиболее альтернативным вариантом предотвращения рисков для многих стран с мусульманским населением, но

также обсуждалось его значение в привлечении свободных средств населения для инвестирования. Примером этого является модель таифул мудараба.

Ключевые слова: таифул, исламское страхование, традиционное страхование, мудараба, оператор, риск, страхование, мудареба.

Abstract: This article examines takaful as an alternative to traditional insurance. The advantage of Takaful over traditional insurance and the fact that it is the most alternative variant of risk prevention for many countries with a Muslim population was mentioned, but it was also discussed that it is important in attracting free funds of the population for investment. An example of this is the mudaraba model of takaful.

Key words: Takaful, Islamic insurance, traditional insurance, mudarabah, operator, risk, insurance, mudarib.

Bugungi kunda O‘zbekistonda investitsiyaga e’tibor kuchaymoqda. Bunga mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlarni misol qilib keltirishimiz mumkin. Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2023-yil 27-aprel kuni ikkinchi Toshkent xalqaro investitsiya forumidagi nutqida, “**Alohida ta’kidlab o‘tmoqchiman**, Jahon savdo tashkiloti talablari islohotlarimiz mazmuniga to‘la mos va biz ushbu nufuzli tashkilotga tezroq a’zo bo‘lib kirishdan manfaatdormiz. Hozirgi vaqtida a’zo mamlakatlar bilan muzokaralar olib borish hamda milliy qonunchilikni Jahon savdo tashkiloti qoidalari bilan uyg‘unlashtirish qizg‘in bosqichda. Yil yakuniga qadar sezilarli natijalarga erishish bo‘yicha aniq rejalarini olganmiz¹” – deb takidlaganlar. Bunday forumalarning tashkil qilinishi hamda “2023-yil 1-yanvardan boshlab qo‘shilgan qiymat solig‘i stavkasi 15 foizdan 12 foizga pasaytirilishi”² mamlakatda tashqi va ichki investitsiyalar hajmini oshirishga katta etibor qaratilganligini bildiradi. Bunday sharoitda, Bo‘sh turgan pul mablag‘larni investitsiyaga jalb qilishning yangi hamda aholi ehtiyojlariga mos keluvchi modellarini ishlab chiqish va O‘zbekistonda joriy qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda sug‘urta sohasi biznes va moliyaviy ekotizimning ajralmas qismiga aylandi. Korxonalar va hukumatlar kutilmagan hodisalar, hayot va kapital yo‘qotish xavfini boshqarish uchun sug‘urta xizmatlaridan tobora ko‘proq foydalanmoqdalar. Islom huquqiga asoslangan ushbu alternativani “Islomiy sug‘urta” deb ham atash mumkin. Takoful islom tamoyillariga muvofiq ishlaydi va shu bilan birga an’anaviy sherigiga teng keladigan imtiyoz va xizmatlarni taklif etadi.

Takoful - islom sug‘urtasi tushunchasi birinchi marta Sudanda 1979-yilda joriy etilgan³. O’shandan beri takoful o‘zining ko‘p o‘sishi musulmon aholisi ko‘p bo‘lgan mamlakatlarda, jumladan Saudiya Arabiston, Malayziya, Misr, Bangladesh, Pokiston va Indoneziyada kuzatilgan. Shuningdek, Buyuk Britaniya, Shri-Lanka va Janubiy Afrika kabi musulmon fuqarolari kam bo‘lgan mamlakatlarda ham ushbu bozor mavjuddir. Takoful an’anaviy sug‘urta erishgan yutuqlardan hali uzoqda bo‘lsada, u sug‘urta landshaftining o‘sib borayotgan

¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2023/04/27/invest/>


² <https://kun.uz/uz/00244073>

³ International Journal of Humanities and Social Science Invention ||Volume 5 Issue 12||December. 2016 || PP.43-48

xususiyati sifatida shubhasiz yuksalmoqda va hozirda global sug‘urta sanoatida mustahkam o‘rnashgan.

Takoful jamiyatda uyg‘un hayot va hamkorlikni ta’kidlaydigan shariatga mos sug‘urta tizimini ifodalaydi. Ushbu tizimga ko‘ra, a’zolar yoki sug‘urta egalarining mulklari yo‘qolgan, zarar ko‘rgan yoki o‘g‘irlangan taqdirda moliyaviy yordam orqali bir-birlarini kutilmagan vaziyatlardan himoya qilish uchun muntazam ravishda pul mablag‘larini bilan ushbu jamg’armaga hissa qo‘sadilar. An’anaviy sug‘urtaga o‘xshab, bu badallar keyinchalik “Takoful” boshqaruv firmasi tomonidan birlashtiriladi va boshqariladi va ortiqcha mablag‘lar sug‘urtalovchilarga ko‘proq foyda olishga yordam beradigan investitsiyalarni amalga oshirish uchun ishlatiladi (1-rasm).

Butun dunyo bo‘ylab 336 dan ortiq Takoful operatorlari bilan ushbu tarmoq islam moliya sanoatining atigi 2 foizini tashkil qiladi¹. Butun dunyo bo‘ylab texnologiyaga asoslangan xizmatlarning ommabopligi va raqamlashtirishning o‘sishi InsurTech va FinTech kabi yangi bozorlarning paydo bo‘lishiga olib keldi va bu Takoful bozorida yangi yo‘llar va imkoniyatlarni ochib berdi. Malayziya, Indoneziya, Saudiya Arabiston va BAA kabi davlatlardagi takoful bozorlaridagi o‘zgarishlar tarmoq dinamikasini yaxshilashi mumkin. Shariat qoidalari va yuqori majburiy sug‘urta badali “Takoful” sug‘urtachilari uchun rentabellik va marjani kuchaytirish imkonini beradi².



1-rasm. Global Takoful bozori hajmi (milliard AQSH dollar, 2014-2019)³

Mudoraba modeli moliyalashtirish usuliga asoslangan bo‘lib, u odatda bo‘sh turgan pul mablag‘ egasi ya’ni kapital ta‘minlovchi va mablag‘larni shariatga muvofiq biznesga investitsiya qiluvchi tadbirkor o‘rtasidagi hamkorlik shartnomasiga asoslanadi. Oddiy mudoraba shartnomasida bir tomon rab ul-mol yoki kapital ta‘minlovchi sifatida tanilgan kapitalni taqdim etadi, ikkinchi tomon esa mudarib yoki tadbirkor sifatida tanilgan biznesni boshqarish va investitsiyalar bo‘yicha o‘z tajribasini taklif qiladi.


Foydani taqsimlash nisbati tomonlar o‘rtasida oldindan kelishib olinadi, moliyaviy yo‘qotish bo‘lsa (tadbirkorning aniq e‘tiborsizlik hollari bundan mustasno), faqat kapital ta‘minlovchi tomonidan to‘lanadi. Butun biznes korxona

¹ Islamic Finance Development Report 2020: Progressing Through Adversity, ICD Refinitiv

² Moody’s - Islamic insurance demand spurs higher premiums, April 2019

³ Islamic Finance Development Report 2020: Progressing Through Adversity, ICD Refinitiv

moliyaviy yo‘qotishlarga duchor bo‘lganda, tadbirkor vaqt va kuchini yo‘qotgan deb hisoblanadi. Ushbu shartnomalarini takoful operatsiyalariga o‘tkazish uchun ishtirokchilar rab ul-mol rolini o‘ynaydi, takoful esa mudarib deb nomlanadi. Quyidagi 2-rasmda mudoraba modeli tasvirlangan, u quyidagicha izohlanadi:



2-rasm. Mudoraba modeli¹

1. Takoful operatori va ishtirokchilar o‘rtasida oldindan kelishilgan foydani taqsimlash nisbati belgilab qo‘yiladigan Mudoraba shartnomasi tuziladi;
2. Keyin tabarru‘ shartnomasi orqali “Takoful” jamg‘armasiga ishtirokchilar tomonidan badal to‘lanadi;
3. Takoful operatori fondni shariatga muvofiq investitsiyalarga kiritadi;
4. Har bir tomon investitsiya foydasini oldindan kelishilgan nisbatga muvofiq taqsimlaydi. Ishtirokchining ulushi “Takoful” jamg‘armasiga o‘tkaziladi;
5. Takoful jamg‘armasi da‘volarni, zahiralarni va Re-Takofulni chegirib tashlaydi va ortiqcha 100% ishtirokchilarga tegishli yoki Takoful operatori bilan bo‘linadi.

Ushbu sof Mudoraba modeli tijorat asosida ishlaydi, bunda takoful operatori o‘zining boshqaruv tajribasi uchun mablag‘larni investitsiya qilishda oldindan belgilangan foyda ulushlari bilan qoplanadi. Umumiy takoful rejasida risk fondidan “bo‘sh” moliyaviy resurslar foyda olish uchun investitsiya qilinadi. “Oilaviy takoful” rejasida “takoful” jamg‘armasi ikkita fonddan iborat: Ishtirokchilar hisobi (PA) va Ishtirokchilarning maxsus hisobi (PSA). Birinchisi jamg‘arma maqsadida foydalilaniladi, ikkinchisi esa da‘volar va andarrayting

¹ https://www.researchgate.net/publication/351785310_Improving_the_Takaful_Sector_in_Islamic_Countries

xarajatlarini boshqarish uchun risk fondi bo‘lib xizmat qiladi.

Mamlakatimizda takoful (islomiy sug‘urta) ni joriy qilish hamda modellarini amaliyotga tadbiq qilishda takliflar quyidagicha:

1. O‘zbekistonda takoful instrumentini moliyaviy institutlar hamda aholi orasida tadbiq etish maqsadida ushbu instrument, uning afzalliklari, shartlari va xususiyatlari to‘g‘risida yuridik va jismoniy shaxslarga ma’lumot berish, ushbu mavzuga doir trening hamda seminarlar olib borish orqali kerakli soha vakillarining ushbu mavzuda xabardorligini oshirish ;

2. Bugungi kunda islom moliyasi asosida faoliyat yurituvchi moliyaviy tashkilotlar hamda yaqin kelajakda O‘zbekistonda tashkil etiladigan Islom banklari, banklardagi islom darchalari va boshqa moliyaviy tashkilotlar uchun qonunchilik bazasini yaratish;

3. Islomiy sug‘urta kompaniyalari (takoful operatorlari) investitsion faoliyatlarni amalga oshirish, takoful hamda mudoraba shartnomalaridan foydalanish imkoniyati mavjud bo‘lishi uchun Shartnomalar bazasini yaratish va bunda, shartnoma va undagi bandlar milliy sug‘urta tizimiga mos va to‘g‘ri bo‘lishi uchun jahon tajribasidan keng foydalanish;

4. O‘zbekistonda takoful instrumentlarining modellaridan keng miqyosda foydalanish. Xususan, O‘zbekistonda vaqf aktivlari mavjud bo‘lganligi sababli, ular benefitsiarlar uchun to‘liq ishlatalishi kerak va shu ma’noda vaqf modelidan foydalanish.

Xulosa qilib shuni aytish joizki, Mamlakatimiz aholisining aksariyat qismi musulmonlarni tashkil qilishini inobatga olgan holda, O‘zbekistonda Islomiy sug‘urtaning joriy qilinishi va uning tijoratga asoslangan modellarini O‘zbekistonda tadbiq qilish nafaqat inson hayotida duch keluvchi risklarni oldini olish balki, investitsion faoliyatni yaxshilashga turki bo‘ladi. Aniqroq qilib aytganda, Mammlakatimizda Malayziya, Indoneziya, Saudiya Arabiston va BAA kabi davlatlar tajribasini o‘rgangan holda qonunchilik bazasini yaratish hamda takoful modellarini tadbiq qilish maqsadga muvofiq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. Islamic Finance Development Report 2020: Progressing Through Adversity, ICD Refinitiv
2. Moody's - Islamic insurance demand spurs higher premiums, April 2019, IsDB Annual Report 2019.
3. International Journal of Humanities and Social Science Invention ||Volume 5 Issue 12||December. 2016 || PP.43-48
4. Improving the Takaful Sector In Islamic Countries, COMCEC Coordination office October 2019, by Yusuf Dinç on 23 May 2021.
5. Theories and Perspectives of Takaful: Context of Salesperson. The Journal of Management Theory and Practice (JMTP), 3(1), 20-27.
6. <https://www.researchgate.net>
8. <https://icd-ps.org/>

А.В.Джиоев – аспирант ФГАОУ ВО «Северо-Кавказский федеральный университет», г. Ставрополь, Россия

Н.Н.Куницына – д.э.н., профессор, заведующая кафедрой финансов и кредита ФГАОУ ВО «Северо-Кавказский федеральный университет», г. Ставрополь, Россия

МЕТОДИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ОЦЕНКЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО КАПИТАЛА КОРПОРАЦИЙ

Аннотация: оценка интеллектуального капитала проводится с целью формирования комплекса управленческих решений по повышению эффективности его использования, а также выявления нереализованного интеллектуального потенциала и последующего его вовлечения в производственную деятельность.

Abstract: Evaluation of intellectual capital is carried out in order to form a set of management decisions to improve the efficiency of its use, as well as to identify unrealized intellectual potential and its subsequent involvement in production activities.

Annotatsiya: Intellektual kapitalni baholash undan foydalanish samaradorligini oshirishga qaratilgan boshqaruvi qarorlari majmuini shakllantirish, shuningdek amalga oshirilmagan intellektual salohiyatni va keyinchalik ishlab chiqarish faoliyatiga jalb etilishini aniqlash maqsadida amalga oshiriladi.

Развитие технологий и информационный подъем последнего десятилетия привели к тому, что основным конкурентным преимуществом предприятия выступает его интеллектуальный потенциал: сотрудники, их знания, способности, навыки, умение и опыт. Интенсивное развитие интеллектуального потенциала организаций и его капитализируемой формы, выраженной в виде интеллектуального капитала, обусловливает повышение экономической эффективности работы субъектов хозяйствования и актуализирует вопросы его оценки.

Исследованию экономического содержания и методов оценки интеллектуального капитала посвятили работы В.П. Багов, В.Л. Иноземцев, Б.Б. Леонтьев, Э. Лессер, И.И. Просвирина, Е.Н. Селезнев, В.С. Ступаков, Л. Эдвинссон, А. Brooking, Ph. Leliaert, J.A. Nazari, A. Pulic, R. Roslender, M. Subramaniam, O.A. Suraj, K.E. Sveiby и другие отечественные и зарубежные авторов.

Интегрируя научные достижения современности, можно выделить четыре группы методов, используемых для оценки интеллектуального капитала:

1. Методы, основанные на рыночной капитализации (Market Capitalisation Methods), позволяют оценить интеллектуальный капитал как разницу между рыночной капитализацией компании и ее собственным

капиталом. В рамках данного подхода популярность получили такие модели, как Market or value-based approach, Market-to-Book ratio model, Tobin's Q, Real option models (ROM). Они основаны на предположении, что неучтенный в финансовой отчетности интеллектуальный капитал является одним из объяснений разрыва между рыночной стоимостью компании и ее балансовой стоимостью.

2. Методы, базирующиеся на анализе рентабельности активов (Return on Assets Methods), оценивают стоимость интеллектуального капитала компании путем сравнения доходности активов с отраслевой нормой, усреднения разницы и соотношения со средней стоимостью капитала. Наиболее известными стали модели Residual income model, VAIC (Value added intellectual coefficient), FVMT (Future value management methodology).

3. Методы прямого измерения (Direct Intellectual Capital Methods) предполагают денежную оценку стоимости компонентов интеллектуального капитала с последующим их суммированием. Наиболее известны модели Technology broker model, Intellectual capital formula, Inclusive valuation methodology, FiMIAM (Financial method of intangible assets measurement), Value explorer, KVA (Knowledge valuation analysis).

4. Методы экспертной оценки (Score Card Methods). В рамках данного подхода элементы интеллектуального капитала оцениваются с помощью социологического опроса и анкетирования руководителей компаний. Его интерпретации отражены в модели Scandia Navigator.

Помимо общих подходов, науке известны и частные методики, в числе которых особую популярность с практической точки зрения получили Intangible Asset Monitor Approach, Technology Broker, Proposed knowledge management metrics, Metrics to measure human capital and structural capital, Value creation index (VCI), SACAT (Self-assessment computer analysed testing), IC-DVAL (Dynamic valuation of intellectual capital), Intellectual capital scale, National intellectual capital index, Intellectual capital index system, Conjoint value hierarchy (CVH), ICCI (Intellectual capital cluster index), Balanced scorecard и другие.

Каждый метод включает ряд критериев, набор которых варьируется от 3 до 112, имеет ряд достоинств и недостатков, обусловливая необходимость их комплексного использования в целях повышения достоверности и объективности оценки интеллектуального капитала. Кроме того, на результат оказывают влияние и национальные особенности ведения бизнеса.

В итоге подчеркнем, что оценка интеллектуального капитала проводится с целью формирования комплекса управленческих решений по повышению эффективности его использования, а также выявления нереализованного интеллектуального потенциала и последующего его вовлечения в производственную деятельность.

Литература

- Багов В.П. Управление интеллектуальным капиталом: учебное пособие / В.П. Багов, Е.Н. Селезнёв, В.С. Ступаков. – М.: ИД «Камерон», 2006. 248 с.
- Леонтьев Б.Б. Цена интеллекта. Интеллектуальный капитал в российском бизнесе / Б.Б. Леонтьев. – М.: Издательский центр «Акционер», 2002. 200 с.
- Лессер Э. Как превратить знания в стоимость: Решения от IBM Institute for Business Value / Э.Лессер, Л.Прусак. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2006. 248 с.
- Просвирина И.И. Интеллектуальный капитал: новый взгляд на нематериальные активы / И.И. Просвирина // Финансовый менеджмент. 2004. №4. С. 17-32.
- Эдвинссон Л. Интеллектуальный капитал. Определение действительной стоимости компании / Л. Эдвинссон, Т. Мэллоун // Новая постиндустриальная волна на Западе: Антология / Под ред. В.Л. Иноземцева. – М.: Academia, 1999. – С. 215-288.
- Эдвинссон Л. Структура интеллектуального капитала в модели «Skandia Value Scheme» / Л. Эдвинссон. – URL: <http://www.intellectualcapital.se> (дата обращения 21.01.2021).
- Brooking A. Intellectual Capital: Core Asset for the Third Millennium Enterprise. - London: Thompson International Business Press, 1996.
- Leliaert, Ph. Identifying and managing IC: a new classification / Ph.Leliaert, W.Candries, R.Tilmans // Journal of Intellectual Capital. – 2003. – №14. – P. 202-214.
- Nazari J.A. Intellectual Capital Measurement and Reporting Models // Knowledge Management for Competitive Advantage During Economic Crisis. IGI, 2014. P.117-140.
- Pulic A. VAIC™—an accounting tool for IC management // International journal of technology management. 2000. Vol. 20(5). P.702-714.
- Roslender, R. Thinking critically about intellectual capital accounting / R.Roslender, R.Fincham // Accounting, Auditing & Accountability Journal. – 2001. – №14. – P. 383-399.
- Stähle P., Stähle S., Aho S. Value added intellectual coefficient (VAIC): a critical analysis // Journal of Intellectual Capital. 2011. Vol. 12(4). P.531-551.
- Subramaniam M., Youndt M.A. The influence of intellectual capital on the types of innovative capabilities // Academy of Management Journal. 2005. Vol. 48. № 3. P. 450-463.
- Suraj O.A., Bontis N. Managing intellectual capital in Nigerian telecommunications companies // Journal of Intellectual Capital. 2012. Vol. 13. № 2. P 262-282.
- Sveiby, K.E. Methods for Measuring Intangible Assets. 2004. – URL: https://www.sveiby.com/files/pdf/1537275071_methods-intangibleassets.pdf (дата обращения 21.01.2021).
- Sydler R., Haefliger S., Pruska R. Measuring Intellectual Capital with Financial Figures: Can We Predict Firm Profitability? // European Management Journal. 2014. Vol. 32. P.244-259.

Лола Шухратулаевна Тошназарова – Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчisi

СУГУРТА БОЗОРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Кўпгина соҳаларда бўлгани каби, сугурта соҳасида ҳам инфратузилма муҳим роль ўйнайди. Инфратузилманинг ривожланиши сугурталанувчилар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб беради ва бу ўз ўрнида сугурталанувчилар сонининг кўпайишига олиб келади. Ушбу мақолада шу масалада фикр юритилган бўлиб, муаллифнинг фикрига кўра, Ўзбекистон сугурта бозорида инфратузилма субъектлари фаолияти талаб даражасида эмас ва бу сугурта бозорининг ривожланишига имконият яратиб бермаяпти. Шу мақсадда сугурта агентлари фаолиятини такомиллаштириш ва ассистанс фаолиятини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, миллий қайта сугурта бозорини ривожлантириш имконини берувчи маҳсус ўзаро қайта сугурта жамиятини ташкил этиш масаласида фикрлар берилган.

Калит сўзлар. Сугурта, инфратузилма, сугурта бозори инфратузилмаси, сугурта агентлари, ассистанс, ўзаро сугурта, қайта сугурта, қайта сугуртага ихтисослашган ўзаро сугурта.

Аннотация. Как и во многих отраслях, инфраструктура играет важную роль в страховой отрасли. Развитие инфраструктуры создает дополнительные условия для застрахованных, что в свою очередь приводит к увеличению количества застрахованных. В данной статье рассматривается данный вопрос, и по мнению автора деятельность субъектов инфраструктуры на страховом рынке Узбекистана не соответствует уровню спроса, и это не создает возможности для развития страхового рынка. С этой целью разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию деятельности страховых агентов и развитию ассистансской деятельности. Вместе с тем были даны мнения по вопросу создания специального общества взаимного перестрахования, что позволило бы развивать национальный перестраховочный рынок.

Ключевые слова. Страхование, инфраструктура, инфраструктура страхового рынка, страховой агент, ассистанс, взаимное страхование, перестрахование, взаимное страхование специализирующееся на перестраховании.

Abstract. As with many industries, infrastructure plays an important role in the insurance industry. Infrastructure development creates additional conditions for the insured, which in turn leads to an increase in the number of insured. This article discusses this issue, and in the opinion of the author, the activities of infrastructure entities in the insurance market of Uzbekistan do not correspond to the level of demand, and this does not create opportunities for the development of the insurance market. To this end, proposals and recommendations have been developed to improve the activities of insurance agents and the development of assistance activities. At the same time, opinions were given on the issue of creating a special mutual reinsurance company, which would allow the development of the national reinsurance market.

Keywords. Insurance, infrastructure, insurance market infrastructure, insurance agent, assistance, mutual insurance, reinsurance, mutual insurance specializing in reinsurance.

Иқтисодий назарияда инфратузилма тушунчасидан кенг фойдаланилади. Иқтисодиётда худди тармоқлар каби, инфратузилма ҳам ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасига бўлинади. Шунингдек инфратузилма иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг барқарор ривожланишига замин ва шароит яратади.

Иқтисодий адабиётларда суғурта инфратузилмасини тор ва кенг доирада талқин қилинади. Кенг доирада, суғурта инфратузилмасини суғурта бозорининг узлуксиз фаолият кўрсатиши шароити сифатида тушунилади. Кенг доирадаги суғурта бозори инфратузилмаси институционал инфратузилма, иккиламчи суғурта бозори (қайта суғурталаш), суғурта таълими тизими ва бошқа шароитларни ўз ичига олади.

Суғурта инфратузилмаси тор доирада, умуман суғурта бозори ривожланганлигини ифодаловчи белгиланган институтларнинг мавжудлиги билан ифодаланади. Суғуртанинг тор маънодаги инфратузилмасига қуидагилар киради:

суғурта воситачилари (суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокерлари); суғурта баҳоловчилари (аджастер, сюрвеер); суғурта актуарийлари; суғурта аудиторлари.

Миллий иқтисодиётда суғурта бозорини ривожлантириш бўйича давлат томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида республикада суғурта бозори инфратузилмаси аста-секинлик билан ривожланиб, такомиллашиб борди. (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари сонининг йиллар давомида ўзгариш динамикаси¹

Субъектлар	2013	2014	2015	2017	2020	2021	Ўсиш/камайиш
Суғурта компаниялари	31	31	26	27	41	42	+11
Суғурта брокерлари	4	2	3	3	5	5	+1
Суғурта агентлари	5500	5800	5800	7200	8870	9536	+4036
Ассистанс	8	9	8	10	9	9	+1
Сюрвеер	6	7	6	8	7	7	+1
Аджастер	4	5	4	6	6	6	+2
Актуарий	2	2	4	4	5	5	+3
Суғурта компаниялари бўлинмалари	993	1048	1123	1284	1873	1965	+972

1-жадвал натижаларидан кўриниб турибдики, 2021 йил якунлари бўйича миллий суғурта бозори инфратузилмасида суғурта компаниялари сони 2013 йилга нисбатан 11 тага, суғурта агентлари сони ушбу даврда 4036 тага, суғурта компанияларининг бўлинмалари сони 972 тага, актуарийлар 3

¹ IMDA.UZ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

тага, суғурта брокерлари 1 тага, аджастерлар сони 1 тага ва сюрвеерлар сони 2 тага кўпайиши кузатилган. Демак, инфратузилма субъектлари ичидан суғурта агентлари ва суғурта компанияларининг бўлинмалари сони юқори ўсиш даражасига эга бўлган. Аммо шуни таъкидлаш керак, ривожланган бозорларда, одатда аджастерлар, сюрвеерлар ва суғурта брокерлари сони ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажми катта бўлиб, мамлакатимизда ушбу субъектлар сонида ўсиш деярли юз бермаган.

Суғурта соҳасида суғурта инфратузилмасини замон талаблари даражасида ривожлантириш суғурта бозори ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бежизга эмас албатта. Суғурта агентлари фаолиятини олиб қарайдиган бўлсақ, суғурта воситачилари ичидан суғурта агентлари фаолияти мамлакатимизда сезиларли даражада кенгайганлигини таъкидлаш мумкин. Ушбу субъектлар сони бугунги кунда 9 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Аммо улар классик тарздаги суғурта агенти бажариши керак бўлган функцияларни бажарайптими? Албатта йўқ. Суғурта соҳасидаги адабиётлар ва суғурта атамалари луғатларида суғурта агентига шундай таъриф берилади: суғурта агенти – суғурталовчининг номидан ва унинг топшириғига биноан суғурта шартномасини тузиш ва унинг ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс¹. Ўзбекистон суғурта бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта агентлари эса суғурталанувчи билан суғурта шартномасини тузиш ва суғурта мукофотининг тўланишини таъминлаш билан мазкур суғурта шартномаси бўйича ўз фаолиятини якунлайди, шартнома амал қилишидан унинг тугалланишигача бўлган давр бўйича суғурта агентидан ҳеч нима талаб қилинмайди.

Аджастер, сюрвеер ва ассистанс хизматлари эса ривожланмаяпти. Бугунги кунда бор-йўғи 20 дан ортиқроқ шу каби субъектлар фаолият кўрсатмоқда ва улар ҳам асосан бир нечта йирик суғурта компаниялари қошида ташкил этилган ташкилотлар ҳисобланади. Уларнинг фаолияти бозорда сезиларли даражада эмас.

Бозорда жами 5 та брокерлик ташкилоти фаолият кўрсатиб, улар асосан қайта суғурта соҳасида воситачилик қилишмоқда.

Актуар фаолият яхши ривожланмаган, 5 та актуар ташкилот фаолият кўрсатмоқда ва уларда ҳам малакали актуарийлар етишмайди.

Амалиётда суғурта компанияси билан манфаатлар тўқнашуви юзага келганда, одатда истеъмолчилар - суғурта хизматларидан фойдаланувчиликлар заиф ҳолатга тушиб қолишади. Бунинг асосий сабаби уларнинг суғурта

¹ Кўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. Ўкув қўлланма. Тошкент-иктисодиёт 2011, 113 б.

қоидаларини тушунмаганликларидан. Аммо сұғурта компанияси учун бу одатий ҳолат ва у бундай шароитда ўз манфаатини тўғри химоя қилиш механизмларини ишлаб чиқкан ва бу борада катта тажрибага эга. Бундан ташқари, аксарият мизожлар шартнома шартлари билан чуқур танишмайди ва ўзларининг ҳуқуқий ҳатти-харакатларини яхши билишмайди. Бундай муаммоларни ижобий ҳал қилиш, мижозларга ёрдам бериш, улар қийин ахволда қолганларида қўллаб-куватлаш борасида хизмат кўрсатувчи фаолият тури ривожланган сұғурта бозорларида аллақачон шаклланиб бўлган, бу ассистанс компанияларининг хизматларидир. Бироқ, мамлакатимизда ушбу бозор сегменти ривожланган давлатларга нисбатан анча орқада ва етарли даражада ривожланмаган.

Халқаро бизнес юритишида «ассистанс» – бу жисмоний ва юридик шахсларга техник, тиббий, сервис, информацион, ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатишига қаратилган фаолиятнинг асосий йўналишини кўрсатадиган компаниялар номларига қўшимча сифатида ишлатиладиган умумий қабул қилинган атама ҳисобланади¹.

Сұғурта бозорининг ривожланиши бевосита жаҳон иқтисодиётида юз берәётган долзарб иқтисодий тенденцияларга боғлиқ. Молия соҳасидаги инқирозлар, валюта курслари ва нарх-навонинг ўзгариши, табиий ва техноген жараёнлар салбий ҳолатларининг кўпайиши, пандемия ва бошқа иқтисодиётдаги салбий ҳодисалар сұғурта бозорига ва ассистанс компаниялари фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Ассистанс ва сұғурта компаниялари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлиги, сұғурта компаниясининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини қандай бажаришига, яъни маълумотлар базасини ўз вақтида тақдим этиши ёки сұғурта полисининг ҳақиқийлигини тасдиқлаши, ассистанснинг ушбу масаладаги сўровига оперативлик билан жавоб беришига боғлиқ².

Хозирги шароитдаги Ўзбекистон сұғурта бозори учун ассистанс хизматларини сұғурта компаниялари қошида ташкил этиш ва улар томонидан куйидаги хизматлар кўрсатилишини ташкил этишни таклиф этамиз:

- ТВЭФЖМС бўйича сұғурта ҳодисаси содир бўлганда “европротокол”ни расмийлаштириш ва сұғурта қопламаси тўланишини таъминлаш;

- ихтиёрий сұғурта бўйича сұғурталанган транспорт воситасида сұғурта ҳодисаси юз берганда қопламани тўлаш билан боғлиқ хужжатларни расмийлаштириш ва техник хизматлар кўрсатиш;

- бахтсиз ҳодисалар натижасида шикаст етган сұғурталанувчилар, ҳайдовчи ва йўловчиларга тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ техник хизматлар кўрсатиш;

¹ Овчинникова Е. А. Особенности посреднической деятельности в страховании // Экономический журнал. - М.: Издательство Ипполитова, (2008) - № 15.

² Осадець С. С. Страхування: Підручник / Керівник авт. колективу і наук, ред. Вид. 2-ге, перероб. і доп. (2002) К.: КНЕУ

- зарар қўрган транспор воситаси, бинолар ва бошқа мулкларга етказилган зарар миқдорини баҳолатишни ташкил этиш.

Суғурта бозори инфратузилмасининг барқарорлиги ва ишончлилигини, шунингдек, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш суғурта бозори ривожланишининг зарур шартидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. IMDA.UZ сайти.
2. Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозори. Ўқув кўлланма. Тошкент-иктисодиёт 2011, 113 б.
3. Овчинникова Е. А. Особенности посреднической деятельности в страховании // Экономический журнал. - М.: Издательство Ипполитова, (2008) - № 15.
4. Осадець С. С. Страхування: Підручник / Керівник авт. колективу і наук, ред. Вид. 2-ге, перероб. і доп. (2002) К.: КНЕУ

Олим Таштемирович Астанакулов – и.ф.д.(DSc), профессор, Ўзбекистон халқаро ислом ақадемияси, “Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми” кафедраси мудири,

Мухайё Санжарбек қизи Мирзаитова – Ўзбекистон халқаро ислом ақадемияси магистранти

ТУРИЗМДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Ушбу тезисда туризмда қулай инвестиция муҳитини шаклантиришнинг илмий-амалий муаммолари кўриб чиқилди, туризм индустриясига инвестиция киритиш бўйича хорижий тажриба таҳлил қилинди ҳамда миллий туризм индустриясига сармоя киритишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Туризм индустриясини муваффақиятли ривожлантириш учун давлат томонидан олиб бориладиган фаол сиёsat ҳамда қўллаб-куватлаш зарур эканлиги аниқланди. Туризм соҳасида қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича хорижий тажриба ўрганилиб, унинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Калит сўзлар: туризм, инвестициялар, инвестиция муҳити, инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодий ўсиш, инвестиция лойиҳаси.

Аннотация. В данной работе были рассмотрены научные и практические проблемы создания благоприятной инвестиционной среды в сфере туризма, проанализирован зарубежный опыт инвестирования в туристическую отрасль, определены приоритетные направления инвестирования в отечественную туристическую отрасль. Установлено, что для успешного развития туристической отрасли необходима активная политика и поддержка со стороны государства. Изучен зарубежный опыт создания благоприятной инвестиционной среды в сфере туризма и определены его приоритеты.

Ключевые слова: туризм, инвестиции, инвестиционная среда, привлечение инвестиций, экономический рост, инвестиционный проект.

Abstract. Scientific and practical problems of creating a favorable investment environment in the field of tourism were considered in this paper, foreign experience in investing in the tourism industry was analyzed, and priority areas for investing in the domestic tourism industry were identified. It has been established that for the successful development of the tourism industry, an active policy and support from the state is necessary. The foreign experience of creating a favorable investment environment in the field of tourism has been studied and its priorities have been determined.

Keywords: tourism, investments, investment environment, investment attraction, competitiveness, economic growth, investment project.

Туризм дунё иқтисодиётининг ва жаҳон хўжалиги алоқаларининг муҳим соҳаларидан бўлиб, аҳолининг иш фаолиятини хордиқ олиш орқали маънавий тикланишига бўлган эҳтиёжларини қондириб аҳоли турмуш сифатининг ошишига хизмат қиласи. Туризмнинг эътиборли жиҳатларидан бири шуки, мазкур соҳа ҳеч қандай табиий ресурсларнинг камайиб кетишига олиб келмай, балки миллий иқтисодиётнинг тараққий этишига олиб келади.

Жаҳон иқтисодиётида туризмнинг улуши ЯИМнинг 9 фоизини (10 трлн. АҚШ долларидан ортиқ) ташкил қилган ва 255 млн.дан ортиқ иш ўринларини таъминлаган¹. Туризмнинг узок муддатли истиқболдаги ривожини белгилаб берувчи асосий тренд сифатида дунё миқёсида қуидагилар эътироф этилади:

1. *Туризм соҳасининг бошқа соҳаларга қараганда жадал ривожланиши.* Бундай ўсишнинг асосий омилларига қуидагилар киради:

– чегараларнинг бартараф этилиши ва халқаро муносабатларнинг ривожланиши;

– иқтисодиётнинг глобаллашуви ва туризмнинг аксарият иқтисодий фаолият турларининг ажралмас қисмига айланиши;

– одамларнинг умумий фаровонлиги даражаси ошиши;

– техник тараққиёт ва унинг оқибатида туризмнинг географик чегараларининг кенгайиши.

2. *Саёҳат қилувчилар сонининг барқарор ўсиши.*

3. *Туристик талабнинг табақалашуви ва бунинг оқибати ўлароқ маҳсулотнинг табақалашуви.*

4. *Жаҳон туризм бозорида рақобатнинг кучайиши.*

5. *Мақбул нархда маҳсулот (хизмат) сифатига талабларнинг ошиши.*

Эркин инвестиция ресурсларига юқори талаб таклифнинг танқислигини келтириб чиқаради. Шундай экан, кўпчилик давлатлар ташки ва ички инвесторларни жалб қилиш учун энг мақбул шароитларни яратишга ҳаракат қиласи.² Чунончи, кўпгина мамлакатларда солиқ тизимлари

¹ <https://www.unwto.org/tourism-data/unwto-tourism-dashboard>

² Astanakulov O.T., Asatullaev K.S., Saidaxmedova N.I., Ergashev O.T., Strategic support for accounting for the investment process in the innovation industry, Journal of Advanced Research in Law and Economics, Vol. 10, Is. 6, 2019, pp. 1877-1883

инвесторлар учун имтиёзларни ишлаб чиқади. Имтиёзларга мисоллар қуидагича:

- корхоналар фойдасига солиқларни пасайтирилган ставкада белгилаш;
- солиқ имтиёзларини инвестициялар миқдорига қараб табақалаштириш;
- солиқ ставкаларини капитал киритиш соҳасига қараб пасайтириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилган корхоналарни улар фаолиятининг дастлабки даврида солиқлардан озод қилиш;
- эркин иқтисодий зоналарда солиқ ставкаларини пасайтириш ва бошқа солиқ имтиёзларини бериш.

Австрияда фойда солиғи 30 фоиз атрофида, имтиёзга эга бўлган корхонларда эса 13 фоизни ташкил қиласди. Австрия корхоналари, агар чет эл фирмасининг инвестицияларига эга бўлса, фойда солиғидан озод қилиниши мумкин бу эса маҳаллий инвестор учун жозибадорликни камайтиради¹.

Масалан, ҳозирги пайтда Малайзияда фойда солиғи ҳамма учун бир хил бўлиб, 3 фоизга тенг. Бошқа солиқлар анча паст ёки умуман йўқ. Ишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар дастлабки беш йил ичida солиқларга тортилмайди.

Америка Кўшма Штатларида **инвестициявий кредит алоҳида** ўрин тутади. Кредит асосий фондларнинг ишлаб чиқариш тизимини янгилашни тезлаштиради. Инвестициявий кредит солиқ солинадиган фойдани техника ва ускуналарни сотиб олишга киритмалар суммасига камайтиришни назарда тутади.

Инвестициялар оқими инвестициялашнинг устувор йўналишлари рўйхатини шакллантириш орқали назорат қилинади. Масалан, Вьетнамда имтиёзлар ўз маблағларини давлат дастурларига, инновацион технологияларга ва кадрларни тайёрлаш даражасини оширишга киритадиган инвесторларга берилади.

Германиянинг қолоқ туманлари иқтисодиётини ривожлантиришга потенциал инвесторларга имтиёзлар бериш, минтақавий кредитлар ажратиш ва субсидиялар бериш йўли билан эришилади. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг юқорида санаб ўтилган воситаларига қуидагилар киради:

- юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун инвестиция кредитлар;
- саноатни ривожлантириш дастурлари бўйича субсидиялар;
- шаҳарларни ривожлантириш дастурлари бўйича субсидиялар.

Халқаро тажриба кўрсатишича, Европада Иттифоқига аъзо давлатларда туризм соҳанинг инвестиция фаолиятини ривожлантиришга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, «Европа Иттифоқи дунёning энг кўп сайёҳлар ташриф буорадиган минтақаси бўлиб, 2021 йилда барча

¹ Жолумбетов Е.М. Анализ мер государственной поддержки малого и среднего предпринимательства в сфере туризма в условиях пандемии коронавируса (COVID-19): международный и казахстанский опыт // Кронос. 2021. №2 (52).

халқаро сайёҳлар сонининг 37 фоизини, ялпи ички маҳсулотнинг 9,9 фоизини ва барча иш ўринларининг 11,6 фоизини ташкил қилган»¹.

Туризм соҳаси инвестиция фаоллигини ривожлантириш борасидаги Венгрия Миллий туризм стратегияси «2030 йилгача туризмни ривожлантириш миллий стратегияси»ни қабул қилган. Унинг мақсади туризмни мамлакатда иқтисодий ўсишнинг етакчи тармоғига айлантиришдан иборат. Стратегияда мамлакатдаги туроператорлар сонини 2 баробарга ошириш назарда тутилган ҳамда туризм ташкилотлари ялпи даромадидан олинадиган солиқларни реинвестиция қилиш шарти билан 50 фоизгача солиқ имтиёзлари шаклида ташкилот ихтиёрида қолдирилади².

Миллий туризм стратегияси Испаниянинг Горизонт-2020 туризм режаси бўлиб, у вақт ўтиши билан янги элементларни ўз ичига олган ҳамда турли ҳаракатлар ва стратегик йўналишларни янгилаш учун қисман қайта кўриб чиқилган. 2030 йилгача Барқарор туризм бўйича янги Миллий стратегия ишлаб чиқилмоқда. У COVID-19 пандемиясининг таъсирини кўриб чиқади ва Испанияда туризм сиёсати учун стратегик йўриқномаларни белгилайди. Келгуси 10 йиллиқда туристик сектор дуч келадиган муммомлар тахлил қилинади. Йирик туристик лойиҳаларни амалга оширишда «давлат-хусусий шериклик» механизмидан фойдаланилади. Лойиҳаларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетлардан мақсадли молиявий ресурслар ажратилади. Йирик туристик хизматлар харидори бўлган юридик шахсларга «tax free» тизими қўлланилади.³

Польшада эса, миллий туризм стратегияси «2020 йилгача туризмни ривожлантириш дастури» ишлаб чиқилган бўлиб, дастурнинг асосий йўналишлари сифатида: *туризмни бошқаришнинг замонавий тизимлари; Туризм учун малакали қадрларни тайёрлаш; рақобатбардоши туризмни ривожлантириши; инвестиция жозибадорлигини ошириши* кабилар белгиланган. Туроператорларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида миллий йиллик рейтинг натижаларига асосан туроператорларга тўланган солиқдан субсидия шаклидаги «cash back»лар берилади.⁴

Лизинг – узоқ муддатли ижара шакли бўлиб, ижарага берувчига ижарачи учун улардан фойдаланиш мақсадида асосий воситаларни сотиб олиш имконини беради. Жаҳон амалиётида бугунги кунда лизинг катта аҳамиятга эга. Чунончи, Америка Кўшма Штатларида лизинг операцияларига харажатлар улуши тахминан 30 фоизга тенг, Англия ва Францияда 13-17 фоизгача, Италия ва Голландияда 12-14 фоизгача, Австрия ва Данияда 8-10 фоизгача.

Хозирги пайтда АҚШ, Германия ва Францияда ҳамда қатор бошқа

¹ https://www.eca.europa.eu/Lists/ECADocuments/SR21_27/SR_EU-invest-tourism_EN.pdf

² Vardanyan P.; Suvaryan C. The experience of some countries in improving tourist attractiveness and the role of the media in this process. Proc. YSU C: Geol. Geogr. Sci. 2020, 54, 140-144.

³ Гулиева С. Состояние и тенденции развития туризма в Испании в современных условиях // Экономика и бизнес: теория и практика. 2020. №1-1.

⁴ Szromek, A.R.; Naramski, M. A Business Model in Spa Tourism Enterprises: Case Study from Poland. Sustainability 2019, 11, 2880. <https://doi.org/10.3390/su1102880>

мамлакатларда амал қилиб турган тезлаштирилган амортизация усулларини амалга ошириш инвестиция жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади.

Инвестиция жараёнларини тезлаштириш либерал қонунчилиги, хусусан, анчадан бери АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Швеция, Швейцария ва бошқа мамлакатларда амал қилаётган тезлаштирилган амортизация усулларини қўллашни рафбатланиради.

Ривожланган мамлакатларда сифатли давлат инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга катта эътибор берилади. Самарали давлат сиёсати инфратузилмани ва мавжуд қонунчиликни ривожлантириш орқали туризм соҳасини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Хорижий мамлакатларда туризмни ривожлантиришда инвестицияни қўллаб-қувватлаш тажрибасини урганган ҳолда биз миллий туризм индустриясини инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш қўйидагиларни таклиф қиласиз:

– ҚҚС тўлашда туризм ташкилотлари, туристларни жойлаштириш ташкилотлари ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда транспорт соҳаси учун солиқ юкини камайтириш;

– туристик ташкилотлар ўзларининг инвестицион сиёсатини юритишида нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда қиммат бўлмаган маркетинг тадбирлари, яъни туризм ярмаркаларида фаол иштирок этиши;

– давлат-хусусий шериклиги механизмидан фойдаланиб туристик ташкилотлар фаoliyatiini молиялаштириш;

– ҳалқаро туризмга салбий таъсирни юмшатиши мақсадида давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш ва рафбатлантириш тизимини жорий этиш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Astanakulov O.T., Asatullaev K.S., Saidaxmedova N.I., Ergashev O.T., Strategic support for accounting for the investment process in the innovation industry, Journal of Advanced Research in Law and Economics, Vol. 10, Is. 6, 2019, pp. 1877-1883
2. Vardanyan P.; Suvaryan C. The experience of some countries in improving tourist attractiveness and the role of the media in this process. Proc. YSU C: Geol. Geogr. Sci. 2020, 54, 140-144.
3. Жолумбетов Е.М. Анализ мер государственной поддержки малого и среднего предпринимательства в сфере туризма в условиях пандемии коронавируса (COVID-19): международный и казахстанский опыт // Кронос. 2021. №2 (52).
4. Гулиева С. Состояние и тенденции развития туризма в Испании в современных условиях // Экономика и бизнес: теория и практика. 2020. №1-1.
5. Szromek, A.R.; Naramski, M. A Business Model in Spa Tourism Enterprises: Case Study from Poland. Sustainability 2019, 11, 2880. <https://doi.org/10.3390/su11102880>
6. <https://www.unwto.org/tourism-data/unwto-tourism-dashboard>
7. https://www.eca.europa.eu/Lists/ECADocuments/SR21_27/SR_EU-invest-tourism_EN.pdf

Хасан Ибрагимович Турдибеков – ТДИУ Самарқанд филиали доценти,

и.ф.н.,

Ислом Юсупов – ТДИУ Самарқанд филиали 2-курс магистранти

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ракобатбардошлигини таъминлаш учун таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш ишлари муҳим устувор вазифадир. Бунда инновацион илмий ишланмаларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган инвестицион лойиҳалар ҳажмини ошириш, қурилиш маҳсулотлари саноатида ресурслардан самарали фойдаланишга эришиш керак бўлади.

Калит сўзлар: қурилиш индустрияси, маҳсулотлар раҷобат-бардошлиги, инновацион илмий ишланмалар, инвестицион лойиҳалар.

Аннотация. В целях обеспечения конкурентоспособности продукции, производимой в строительной отрасли, важным приоритетом является углубление процессов структурных преобразований, модернизации и диверсификации. Для этого потребуется увеличить объемы инвестиционных проектов, направленных на развитие производственной инфраструктуры, добиться эффективного использования ресурсов в строительной отрасли на основе инновационных научных разработок.

Ключевые слова: строительная отрасль, конкурентоспособность продукции, инновационные научные разработки, инвестиционные проекты.

Abstract. In order to ensure the competitiveness of products manufactured in the construction industry, deepening the processes of structural transformation, modernization and diversification is an important priority. To do this, it will be necessary to increase the volume of investment projects aimed at developing the production infrastructure, to achieve the efficient use of resources in the construction industry based on innovative scientific developments.

Key words: construction industry, product competitiveness, innovative scientific developments, investment projects.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қатори, Ўзбекистон Республикасида ҳам раҷобатбардош қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологияларнинг илмий - амалий жиҳатларини ўрганиш бугунги кундаги энг долзарб бўлган иқтисодий жараёнлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида “...барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – раҷобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро

бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш”¹ деб таъкидлаганди.

Қурилиш корхоналари иқтисодиётда юқори салоҳиятга эга бўлиб, унда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва корхоналарда самарадорликнинг ошиши аҳоли турмуш даражаси яхшиланишини таъминлайди. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасидаги туб ислоҳотларимиз амалга оширилиши қурилиш корхоналарининг иқтисодий, техник ва молиявий салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли турмуш даражасини оширишни талаб этади.

Олиб борилган таҳлил натижаларининг кўрсатишича ҳозирги кунда қурилиш корхоналарида рақобатбардош қурилиш маҳсулотларни таъминловчи замонавий менежмент усулларини жорий этиш катта аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, қайси давлат қурилиш корхоналарида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қурилиш материаллари (маҳсулотлари) саноати тузилмасини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жихозлаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда унинг экспорт потенсиалини ошириш, ҳалқаро талаб ва стандартларга мувофиқ замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш мақсадида”² қурилиш корхоналари таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қурилиш корхоналарида рақобатбардош қурилиш материалларининг сифатини ошириш учун бир қатор вазифа ва йўналишлар белгилаб берилган:

- қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари орқали амалга ошириш, замонавий қурилиш материалларига бўлган талабни аниқлаш;

- маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, янги турдаги сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш;

- замонавий юқори сифатли рақобатбардош қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун энергия ва ресурсларни тежовчи илғор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2022 йил. 30 декабр

² . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сон Қарори.

технологияларни соҳага кенг жорий этиш мақсадида ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини олиб бориш.

Қурилиш индустрияси корхоналарида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарий жиҳатдан ўрганиш орқали қурилиш материалларининг сифатига оид умумий хулосаларни келтириб чиқариш мумкин. Бугунги кунда турли бозор сегментлари нуқтаи назаридан маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оптималлаштириш йўлларини танлаш учун ишлатилади. Бинобарин, қурилиш индустрияси корхоналарида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги таъминлаш янги корхоналар барпо этишдан ҳам муҳимроқ десак муболага бўлмайди.

Шундай қилиб, қурилиш индустрияси корхоналарида қурилиш маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида тармоқда янги такомиллаштирилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- қурилиш индустрияси корхоналарида рақобатбардош қурилиш материаларини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган инновацион лойиҳалар ҳажмини ошириш;

- ташки бозорлардан келтириладиган қурилиш маҳсулотлари ресурслари энг муҳим тўрларини, бутловчи маҳсулотларнинг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган рақобатбардош сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш асосида республика қурилиши саноатида иқтисодий мустақилликка эришиш;

- қурилиш маҳсулотлари саноатида ресурслар (табиий, моддий, молиявий ва бошқалар)дан самарали фойдаланишга эришиш. Шу жумладан, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнатни ташкил қилишнинг янги технологияларини жорий этиш, бошқаришда замонавий менежмент ва маркетинг усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ҳ.к.лар

Қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш учун таркибий ўзгартериш, модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш ишлари муҳим устувор вазифага айланиши лозим. Ушбу вазифаларни ижобий ҳал этиш учун аввало рақобатбардош қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун:

- рақобатбардош қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда корхона ва ташкилотларни молиявий ресурслар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш;

- қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун, инновацион тадбирларни амалга оширишнинг зарурийлигини ўрганиш имконияти туғилади;

- қурилиш индустрияси корхоналарида асосий эътиборни мавжуд илмий салоҳиятини ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланган ҳолда рақобатбардош қурилиш маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жорий этишга қаратади деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2022 йил. 30 декабр
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сон қарори.
3. Эгамов Р. (2021). Пути обеспечения конкурентоспособности строительной продукции на основе инновационной деятельности. Экономика и инновационные технологии, (6), 133-138. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12192
4. Р.И.Нуримбетов, А.Д.Матяқубов. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиш тенденциялари//Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. 1-2-сон. 2017 йил, 37-42-б
5. B.K.Abdusamatov, R.M. Egamov. Level of competitiveness of building products to increase innovative success// Academicia Globe: Inderscience Research is a scholarly peer reviewed international multidisciplinary Journal. <https://agir.academiascience.org/index.php/agir/article/view/824>

Zulfizar Xikmatillo qizi Axmadaliyeva – O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi magistranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA RAQAMLASHTIRILGAN BANK TIZIMI VA UNING ISLOM BANKCHILIGIGA TATBIQI

Annotatsiya. Hozirda raqamli texnologiyalar butun jahon iqtisodiyotini yangi darajaga olib chiqib, turli xizmat ko’rsatish sohalariga, xususan, bank sohasiga katta imkoniyatlar ochib bermoqda. Raqamlashtirilgan bank tizimi amaliyotining muvaffaqiyat va samaralarini jahon mamlakatlari tajribasida ko’rishimiz mumkin. Ushbu maqolada raqamlashtirilgan bank tizimi va uning ijobjiy tomonlari, turli davlatlardagi onlayn bankingga oid ko’rsatkichlar tahlil qilindi. Shuningdek, onlayn bankchilik tizimidagi ba’zi innovatsion dastaklarni islom bankchiligiga ham tatbiq qilish bo’yicha taklif va tavsiyalar keltirib o’tildi.

Kalit so’zlar: bank tizimi, bankchilik, raqamlashtirish, innovatsiya

Аннотация. В настоящее время цифровые технологии выводят мировую экономику на новый уровень, открывая большие возможности для различных сфер услуг, в частности банковский сектор. Успехи и результаты

внедрения цифровой банковской системы можно увидеть на опыте различных стран мира. В данной статье проанализирована активность цифровой банковской системы и ее положительные стороны, а также показатели, связанные с онлайн-банкингом в разных странах. Также были сделаны некоторые предложения и рекомендации по применению некоторых инновационных рычагов системы онлайн-банкинга к исламскому банкингу.

Ключевые слова: банковская система, банкинг, цифровизация, инновации.

Abstract. Currently, digital technologies are taking the world economy to a new level, by opening great opportunities for various service sectors, in particular the banking sector. The successes and results of the implementation of the digital banking system can be seen in the experience of various countries of the world. This article analyzes the activity of the digital banking system and its positive aspects, as well as indicators related to online banking in different countries. Some suggestions and recommendations have also been made on the application of some of the innovative levers of the online banking system to Islamic banking.

Key words: banking system, banking, digitalization, innovation.

Bugungi kunda, raqamli iqtisodiyot sharoitida raqamlashtirilgan bank xizmatlari butun dunyo bo'ylab iste'molchilar orasida tobora ommalashib bormoqda. Umuman olganda, raqamlashtirilgan bank xizmatlari ham an'anaviy bank xizmatlariga o'xshash hisoblanadi.

Ular o'rtasidagi farq shundan iboratki, raqamlashtirilgan bankchilikda barcha bank xizmatlari smartfonlar hamda bank ilovasi orqali individual tarzda amalga oshiriladi.

Bunda mijozlar bankka borish o'rniga, mustaqil ravishda raqamlashtirilgan bankchilik moliyaviy xizmatlaridan (o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish asosida) foydalanishlari mumkin bo'ladi.

Texnologiyalarning ushbu yangi davrida banklar raqobatda yutish, omon qolish uchun raqamli hamda innovatsion texnologiyalardan foydalana olishlari zarur hisoblanadi. Moliyaviy tashkilotlarning ushbu yangi raqamli muhitga moslasha olmasliklari ular uchun ko'plab yo'qotishlar va muvaffaqiyatsizlik olib kelishi mumkin hisoblanadi.


Iqtisodiyotda raqamlashtirish to'g'risida so'z borar ekan, "raqamli bankchilik" va "onlayn bankchilik" kabi atamalarni uchratish mumkin. Garchi ushbu ikki atama bir-biriga juda o'xshash bo'lsa ham, raqamli va onlayn bankchilik o'rtasida bir necha farqlar mavjud.

Onlayn bankchilik asosan faqat bank tizimining ba'zi asosiy tranzaksiya funksiyalarini o'z ichiga oladi.

Onlayn bank xizmatiga odatda internet orqali kirish mumkin bo'lib, unda

hisobni boshqarish va ko'chirmalarga kirish kabi bazaviy bank amaliyotlari qo'llanilishi mumkin. Onlayn bank tizimining imkoniyatlari cheklangan bo'lib, iste'molchilar uchun qo'shimcha bank xizmatlarini taklif qilish uchun tezda kengaya olmaydi.

1-rasm. An'anaviy va raqamlashtirilgan bank tizimlari faoliyati



o'rtaqidagi farq

1-rasmda ko'rsatilganidek, an'anaviy bank tizimi faoliyati jarayoni ko'p vaqt oladi. Raqamli bankchilik tizimi yordamida esa mijoz tez fursatda ishini bitira oladi.

Raqamli bankchilik tizimlari ancha moslashuvchan hisoblanadi. Ular banklarga an'anaviy tizimlarga nisbatan tezroq rivojlanish va kengayish imkoniyatlarini beradi.


Raqamli bankchilik yuqori darajadagi jarayonlarni avtomatlashtirish, veb-texnologiyalarga asoslangan xizmatlar va API (Application Programming Interface)larga tayanib, banklar va ularning mijozlariga yuqori darajadagi iqtisodiy samaradorlik, xavfsizlik va moslashuvchanlikni taqdim etadi.

So'nggi statistik ma'lumotlarga ko'ra, AQShda katta yoshli aholining 51%si, Z avlod va millennialarning esa 97% raqamli bank xizmatlaridan foydalanadi.

Global miqyosda onlayn-bankingdan foydalanuvchilar soni 2024-yilga borib 3,6 milliardga yetishi kutilmoqda. Birgina Buyuk Britaniyaning o'zida katta yoshlilarning 89%i onlayn-banking xizmatlaridan foydalanadi.

AQShda 2005-yildan beri onlayn bankchilikdan foydalanish keskin o'sdi; 2005-yilda onlayn bankingdan faqat 36% aholi foydalangan bo'lsa, 2021-yilga kelib bu ko'rsatkich 73%ga ko'tarildi.

So'ngi yillarda dunyoning turli mamlakatlari bo'ylab, onlayn bank hizmatlaridan foydalanish tobora ortib borayotganini ko'rishimiz mumkin. Bu bo'yicha statistik ko'rsatkichlar 2-rasmida keltirilgan.



2-rasm. Dunyo mamlakatlari bo'ylab onlayn bankchilik ko'rsatkichlari¹

Raqamlashtirilgan bank inqilobi jadal sur'atlar bilan davom etib kelmoqda. Hozirda butun dunyo bo'ylab tobora ko'proq odamlar moliyaviy ehtiyojlarini qondirish uchun onlayn-bankchilik xizmatlariga murojaat qilmoqdalar.

Islom banklari ham o'zlarining joriy modeli asosida raqamlashtirilgan xizmatlarni aholiga taqdim etish orqali sezilarli qiymat yaratishlari mumkindir. Islom bankchiligi sanoati ushbu texnologik yutuqlardan foydalangan holda, ko'proq mijozlarni jalb qilishga erishishi mumkin.

Mijozlar tomonidan raqamli bank texnologiyasini qabul qilinishi va ulardan foydalanish islom banklari rivojida muhim rol o'ynashi mumkin.

Islom banklarida raqamlashtirishni yanada rivojlantirish maqsadida quyidagi takliflarni kiritish mumkin hisoblanadi:

- Islom banklarining mobil ilovalarini ishlab chiqish. Ushbu ilovalar mijozlarga turli hizmatlar, jumladan, to'lovlarni amalga oshirish, pul o'tkazish, zakotni hisoblash va boshqa shu kabi hizmatlarni taqdim qilishi mumkin.

- Sun'iy intelektidan foydalangan holda turli operatsiyalar jarayonini yengillashtirish.

- Onlayn bank platformalarini yaratish.

Foydalanimadabiyotlar ro'yxati:

1. Siska, E. (2022). Exploring the Essential Factors on Digital Islamic Banking Adoption in Indonesia: A Literature Review. Jurnal Ilmiah Ekonomi Islam, 8(1), 124-130.
2. Sutikno, S., Nursaman, N., & Mulyati, M. (2022). The Role Of Digital Banking In Taking The Opportunities And Challenges Of Sharia Banks In The Digital Era. Journal of Management Science (JMAM), 5(1), 27-30.
3. <https://blog.gitnux.com/online-banking-usage-statistics/#:~:text=According%20to%20recent%20statistics%2C%2051,reach%203.6%20billion%20by%202024>.

¹ <https://blog.gitnux.com>

O‘g‘ilshod Musurmonqul qizi Axmedova – O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi magistranti

MILLIY IQTISODIYOTNING BARQAROR RIVOJLANISHIDA ISLOM MOLIYAVIY INSTRUMENTLARINING O‘RNI

Annotatsiya. Ushbu tezis milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishida islom moliyaviy instrumentlari, ya’ni sukukning o‘rniga bag‘ishlangan. Sukuk shariat tamoyillariga mos qimmatli qog‘ozdir. Sukukning an’anaviy qimmatli qog‘ozlardan asosiy farqilaridan biri va o‘ziga xosligi sukuk faoliyatida SPV (special purpose vehicle – maxsus maqsadli firmalar)ning ishtirok etishidir. SPV va sukukni sotib oluvchi investor Islom moliyasidagi turli instrumentlar asosida hamkorlikni olib borishlari mumkin. SPV va sukuk investori munosabatlari asosan quyidagi maxsus shartnoma turlari asosida amalga oshirilishi mumkin: mudoraba sukuki, mushoraka sukuki, murobaha sukuki, ijara sukuki, salam sukuki, istisno sukuki.

Kalit so‘zlar: sukuk, SPV, mudoraba sukuki, mushoraka sukuki, murobaha sukuki, ijara sukuki, salam sukuki, istisno sukuki

Аннотация. Данная работа посвящена месту исламских финансовых инструментов, т.е. сукук, в устойчивом развитии национальной экономики. Сукук – это ценная бумага, соответствующая шариату. Одним из основных отличий и уникальности сукук от традиционных ценных бумаг является участие SPV (фирмы специального назначения) в деятельности сукук. SPV и инвестор, покупающий сукук, могут сотрудничать на основе различных инструментов исламского финансирования. Отношения SPV и инвестора сукук могут быть в основном основаны на следующих типах специальных контрактов: сукук мудараба, сукук мушарака, сукук мурабаха, сукук ижара, сукук салам, сукук истисна.

Ключевые слова: сукук, SPV, сукук мудараба, сукук мушарака, сукук мурабаха, сукук ижара, сукук салам, сукук истисна

Abstract. This work is devoted to the place of Islamic financial instruments, i.e. sukuk, in the sustainable development of the national economy. Sukuk is a Shariah-compliant security. One of the main differences and uniqueness of sukuk from traditional securities is the participation of SPV (special purpose vehicle) in sukuk activities. The SPV and the investor buying the sukuk can cooperate on the basis of various instruments in Islamic finance. The SPV and sukuk investor relationship can be mainly based on the following types of special contracts: mudaraba sukuk, musharakah sukuk, murabaha sukuk, ijarah sukuk, salam sukuk, istisna sukuk.

Keywords: mudaraba sukuk, musharakah sukuk, murabaha sukuk, ijarah sukuk, salam sukuk, istisna sukuk

O‘zbekistonda jadal ravishda ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar amalga oshirilayotgan hozirgi davrda barcha sohalar qatori moliya sektorini ham rivojlantirishga va yangi manbalar bilan boyitishga alohida ahamiyat qaratilmoqda. Ana shu maqsadda jahonda ommaviylashib borayotgan, ayniqsa, taraqqiy etgan Yevropa mamlakatlari va AQShda faollashib borayotgan Islom moliyasini mamlakat milliy moliya bozorida joriy etishga e’tibor berilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganidek, «mamlakatimizda islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish bo‘yicha huquqiy bazani yaratish vaqt-soati yetib keldi». Shu munosabat bilan mamlakatimizda islom iqtisodiyoti va moliyasining nazariy va amaliy jihatlarini o‘rganish uchun zaruriyat vujudga keldi.

Islom moliyasi – islom tamoyil va qoidalariga to‘liq mos keluvchi moliyaviy instrumentlar va qonuniyatlarni o‘z ichiga olgan tizim. Islom moliyasiga nisbatan XXI asrda qiziqish yuqori bo‘lib, ilmiy izlanishlar olib borish va tahliliy materiallar tayyorlash borasidagi ilmiy faoliyat ko‘payib bormoqda. Islom (shariat) tamoyillariga asoslangan moliya konsepsiysi egalik huquqi, ijtimoiy va iqtisodiy adolat, daromadlarning taqsimplanishi va boshqaruvga taalluqli islomning asosiy prinsiplari asosida qurilgan.

Har qanday tadbirkorlik, korxona va firmalar faoliyatini kengaytirishda qo‘sishmcha mablag‘larni jalb qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Buni amalga oshirishning eng keng tarqalgan ko‘rinishlari banklardan foizli kreditlarni jalb qilish yoki obligatsiyalar emissiyasi hisoblanadi. Lekin bunda tadbirkorlik obyektining majburiyati oshadi, va kredit foizlari ham nisbatan yuqori bo‘ladi. Bunda eng muqobil yechimlardan biri investitsiyalarni jalb qilishdir. Bu jarayonda ahosilining ko‘p qismi musulmon bo‘lgan davlatlarda an’anaviy aksiyalar yoki obligatsiyalar mahalliy investorlarning to‘liq potensialini namoyon etishlarida samarali natija bermasligi tabiiy. Islom moliyasi tamoyillariga asoslangan islomiy qimmatli qog‘oz – sukuk aynan yuqoridagi holatga samarali yechim bo‘la olishi mumkin.

Sukuk – (“sakk”ning ko‘pligi, arab tilidan akt, hujjat, chek) investitsion faoliyat yoki uning aktiviga nisbatan egalik huquqidagi ulushini ko‘rsatuvchi shariat tamoyillariga asoslangan emissiyaviy qimmatli qog‘oz bo‘lib, turiga ko‘ra foyda va zararga sherikchilikni ifodalaydi, so‘ndirilishi va foyda darajasi riskka asoslanadi¹.

Sukuk emissiya qilishda tashkilotdan alohida aynan biron loyiha uchun SPV – Special purpose vehicle tashkil qilinadi. Va aynan o‘sha SPV sukukni emissiya qiladi, undan kelgan mablag‘larni boshqaradi va sukuk so‘ndirilishini ham amalga oshiradi. SPV va sukuk investorlari munosabatlari asosan quyidagi maxsus shartnoma turlari asosida amalga oshirilishi mumkin: mudoraba sukuki, mushoraka sukuki, murobaha sukuki, ijara sukuki, salam sukuki, istisno sukuki².


Mudoroba sukuki. Bu turdagи sukukda mudorib sifatida SPV, robbul mol sifatida esa investorlar, ya’ni sukuk egalari ishtirok etadi³. Foyda va zarar, loyihani qay tarzda boshqarish mudoraba kelishuvi asosida amalga oshiriladi. Sukukning nominal qiymati va qat’iy foyda kafolatlanmagan bo‘ladi. Shartnoma so‘ngida investorlardan SPV sukuk aktivlarini bozor narxida sotib oladi va shu

¹ Исламская экономическая модель и современность / Р.И.Беккин; Учреждение Российской акад. наук Инт Африки РАН. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Изд. дом Марджани, 2010. – 352 с

² Шариатские стандарты / Организация бухгалтерского учета и аудита исламских финансовых учреждений – М.: Издательство «Исламская книга», 2017 г. – 920 с.

³ Baydaulet E.A. Islomiy moliya asoslari. Toshkent: “O‘zbekiston” NMIU, 2019.

tarzda sukuk so‘ndiriladi (1-rasm). Investorlar o‘z ulushlarini belgilaydigan sukuk sertifikatlarini ikkilamchi bozorda sotishlari mumkin.




1-rasm. Mudoraba va mushoraka sukukining ishlash mexanizmi

Mushoraka sukuki. SPV hamda investor sherik sifatida qatnashishadi, shuningdek, aktivlarga ham birgalikda egalik qilishadi. Faoliyat foyda, zarari taqsimoti va loyihaning boshqarilishi mushoraka kelishuvi asosida olib boriladi. Qolgan jarayonlar mudoraba sukukiga o‘xshab olib boriladi¹.

Murobaha sukuki. Dastavval SPV va investor o‘rtasida shartnomaga tuziladi, investorlar sukukka obuna bo‘lishadi va to‘lovni amalga oshirishadi. SPV va xaridor ma’lum tovarni xarid qilish va uni kechiktirilgan bo‘lib to‘lash asosida muobaha shartnomasini tuzishadi. SPV investorlardan olingan mablag‘ga o‘sha mahsulotni xarid qiladi va uni murobahaga asosan xaridorga yetkazib beradi. Xaridor har to‘lovni amalga oshirganda bu to‘lovdan investorlarga ulushlari berib boriladi. Oxirgi to‘lov amalga oshirilganda sukuk so‘ndirilgan hisoblanadi. Aktivlarga egalik investorlarda bo‘lmaganligi, ular SPV bilan qarz munosbatiga kirishganligi sababli, ular sukuklarini ikkilamchi bozorda sota olishmaydi (2-rasm). SPV o‘sha mulkni sotmasdan o‘z faoliyatida ham foydalanishi mumkin


Murobaha sukuki. Dastavval SPV va investor o‘rtasida shartnomaga tuziladi, investorlar sukukka obuna bo‘lishadi va to‘lovni amalga oshirishadi. SPV va xaridor ma’lum tovarni xarid qilish va uni kechiktirilgan bo‘lib to‘lash asosida muobaha shartnomasini tuzishadi. SPV investorlardan olingan mablag‘ga o‘sha mahsulotni xarid qiladi va uni murobahaga asosan xaridorga yetkazib beradi. Xaridor har to‘lovni amalga oshirganda bu to‘lovdan investorlarga ulushlari berib boriladi. Oxirgi to‘lov amalga oshirilganda sukuk so‘ndirilgan hisoblanadi. Aktivlarga egalik investorlarda bo‘lmaganligi, ular SPV bilan qarz munosbatiga kirishganligi sababli, ular sukuklarini ikkilamchi bozorda sota olishmaydi (2-rasm). SPV o‘sha mulkni sotmasdan o‘z faoliyatida ham foydalanishi mumkin.

¹ Usmani M. T. Sukuk and their contemporary applications //Translated from the original Arabic by Sheikh Yusuf Talal DeLorenzo, AAOIFI Shari'a Council meeting, Saudi Arabia. – 2007



2-rasm. Murohaba sukukining ishlash mexanizm

Ijara sukuki. Investor va SPV o‘rtasida ijara shartnomasi asosida hamkorlik yo‘lga qo‘yiladi. Bu jarayonda investor sukuk va uning ostida yotgan aktivni SPVdan sotib oladi va uni qaytadan SPVga ijaraga beradi (3-rasm). Ba’zida SPV o‘sha aktivni uchinchi shaxsdan ham sotib olishi mumkin, bunda o‘sha sotib olingan aktiv yana qaytadan o‘sha shaxsga ijaraga beriladi, lekin bu holat ko‘proq murohaba kelishuviga o‘xshaganligi bois uchunchi shaxs qatnashgan holati ko‘p foydalanimaydi.



3-rasm. Ijara sukukining ishlash mexanizmi


Investorning foydasi oylik ijara to‘lovi asosida berib boriladi. Oxirida SPV aktivni sotib oladi va sukuk so‘ndiriladi. Bunda asosiy qiymat majburiyati SPVda turganligi sababli ham nominal qiymatning qaytishi odatda kafolatlangan bo‘ladi. Ikkilamchi bozorda ijara sukukini sotish mumkin hisoblanadi.

Salam sukuki. Investor va SPV o‘rtasida oldi-sotdi kelishuvi tuziladi. SPV investordan kelajakda tayyor bo‘ladigan mahsulot uchun nominal qiymatli mablag‘ qabul qilib oladi. Tayyor bo‘ladigan mahsulot investorning mulki hisoblanadi¹.

Kelishilgan muddat kelgach o‘sha tayyor bo‘lgan mahsulot bozor narxida sotiladi va uning nominal qiymati va sotishdagi bozor qiymati orasidagi farq investorlarning foydasi hisoblanadi. Shu bilan birga sukuk ham so‘ndiriladi (4 –

¹ Astanakulov, O. Features of the development of Islamic finance in the conditions of globalization / O. Astanakulov, N. Batirova // Annals of Italy. – 2023. – No. 39. – P. 25-28.

rasm).



4-rasm. Salam sukukining ishlash mexanizmi

Istisno sukuki. Yirik qurilish obyektlarini qurish kabi yirik loyihalarni amalga oshirishda foydalaniladi. Amalga oshirilishi xuddi salam sukukiga o'xshaydi, lekin loyiha uchun to'lovning bir marotaba emas, balki amalga oshirilgan loyiha qismlari uchun davriy to'lab borilishi bilan farq qiladi. Investorlarning foydasi ham xuddi salam sukukiniki kabi bo'ladi¹.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, sukuk shariat tamoyillariga mos keladigan qimmatli qog'ozlardir. Sukuk yordamida tashkilot yoki korxonaga loyihalarni amalga oshirishda qo'shimcha mablag'larni jalg qilish mumkin, bunda o'sha tashkilotning majburiyatları yuqori foizlar bilan ortmaydi, investor ham tashkilotning egasiga aylanmaydi. Aynan bu jarayonda sukuk emissiyasi uchun ochiladiga maxsus firma SPV katta rol o'ynaydi. SPV mustaqil ravishda sukuk emissiyasi qiladi, undan kelgan mablag'larni boshqaradi, yo'naltiradi va uning so'ndirilishini ham amalga oshiradi. SPV va investor o'rtasidagi munosabat Islom moliyasi instrumentlari asosiga quriladi va aynan o'sha instrument nomi bilan yuritiladi: mudoraba sukuki, mushoraka sukuki, murobaha sukuki, ijara sukuki, salam sukuki, istisno sukuki kabi. Sukuk elementlariga amal qilinganda u aholisining ko'p qismi musulmon bo'lgan davlat aholisini qimmatli qog'ozlar orqali daromad olishlariga va korxonalarining faoliyatlarini kengaytirishida katta yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Исламская экономическая модель и современность / Р.И.Беккин; Учреждение Российской академии наук Ин-т Африки РАН. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Изд. дом Марджани, 2010. – 352 с
2. Шариатские стандарты / Организация бухгалтерского учета и аудита исламских финансовых учреждений – М.: Издательство «Исламская книга», 2017 г. – 920 с.
3. Baydaulet E.A. Islomiy moliya asoslari. Toshkent: “O'zbekiston” NMIU, 2019.
4. Usmani M. T. Sukuk and their contemporary applications //Translated from the original Arabic by Sheikh Yusuf Talal DeLorenzo, AAOIFI Shari'a Council

¹ Тенденции развития исламских финансов в условиях глобализации / О.Т.Астанакулов, Х.С.Асатуллаев, С.Б.Гойиназаров, Н.Ш.Батирова // Вопросы истории. – 2022. – № 5-2. – С. 259-264

- meeting, Saudi Arabia. – 2007
5. Astanakulov, O. Features of the development of Islamic finance in the conditions of globalization / O. Astanakulov, N. Batirova // Annals of Italy. – 2023. – No. 39. – P. 25-28.
6. Тенденции развития исламских финансов в условиях глобализации / О.Т.Астанакулов, Х.С.Асатуллаев, С.Б.Гойипназаров, Н.Ш.Батирова // Вопросы истории. – 2022. – № 5-2. – С. 259-264

E’zoza Xamdam qizi Usmonova– O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi
magistranti

O‘ZBEKISTONDA TADBIRKORLIK MUHITINI RIVOJLANTIRISHDA ISLOM MOLIYA INSTRUMENTLARIDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI

Annotatsiya. Jadal taraqqiy etib borayotgan mamlakatimizda erkin va faol tadbirkorlik muhitini rivojlantirish, ushbu yo'nalishda amalga oshirilayotgan islohotlarni izchil davom ettirish maqsadida Islom moliya instrumentlarini jamiyat hayotiga tatbiq qilish muhim ahamiyat kasb etadi. Islom moliyasining muhim va ajralmas qismi bo‘lmish mushoraka sherikchiligi hamda u bilan bog‘liq moliyaviy operatsiyalarni o‘rganish o‘ta zarur hisoblanadi. Ushbu tezis mushoraka atamasi, uning moliyaviy ahamiyati, sherikchilikning shariat ruxsat bergen zamonaviy ko‘rinishlariga to‘xtalib o‘tiladi.

Kalit so‘zlar: tadbirkorlikni rivojlantirish, moliya, islom moliyasi, AAOIFI, sherikchilik, mushoraka, aksiyadorlik kompaniyalari, kommandit sherikchilik, solidar mas’uliyatlari kompaniya

Аннотация. В целях развития свободной и активной предпринимательской среды в нашей быстро развивающейся стране, последовательного продолжения проводимых в этом направлении реформ важное значение приобретает внедрение исламских финансовых инструментов в жизнь общества. Крайне необходимо изучить партнерство мушарака, которое является важной и неотъемлемой частью исламских финансов, а также связанные с ним финансовые операции. Этот тезис затрагивает термин мушарака, его финансовое значение, современные формы партнерства, разрешенные шариатом.

Ключевые слова: развитие предпринимательства, финансы, исламские финансы, ААОИФИ, сотрудничество, мушарака, акционерные компании, коммандитное сотрудничество, солидарная ответственная компания

Abstract. In order to develop a free and active business environment in our rapidly developing country, to consistently continue the ongoing reforms in this direction, it is important to introduce Islamic financial instruments into the life of society. It is imperative to study the Musharakah partnership, which is an important and integral part of Islamic finance, as well as the financial transactions associated with it. This thesis touches upon the term musharakah, its financial meaning, modern forms of partnership permitted by Shariah.

Keywords: entrepreneurship development, finance, Islamic finance, AAOIFI, partnership, musharakah, stock company, solidar limited company

Bugungi kunda Respublikamizda tadbirkorlik muhitini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. 2022 – 2026-yillarga mo’ljallangan Yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasini amalga oshirish, shuningdek, inklyuziv va barqaror iqtisodiy o’sishga erishish orqali kambag‘allikni ikki barobarga qisqartirish, iqtisodiyotda raqobatni ta’minalash, tadbirkorlik subyektlariga teng sharoitlar yaratish, bozor munosabatlariga to’laqonli o’tishni jadallashtirish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, xususiy investitsiyalar hajmini keskin oshirish hamda biznes doiralarning ishonchini yanada mustahkamlash maqsadida “Tadbirkorlik muhitini yaxshilash va xususiy sektorni rivojlantirish orqali barqaror iqtisodiy o’sish uchun shart-sharoitlar yaratish borasidagi navbatdagi islohotlar to‘g‘risida”gi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni imzolandi. Ushbu farmonning birinchi bandida ta’kidlangan “pul va kapital bozorlarini yanada erkinlashtirish hisobiga moliya bozoridagi turli segmentlarning rivojlanishiga turtki berish, shu orqali xususiy lashtirilgan va transformatsiya jarayonidagi korxonalarga o‘z faoliyatini moliyalashtirishning muqobil manbalarini shakllantirishga sharoit yaratish”¹ ushbu vazifani bajarish uchun O’zbekiston sharoitida islom moliyasi instrumentlaridan foydalanish istiqbolli loyiha bo‘lib xizmat qiladi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek, “mamlakatimizda islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish bo`yicha huquqiy bazani yaratish vaqtisoati keldi. Bunga Islom taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlari jalb etiladi”². Yurtimizda amalga oshirilayotgan jadal ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlar davrida muhtaram prezidentimizning islom moliyasini mamlakatimizda joriy qilishga qaratilgan ushbu so‘zlari sohaning naqadar ahamiyatli ekanining yorqin dalilidir. So‘nggi yillarda yurtimizda aholining moliyaviy savodxonlik darajasining oshishi, yangi moliyaviy instrumentlardan foydalanish ehtiyojining yuzaga kelishi islom moliyaviy instrumentlaridan foydalanishga katta qiziqish uyg‘otmoqda³. Islom moliyaviy isntrumentlari Ichida keng tarqalgani turi mushoraka shartnomalari hisoblanadi.

Mushoraka so‘zi arab tilidan tarjima qilinganda, “sherikchilik qilish” degan ma’noni bildiradi. Biznes va savdoda ushbu atama barcha sheriklar olingen foya va zararni baham ko‘rvuchi sheriklik tijoratini anglatadi. Shayx Muhammad Taqi Usmoniy o‘z asarlarida mushoraka bitimiga “Biznes va savdo talqinida ushbu atama qo‘shma korxona (oddiy sherikchilik)ni anglatadi, bunda barcha sheriklar umumiy ishdagi foya yoki zararni taqsimlaydilar. Mushoraka atamasi «shirkat»ning xususiy shakli – «shirkat ul-amvol» bilan cheklangan, unda ikki yoki undan ortiq shaxslar o‘z kapitalini qo‘shma tijoriy korxonaga investisiya qiladilar. Ba’zan u «shirkat ul-amal»ni ham o‘z ichiga oladi, unda

¹ Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 09.04.2022-y., 06/22/101/0288-son; 01.06.2022-y., 06/22/145/0459-son; 10.09.2022-y., 06/22/220/0812-son

² O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

³ Тенденции развития исламских финансов в условиях глобализации / О.Т.Астанакулов, Х.С.Асатуллаев, С.Б.Гойипназаров, Н.Ш.Батирова // Вопросы истории. – 2022. – № 5-2. – С. 259-264

sherikchilik xizmat ko‘rsatish sohasida amalga oshiriladi” deb ta’rif bergan. Islom moliyasi sohasida yirik olim Hanz Visser o‘zining “Islamic finance: principles and practice” asarida mushorakaga quyidagicha to‘xtalib o‘tgan: “Mushoraka - ulushli ishtirokchi shartnomasining shakli sifatida ko‘rib chiqilishi mumkin. Foyda va zararlar kelishilgan shartlarga muvofiq, garchi har qanday adolatli mutanosiblikda taqsimlanishi mumkin bo‘lsa-da, odatda, u sheriklarning firma kapitalidagi ulushiga mutanosib taqsimlanadi”¹. Islom moliya institutlari uchun buxgalteriya hisobi va audit tashkiloti (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions – AAOIFI) tomonidan islom moliya tashkilotlari uchun shariat standartlari ishlab chiqilgan. Ushbu standartlarning 12-sonlisi aynan sherikchilikning shariat qoidalariga mos keluvchi har qanday shakllari va ular bilan bog‘liq barcha moliyaviy operatsiyalarni tartibga solishga qaratilgan. Ushbu standartda mushorakaga quyidagicha ta’rif berilgan “mushoraka” o‘z mablag‘larini bir ishga tikadigan ikki va undan ortiq shaxslar o‘rtasidagi sherikchilik shartnomasi hisoblanadi.” Sherikchilik fiqh kitoblarida “sharika al-aqd” atamasi bilan yuritiladi. Sharika al-aqd 2 turga bo‘linadi: fiqh bo‘yicha sherikchilik shakllari hamda sherikchilikning zamonaviy shakllari. Zamonaviy sherikchilikning quyidagi turlari ma’lum:

- Aksionerlik kompaniyalari;
- Solidar mas’uliyatlari kompaniyalar;
- Kommandit sherikchilik;
- Aksionerlik-kommandit sherikchilik;
- Jismoniy shaxslar o‘rtasidagi qo‘shma sherikchilik;
- Kamayuvchi sherikchilik.

Aksionerlik kompaniyasi (sharika al-musoxama) bu kapitali bir xil qiymatga ega bo‘lgan aksiyalarga bo‘lingan kompaniya. Har bir aksionerning majburiyati kapitaldagi o‘z qismi bilan chegaralanadi. Aksionerlik kompaniyalari moliyaviy sherikchilikdir. Bunday kompaniyalarni tartibga solish uchun sherikchilikning sharika al-inon turi bo‘ysunadigan barcha qoidalar amal qiladi. Shunga qaramay, ushbu sherikchilik turini bir aksionerning o‘zi bekor qila olmaydi. Aksionerlik kompaniyalari rasmiy tasdiqlangan qonunlar bilan belgilangan qoidalar asosida yuridik shaxs hisoblanadi. Bu aksionerlik kompaniyalarini ish jarayoni davomida turli xil aldovlar va firibgarlikni oldini olishda himoya bo‘lib xizmat qiladi².

Solidar mas’uliyatlari kompaniya (to‘liq sherikchilik) (sharika at-tadamun) - bu jismoniy shaxslar o‘rtasidagi sherikchilik turi bo‘lib, ushbu sherikchilik uchun tanlangan nom ommaga e’lon qilinishi zarur. Solidar mas’uliyatlari kompaniya yuridik shaxs hisoblanadi. To‘liq sherikchilikdagi sheriklar kirim-chiqimni hisob qiluvchi daftar, xo‘jalik operatsilayarlani ro‘yxatga oluvchi daftar hamda boshqa operatsiyalarni ro‘yxatga oluvchi daftar kabi hisobga oluvchi hujjatlar yuritilishi

¹ Visser H. Islamic finance: Principles and practice. – Edward Elgar Publishing, 2019.

² Astanakulov, O. Features of the development of Islamic finance in the conditions of globalization / O.Astanakulov, N.Batirova // Annals of Italy. – 2023. – No. 39. – P. 25-28.

zarur.

Ishonch asosidagi sherikchilikka kommandit sherikchilik (sharika tavsiya al-basit) deb ataladi. Ushbu sherikchilik turida jismoniy shaxslarning moliyaviy sherikchilik qilishi tushunilib, bunda kommandit (passiv) sherik o‘z mablag‘ini to‘liq (aktiv) sherikka ishonib topshiradi¹. Aktiv hamda passiv sheriklarning huquq va majburiyatlar sherikchilikka ular kiritgan sarmoya nisbatida turlicha bo‘ladi. Kommandit sheriklar sherikchilik obyekti bo‘lgan biznesni boshqarishga aralasha olmaydi, chunki boshqaruvga aktiv sherik mas’uliyatli hisoblanadi.

Oddiy sherikchilik yoki jismoniy shaxslar o‘rtasidagi qo‘shma korxonalar (sharika al-muxossa) - bu sherikchilikknning odatiy shakli bo‘lib uni amaliyotga tatbiq etishda sharika al-inonning barqa qoidalari kuchga kiradi.

Sherikchilikning yana bir turi bu kamayib boruvchi sherikchilik hisoblanadi. Bunda bir sherik boshqa sherikning ulushini ma’lum vaqt davomida sekin-astalik bilan sotib olishni va’da beradi. Sherikchilik shartnomasi hamda oldi-sotdi shartnomasi bir-biriga daxl qilmagan holda alohida-alohida tuzilishi talab etiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, islom moliyasi sherikchilikning shariat ruxsat bergen har qanday shakllarini qo‘llab-quvvatlaydi. Ushbu shakllar hamda yondashuvlardan foydalangan holda mamlakatimizda tadbirkorlikni rivojlantirish katta samara beradi. Yurtimiz aholisining katta qismi musulmonlardan tashkil topganini inobatga olsak islom moliyasini mamlakatimizda rivojlantirish milliy kapital bozorini yanada takomillashtirish uchun katta imkoniyat yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisiga Murojaatnomasi <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Visser H. Islamic finance: Principles and practice. – Edward Elgar Publishing, 2019.
3. Тенденции развития исламских финансов в условиях глобализации / О.Т.Астанакулов, Х.С.Асатуллаев, С.Б.Гойипназаров, Н.Ш.Батирова // Вопросы истории. – 2022. – № 5-2. – С. 259-264
4. Astanakulov, O. Features of the development of Islamic finance in the conditions of globalization / O. Astanakulov, N. Batirova // Annals of Italy. – 2023. – No. 39. – P. 25-28.
5. Гамбеева Ю. Н., Медведева С. Н. Исламские финансы: особенности становления и развития //Российское предпринимательство. – 2018. – Т. 19. – №. 1. – С. 335-349.
6. Антропов В. В. Исламские финансы в глобальной экономике: современные тенденции и перспективы. Причины появления исламских финансовых //Экономический журнал. – 2017. – №. 48. – С. 57-77.

¹ Антропов В. В. Исламские финансы в глобальной экономике: современные тенденции и перспективы. Причины появления исламских финансовых //Экономический журнал. – 2017. – №. 48. – С. 57-77

Ruxsora Baxromjonova – O’zXIA magistranti

AHOLI BO’SH PUL MABLAG’LARIDAN SAMARALI FOYDALANISHGA OID ILMIY QARASHLAR

Annotatsiya. Ushbu maqola aholining bosh pul jamg’armalari va ulardan samarali foydalanishga oid ilmiy qarashlarni o’rganib chiqishga bag’ishlangan. Aholi jamg’armalari muhim iqtisodiy hodisalardan biri hisoblanadi, chunki ular davlat, milliy iqtisodiyot, turli faoliyat sohasidagi tashkilotlar va aholi manfaatlarini o’zaro bog’laydi. Aytish mumkinki, jamg’arma aholining mavjud daromadlari va xarajatlari bilan bog’liq bo’lgan muhim ko’rsatkich, turmush darajasining elementi bo’lib, iqtisodiyot, ishlab chiqarish, loyihalarni kreditlash va investitsiyalashning muhim manbalaridan biridir.

Kalit so’zlar: jamg’arma, sarmoya, iqtisodiyot, islom iqtisodiyoti, omillar, taraqqiyot, samarali foydalanish.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению научных взглядов о сбережениях населения и их эффективном использовании. Сбережения населения являются одним из важных экономических явлений, поскольку связывают интересы государства, народного хозяйства, организаций различных сфер деятельности и населения. Можно сказать, что сбережения являются важным показателем, связанным с текущими доходами и расходами населения, элементом уровня жизни, и выступает как один из важных источников кредитования экономики, производства и проектного инвестирования.

Ключевые слова: сбережения, инвестиции, экономика, исламская экономика, факторы, развитие, эффективное использование.

Abstract. This article is devoted to the study of the scientific views on the capital savings of the population and their effective use. Population savings are one of the important economic phenomena, because they connect the interests of the state, the national economy, organizations in various fields of activity, and the population. It can be said that the savings is an important indicator related to the current incomes and expenses of the population, an element of the standard of living, and is one of the important sources of lending economy, production, and project investment.

Key words: savings, investments, economics, Islamic economics, factors, development, efficient use.

Bizga ma’lumki, har bir inson o’z hayotini va turmush farovonligini ta’minlashda hamda kelajagini kafolatlashi uchun jamg’arma uning hayotida katta o’rin tutadi. Insonning hayotida davomida to’plangan jamg’arma uzoq vaqt nafaqat uning turmush farovonligini oshiradi, balki mamlakatning makroiqtisodiy muammolarni barham topishiga imkon beradi. Bunday yondashuv rivojlanayotgan mamlakatlarda inson hayoti davomida to’plangan jamg’armada qator muammolarga duch keladi. Aholining bo’sh pul mablag’larini iqtisodiy o’sishga erishish va uni ta’minlashga qaratilgan siyosati oxir oqibat uning ijtimoiy farovonlik sari yetaklaydi. Iqtisodiyot ta’limotlar tarixida davrlar osha yuz bergan turli iqtisodiy inqirozlar oddiy fuqarolarni ham, mamlakat iqtisodiyoti boshqaruvi bilan mashg’ul bo’lgan mansabdor shaxslarni ham jamg’arishda ehtiyyotkorona yondashishga majbur qilgan. Chunki davlatlar o’rtasida yangi investitsion

loyihalarni amalgalashishga oshirilishi, ishlab chiqarish hajmi va ko’lamini ko’paytirish, aholi bandligini ta’minalash, barqaror iqtisodiy o’sishni ta’minalash uchun jamg’armalarni ko’paytirishga ustuvorlik berilgan. Jamg’armaning asosiy funksional qiymati olingan daromadlarni kapitallashtirish, ixtiyoriy daromadning bir qismini iqtisodiy samaraga jalb qilish, uni kapitalga aylantirishdan iborat. Tarixda yuz bergan iqtisodiy va global inqirozlardan keyingi davrni boshdan kechirayotgan jahon iqtisodiyoti yangi iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy tebranishlarni boshdan kechirayotgan bir pallada, bunday yondashuv tamoyili iqtisodiyotdagi makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minalashga ijobjiy ta’sir ko’rsatadi.

Jamg’armalar ijtimoiy va iqtisodiy nuqtai nazardan muhim o’rin egallagani bois, adabiyotlarda jamg’arishga oid nazariy va empirik usullarda olib borilgan ko’plab tadqiqotlar keltirilgan. Xususan, tadqiqotlarning ko’pchiligi rivojlanish, jamg’arma va investitsiyalar o’rtasidagi munosabatlarni o’rganishga qaratilgan. Umuman olganda, an’anaviy iqtisodiyot olimlari aholi tomonidan bosh pul mablag’larini jamg’arish darajasiga jismoniy shaxslarning daromad darajasi, foiz stavkalarning o’sishi va davlat siyosati ta’sir qiladi, degan xulosaga kelishgan.

Aholi bo’sh pul mablag’lari atamasini yaxshiroq tushunib olish, lug’aviy ma’nosini anglash tadqiqotning dastlabki bosqichi hisoblanadi. Lug’atlarda ushbu atama quyidagicha bayon qilingan: Ingliz tilining Merriam-Webster lug’atida berilishicha, jamg’arma – daromadning iste’mol xarajatlaridan oshib ketishi¹. Rus tilidagi “Bugungi kunda banklar” axborot va tahliliy nashrda jamg’armaning ma’nosini aholi pul daromadlarining doimiy ravishda to’planib, kelajak ehtiyojlarini qondirish uchun sarflanadigan qismidir, deb izohlangan². O’zbek tilidagi Sh.I.Mustafaqulovtomonidan tuzilgan iqtisodiy atamalarning izohli lug’atida bayon qilinganki, jamg’arma – aholining kelajak ehtiyojlarini qondirish va kelajakda xarid qilish uchun saqlab qo’yilgan pulli daromadlari. Uning hajmi ixtiyoridagi daromaddan iste’mol xarajatlarni ayirish yo’li bilan belgilanadi³. Keltirilgan izohlar tahlilida, iqtisodchi olim Mustafaqulov tomonidan berilgan ta’rif jamg’armalarning mohiyatini to’liqlar ochib beradi, degan xulosaga kelish mumkin.

Klassik iqtisodiyot maktabiga ko’ra, jamg’arma kapital ko’paytirish manbai hisoblanadi⁴. Bundan tashqari, pul mablag’larini tejash klassik iqtisodiyotda ijobjiy qabul qilingani sababli, klassik iqtisodiy davrda jamg’armalarni rag’batlantirish g’oyasi ustuvor bo’lganligini anglash mumkin⁵. Klassik iqtisodchilar orasida eng ko’zga ko’rinadigan olimlardan biri – Adam Smit jamg’arma va sarmoya (investitsiya) tushunchalarini bir xil ta’riflagan va ularni foydaning funksiyasi sifatida tahlil qilgan. Bundan tashqari, Smit jamg’arma va sarmoya hajmini daromad darajasi bilan chegaralagan⁶. Yana bir

¹ Merriam-Webster Dictionary

² “Bugungi kunda banklar” axborot va tahliliy nashri (bankstoday.net)

³ Iqtisodiy atamalarning izohli lug’ati: lug’at / SH.I. Mustafakulov, O.A. Raximberdiyev, M.SH. Egamberdiyeva - Toshkent: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019, 207- b.

⁴ Kazgan, G. (1984). İktisadi düşünce veya politik iktisadın evrimi, İstanbul: Remzi Kitabevi, 90 - b.

⁵ Skousen, M. (2016). İktisadi düşünce tarihi: Modern iktisadın inşası. 7. Baskı. (M. Acar, E. Erdem ve M. Toprak, Çev.). Ankara: Adres Yayınları, 36- b.

⁶ Smith, V. L. (1976). Experimental economics: Induced value theory. American Economic Review, 66(2), 274-

iqtisodchi olim – J.B.Seyning ta’kidlashicha, jamg’arma xarajat qilishning eng yaxshi shakli, chunki undan ishlab chiqarishni ko’paytirish uchun zarur bo’lgan kapitalni jalg qilish vositasi sifatida foydalilanadi¹, deydi. Maltusning fikricha, farovonlik davrida boylar o’z daromadlarining katta qismini jamg’armalarga sarflashadi². Yana bir iqtisodchi Nassau Senior jamg’arish pul bilan ta’milnadanigan naflilik va zavqdan voz kechishdir, deb ta’kidlaydi. Shu sababli jamg’arish fenomen bo’lib, u kelajakda foydaga olib kelishi uchun sabr talab qiladi³.

Ma’lumki, islom iqtisodiyotining eng muhim tadqiqtot obyektlaridan biri an’anaviy iqtisodiyotdagি kabi pul munosabatlari hisoblanadi. Faqatgina an’anaviy iqtisodiyotdan farqli o’laroq, islom dinida pul muomalalariga shariat tomonidan belgilangan me’yoriy talablar mavjud. Pul o’zining ayirboshlash vositasi va hisob birligi sifatidagi odatiy roldan chetga chiqmasligi kerak⁴. U iqtisodiy agentlar o’rtasida aylansa, jamiyatning barcha a’zolarining manfaat keltirish va iqtisodiyot rivojlanishiga hissa qo’shishi kerak⁵. Bundan tashqari, agar pul oqimi real iqtisodiy operatsiyalarni aks ettirmasa va investitsiya qilingan loyihalarda to’g’ridan-to’g’ri tavakkalchilik elementi mavjud bo’lmasa, pul shariat tomonidan ruxsat etilgan qonuniy daromad keltira olmaydi⁶. Boshqacha qilib aytganda, pul faqat jismoniy kapital va mehnat bilan bog’liq bo’lsa, qonuniy tarzda o’sishi mumkin⁷.

Xo’sh, islom dinining pul jamg’armalariga munosabati qanday?

Ma’lumki, islomiy tamoyillarga asosan jamg’arilgan mollarga zakot berish orqali pulning iste’mol va jamg’arish sohalariga jalg qilinishi ta’milnandi. Bu esa, o’z navbatida, pul aylanmasini yuzaga keltiradi. Bunday holda pul uzoq muddat bir toifadagi shaxslar qo’lida qotib qolmaydi. Darhaqiqat, jamg’armaning muddati qancha uzoq bo’lsa, jamg’arilgan boyliklardan shuncha ko’p zakot ushlab qolinadi. Bundan shunday xulosa qilish mumkin: islom iqtisodiyotida pul mablag’lari aylanmasini ishlab chiqarish, investitsiya sifatida yo’naltirish tez amalga oshadi va bu iloji boricha kamroq pulni “o’lik” holatda ushlab turilishini rag’batlantiradi. Islom iqtisodiyotida uzoq muddatli jamg’armalarning mavjud bo’lishiga salbiy munosabat bildiriladi. Bunga dalil sifatida Tavba surasining 35-oyatini keltirish mumkin: “Bir kuni o’sha (oltin-kumush)larni Jahannam o’tida qizitiladi va peshonalari, yonboshlari hamda orqalariga bosilib: “Mana bu o’zingiz uchun to’plagan narsangiz, bas, endi to’plab yurgan narsangizni tatib ko’ring!” deyilur. Ko’plab ulamolarning tafsiri bo’yicha, ushbu oyat ortiqcha jamg’arishdan qaytaradi va haddan tashqari pul mablag’larini ushlab qolishga

279- b.

¹ Say, J. B. (1851). A treatise on political economy. Lippincott, Grambo & Company

² Malthus, T. R. (1986). An essay on the principle of population (1798). The Works of Thomas Robert Malthus, London, Pickering & Chatto Publishers, 1, 1-139-b.

³ Aydin, Y. (2015). Keynes’in parasal faiz teorisi. Trakya Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi, 17(1), 207-224-b.

⁴ Hideur, N. (2010). Finance islamique et crise nancière – Quels enseignements, La Revue du Financier, 182-183: 127-132-b.

⁵ Ruimy, M. (2008). La finance islamique, Canada : Published by Editions Arnaud Franel.

⁶ Hideur, N. (2010). Finance islamique et crise nancière – Quels enseignements ?, La Revue du Financier, 182-183 : 127-132- b.

⁷ Causse-Broquet, G. (2010). La finance islamique: Les principes et les principales opérations, La Revue du Financier, 182-183: 23-44-b.

qarshi nozil qilingandir. Islom ulamolaridan biri Abu Zar al-G’iforir fikricha, musulmon shaxs o’zi, oila va farzandlarining ehtiyojidan ortiq bo’lgan pul mablag’larini va boyliklarni jamg’arish taqiqlangan¹. Biroq bu fikr xalifa Usmon ibn Affon davrida ulamolar orasida bahsli hisoblanib, bunday taqiq iqtisodiy o’sishni sekinlashtiruvchi jamg’armalarga tegishli, degan fikr ilgari surilgan. Chunki ba’zi loyihalar uchun katta investitsiya mablag’larining muhimligi sababli uzoq muddatli jamg’armalarni talab qilinadi.

Jamg’arma darajasiga ta’sir etuvchi omillarni o’rganish kogina iqtisodchilarning tadqiqot ishlarining asosiy mavzusi bo’lgan. Klassik olimlarning fikriga ko’ra, jamg’arma foiz stavkasining ortib borayotgan funksiyasi bo’lib, foiz stavkasi oshgani sayin, jamg’armalar ham ko’payadi. Ularning ta’kidi bo’yicha, foiz – bu bugungi iste’moldan voz kechishning qiymati. Ijobiy foiz stavkalari odamlarga kelajakda bugungidan ko’ra ko’proq iste’mol qilish imkonini beradi va yanada ko’proq tejashga olib keladi². Bunga qarshi fikrni oldinga surgan, mashhur iqtisodchi olim Jon Meynard Keynsning fikricha, jamg’arma klassik iqtisodchilar da’vo qilganidek, foiz stavkasining funksiyasi emas, balki bu sof daromadning funksiyasidir. Keyns bandlik, foiz va pulning umumiy nazariyasida jamg’arma tushunchasini iste’moldan so’ng daromadning qolgan qismi sifatida belgilaydi. Keynsning fikricha, iste’mol va jamg’arma darajasini belgilovchi asosiy omil mamlakatning milliy daromadidir va daromad darajasi oshgani sayin, iste’mol va jamg’armalar darajasining osishi kutiladi. Keyns shaxsning kunlik daromad darajasi iste’mol va jamg’arma darajasini belgilaydi va jamg’arma tendensiyasini belgilovchi subyektiv omillar juda sekin o’zgaradi, deb ta’kidlaydi. Chunki odamlar ma’lum bir turmush darajasiga o’rganib qolgan. Shuning uchun, iste’mol daromad ortishi bilan ortadi, lekin iste’moldagi o’sish daromad ortishidan kamroq bo’ladi³.

Robertson esa Keyns tomonidan keltirilgan ta’rifga qo’shimcha ravishda vaqt elementini qo’shib, jamg’armani o’tmishda olingan va bugungi kunda mavjud bo’lgan daromaddan iste’molga sarflanmagan daromad miqdori sifatida tushuntiradi. Ikki ta’rif o’rtasidagi farq shundaki, biri statik ko’rinishga ega bolsa, ikkinchisi dinamik ko’rinishga ega⁴. Monetarist olim Fridman esa jamg’arma tushunchasini kelajakda iste’mol qilish uchun ko’rilgan ehtiyyot chorasi sifatida ifodalagan⁵.

Keyns odamlarni tejashga undaydigan sabablarni organib chiqib, o’zining tadqiqot natijalarida 8 psixologik sabablarni ilgari surdi. Bular:

1. Noaniq hodisalar uchun zaxiralarni tayyorlash (dastlabki chora);
2. Kelajakdagagi ehtiyojlarni qondirish (bolalar ta’limi, qarilik);
3. Joriy daromaddan tejalgan mablag’larni kelajakda ko’proq daromad olish uchun sarmoya qilish (investitsiya);

¹ Ibn Kathir, I. A-F. I-O. (2004). Tafsir al Coran al adhim, Tome 3, Beirut: Published by Dar Sadar

² Yıldırım, K., Kahraman, D., ve Taşdemir, M. (2010). Makroekonomi. Ankara: Seçkin Yayınevi, 130-b.

³ Savaş, V. F. (2007). İktisadın tarihi, Ankara: Siyasal Kitabevi, 762-b.

⁴ Ülgener, S. F. (1991). Milli gelir istihdam ve iktisadi büyümeye. 7. Baskı. İstanbul: Der Yayınları, 206-207-b.

⁵ Douglas, M. ve Isherwood, B. (1999). Tüketimin antropolojisi. (E. A. Aytekin, Çev.). Ankara: Dost Kitapevi Yayınları, 65-b.

4. Kelajakda ko’proq mablag’ sarflash orqali hayot darajasini yaxshilashga bo’lgan motiv (rivojlanish);

5. Jamg’arma orqali o’ziga bo’lgan ishonch hisini oshirish (mustaqillik);

6. Biznesga sarmoya kiritish;

7. Vasiyat qilish;

8. Hissiy ehtiyojlarni qondirish.

Bundan tashqari, adabiyotlarda olib borilgan empirik tadqiqotlarda byudjet siyosati (davlat jamg’armalari, ijtimoiy ta’milot bo’yicha nizomlar), moliyaviy o’zgaruvchilar (pul massasi, inflyatsiya) va makroiqtisodiy barqarorlik ko’rsatkichlari ham jamg’armalarning determinantlari sifatida kiritilgan.

Bir qator tadqiqotlar jamg’arish va iqtisodiy o’sish o’rtasidagi bog’liqlik, aholining bo’sh pul mablag’laridan samarali foydalanish iqtisodiyot va jamiyatga ta’sirini kuzatishga yo’naltirilgan. Birinchilardan bo’lib, Solou (1956) iqtisodiy o’sish uchun aholi jamg’armalari muhimligini ta’kidlab, katta jamg’armalar investitsiyalarning ko’payishiga va ishlab chiqarishning ko’payishiga olib keladi, deb ta’kidlagan. Keyinchalik, McKinnon (1973) va Shou (1973) jamg’armalar mamlakatning iqtisodiy rivojlanishida muhim ahamiyatga ega, chunki ular iqtisodiy o’sishni tezlashadiradigan investitsiyalarning ko’payishiga hissa qo’shadi, degan g’oyani mustahkamladilar. Jamg’arma va iqtisodiy o’sish o’rtasidagi sababiy (causal) bog’liqliknii o’rganish uchun Sajid va Sarfraz (2008) to’g’irlovchi metodi (correctional correction technique) va tuzatish vektoridan foydalangan hamda jamg’arma va YaIM o’rtasida uzoq muddatli o’zaro bog’liqlik bor, degan xulosaga kelgan. Boshqa olimlarning ta’kidlashicha, iste’mol odatlarining rivojlanishi rivojlanayotgan mamlakatlarda barqaror iqtisodiy rivojlanish yo’lida jamg’arma va YaIM o’sishi o’rtasida ijobjiy bog’liqlik yaratadi¹. Bundan tashqari, Anoruo va Ahmad (2001) iqtisodiy o’sish va aholining jamg’armalarning o’sish sur’ati o’rtasidagi sababiy bog’liqliknii o’rganish uchun kointegratsiya va vektor xatolarini tuzatish modelidan (VECM) foydalangan holda, tadqiqot o’tkazdilar va natijada iqtisodiy o’sish va jamg’armalarning o’sish sur’ati o’rtasidagi uzoq muddatli bog’liqlik mavjudligini aniqladilar². Mill, o’z navbatida, jamg’arma milliy kapitalni ko’paytirish va odamlarning turmush sharoitini yaxshilash uchun kerakli omil ekanligini aytadi³. Sirval (2002) jamg’arma va investitsiyalarni rag’batlantirish va natijada Misrning iqtisodiy o’sishi uchun moliyaviy liberalizatsiya rolini o’rgandi. Uning fikricha, “Misr uchun o’sish tendensiyasini saqlab qolish va investitsiya stavkasini oshirish uchun jamg’armalarni ko’paytirish vazifasi juda muhimdir”. Romm (2003) esa xususiy jamg’armalar, investitsiyalar va o’sish o’rtasidagi o’zaro ta’sir darajasini Johansen VECM orqali tahlil qildi va ichki jamg’armalar/depozitlarning o’sishi mamlakatning iqtisodiy o’sishiga bevosita va bilvosita ta’sir qiladi, degan xulosaga keldi.

¹ Carroll, C. D., Overland, J., & Weil, D. N. (2000). Saving and growth with habit formation. American Economic Review, 90(3), 341–355- b.

² Anoruo, E., & Ahmad, Y. (2001). Causal relationship between domestic savings and economic growth: evidence from seven African countries. Oxford: Blackwell Publisher, 1-b.

³ Blaug, M. (2014). İktisat kuramının geçmişine bakış. (Ö. F. Çolak, Çev.). Ankara: Efil Yayınevi., 235-b.

Aholining bo'sh pul mablag'laridan samarali foydalanayotganini ko'rsatuvchi omillar mavjudmi? Jalon bankining tadqiqtolariga ko'ra, haq-huquq va mas'uliyat, siyosiy barqarorlik, hukumat samaradorligi, korrupsiyaga qarshi qat'iy choralar, qonun ustuvorligi va tartibga solish sifati darajalari aholi jamg'armalarini investitsiya qilish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkunki, jamg'arish bu insonlar tabiatiga mos holat. Chunki insonlarning barcha turdag'i (jismoni, hissiy) yo'qotishlarga juda sezgirlingi moliyaviy resurslarni yo'qotish yo'ki zarur vaqtida ularga yetarli darajada ega bo'lmaslik fikri kelajakka ishonchsizlikni keltirib chiqaradi. Har qanday salbiy kutilmalarga qarshi birinchi navbatdagi instinctiv reaksiya undan xalos bo'lishga harakat qilishdir. Jamg'arish esa xuddi shunday himoya mexanizmlardan biri hisoblanadi. Shuningdek, iqtisodiyot nazariyasida odamlar biror narsani qo'lga kiritishga nisbatan yo'qotishga ko'proq qiymat berishlari aks etadi. Jamg'arish odatini shu nuqtai nazardan tahlil qiladigan bo'lsak, odamlar tabiiy yo'qotish qo'rquvi sababli tejash va jamg'arishga moyil hisoblanadi. Odamlarning jamg'armalariga ta'sir etuvchi omillarni qisqacha tarzda takrorlaydigan bo'lsak, klassik iqtisodiy qarashga ko'ra, eng muhim omil foiz stavkasi hisoblanadi. Foiz stavkasi ijobiy tarzda ko'tarilgani sayin, odamlar o'z jamg'armalarini ko'paytirishga intiladi. Keynsning iqtisodiy qarashiga ko'ra esa, bu daromad nisbatiga bog'liq. Odamlar daromad koeffitsiyenti oshgani sayin, o'z jamg'armalarini ko'paytiradi. Aholining jamg'armalari va ularning milliy iqtisodiyotga, ishlab chiqarish va investitsion loyihalarining rivojiga ijobiy ta'sirlari va bog'likligi ko'p tadqiqotlar orqali isbotlangan.

Zumrad Nizomiddin qizi Umarova— TSUE, Finance and accounting faculty, masters degree

CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS: METHODOLOGICAL ASPECTS OF PREPARATION

Abstract. The article provides an overview of the key ideas involved in creating consolidated financial statements that comply with IFRS. Furthermore, the article deals with the requirements of presenting consolidated financial statements fairly for the parent company and its subsidiaries as a single economic entity. Additionally, the article explains the accounting concepts that must be taken into account when executing a consolidation. The essence of the principles of consolidation of financial statements under IFRS, as well as their brief description, is presented.

Key points: consolidated financial statements, parent company, subsidiary, consolidation procedures.

Annotatsiya. Maqolada MHXSga asoslangan konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotlarni yaratish bilan bog'liq asosiy g'oyalar haqida umumiylar ma'lumot berilgan. Bundan tashqari, maqolada yagona xo'jalik yurituvchi sub'ekt sifatida asosiy kompaniya va uning sho'ba korxonalari uchun konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobotni shaffof taqdim etish talablari ko'rib chiqiladi. Bundan tashqari, maqola konsolidatsiyani amalga oshirishda hisobga olinishi kerak bo'lgan buxgalteriya tushunchalarini yoritib beradi.

MHXS bo'yicha moliyaviy hisobotlarni konsolidatsiyalash tamoyillarining mohiyati, shuningdek ularning qisqacha tavsifi keltirilgan.

Kalit so'zlar: konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot, bosh kompaniya, sho'ba korxona, konsolidatsiyalash tartibi.

Аннотация. В статье представлен обзор ключевых идей, связанных с созданием консолидированной финансовой отчетности, соответствующей МСФО. Кроме того, в статье рассматриваются требования к достоверному представлению консолидированной финансовой отчетности материнской компании и ее дочерних компаний как единого экономического субъекта. Кроме того, в статье объясняются концепции учета, которые необходимо учитывать при выполнении консолидации. Представлена сущность принципов консолидации финансовой отчетности по МСФО, а также их краткое описание.

Ключевые слова: консолидированный отчет, материнская компания, дочерняя компания, консолидационные процедуры.

Uzbekistan is opening its doors to the world to attract foreign investments. Foreign investments are the key source of modernization and restructuring in the Uzbek economy. In 2022, Uzbekistan attracted USD 9.8 billion in foreign investments and loans, reaching 40.5% of total investments in the Uzbek economy [<https://www.uzdaily.uz/ru/post/75348>].

One of the key elements of investment attractiveness is the adoption of IFRS, a framework easily understandable to investors for investment decision making.

Most of the foreign investments are directed to local entities controlled by a parent or associated with the investor, even though they are legally separate entities. Also, the expansion of business through mergers and acquisitions is becoming the usual case in Uzbekistan. All this is necessary to focus on the concept of consolidated financial statements in Uzbekistan as a way of presenting the financial position and performance of the legally separate but economically related companies as a single economic entity.

IFRS 10, "Consolidated Financial Statements," is the standard dedicated to the preparation of the consolidated financial statements of the group.

Consolidated financial statements should fairly present the group's financial position, financial performance, and cash flows. A group should combine the financial statements of the parent and its subsidiaries and present that information as if the group were a single economic entity.

IFRS 10 defines the group as a parent and its subsidiaries. The parent is an entity that controls one or more entities. A subsidiary is an entity that is controlled by another entity. The financial statements of a parent and its subsidiaries must be presented as a single economic entity.

As we can see from the definition, the term control is the key definition of the parent and subsidiary. Control exists if (i) the investor has power over the investee, (ii) exposure or rights to variable returns from its involvement with the investee, and (iii) the ability to use its power over the investee to affect the investor's returns. The definition of control is applicable to all entities under

IFRS 10. As we can observe, the definition of control is not based solely on legal ownership; it provides a link between power and returns, on the one hand, and an investor's ability to affect those returns, on the other.

These three factors cannot be considered in isolation by an investor in its assessment of control over an investee; all three must be present for an investor to conclude that it has control. If any one of the criteria noted above is not met, the investor does not control the investee.

In addition to the overriding requirement to present fairly its consolidated financial statements, a group should combine the financial statements of the parent and its subsidiaries and present that information as if the group were a single economic entity. The consolidated financial statements include:

- the consolidated statement of financial position;
- the consolidated statement of comprehensive income;
- the consolidated statement change in equity;
- the consolidated statement of cash flows;
- disclosures, notes to financial statements.

This One of the main sources that stakeholders use when reviewing a set of financial reports is the consolidated statement of financial position, often known as the consolidated balance sheet. Understanding the consolidation process, which emphasizes things that are reported differently from the financial position of a group or parent/subsidiary, is crucial in light of the significance of the consolidated statement of financial position.

When a company acquires another company, it is required to follow the principles of a consolidated statement of financial position, which defines the consolidation process. Consolidation, a word from the Latin consolidatus, means "to combine into one body.

" In light of the foregoing, to consolidate is to put together the assets, liabilities, equity, income, expenses, and cash flows of the parent company and those of its subsidiaries. It is notable that uniform accounting policies should be used for similar transactions in the recognition of assets, liabilities, equity, income, and expenses across the group. For example, if the subsidiary uses the straight-line depreciation method for property, plant, and equipment on its books but the group uses the accelerated method for consolidated financial statement purposes, the straight-line depreciation amount should be adjusted to reflect the accounting policy differences.

The accounting principles that are used in the consolidation process should be disclosed in the accounting policy note. The accounting principles that need to be considered when performing a consolidation are as follows:

- The effective dates to consolidate new subsidiaries
- Methods of accounting used to consolidate new subsidiaries, i.e., acquisition accounting, and how to account for disposals
- The accounting of any goodwill arising on consolidation and the accounting of other differences arising on consolidation
- The translation of foreign subsidiaries' financial statements

- Accounting for non-controlling interests
- Accounting for associates and joint arrangements
- How any non-coterminous year ends of the parent and subsidiaries are dealt with

The effective date for the consolidation of new subsidiaries is the date when the group obtains control over the new subsidiary. When the parent obtains control over the subsidiary, it should apply the "acquisition" method, which requires the parent to measure and include in the consolidated financial statements the subsidiary's assets and liabilities at fair value. It does not mean the subsidiary should re-measure its assets and liabilities in its books. The fair value will be used only at the consolidated financial statement level; to be precise, the parent should maintain a record of the difference between the fair value and book value of the subsidiary's assets and liabilities. Consequently, it should recognize additional depreciation, losses, and gains related to these differences, which will not be booked at the subsidiary level.

The financial statements used should also cover the same financial period. Where the reporting date of a subsidiary differs from that of the parent, additional financial statements should be prepared to the same date as those of the parent for use by the parent in preparing its consolidated financial statements. If it is not practicable to use additional financial statements, the subsidiary's financial statements should be used, provided that their year ended not more than three months before or after the parent's relevant year end. Any changes that have taken place in the intervening period (that materially affect the view given by the consolidated financial statements) should be taken into account by adjusting the consolidated financial statements. The length of the reporting periods and any differences in reporting dates should be the same from one reporting period to the next.

The main feature of the consolidation of the group's assets and liabilities is the elimination of intra-group transactions. Intra-group balances, transactions, income, and expenses should be eliminated in full.

The rules are as follows:

- Intra-group balances and transactions, including income, expenses, and dividends, should be eliminated in full.
- Profits and losses resulting from intra-group transactions that are recognized in assets, such as inventory and fixed assets, should be eliminated in full.
- Intra-group losses indicate the possibility of an impairment that might need to be recognized in the consolidated financial statements.

There are several instances where a company does not fully own all of the shares of its subsidiaries. The portion of net assets (equity) that is neither directly nor indirectly attributable to a parent represents non-controlling interest or minority interest.

The parent company that has a controlling interest—less than 100% but greater than 50%—must consolidate the subsidiary's financial statements with its own. A parent must disclose non-controlling interests in the consolidated statement of financial position in equity, separate from the equity of the parent's owners.

So, for example, where a parent owns 60% of a subsidiary, it has to consolidate 100% of the subsidiary's results and net assets and show non-controlling interests of 40%. In that case, the consolidated statement of financial position includes the line item of non-controlling interest, which is not an equity or liability component but a separate line item. Similarly, the statement of comprehensive income or income statement (if separately presented) arrives at the profit or loss for the financial year and requires the allocation of profit or loss to be analyzed between:

- Profit or loss attributable to non-controlling interests
- Profit or loss attributable to equity holders of the parent.
- Comprehensive income attributable to non-controlling interests
- Comprehensive income attributable to equity holders of the parent.

IFRS 10 does not specify any particular method for attributing earnings between the controlling interest and the non-controlling interest.

Where a parent holds an indirect interest in a subsidiary, the treatment of non-controlling interests becomes more complicated. Before the non-controlling interests can be calculated, it is first necessary to establish whether the entity is a subsidiary of the parent and, therefore, should be consolidated.

Equity transactions between a parent entity and non-controlling interests are treated as transactions between shareholders, provided that the transactions do not result in a change of control. No gains or losses are recognized in profit or loss for transactions between the parent entity and the non-controlling interest, unless control is lost. Transactions where control is not lost are recorded within equity.

Entities have the option of measuring the non-controlling interest at fair value or at its proportionate share of the recognized amount of the acquiree's identifiable net assets at the acquisition date. This accounting can be elected on a transaction-by-transaction basis and does not require an entity to make an accounting policy choice.

The non-controlling interest is not remeasured to fair value in subsequent periods.

IFRS 12, ‘Disclosure of Interests in other entities’, contains disclosure requirements for consolidated financial statements and its purpose is to give relevant information to users to help them understand significant judgements and assumptions made in:

- judging that the entity has control of another entity;

- determining that it does not control another entity, even where it holds more than half of the voting rights of that entity; and
- determining that it does control another entity, even where it holds less than half of the voting rights of that entity.

IFRS 12 requires a number of other disclosures relating to interests in subsidiaries, as follows:

- general disclosures;
- interests that non-controlling interests have in the group's activities and cash flows;
- nature and extent of significant restrictions;
- risks associated with interests in consolidated structured entities;
- consequences of changes in ownership that do not result in a loss of control;
- consequences of losing control of a subsidiary ; and
- interests in unconsolidated structured entities

As mergers and acquisitions gain momentum, we are evidencing business combinations under common control. As such a combination is not an arm-length transaction and is excluded from the scope of IFRS 3 ("business combination"), the "acquisition accounting" method is not applicable. This article puts forward a new approach to accounting for business combinations of entities under common control and subsequent consolidation processes from a group perspective.

On this basis, we recommend applying the "predecessor accounting method" for accounting, which differs from the conventional "acquisition method" approach, where the identified acquirer should consolidate the acquiree's assets and liabilities at fair value at the acquisition date.

The principles for predecessor accounting are:

- The assets and liabilities of the acquired entity are stated at their predecessors' carrying values. Fair value measurement is not allowed.
- No goodwill is recognized under predecessor accounting.

Any difference between the consideration given and the aggregate carrying value of the assets and liabilities of the acquired entity at the date of the transaction is included in equity in retained earnings or in a separate reserve.

Some commonly used methods for predecessor accounting in consolidated financial statements are:

- Retrospective presentation method The acquired entity's results and balance sheet are incorporated as if both entities (acquirer and acquiree) had always been combined, or using the results from the date when either entity joined the group, where such a date is later.
- Prospective presentation method The acquired entity's results and balance sheet are incorporated prospectively from the date on which the business combination between entities under common control occurred.

VI ШЎЬБА. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Абдурахим Нортожиевич Тўраев –ТДИУ, “Молиявий таҳлил ва аудит”
кафедраси профессори, и.ф.д.**

Хуршид Мамасабирович Мисиров – ТДИУ мустақил изланувчиси

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Хизмат кўрсатиши корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг устувор йўналишлари ҳамда ташкилий жиҳатлари келтирилган.

Калит сўзлар. Хизмат кўрсатиши, транспорт, бухгалтерия ҳисоби, БХМС, МХХС, темир йўл соҳаси.

Аннотация. Представлены приоритеты и организационные аспекты организации бухгалтерского учета на предприятиях сферы услуг.

Ключевые слова. Сервис, транспорт, бухгалтерия, НСБУ, МСФО, железнодорожная отрасль.

Annotaion. The priorities and organizational aspects of the organization of accounting at service enterprises are presented.

Keywords. Service, transport, accounting, NAS, IFRS, railway industry.

Жамиятда яшаётган ҳар бир инсон албатта қайсиdir маънода транспорт хизматидан фойдаланади, хўжалик юритувчи субъектларни эса мазкур соҳа хизматисиз тасаввур қилиш мушкул. Транспорт соҳаси ҳар қандай давлат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Айнан у иқтисодиёт асосий таркибий қисмларининг ўзаро таъсирини ва бутун иқтисодий комплекснинг яхлитлигини таъминлайди. Шу билан бирга, транспорт халқаро иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва тақсимлашда, иқтисодиёт ва маданият даражасини кўтаришда, аҳоли турмушини яхшилашда транспортнинг ўрни ва аҳамияти юқори баҳоланади. Транспорт ҳар қандай минтақанинг миллий иқтисодий комплексининг зарур бўғини бўлиб, ҳар қандай худудларни кучли транспорт инфраструктурасисиз самарали ва оқилона ривожлантириш мумкин эмас. Транспорт саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳар хил турларини яратишда ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришда фаол иштирок этади. Иқтисодиётнинг транспорт соҳаси - бу одамлар (йўловчилар) ва товарлар

(юклар) ҳаракати учун масъул бўлган тармоқлар, саноат ва объектлар мажмуи ҳисобланиб, кўчириладиган объектларнинг табиати бўйича транспортнинг барча турлари йўловчи ва юкларга бўлинади. Транспорт комплексидаги жисмоний хусусиятларнинг ўзига хос хусусиятларига кўра транспорт воситалари ва транспорт инфратузилмаси ажратилади. Транспорт воситаларига йўловчилар ва юкларнинг ҳаракатланиши содир бўладиган турли хил нарсалар киради (вагонлар, автоуловлар, темир йўл вагонлари ва локомотивлари, сув ва самолётлар). Транспорт инфратузилмасига алоқа йўналишлари, темир йўл станцияси ва юк станциялари бинолари, юк ортиш-тушириш ускуналари, алоқа ва электр таъминоти линиялари, кувурлар ва бошқалар киради.

Транспорт тизимининг ривожланиш даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакатнинг муваффақияти ва ривожланиш даражасини белгилайди Шу боис, транспорт ташкилотларининг барқарорлиги, уларнинг доимий ва сифатли хизмат қилишининг бирдан-бир манбай - соҳанинг ўзида ҳам молиявий барқарорликнинг мавжуд бўлишидир. Транспортнинг барча турларини Ўзбекистон Республикаси ягона транспорт тармоғига интеграциялаштириш ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланиш асосида биргаликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш, халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш ва транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш хозирги кунда соҳани ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Хизмат кўрсатишининг энг кўп аҳоли учун фойда келтирадиган соҳаси - темир йўл корхоналари ҳисобланади.

Темир йўл тизимида аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, узогини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида ривожланган давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда замонавий ва тежамкор локомотив ва вагонлар олиб келинмоқда, ўз навбатида бу локомотив ва вагонлар республикамиз аҳолисининг беминнат ёрдамчиси бўлибгина қолмасдан, республикамиз иқтисодиётига улкан ҳисса қўшиб келмоқда ва йилдан-йилга темир йўлда импорт ва экспорт қилиш ҳажми ортиб бормоқда.

Ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти 24%га, саноат - 34%га, экспорт 1,5 баробарга, хорижий инвестициялар - 3 баробарга ўсди.

Кейинги беш йилда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш учун 120 млрд. доллар жалб қилинади, шундан камида 70 млрд.

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириши ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

доллар хорижий инвестициялар бўлади. Транспорт соҳаси, йўл қурилиши ва бошқа соҳаларга давлат-хусусий ҳамкорлигига асосланган лойиҳалар доирасида 14 млрд. доллар инвестициялар жалб этилади.

1-жадвал

Темир йўл соҳасида йўловчи ташиш салмоғи[11]

Кўрсаткичлар	2018й.	2019й.	2020й.	2021 й	2022 й
Темир йўл транспорти йўловчи айланмаси, млн. йўловчи/км	4 329,8	4 385,2 1	1 794,9	3 130,1	3 120,5
Ўсиш суръати, %	100,8	101,3	40,9	174,4	99,7
Темир йўл транспорти орқали ташилган йўловчилар сони, млн. киши.	22,62	23,37	6,28	7,97	7,96
Ўсиш суръати, %	104,8	103,3	26,9	126,9	99,9

Ўзбекистон Республикаси кейинги беш йилда иқтисодий ўсишни 1,5 баробар ошириш ва ЯИМни 100 млрд. долларга етказишни, шунингдек саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар оширишни режалаштиromoқда. Мамлакат экспорт салоҳияти 1,7 баробар ошиб, 2026 йилда 30 млрд. долларга етади. Экспорт таркибида хом-ашё улуши 23%га камаяди ва тайёр маҳсулот ҳажми 2,5 баробарга ошади.

2-жадвал

Йўловчи ташиш учун мўлжалланган нархларнинг қиёсий жадвали [10]

№	Йўналишлар	Авиа класс экон (LPR 3M)	Юқори тезлик электропоездиди «Афросиёб»		
1	Ташкент-Самарканд	182 923	бизнес	эконом	VIP
		142 000	105 000	204 000	
Йўловчи поездлари					
			плацкарт	купе	
2	Ташкент-Карши	256 092	114 250	150 251	
3	Ташкент-Термез	402 430	147 290	202 350	
4	Ташкент-Бухара	280 481	122 940	164 320	
5	Ташкент-Ургенч	499 988	165 180	230 240	
6	Ташкент-Нукус	548 767	173 650	243 850	

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда юк ташишнинг умумий ҳажми 1,4 баробар, ҳалқаро юк ташиш (экспорт, импорт ва транзитни ҳисобга олган ҳолда, қувур транспортидан ташқари) ҳажми эса 1,6 баробарга ошади.

3-жадвал

Темир йўл хизмат орқали юкларни жўнатиш салмоғи[11]

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Юкларни жўнатиш, (млн. тонна)	70,14	70,65	72,03	72,5
Ўсиш суръати, %	102,8	100,7	102,0	100,6

Бунинг натижасида ахоли ҳамда корхоналарнинг манзилига етиб олишига ва юк ташиш хизматларини амалга ошириш имконига эга бўлади.

Хулоса килиб айтганда, Республикаизда фаолият кўрсатиши З та турга яъни ишлаб чиқариш, савдо ҳамда хизмат кўрсатишга бўлинади, хизмат кўрсатиш соҳаси ана шу соҳалардан муҳими бўлиб ҳисобланади.

Республикаизда ҳар бир соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг катта салмоғи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади. Шу сабабли, биз танлаб олган обьект темир йўл соҳаси ҳам бугунги кунда барқарор ривожланиб бормокда. Келгусида ушбу соҳани такомиллаштиришда меъёрий ҳужжатлар, инвесторлар ўрни ҳамда бошқарув тизимида кенг қулайликлар яратиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сонли молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида қарори;
3. Зайналов Д.Р. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. -260 б.;
4. Муродова Н.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитининг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. -260 б.
5. www.ziyonet.uz;
6. www.lex.uz;
7. www.audit.ru;
8. www.mf.uz.
9. www.interunion.ru
10. www.world-tourism.org
11. www.stat.uz

**Комил Баҳрамовиҷ Уразов – СамИСИ профессори,
Алишер Баҳром ўғли Файзуллаев – СамИСИ 2-босқич магистранти**

ВОСИТАЧИЛИК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ШАРТНОМАВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Аннотация. Мақолада воситачилик хизматларини кўрсатувчи субъектларда шартномавий активлар ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: шартномавий активлар, дебиторлик қарзлар, воситачилик хақи, қопланадиган сотиш харажатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит.

Аннотация. В статье исследованы вопросы организации учета и аудита договорных активов на посреднических предприятиях.

Ключевые слова: договорные активы, дебиторская задолженность, посредническое вознаграждение, возмещаемые расходы реализации, бухгалтерский учет, аудит.

Abstract. The article examines the issues of accounting and auditing of contractual assets in entities providing mediation services based on international standards.

Keywords:contractual assets, receivables, intermediary fee, reimbursable sales costs, accounting, auditing.

Корхоналарни бошқаришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ўрни бекиёсdir. Бошқарув дастаклари сифатида уларнинг ҳар бири ўзининг аниқ мақсадига эга. Чунончи, бухгалтерия ҳисобининг мақсади бўлиб иқтисодий бирлик (корхона)нинг барча активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, фойда ёки зарари ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, гурухлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва тегишли шакллардаги ҳисботлар кўринишида фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳисобланади. Аудитнинг мақсади бўлиб эса иқтисодий бирлик (корхона)нинг барча активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари, фойда ёки зарари ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, гурухлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва тегишли шакллардаги ҳисботлар кўринишида фойдаланувчиларга тақдим этишнинг қонунлар ва қонуности хужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилганлиги ҳақида холис баҳо бериш ҳисобланади. Демак, ҳам бухгалтерия ҳисоби, ҳам аудит фойдаланувчиларга муҳим товар бўлган ахборотларни етказиб берувчилар сирасига киради.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг энг муҳим обьектларидан бири бўлиб активлар ҳисобланади. Иқтисодий адабиётлар ва бошқа манбаларда¹, активлар категория, молиявий ҳисботнинг элементи

¹ Каранг: IAS 1 “Молиявий ҳисботнинг концептуал асослари; Пардаев М.Қ.Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.- Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021 – 588 б.; Уразов К.Б., Худайбердиев

сифатида турлича талқин қилинган, таснифланган ва тавсифланган.

Юқоридаги манбаларга кўра:

***актив**¹ – бу корхона томонидан назорат қилинадиган ўтган воқеалар натижасида вужудга келган иқтисодий ресурс.

***иқтисодий ресурс** – бу корхонанинг потенциал иқтисодий наф олишга бўлган ҳуқуқи.

***активлар** деганда хўжалик юритувчи субъектнинг баҳолаш қийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик қарзларни олган моддий, шунингдек номоддий мулки тушунилади.

Демак, активнинг мавжудлиги тўғрисида хulosса қилиш учун қуидаги учта шартни борлиги таҳлил қилинади:

- эгалик ҳуқуқи;
- иқтисодий наф келтириши;
- назоратда бўлишшлиги.

Шунингдек, актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

* қийматга эга бўлиши ва бу қиймат аниқ баҳоланадиган бўлиши;

* эгалик қилиш ҳуқуқига асосан қайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат қилиниши;

* келгусида корхонага иқтисодий наф келтириши керак, жумладан корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита ҳисса қўшиши;

* юз берган хўжалик операциялари натижаси ҳисобланиши.

Активларнинг характерли хусусиятларига қуидагиларни киритиш мумкин:

• жисмоний кўринишга (шаклга) эга бўлиши ҳам, эга бўлмаслиги ҳам мумкин, масалан, бино ёки станок аниқ шаклга эга, лекинда патент, лицензия, савдо белгиси, муаллифлик ҳуқуқи моддий шаклга эга эмас;

• сотиб олинган, бепул келиб тушган, ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин.

• корхонада юз бераётган жараёнларда моддий асос ёки уларнинг натижаси ҳисобланиши мумкин, масалан, хом-ашё ишлаб чиқаришга моддий асос, тайёр маҳсулот эса ишлаб чиқаришнинг натижаси ҳисобланади;

- бошқа активларга алмаштирилиши мумкин;
- қарзларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин;
- қисқа ёки узок вақт мабойнида фойдаланишда бўлишшлиги мумкин;
- оборотда ва оборотдан ташқарида бўлишшлиги мумкин.

Н.У., Ибрагимов М.М. Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Дарслик, Самарканд, “Фан булоғи” нашриёти”, 2022, 408 б.; Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: 5230900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талabalари учун дарслик . – Т. «ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР», 2019. – 524 б.

¹ Адабиётларда ушбу атамага синоним сифати маблағлар ва мулк атамалари ҳам кенг ишлатилади

Айрим корхоналарда у ёки функцияни бажаришига қараб маҳсус “шартномавий активлар” номли активлар ҳам пайдо бўлади. Бундай активлар шартнома шартларини бажариш натижасида маълум маблағни (пул, товар, иш, хизматни) олиш ҳуқуқидир. Бу бевосита воситачилик йўли билан ўзгаларнинг товарларини сотиб берувчи корхоналарга, яъни консигнатор ёки комиссионер тегишлидир.

Демак, **шартномавий активлар** - бу корхоналар ўртасида тузилган шартномага асосан тарафларга ўtkазиладаган пул маблағи ёки товар (иш, хизмат)лардир.

Шартномавий активлар қандай ва қачон вужудга келади? Улар қачон ва қайси ҳужжат асосида тан олинади? Шартномавий активлар ҳисобда қандай акс эттирилади? Шартномавий активлар аудитида аудитор нималарни текширади?

Қуйида ушбу саволларни «MADEIN 662» МЧЖ материаллари асосида кўриб чиамиз.

«MADEIN 662» МЧЖ воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи субъект. 2022 йил 1 июлда мазкур МЧЖ «DAVAI SYNERGY IES» МЧЖ ХК билан франшайз шартномасини имзолаган, Ушбу шартномага асосан «MADEIN 662» МЧЖ «DAVAI SYNERGY IES» МЧЖ ХК томонидан импорт қилинган товарларни Самарқанд шаҳар худудида сотиб бериш мажбуриятини олган. Шартномага кўра «MADEIN 662» МЧЖ сотилган товарлар қийматининг 20% ни воситачилик хизмати учун олиб қолади ҳамда қолган 80% қийматини «DAVAI SYNERGY IES» МЧЖ ХКкорхонасига ўtkазиб беради. Тўловлар ҳар ҳафтанинг душанба куни ўtkазилади. 2022 йил 27 декабрда томонлар ўртасида кўшимча келишув имзоланган бўлиб, унга асосан «MADEIN 662» МЧЖ сотилган товарлар қийматининг 35%ни воситачилик хизмати учун олиб қолади ҳамда қолган 65%ни «DAVAI SYNERGY IES» МЧЖ ХКга ўtkазиб беради. Тўловлар ҳар ҳафта душанба куни амалга оширилади. Бундан ташқари «DAVAI SYNERGY IES» МЧЖ ХК «MADEIN 662» МЧЖга товарларни сотиш учун «MADEIN 662» МЧЖтомонидан қилинаётган харажатларнинг 50%ни қоплаб бериш мажбуриятини ҳам олади. Тўловлар ҳар ойнинг охирида «MADEIN 662» МЧЖтомонидан берилган ҳатга (авизога) асосан амалга оширилади. Ушбу «DAVAI SYNERGY IES» МЧЖ ХКтомонидан «MADEIN 662» МЧЖга тўлаб берилаётган харажатларнинг 50% миқдори «MADEIN 662» МЧЖучун шартномавий актив ҳисобланади, «DAVAI SYNERGY IES» МЧЖ ХКучун шартномавий мажбурият ҳисобланади. Қуйида шартномавий активларни бухгалтерия ҳисобида даромад деб тан олиниши, молиявий ҳисботларда акс эттирилишини ҳамда, уларни халқаро стандартлар асосида аудит текширувидан ўtkазиш тартибларини баён қиласиз.

«MADEIN 662» МЧЖ томонидан товарларни сотиш учун қилинган харажатлар ой охирида ҳисоб-китоб қилинади. Бунинг учун қуйидаги

жадвал қўринишидаги “Воситачилик шартномаси асосида олинган товарларни сотиш харажатлари реестри” тузилади (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

**Воситачилик шартномаси асосида олинган товарларни сотиш
харажатлари реестри**

№	Consuption	Sum	Dollar	50% of expanses	50% of spending in dollars
1	Cashier: Urinboyeva Gulruk Najmuddinovna	2 300 000	200\$	1 150 000	100\$
2	Warehouse rent: “CITY NANO” MCHJ	2 800 000	250\$	1 420 000	125\$
3	Warehouse manager: Ergashev Botir	2 800 000	250\$	1 420 000	125\$
4	Store rent 1:	5 107 500	450\$	(200\$) 2 270 000	200\$
5	Food and travel expenses	1 135 000	100\$	567000	50\$
6	Transportation cost	250 000	22\$		
7	Utility costs	300 000	26\$	(10\$)113000	10\$
8	Internet	200 000	17\$		
9	Cash desk rental	50 000	4\$		
10	Bank services	100 000	9\$		
11	Terminal rental	50 000	4\$		
	Total	15 092 500	1332	6 940 000	610\$

Томонлар ўртасида харажат миқдори аниқлаштириб олингандан кейин «MADEIN 662» МЧЖ томонидан харажатларни қоплаб бериш тўғрисида ҳат ёзилади, Ушбу хатнинг намунаси қуйидә келтирилган (1-расмга қаранг).


Ушбу қоплаб берилган харажатлар, яъни шартномавий активлар «MADEIN 662» МЧЖ томонидан берилган ҳат асосида унда қўрсатилган сана билан тан олинади. Харажатларни қоплаш қўринишида олинган ушбу шартномавий активлар республикамиз Солиқ кодексига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳамда фойда солиғига тортилмайди.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда амалда бўлган 21-сон БХМСда¹ қопламалар қўринишидаги шартли активларни ҳисобга олиш тартиби маҳсус белгиланмаган, чунончи унда мазкур қопламалар ҳисоби учун мўлжалланган маҳсус счёtlар тизими ҳам назарда тутилмаган. Шу боис,

¹ БХМС 21 Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари режаси ва уни қўллаш бўйича йўрикнома”. Ўз.Р АВ томонидан 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатга олинган

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

корхоналар амалиётида воситачилик шартномалари асосидаги консигнацион ёки комиссион товарларни сотишга доир консигнант ёки комитет томонидан қопланадиган харажатлар турли счётларда ва турли тартибларда ҳисобга олинмоқда. Шунингдек, корхоналарда мазкур қопламалар кўринишидаги шартномавий активларни солиқка тортиш амалиётида ҳам яхлитлик мавжуд эмас.



1-расм. Харажатларни қоплаб бериш тўғрисида хат

Қопламалар кўринишидаги шартли активлар тизимили ҳисобини юритиши ва назоратини олиб бориш учун, бизнингча, 21-сон БҲМСда назарда тутилган 5920 “Бошқа жорий активлар” счетлар тизимида маҳсус 5921 “Қопламалар кўринишидаги жорий активлар” счетини назарда тутиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тавсия этилаётган счётнинг дебитида консигнацион ёки комиссион товарларни сотишга доир консигнант ёки комитет томонидан қопланадиган суммалар шартномавий актив сифатида акс эттирилиши, унинг кредитида ушбу шартномавий активларнинг келиб тушиши акс эттирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Чунончи, шартномавий активлар билан боғлиқ операцияларга қуидагича бухгалтерия ёзувлари берилиши лозим (2-жадвалга қаранг).

Қопламалар кўринишидаги шартномавий активлар консигнатор ёки комиссионерга даромад келтирмайди. Шу боис, ушбу активлар КҚС ва фойда солиғига тортилмаслиги лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қопламалар кўринишидаги шартномавий активлар ҳисоби ҳисоблаш тамойилига асосан юритилиши сабабли уларнинг косигнант ёки комитетдан келиб тушмаган суммаси консигнатор ёки комиссионер корхона балансининг жорий активлар қисмида (2-бўлимда) алоҳида “Бошқа

2-жадвал

Шартномавий активлар билан боғлиқ операцияларга бериладиган бухгалтерия ёзувлари

№	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
1	Шартномавий активларнинг вужудга келиши	5921	6010, 6990, 6710,6520, 6410, 5110 ва бошқалар	6 940 000
2	Шартномавий активларнинг қопланиши (келиб тушуши)	5110	5921	6 940 000

жорий активлар” моддасида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Қопламалар кўринишида вужудга келадиган шартномавий активлар воситачилик хизматларини кўрсатувчи субъектларда ўтказиладиган аудитнинг энг муҳим объектларидан бири ҳисобланади. Ушбу объектни қуидаги кетма-кетликда ва тартибда аудитдан ўтказиш, бизнингча етарлича самара беради (2-расмга қаранг).

Шартномавий активларни вужудга келишига олиб келувчи шартномаларнинг мавжудлиги, уларнинг меъёрий-хуқуқий асосийлигини текшириш



Шартномавий активларни вужудга келишига олиб келувчи операцияларнинг ҳақиқатда юз берганлигини ҳужжатли текшириш



2-

Қопламалар кўринишидаги шартномавий активларни тўлаб беришга асос бўлувчи авизовкаларни косгигнант ёки комитетнга ўз вақтида тақдим



Қопламалар кўринишидаги шартномавий активларни косгигнант ёки комитетдан ҳақиқатда келиб тушган суммасини, тўланмасдан қолган суммасини ҳисоб ва ҳисботда реал акс эттирилганлигини текшириш

2-расм. Шартномавий активлар аудитининг кетма-кетлиги

Фикримизча, қопламалар кўринишидаги шартномавий активлар ҳисобини юқорида келтирилган тартибларини меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга киритиш ушбу операцияларни воситачилик хизматларини

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

кўрсатувчи субъектларда яхлит тарзда қўллаш, шунингдек, бу мазкур операциялар аудитини яхлит услубда амалга ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.БХМС 21 Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"Ўз.Р АВ томонидан 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатга олинган

2.IAS 1 “Молиявий ҳисботнинг коцептуал асослари;

3.Пардаев М.Қ.Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.- Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021 – 588 б.;

4.Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М. Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Дарслик, Самарканд, “Фан булоғи” нашриёти”, 2022, 408 б.;

5. Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари: 5230900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талabalari учун дарслик . – Т. «ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР», 2019. – 524 б.

Илҳом Сайиткулович Очилов – Тошкент давлат аграр университети доценти, и.ф.н.

АГРОКЛАСТЕРЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада агрокластерларда хизмат кўрсатиши самарадорлиги таҳлил қилинган. Хусусан, хизматлар кўринмас, номоддий, сақлаш ва ташишга мўлжалланмагани учун хизмат кўрсатиши сифати унинг истеъмоли жараёнида текширилади. Шу билан бирга, мақолада муаллиф томонидан тадқиқот ишига доир илмий тавсиялар таклиф этилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиши, агрокластерда хизмат кўрсатиши, молиявий таҳлил, ташкилий-иктисодий, молиявий баҳолаш, миллий иқтисодиёт, кластерлаш сиёсати, самарали молиялаштириш, кластер тузилмалари, кластерли ёндашув.

Аннотация: В статье анализируется эффективность предоставления услуг в агрокластерах. В частности, поскольку услуги невидимы, неосозаемы, не предназначены для хранения и транспортировки, качество услуги проверяется в процессе ее потребления. А так же, в статье автор предлагает научные рекомендации для исследовательской работы.

Ключевые слова: оказание услуг, оказание услуг в агрокластере, финансовый анализ, организационно-экономический, финансовая оценка, национальная экономика, политика кластеризации, эффективное финансирование, кластерные структуры, кластерный подход.

Abstract: The article analyzes the effectiveness of the provision of services in agricultural clusters. In particular, since services are invisible, intangible, not intended

for storage and transportation, the quality of the service is checked in the process of its consumption. And also, in the article, the author offers scientific recommendations for research work.

Key words: provision of services, provision of services in the agrocluster, financial analysis, organizational and economic, financial assessment, national economy, clustering policy, effective financing, cluster structures, cluster approach.

Бугунги кунда кластер тизимининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий афзаликлари кўплаб олимлар томонидан таҳлил қилинмоқда. Хусусан, 2019 йил ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, Истроилда пахтачиликдан олинаётган ўртacha ҳосилдорлик 53,5 центнер, Австралияда 50,3, Туркияда 40, Бразилияда 42,2, Мексикада 37,6 центнер бўлгани ҳолда Ўзбекистонда 25 центнердан ошмасди. Пахта етиштириш бўйича дунёда 5-ўринда турадиган Ўзбекистон учун бу паст қўрсаткич эди, албатта. Мазкур вазиятни ўзгартиришнинг ягона усули кластер эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ҳозир пахта-тўқимачилик кластерлари экин майдонларидан гектарига 70 центнергача ҳосил олишга эришиляпти. Айниқса, агрокластерларда кўплаб хизмат кўрсатиши тармоқларининг ишга туширилмоқда, мисол учун, пахта майдони ёнида енгил конструкцияли фабрикалар яратилиб, шу ернинг ўзида толадан тайёр кийимкечак олинмоқда, ёки кластер қошидаги мини ёғ заводларида ёғ, совун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Пахта етиштириш бўйича жами 32,5 минг гектарда сув тежовчи технологиялар хизмати жорий этилган бўлиб, шундан 3,9 минг (35 фоиз) гектар майдони фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилган бўлса, 21 минг (65 фоиз) гектари кластерлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Кластер ва манфаатдорлик - Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг келажаги. Илм-фан ва инновацияларни жорий этмай туриб, бу соҳани рақобатбардош қилиб бўлмайди”¹.

Адабиётлар таҳлилини қарайдиган бўлсак, М.Портер, А.Палтарыхин, С.И.Рекорд, С.Ф.Пятинкин, Т.П.Быкова ва бошқаларнинг асарларида кластерларнинг молия ресурслари ва механизмлари, жумладан, кластерлаштиришнинг илмий-назарий ва услубий асослари кенг тадқиқ этилган бўлса², А.В.Голубев, Л.В.Щукина, Е.В.Доржиева, И.В.Кулага, А.С.Бойцов, А.И.Костяев, В.А.Бондаренко, А.А.Быкова, Ю.Л.Владимиров, Ф.С.Губайдуллина, А.Колошин, К.Разгуляев, А.Е.Романов, В.П.Арашуков, В.Тарасенко, Е.Яковлева кластерлар фаолият турлари ва уларни молиялаштириш манбалари, кластерларнинг таснифи ва

¹<https://xs.uz/uzkr/post/prezident-klaster-va-mancaatdorlik-ozbekiston-qishloq-khozhaligining-kelazhagi>

² Porter M. Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review. <http://hbr.org/product/clusters-and-the-new-economics-of-competition/an/98609-PDF-ENG>, Порттер М. Конкуренция: обновленное и расширенное издание; пер. с англ. М.: ООО «И.Д. Вильям», 2010 - 592 с., Палтарыхин А. Кластерный подход к развитию регионального АПК / Полтарыхин А. // Человек и труд. 2010. - № 6. - с. 67., Пятинкин С.Ф., Быкова Т.П. Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. Минск: Тесей, 2008. - 72 с., Рекорд С.И. Развитие промышленно-инновационных кластеров в Европе: эволюция и современная дискуссия. СПб.: Из-во СПбГУЭФ, 2010. -109 с.

ривожланишининг илмий-амалий асослари, кластерлар фаолиятини молиявий-иктисодий баҳолаш услубиёти ва усулларини баҳолаш билан боғлиқ йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борганлар.¹

Қишлоқ хўжалигида, хусусан, кластерларда хизмат кўрсатишининг илмий-назарий ва ташкилий-иктисодий жиҳатлари хорижлик иктисодчи олимлардан Л.И.Абалкин, И.Ансофф, В.П. Баранчеев, И.К. Беляевский, Ж.Брайт, В.П.Красовский, К.Р. Макконел, С.Л. Брю, М.Порттер, И.С. Санду, Б.Санто, А.Смит, Р.Такер, Б.Твисс, Р.А. Фатхудинов, В.Ф. Федоренко, М.Хучек, Ф.К. Шакиров, Й.Шумпетерларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган, мамлакатимиз олимларидан эса Кенжабаев А.Т., Султонов А.О., Турсунов М.К., Хасанов Ш., М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исройлов, Б.И.Исройлов, У.П.Умурзаков, Қ.А. Чориев, Ч.Муродов, Н.С. Хушматов, С.С. Ғуломов, Қ.Д. Мирзаев, Т.Х. Фармонов, Б.Б. Беркинов, Р.Х.Эргашев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.²

Тадқиқотларимиз қишлоқ хўжалигида агрокластерларни ташкил этиш, молиявий таҳлили ва агрокластерларда хизмат кўрсатиши самарадорлигига доир муаммолар етарлича тадқиқ этилмаганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги илгор давлатлар иктисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Масалан, **Европа Иттифоқида** 2 мингдан зиёд кластер мавжуд. Улар ишчи кучининг 38 фоизини қамраган. Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция саноатига бу усул тўлиқ татбиқ қилинган. Мамлакатимизда мазкур тизим жадал ривожланиш босқичида. Бир неча йил олдин кластерлар факат аграр соҳада бунёд қилинган бўлса, эндиликда бошқа хизмат кўрсатиши тармоқларида ҳам пайдо бўляпти.

АҚШда кластерлаштириш 1970-80 йилларда бошланиб, ҳозирги кунда 400 дан ортиқ турли соҳаларга ихтисослашган кластерлар фаолият олиб боради, шуларнинг ичидаги агрокластерлар салмоғи юқори бўлиб, уларнинг энг йириклари Вашингтон, Оклахома, Луизиана, Жанубий Каролина ва Калифорния штатларида фаолият кўрсатади. Мисол учун, Калифорния виночилик кластерининг молиявий ва иктисодий самарадорлиги кўплаб илмий адабиётларда таҳлил қилинган.

АҚШ кластерларининг ўзига хослиги шундаки, кластерлар ташкил этилишида асосий ташаббуслар давлат эмас, балки бизнес, университетлар, илмий марказлар ва жамғармалар томонидан берилади. АҚШнинг 90 %

¹Быкова А.А. Проблематика формирования инновационных кластеров / Быкова А.А.// Инновации. 2006. - № 2. - с. 38-43., . Глотко А.В. Формирование и развитие кластера садоводства в региональном АПК: автореф. дисс.д-ра экон. наук: 08.00.05 / Глотко А.В. Новосибирск, 2010. - 48 с

²Кенжабаев А.Т., Султонов А.О. Агрокластеризация–важнейший инструмент экономии водных ресурсов //Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума. – 2019. – С. 105. , Кенжабаев А.Т., Султонов А.О. «The role and place of agro clusters in improving the economic efficiency of water use in the region» Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). ISSN: 2278-4853 Vol 7, Issue 11, November 2018, 147 p.

узум ва 80 %дан ортиқ вино маҳсулотлари Калифорния кластерлари томонидан етиштирилиб, кластерлар худуди фермер хўжаликлари ва компанияларда 40 мингдан ортиқ ишчилар ишловчи 299 минг гектарли узумзорлар дан иборат.

Калифорния университети Виночилик факультети, Виночилик институти, Узумчилик экспериментал станцияси каби илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик натижасида узумнинг ҳосилдор ва сифатли навлари яратилган. Кластернинг таълим ва илмий тадқиқот муассасалари Европа университетлари ва илмий масқанлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган. Бу бўғин кластер тизими корхоналари учун кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш, турли кўргазма ва тренинг дастурларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Шу билан бирга, кластерларни жорий этиш ва уларнинг молиявий таҳлили юзасидан АҚШда ЯИМ 60 фоизи кластерларга жалб қилинган корхоналар томонидан ишлаб чиқлади, Европа Иттифоқи давлатларининг 38 фоиз ишчи кучи кластерларда фаолият қўрсатади, хусусан, Норвегия, Швеция ва Дания иқтисодиёти деярли тўлиқ кластерлар билан қамраб олинган (Painotalo Suomenmaa, 2003). АҚШда 2010 йилги бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудий инновацион кластерлар ва бизнес-инкубаторларни ривожлантириш учун 100 млрд АҚШ доллари ажратилишини миллий иқтисодиётнинг истиқболдаги рақобатбардошлигини белгиловчи омиллардан бири сифатида белгилаган.

АҚШдаги “Силикон водийси” кластери таркибига 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар кирган. Мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатяпти.

Жанубий Кореянинг Мункиеонг олмани қайта ишлаш кластери (Munkyeong Apple Processing Promotion Group) бизнес корхоналари харакати асосида тузилган кластер бўлиб, у истеъмолчиларга олма билан боғлиқ 100 дан зиёд маҳсулот ва хизматларни таклиф этади. Ушбу ҳудудга олма кластери ва туризмни ташкил этиш учун давлат томонидан 50 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Ушбу олма кластери 2004 йилдан йилига 4 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда олган бўлса, 2012 йилга келиб, маҳсулотлар миқдорининг турли-туманлиги, қўшимча хизматлар, агротуризм ва меҳмонхона хизматини таклиф этиш орқали 90 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда олишга эришган¹.

АҚШдаги “Силикон водийси” кластери таркибига 87 мингта компания, 40 та тадқиқот маркази ва ўнлаб университетлар кирган. Мазкур инновацион кластер инфратузилмасига 180 та венчур фирмаси, 47 та инвестиция ва 700 та тижорат банки хизмат кўрсатяпти.

Ҳозирги вақтда Австрияда Alpine Wellness кластери томонидан Алп тоғининг бешта минтақаси (Воралберг, Тирол, Юқори Австрия, Залсбург ва

¹Munkyeong Apple Processing Promotion Group's Annual Report. 2012

Каринтия)да сайёхлик хизматлари кўрсатилмоқда¹. Alpine Wellness соғломлаштириш кластери таълим, молиявий, маркетинг ташкилотлари каби кўплаб вертикал ва горизонтал алоқаларни талаб қиласди, натижада туризм, маҳсулот, дизайн, инфратузилмани яратиш билан шуғулланадиган ташкилотлар Alpine Wellness кластери лойиҳасида иштирок этиш учун таклиф қилинган. Alpine Wellness кластерининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, у йил давомида сайёхлик хизматлари кўрсатиши ташкил қилиш билан бирга, соғломлаштириш хизматларини ҳам кўрсатади.

Туризм соҳасида қиймат занжири яхши ташкил этилиши лозимлигини инобатга оладиган бўлсак, даромад олишнинг ягона ва энг самарали усули ушбу Alpine Wellness соғломлаштириш кластерида бу занжир ўз ўрнида ташкил этилган.

Хорижий мамлакатлардаги хизмат кўрсатиши кластерлари таҳлилига асосланиб, биз хизмат кўрсатиши соҳаси кластерига қуйидагича таърифни берамиз:

хизмат кўрсатиши соҳаси кластери - бу айни бир минтақа ҳудудида жойлашган ҳамда ушбу минтақадаги хизматлар кўрсатиши билан рақобатлашадиган, ҳамкорлик қиласиган ва ўзаро таъсир ўтказадиган ушбу минтақа ва ундан ташқаридаги истеъмолчиларга маълум бир соҳадаги эҳтиёжларини қондирадиган хизматлар кўрсатувчи мустақил компаниялар гурӯҳидир.

Шундай қилиб, хизмат кўрсатиши соҳаси кластерининг асосини хизматлар соҳасига мансуб компаниялар ташкил қиласди. Баъзи хизмат кўрсатиши кластерларида саноатнинг айрим турлари ўз таркибига киритилиши мумкин, масалан, туристик кластерга озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган умумий овқатланиш корхоналари киради.

Бизнинг фикримизча, хизматлар сектори кластерининг асосий ажralиб турадиган хусусияти шундан иборатки, унга киритилган компаниялар ягона қиймат занжири доирасида ишлайдилар, шу билан бирга, якуний хизматни мутлақо мустақил равишда амалга оширадилар, шунингдек, кластер компаниялари истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга имкон берадиган хизматлар билан максимал даражада таъминлайдилар. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, кластер корхоналари бир-бири билан рақобатлашиш билан бир вақтда ўзаро алоқада ҳам бўлиб, эҳтиёжларни қондирадиган хизматлар турларини тақдим этадилар.

Хизматни ишлаб чиқариш бир вақтнинг ўзида унинг истеъмолини англатади, хизматларнинг бу хусусияти хизматлар сектори кластеридаги қиймат занжирининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди, бу занжирнинг ҳар бир бўғини алоҳида хизматдир, лекин уни бошқа хизмат билан тўлдириш мумкин. Бунинг натижасида бир соҳада хизматлар доирасидан истеъмолчи битта хизматни эмас, балки бир бутунни олади. Кластер

¹Weiermair K., Steinhauer C. New Tourism Clusters in the Field of Sports and Health. The Case of Alpine Wellness // 12th International Tourism and Leisure Symposium. Barcelona, 2003.

компаниялари битта қиймат занжирининг бўғинлари бўлган турли хил хизмат турларини тақдим этадилар. Компаниялар хизматлар турига кўра бирлаштирилган (молиявий ёки бошқа жиҳатдан) ёки бир-бирлари учун рақобатчилардир. Ушбу хизматларни истеъмол қилиш мамлакат ичида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Кластерларни фаолият характерига кўра тўрт турдаги кластерларга ажратиш мумкин¹:

- саноат кластерлари,
- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш кластерлари,
- хизмат кластерлари,
- илғор технологиялар кластерлари.

Хулоса қилиб айтганда,

хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиши соҳаси кластерлари ўзига хос тузилишга ва қиймат занжирига эга;

олинган фойдани кластер таркибига кирувчи хизмат кўрсатиши корхоналарнинг тайёр маҳсулотга қўшган ҳиссасига қараб мос равища да тақсимлаш механизмини жорий этиш лозим;

агрокластерларда давлат жамғармаси кредит ресурслари ҳисобидан пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари орқали мақсадли кредитлар ажратиш ва ушбу кредит муддатида қайтарилмагандан уларга оширилган ставка бўйича фоиз ундириш тартибини белгилаш;

агрокластерларнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизmlари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;

агрокластерлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг комплекс кўрсаткичидан фойдаланиш;

агрокластерлар фаолиятига “Европа меморандуми” кўрсаткичи асосида баҳо бериш тизимини жорий этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

2. Kaplan, Robert S., David Norton. (1996). Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System. Harvard Business Review 70, no. 1 (January–February 1996): pp.75–85.

3. Sedova N.V. (2013). Agro-food clusters in the innovative economy. The world of the new economy. No. 1/2013

¹Rosenfeld S.A.: Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic Development, European Planning Studies, Vol. 5, Nr 1, 1997.

4. Гулямов С.С., Очилов И.С., Ганиходжаев С.О. (2016). Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш ва барқарор ривожланиш омиллари. Билимга таянган инновацион иқтисодиёт. Ўқув-методик қўлланма. “Fan va texnologiya” нашриёти, Тошкент: 2016., 136 бет.
5. Саидов, М. X., & Очилов, И. С. (2019). Ўзбекистон Республикаси давлат дастурлари ва истиқбол стратегияси. Монография, -Т.: “Адабиёт учкунлари” нашриёти.
6. Ochilov I., Haydarov S. (2021). Clusters in the economy of Uzbekistan and their issues of economic efficiency. Asian Journal of Research in Business Economics and Management. Vol. 11, Issue 10, October 2021, pp 106-110. DOI: 10.5958/2249-7307.2021.00044.X
7. Ochilov I., Haydarov S. (2022). Theoretical analysis of cluster management in innovative economy and transformation. TAJMMR: Trans Asian Journal of Marketing Management Research, ISSN: 2279-0667, Vol. 11, Issue 5-6, May- June, 2022, SJIF 2022 = 8.119, DOI: 10.5958/2279-0667.2022.00005.0
8. Очилов И., Кувондиқов Д., Садридинов З. (2019). Жаҳон иқтисодиётида озиқ-овқат хавфсизлиги. Biznes-Эксперт, №11.Тошкент. –Б 24-26.
9. Очилов И.С. (2022). Трансформация ва рақамли иқтисодиёт шароитида агрокластерлар самарадорлиги таҳлилини такомиллаштириш. Монография. “Ozkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyi” нашриёти. Тошкент.
10. Очилов И.С. (2022). Агрокластерларнинг молиявий самарадорлиги таҳлилини такомиллаштириш. Agroiqtisodiyot, № 4(26). Тошкент. –Б 113-115.
11. Ochilov, I.S. (2002). Some aspects of using the advanced pedagogical technologies in academic lyceums and vocational colleges. Open and Distance learning in the Digital Era: Towards a lifelong learning Society. Materials of the 16th Asian Association of Open Universities (AAOU) annual conference. Seoul, Korea, 2002. 165-166 pp.
12. Isroilov B., Ochilov I. (2021). Improvement of Organizational and Economic Mechanisms of Organization of Vine Clusters. The American Journal of Social Science and Education Innovations, SJIF 5.857, DOI 10.37547 / TAJSSEI, Volume 03 Issue 08, 27–33.

Самидин Низомович Ташназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Дилноза Азаматовна Нематова – СамИСИ докторантни

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШДА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУОММОЛАР

Аннотатция. Ушбу мақолада асосий воситаларга доир БҲХС ва солик кодексининг таснифи, таркиби, мақсади ва амалиётда қўллаш доиралари тадқиқ этилган. Асосий воситалар ҳисобини юритишида солик билан бўладиган муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. БҲХС, БҲМС, солик кодекси, фойдаланишдаги асосий воситалар, инвестиция, асосий воситаларни тан олиш, баҳолаш, эскириш, қадрсизланиш.

Аннотатция. В данной статье рассматриваются классификация, структура, назначение и сфера применения Налогового кодекса и Налогового кодекса об основных средствах. Анализируются налоговые проблемы в учете основных средств.

Ключевые слова. МСФО, НСБУ, налоговый кодекс, основные средства в использовании, инвестиции, признание основных средств, оценка, амортизация, амортизация.

Annotatssion. This article discusses the classification, structure, purpose and scope of the Tax Code and the Tax Code on Fixed Assets. Tax problems in the accounting of fixed assets are analyzed.

Keywords. IAS, IFRS, tax code, fixed assets in use, investments, recognition of fixed assets, valuation, depreciation, depreciation.

Бугунги кунда юртимизда жуда кўплаб корхоналар фаолият юритиб келмоқда. Ушбу корхоналар ҳисобини олиб боришида асосий воситаларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Халқаро амалиётда корхоналар асосий воситаларини ҳисоб ва ҳисботда акс эттириш махсус “Асосий воситалар” деб номланган 16-сон БҲХС “IAS” билан тартибга солинган. Бизнинг республикамизда корхоналарнинг асосий воситаларини ҳисоб ва ҳисботда акс эттириш тартиблари 5-сон БҲМС “Асосий воситалар”¹ ҳамда 21-сон БҲМС “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”² да белгиланган. Таъкидалаш жоизки, ҳозирги пайтда амалда бўлган ушбу миллий стандартларимиз корхоналарнинг асосий воситаларига доир халқаро амалиётда қабул қилинган кўплаб тартибларга тўлиқлигича мос эмас. Шу билан бирга корхоналар ва солик органлари ўртасида ҳам

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 9 октябрда, 114-сон буйруқ билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилган, № 1299

² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрда 103 – сон буйруқ билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилган, № 1181

турли хил келишмовчиликлар юзага келмоқда. Корхона ҳисобини юритишимизда, бизнинг юртимизда, солиқ кодексига алоҳида эътибор берилади. Солиқ кодекси билан БҲҲС ва БҲМС лари ўртасидаги муаммоли вазиятлар корхона ҳисобини юритишида қийинчиликларни ёки қайта ҳисоблашларни келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти фармонига кўра солиқ тизими ва ундаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда ислоҳ қилиш кераклиги таъкидлаб ўтилган. Солиқ сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорларни қўллаб қувватлаш лозимлиги устувор йўналиш эканлиги белгилаб қўйилди.

16-сон БҲҲС (ИАС) “Асосий воситалар” ва 5-сон БҲМС “Асосий воситалар” ҳамда “Солиқ кодекси”нинг таҳлили улар ўртасида турли фарқли жиҳатлар мавжудлигини кўрсатди.

Биринчидан, солиқ кодексининг 412-моддасига кўра “Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуслардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади”. Яъни солиқ органлари асосий воситаларни сотиб олгандаги қиймати ва амортизация суммаларини мол-мулк солиғини ҳисоблашда тан олади. Аммо, иккинчи йилдан бошлаб активларни қайта баҳоланиши туфайли уларнинг бошланғич қиймати ва амортизация миқдори ўзгаришини ҳисобга олмаслиги туфайли корхона ҳисобини юртитишида муаммоли вазият юзага келади. Солиқ кодексининг 306-моддаси “Амортизация харажатлари” бўлимида солиқ тўловчи томонидан 2021 йил 1 январдан кейин амортизация қилинадиган актив қийматини қайта баҳолаш, нархини пасайтириш амалга оширилганда бундай қайта баҳолашнинг ижобий ёки салбий суммаси даромад ёки харажат деб эътироф этилмайди, амортизация қилинадиган активнинг қайта тикланиш қийматини аниқлашда ва амортизацияни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди¹.

Масалан, корхона биносини оладиган бўлсак, унинг қиймати 100 миллион, фойдали хизмат муддати 20 йил, йилига амортизация суммаси 5 миллиондан келиб чиқади (2). Яъни амортизация миқдори бошланғич қийматни фойдали хизмат муддатига бўлиш орқали топилади (1).

$$\text{Амортизация суммаси} = \frac{(\text{Бошланғич қиймат-леквидацион қиймат})}{(\text{Фойдали хизмат муддати})} \quad (1)$$

$$5 \text{ млн} = \frac{(100 \text{ млн})}{(20 \text{ йил})} \quad (2)$$

¹ <https://lex.uz/docs/-4674902#-5807941>

Иккинчи йил ушбу бинони қайта баҳолаш орқали унинг бошланғич қийматини 10 миллионга оширсақ, эскириш қиймати иккинчи йилда юқоридаги формула бўйича 5,5 миллионни ташкил қиласди. Корхона бу суммани 5,5 миллионни харажатга олиб бориши керак, ҳамда мол-мулк солик солиш базасини ҳам ўзгартириши лозим. Аммо, бундай ҳолатда солик органи қайта баҳоланган суммани тан олмайди ва корхона ҳисоблаган 5,5 миллиондан 500 мингини солик базасига қўшмайди. Бу эса корхонагада яна қолдик учун қайта ҳисоб китоб ишларини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, солиқка тортилаётган асосий воситаларни турлари бўйича умумий эскириш фоизлари қатъий белгиланган. Солик кодексининг 306-моддасига кўра барча активлар учун амортизациянинг энг юқори нормалари белгилаб қўйилган. Шу билан бирга солик органлари эскиришни тўғри чизиқли усул орқали ҳисоблаш кераклигини қатъий қилиб белгилаган. Бундай вазиятда бинолар, станоклар, транспорт воситалари ва бошқа активларни эскиришини ҳисоблашда бир қанча муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради. Масалан: станокларни сотиб олган йили, уларни ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссаси юқори самарани беради. Аммо, уларни ҳисобдан чиқариш муддати яқинлашиш давридаги самараси тубдан фарқ қиласди. Яъни, станокнинг охирги фойдали хизмати муддатидаги самараси биринчи йилдагига қараганда анча паст натижани беради. Бундай вазиятда корхона ишлаб чиқарган маҳсулотни тан нархини ҳақоний калкуляция қилишдан амортизация ҳисоблаш усулларидан бири бўлган бажарилган иш ҳажмига пропорсионал ҳисоблаш усулида фойдаланиш ўринли ҳисобланади. Аммо, солик органлари бундай усулни тан олмаганликлари учун бухгалтерия ҳисобини юритишда, солик органлари учун қайтадан чизиқли усулда эскиришни ҳисоблаб мол-мулк солик базасини аниқлашга тўғри келади.

Учинчидан, транспорт воситалари яъни автотранспорт воситалари ҳисобини юритишда ҳам муаммоли вазиятлар кузатилмоқда. Автотранспорт воситалай учун солик кодексида амортизация нормаси 20% қилиб белгиланган. Ушбу вазиятда ўзимизнинг GM марка машиналаримиз ҳамда иномарка ёки чет элнинг нуфузли компанияларининг автомашинларига бир хил 20 % эскириш ҳисоблаш белгилаб қўйилган. Бундай вазиятда исталган автомобиллар 5 йилда тутатилади. Холбуки, бундай вазиятда иномарка машинлар BMW, Nissan, Hyundai ва бошқа нуфузли марка автомобиллари фойдали ҳисоблаш муддатини 10 йил ёки 15 йил қилиб белгиласак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга ўтказсиш давомида бир қанча камчиликлар мавжуд бўлиб, ушбу камчиликларни олдини олишимиз ва бартараф этишимиз зарур. Ҳозирги кунда чет эл инвесторларини юртимизга жалб қилиш иқтисодиётимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб келаётган бир вақтда, бухгалтерия ҳисобини солик органлари учун ишлаши ачинарли ҳолат ҳисобланади.

Шундай экан, юқоридаги камчиликларни бартараф қилмас эканмиз инвесторларни жалб қилиш қийинчилик туғдираверади. Кўпгина корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобидаги камчиликлар БҲМС ва БҲҲС ларга мос келмаслиги ҳамда бизнинг бухгалтериямизнинг асосий мақсади солик органлари учун ишлаши сабабли фойдани яшириш оқибатида чет эл инвесторларини жалб қилиш қийинчилиги ёки уларнинг бизнинг юритаётган бухгалтериямизга нисбатан ишончини камайишига ҳамда инвестицияларни жалб қилиш жараёнида қийинчиликларни келтириб чиқараверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Молиявий хисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Республикаизда Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон Қарори.
2. “Молиявий хисботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда 507-сон Қарори
3. БҲҲС (1A8) 16 “Асосий воситалар”.
4. “Солик кодекси” 44 боб Харажатлар, 306 модда Амортизация харажатлари янги таҳрири
5. Ташназаров С.Н. Молиявий хисботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. - Тошкент: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2019. - 584-6.
6. Хамдамов Б.К., Ибрагимов К.Ш. Совершенствование бухгалтерского учета в Узбекистане на основе международных стандартов финансовой отчетности. //Ж.Халқаро молия ва хисоб. - 2017.-№1. -1-8-6.

**Комил Баҳрамовиҷ Үразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Фарида Рустам қизи Тўраева – СамИСИ, МА-122 гурӯҳ магистранти**

КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИ АУТСОРСИНГ ВА КОСОРСИНГ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада корхоналар фаолияти самарадорлиги ва инвестицион жозибадорлигини оширишда ички аудитнинг роли ва аҳамияти, уни аутсорсинг ва косорсинг асосида ташкил қилиш масалалари тадқиқ қилинганд.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, ички аудит, ички назорат, ички назорат тизими, назорат тартиб-қоидалари, ички аудит самарадорлиги, косорсинг, аутсорсинг, ички аудит хизмати.

Аннотация. В статье рассматриваются роль и значение внутреннего аудита в повышении эффективности и инвестиционной привлекательности предприятий, а также вопросы организаций его на основе аутсорсинга и косорсинга.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, внутренний аудит, внутренний контроль, система внутреннего контроля, контрольные процедуры, эффективность внутреннего аудита, аутсорсинг, аутсорсинг, служба внутреннего аудита

Abstract. The article examines the role and importance of internal audit in increasing the efficiency and investment attractiveness of enterprises, as well as issues of outsourcing and co-sourcing.

Keywords: accounting, internal audit, internal control, internal control system, control procedures, internal audit effectiveness, outsourcing, outsourcing, internal audit service

Бугунги кунда ички аудитни ривожлантириш, унинг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий, услугий асосларини такомиллаштириш дунёниг барча мамлакатларида долзарб бўлиб қолди. Ушбу долзарб масалага барча мамлакатларда, шу жумладан бизнинг республикамида ҳам катта эътибор қаратилмоқда, Бунинг негизда, даставвал ички аудитнинг корхоналар рақобатбардошлиги, улар фаолияти сифатини оширишнинг самарали воситаси эканлиги ётади.

Республикамиздаги ҳар бир муваффақиятли компания ички аудит бўлимлари ва хизматларини яратиш билан фаол шуғулланмоқда. Ўзбекистонда “Қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарорига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига мувофиқ активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилаш мақсадида “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида Низом” қабул

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

қилинди. Ҳозирги кунда ушбу Низом хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш тартиби кўрсатилган меъёрий хужжат ҳисобланади. Бундан ташқари 2021-йил 25-февралдаги ЎРҚ-677-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги 2020 йил учун енг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожатномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 сонли “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори корхоналарда ички аудит хизматини янада самарали ташкил этишни тақоза этади.

Бугунги кунда ахборот маконида иқтисодий диагностика, ривожланиш стратегиясини аниқлаш, рискларни бошқариш, корхоналарни яхлит бизнес сифатида қадрини ошиши ва қадрсизланишини баҳолаш, инвестицион муҳитни шакллантириш, уни жозибадорлигини ошириш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилиш ички аудит хизмати олдида турган муҳим вазифалардир. Чунончи, аудит рискларни бошқариш, бизнес қадрини ошиши ва камайишни баҳолаш жараёнида ички назорат тизими самарадорлигининг кафолати вазифасини бажариши лозим. Ўзбекистон Республикасида компаниялар ички аудит хизматини айнан ушбу вазифаларни бажаришга йўналтириш долзарблигича қолмоқда. Ички аудитга бўлган ишончни ошириш, уни корпоратив бошқарувнинг ҳаққоний таъсирchan дастагига айлантириш, шу аснода ички аудит самарадорлигига эришиш, афсуски, мамлакатимизда жуда қийин кечмоқда.

Ташкилий-хуқуқий жиҳатдан ички аудит ҳар бир компания учун индивидуал ҳисобланади, чунки бу корхоналарнинг мақомига, катта-кичклигига, техник-иктисодий хусусиятларига, корхона раҳбарияти хоҳиш иродасига, ички меъёрий хужжатларга ва бошқа жиҳатларга бевосита боғлиқ. Мазкур жиҳатларга кўра ички аудитни қуйидаги шаклларда ташкил қилиш мумкин (1-расмга қаранг).



1-расм. Ички аудитни ташкил қилиш шакллари

Ички аудитни корхонанинг маҳсус бўлими сифатида ташкил қилиш тартиблари хужалик юритувчи субъектлар тўғрисида қонунлар¹ ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган турли қонун ости ҳужжатларида белгиланган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом”га мувофиқ **ички аудит хизмати** - бу корхона Кузатувчи кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган корхонанинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси. Мазкур бўлинманинг таркибий тузилиши, ходимлар сони, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, асосий вазифалари, ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар Низомнинг тегишли моддаларида аниқ белгиланган. Чунончи, ички аудит хизмати бўлинмасига қўйилган талбалар қуидагилардан иборат:

- ички аудит хизмати ходимлари корхонанинг штатлар жадвалига киритилиши ва ички аудитор сертификатига эга бўлиш шарт;
- ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатув кенгаши ёки муассис (акциядорлар умумий йиғилиши, иштирокчилар умумий йиғилиши) томонидан белгиланадиган тартиб ва шартларга асосан танлов асосида тайинланади;
- ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак ҳамда корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади;
- ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қиласи;
- ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун корхонанинг кузатувчи кенгашига тақдим этади;
- ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлилик асосида уларнинг малакасини ошириш воситасида сақланиши керак;
- ички аудит хизмати ходимлари корхона кузатувчи кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши керак.

Ички аудитни корхонанинг маҳсус бўлими сифатида ташкил қилиш, бир томондан турли афзалликларга эга, иккинчи томондан эса, айрим

¹ Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 й. 223-I-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуни (Янги таҳрири); Ўзбекистон Республикасининг 06.12.2001 й. 310-II-сон «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Конуни; Ўзбекистон Республикасининг 11.12.2003 й. 558-II-сон «Хусусий корхона тўғрисида»ги Конуни; Давлат корхоналари тўғрисида Низом (ЎзРВМ 16.10.2006 й. 215-сон қарори билан тасдиқланган); Ўзбекистон Республикасининг 26.04.2012 й. ЎРҚ-327-сон «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Конуни; Ўзбекистон Республикасининг 06.12.2001 й. 308-II-сон «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Конуни

камчиликлардан холи эмас. Уларнинг асосийлари 1-жадвалда тизимлаштирилган.

1-жадвал

Ички аудитни корхонанинг маҳсус бўлими сифатида ташкил қилишнинг асосий афзаликлари ва камчиликлари

T/p	Афзаликлари	T/p	Камчиликлари
1.	Ички аудит хизмати ходимларининг корхонада доимий фаолият юритиши	1.	Ички аудит хизмати ходимлари мустақиллигига Кузатув кенгаши ва корхона раҳбарияти томонидан таъзиқ ўтказиш эҳтимолини катталиги
2.	Ички аудиторлар томонидан корхона молиявий-хўжалик фаолиятини узлуксиз назорат қилиш имкониятининг борлиги	2	Ички аудит ходимларида иш кўлами ва ҳажми қамровининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдоридан юқорилиги
3.	Бошқарув қарорларини тез қабул қилиш имкониятининг мавжудлиги	3.	Ички аудиторлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг штат жадвалида белгиланган миқдор билан чекланиб қолишилиги
4.	Кузатув кенгаши томонидан ички аудит хизмати иш фаолияти сифатига баҳо бериш ва тегишли қарорларни ортиқча расмийятчиликларсиз қабул қилиш имкониятининг мавжудлиги	4.	Ички аудиторлар малакасини оширишга корхона раҳбарияти томонидан бевосита қизиқишининг камлиги
5	Ички аудиторлар иш юкламаларини улар ўртасида оптимал тақсимлаш ва бирбирини тўлдириш имкониятининг катталиги	5.	Ички аудит хизмати бўлинмасига нопрофессионал сертификатга эга бўлмаган ходимларнинг ишга олиниши
6	Корхона ютуқларига кўра ички аудиторлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш имкониятининг борлиги	6.	Кузатув кенгаши томонидан ички аудитга етарлича талабларни қўйилмаслиги ва назорат қилинмаслиги

Ички аудитни аутсорсинг асосида ташкил қилиш республикамизнинг қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган. Бироқ, ички аудитни аутсорсинг¹

¹ Википедияда келтирилган маълумотларга кўра, «Аутсорсинг (инглизча *outsourcing*: (outer-source-using) использование внешнего источника и/или ресурса) — передача организацией на основании [договора](#) определённых видов или функций производственной предпринимательской деятельности другой компании, действующей в нужной области. В отличие от [услуг](#) и поддержки, имеющих разовый, эпизодический или случайный характер и ограниченных началом и концом, на

асосида ташкил қилишга доир тартиб-қоидалар махсус меъёрий хужжатларда белгиланмаган. Мазкур шаклда ички аудит функция ва мажбуриятларини бажариш шартномага асосан ихтисослашган аудиторлик ташкилоти ўз зиммасига олиши мумкин.

Ички аудитни аутсорсинг асосида ташкил қилиш бир қатор афзалликларга эга. Уларга чунончи қуидагиларни киритиш мумкин:

- ички аудит хизматини олиб борувчи ташки аудиторларнинг мустақиллиги ва холислиги, уларга Кузатув кенгаши ва корхона раҳбарияти томонидан таъзиқ ўтказиш эҳтимолининг кичиклиги;

- Кузатув кенгаши томонидан ички аудит хизматини шартнома асосида юритувчи ташки аудиторлар иш фаолияти ва сифатига талабларни юқори бўлишлиги;

- шартнома шартларини тегишли даражада бажарилмаслиги учун молиявий санкцияларни қўллаш имконини борлиги ва бундан санкцияларга дучор бўлмаслиги учун ташки аудиторлик ташкилотининг ўз мажбуриятларига сидқидилдан ёндашишга харакат қилишлиги ва бошқалар.

Ички аудит хизматини аутсорсинг шаклида ташкил этиш салбий жиҳатларга эга. Улар сирасига, чунончи, қуидагиларни киритиш мумкин:

*ташки аудиторнинг корхона фаолиятида узлуксиз бўлмаслиги, шу босдан назорат қилишнинг ўз вақтида юз бермаслиги;

*ташки аудиторнинг билими ва амалий тажрибасининг юқори даражада эканлиги кафолатланмаганлиги;

*ташки аудитор аниқлаган фактларнинг кечикиши ва бунинг натижасида тезкор қарорларни қабул қилиш даражасини пасайиши;

*ташки аудиторнинг этик нормаларни бузиш ҳолатининг кафолатланмаганлиги ва бошқалар.

Ички аудитни косорсинг шакли компания ичида ички аудит органлари ташкил этилишини назарда тутади, лекин бунда баъзи ҳолларда учинчи томон компаниялари мутахассислари ёки ташки маслаҳатчилар жалб қилиниши мумкин. Ушбу шакл бошқарув ходимларига йўналтирилган қуидагилар тўғрисида етарли, илмий асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради:

- бизнес-жараёнларни ташкил этиш, техник ва технологик, экологик ва молиявий-иктисодий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш ва умуман

аутсорсинг обычно передаются функции по профессиональной поддержке бесперебойной работы отдельных систем и инфраструктуры на основе длительного контракта (не менее 1 года).

Аутсорсинг позволяет повысить эффективность предприятия в целом и использовать освободившиеся организационные, финансовые и человеческие ресурсы для развития новых направлений или концентрации усилий, не требующих повышенного внимания.

В предпринимательской практике на аутсорсинг чаще всего передаются такие функции, как ведение [бухгалтерского учёта](#), обеспечение функционирования [офиса](#) (например, уборка помещений), переводческие услуги, транспортные услуги, поддержка работы [компьютерной](#) сети и информационной инфраструктуры, рекламные услуги, обеспечение безопасности.

ташкилотнинг фаолияти, - операцион, экологик, молиявий ва бошқа турдаги хавфларни тезкор аниқлаш, олдини олиш ва чеклаш;

- хўжалик юритувчи субект ва унинг акциядорларининг стратегик мақсадларига эришишга оқилона ишонч бериш.

Таъкидлаш жоизки, ички аудит ҳар учала шаклининг илмий асосланган илмий концепцияси мавжуд эмас. Бундай илмий концепциясини яратиш зарурати ички аудит жараёнининг моҳияти ва мазмунини тушунишда мантиқий тугалланган, тизимли ёндашув йўқлиги, ташкилотларнинг ахборот-иқтисодий муҳитида унинг механизмларини қуриш ва ишлаши ҳақида тизимли билимларнинг етарлича эмаслиги билан боғлиқ.

Ички аудит шакллари самарадорлигини баҳолаш учун қуидагиларни аниқлаш керак:

- ички аудиторнинг мақоми билан белгиланадиган компания бошқаруви таъсиридан аудиторнинг мустақиллик даражаси;
- катта бошқарувга кириш;
- қарор қабул қилишда мустақиллик;
- аудиторларнинг ваколатлари (касбий тайёргарлик, тажриба, профессионал ташкилотларда иштирок этиш);
- ички ҳисоботлар сифати ва бошқалар.

Ички аудит шаклларини услубий ва техник ташкил этишда, хусусан, аудит ўтказиша эътиборга олинмайдиган хусусиятлар мавжуд. Улар сирасига қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Ички аудит шаклларини операцион, бошқарув ва молиявий каби соҳаларда қўллаш чегараларини аниқ белгилаш керак.

2. Ресурслардан фойдаланиш хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш, ҳисоб-китобларнинг ишончлилиги ва йўқотиш сабабларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

3. Ташкилотлар фаолиятининг кўп тармоқли характеристи, технологик циклларнинг турли-туманлиги ички аудит функцияларини ички аудит шакллари ўртасида тўғри тақсимлангандагина самарали бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ички аудитнинг биринчи шакли энг кенг тарқалган. Аутсорсинг ва косорсингга келсак, уларнинг кам тарқалганлиги Ўзбекистон компаниялари томонидан ички аудитнинг ушбу шаклларининг моҳиятини ишончсизлик ва тушунмовчилиги билан боғлиқ. Ўзбекистонда ички аудит хизматлари ички назоратни амалга оширишга, компания фаолияти устидан молиявий назорат, унинг фаолиятининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш каби ички аудит функцияларини кам баҳо беришга қаратилган. Ўзбекистон компанияларига келсак, ички аудит, агар компаниянинг тарқоқ филиаллари бўлса ва марказий бошқарув маҳаллий бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларни назорат қилиш ва баҳолаш учун уларнинг фаолияти тўғрисида ишончли маълумотга муҳтож бўлса, айниқса муҳимдир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, ички аудит, уни қайси шаклда ташкил қилинишидан қатъий назар келажак аудити ҳисобланади. Ушбу аудит келажакка йўналтирилган жараён бўлиб, у бизнес жараёнларини, бизнес ва молиявий рискларни бошқариш ва бошқариш тизимларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарави бўлганини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли.

3. Сарварбек Расулжонович Абдуазизов (2021). Давлат молиявий назоратининг назарий ва хуқуқий асослари. scientific progress, 2 (8), 250-256.

Анвар Нематович Холиқулов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАЛҚИНИ

Аннотация: маколада хизмат кўрсатиши фаолияти таҳлилини назарий ва амалий тавсифланиши, айниқса хизматлар таснифи, хизматларни турли соҳаларда қўлланиш турлари, сифатга боғлиқлиги бўйича хизматлар таснифи кенг ёритиб берилган

Калит сузлар: хизмат, хизмат кўрсатиши, хизмат кўрсатиши фаолияти, хизматлар таснифи, хизмат турлари, сифатга боғлиқлиги бўйича хизматлар таснифи, сервисни баҳолаш, сервис сифати.

Аннотация: в статье приведено теоретическое и практическое описание анализа сервисной деятельности, особенности классификации услуг, виды использования услуг в разных сферах, классификация услуг по признаку качества.

Ключевые слова: услуга, оказание услуг, сервисная деятельность, классификация услуг, виды услуг, классификация услуг в зависимости от качества, оценка услуги, качество услуги.

Abstract: the article provides a theoretical and practical description of the analysis of service activities, features of the classification of services, types of use of services in different areas, classification of services on the basis of quality.

Key words: service, provision of services, service activity, classification of services, types of services, classification of services depending on quality, assessment of services, quality of services.

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

Хизмат кўрсатиши фаолияти таҳлилини муҳим назарий ва амалий муносабатларидан бири унинг тавсифланишидир. Шунда биз синфий бўлинишини кўриб чиқамиз.

Тасниф меъзонлари ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатиши фаолияти соҳаси муҳим типологик белгилари танлаб олинади ва шулар ишлатилади. Тасниф меъзонларини ишлаб чиқариш турли мамлакатларда турлича ишлаб чиқарилади. Текширувчилар назарий муаммоларга қараб тасниф мезонларини ишлаб чиқмасдан хизмат кўрсатиши фаолиятида амалий талабларни бажаришини хисобга олади. Тасниф бўйича ишлаш у ёки бу мамлакатда мураккаб давлат статистика ёки масалаларни ечишда қўлланилади. Мисол учун Шимолий Америка минтақасида қўлланиладиган хизматлар таснифларини келтирамиз. Бунда АҚШ ва Канада мамлакатида тарихий амалиётида номоён бўлган сервис фаолиятини кўриб чиқамиз. Улар қўйидагилар:

- Транспорт (темирйўл, авиация, юк ташиш, автатранспорт, хоказо...);
- Коммуникация (телефон, телеграмма, радио);
- Жамиятдаги фойдали хизматлар (электр, газ, сув);
- Оилавий фаолият (улгуржи ва чакана савдо);
- Молиявий, суғурта, шу билан бирга кўчмас мулк иши ҳам киради;

Дунё мамлакатларида қабул қилинган таҳлиллар таснифини четлаб ўтиш йўллари қидирилмоқда. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда статистик органлар фаолиятига асосланиб қуйидаги тасниф тузилади.

Мана шу хизматлар

- Ишбилармонлик хизмати;
- Алоқа хизмати;
- Қурилиш ва муҳандислик хизмати;
- Дистрибутерлик хизмати;
- Умумтаълим хизмати;
- Суғурта билан бирга, молиявий хизмат;
- Ижтимоий ва соғлиқни сақлаш хизмати;
- Туризм ва саёҳат;
- Транспорт хизмати;
- Бошқа хизматлар.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда хизматни қўлланиш доираси ва хизмат турлари ва мезонлари бир – бирига боғлиқлик таснифини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Хизматларни турли соҳаларда қўлланиш турлари.

Хизмат турлари	Қўлланиш доираси
Ишлаб чиқариш хизматлари	Инженеринг, лизинг, таъмирлаш хизматлари
Тарқатиш хизматлари	Савдо, транспорт, алоқа

Касбий хизматлар	Банклар, сұғурта компаниялари, молиявий, маслаҳат ва бошқа фирмалар
Истеъмол (умумий хизмат)	Хизматлар, уй хўжалиги ва вақт ўтказиш билан боғлиқ алоқалар
Ижтимоий хизматлар	ТВ, радио, таълим, маданият

Бир қатор мамлакатларда хизмат доирасини таснифлаш давлат бошқаруви ва корхона ишлаб чиқаришга ёндошилган ҳолда амалга оширилади. Бунда Шимолий Америка модели бир – бирига яқин хизмат күрсатиши фаолияти мезонларини ўзига қамраб олади. Бундай гуруҳланиш “бошқа хизматлар” сирасига кириб тугалланмаган, келажакда ўрганишни тақозо этади. Бу тасниф Россия амалиётида ҳам қўлланилади. Бу ҳолатда хизмат күрсатиши фаолияти соҳасидаги хизмат доираси муҳим типологик йўналишини намоён қиласди.

- Савдо хизмати (улгуржи ва чакана)
- Яшаш ва овқатланишни таъминлаб берувчи хизматлар (мехмонхоналар, жамоат овқатланиш тизимини структураси);
- Транспорт;
- Алоқа, информацион хизмат күрсатиши;
- Моддий техник ресурсларни сақлаш, тайёрлаб бериш, таъминлаш хизмати;
- Кредит, молиявий ва сұғурта, кўчмас мулк билан битим келишув;
- Таълим, маъданият ва санъат;
- Фан ва илмий хизмат күрсатиши;
- Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан биргаликда;
- Уй хўжалигига хизмат күрсатиши хизматлари (турап жой, майший ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлари);
- Шахсий характер хизматлари (фойдасиз ва майший);
- Давлат бошқаруви хизматлари;
- Бошқа хизматлар;

Россия ва Шимолий Америка модели хизматлар таснифини таққослаганда Россия модели мукаммал хисобланади.

Бу “Россияда хизматлар доираси” (Mac.2000й) статистик жамланма журналида ўзига хос аксини топган. Унда бутун Россия классификаторларнинг 1998-99 йиллардаги Россия иқтисодиётидаги сервис фаолият йўналиши маълумотлар келтирилган. Бунда куйидаги маълумотлар асосий ўрин тутади:

- Кўчмас мулкдаги даллоллик хизмати ;
- Мол-мулкни баҳолаш хизмати
- Ахборот компьютер хизмати
- Реклама хизмари

- Ўйин олиб боориш фаолияти хизмати.

Бир қатор мамлакатларда ўз амалиётида ишлаб чиқарилган хизмат гурухини ишлатади, қўллайди ва турлича такомиллаштириб, тўлдириб боришади. Масалан, баъзи мамлакатларда курилиш, газ, энергетика тизими хизмат гурухларига киритилган бўлса ҳам бошқа мамлакатларда булар хизмат кўрсатиши соҳасига киритилмаган.

Давлат ҳисоботи ва статистика амалиётида умумий гурухлар билан бир қаторда иқтисодий таҳлил усул мос бўлган бошқа – бошқа йўналишдаги хизматлар гурухи ҳам ишлаб чиқарилади. Хизмат кўрсатиши фаолиятида хизматни функционал моҳиятига боғлиқ равишида қуйидаги йўналишда хизмат бир қанча қисмларга бўлинади:

- Ишлаб чиқариш ҳарактеридаги хизматлар – бунда ишлаб чиқаришдаги эҳтиёж иқтисодий структура билан боғлаб (бундан ташқари қўриқлаш, таъмирлаш, банк, ишбилармонлик ва бошқа хизматлар);
- Савдо хизмати (улгуржи ва чакана савдо);
- Ҳаётий яшаш фаолиятини таъминлаш хизмати “бунда – уй рўзғор ҳаражатлари ишлатиш ҳаражатларига бўлган эҳтиёж тушунилади”;
- Ижтимоий хизматлар - бунда кишиларни молия, почта, таълим, ахборот хизмати, маданий – майший хизматларни ўз ичига олади;
- Маданий хизматлар – бу кишиларга бадиий – эстетик ва кўнгилочар хизматлар кўрсатиши билан боғлиқ.

Охирги икки бўлиниш хизмат доираси таҳлилида ҳозирда ижтимоий ва маданий хизмат ҳақида кўп фикр юритилиб бу ижтимоий маданий хизмат деб юритилмоқда.

Ижтимоий - маданий хизматнинг мақсади кишиларнинг ижтимоий, диний, маданий эҳтиёжларини қондириш назарда тутилади. Ўз навбатида тавсия етилган хар бир хизмат таснифи вариантлари бир қанча фарқли гурухларга бўлинади. Россия амалиёти хизматлар таснифига моддий ва номоддий хизматлар кенг тарқалган. Моддий хизматларга моддий ресурсларни талаб қиласиган хизматлар киради. Кишилар учун кундалик эҳтиёжларига ишлатиладиган товарлар тушунилади. Номоддий хизматларга эса билим олиш, диний хизматлар киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида ўта муҳим саналган сервис фаолиятини таснифи вариантларини кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Сифатга боғлиқлиги бўйича хизматлар таснифи.

Хизматлар	Сифати
Меҳнат предметларини ишлатиш бўйича	Ишлаб чиқариш информацион
Маблағ сарфлаш даражаси бўйича	юқори капитал ҳажмдаги кам капитал ҳажмдаги
Материал сарфлаш даражаси бўйича	кўп материал сарфлаш

“Хизмат күрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

	кам материал сарфлаш
Хизматни бажаришда технолофик мураккабликлар бўйича	мураккаб технологик оддий технологик
Ходимлар классификация бўйича	юқори проффсионал етарли классификациялари
Иқтисидиёт инфратузилмасидаги ўрни бўйича	ишлаб чиқариш институсионал ижтимоий (аҳолига хизмат доираси)
Сезилиш даражаси бўйича	сезиладиган сезилмайдиган
Харидор иштирокининг мажбурийлиги бўйича	харидор иштироки зарур харидор иштирокисиз бажарилади.
Бошқарув хуқуки даражаси бўйича	икки томонлама кўп томонлама
Мейёрий ва хуқуқий белгиланган даражা бўйича	юқори регламендация етарли регламендация
Харидорни ижтимоий хуқуки бўйича (жисмоний ва юридик шахслар)	сара ексклюзив юқори хуқуқий ҳолатда оммавий
Жамиатдаги ўрни бўйича.	Ишлаб чиқариш Тарқатиш Касбий Истемолчилик ижтимоий
Иш белгилаш бўйича.	Ишбилармон Ташкилотчи шахсий
Жамият ишлаб чиқариши даражасидаги ўрни бўйича	ишлаб чиқариш доирасида мурожат қилиш соҳасида, шу ўринда чакана савдода улгуржи савдода
Бажаришни ташкилий шакллари бўйича	мустақил фирмалар орқали бош фирмалар тизимидағи структуралар спесиализацияланган фирма тармоғи индивидуал бажарувчилар
Кўрсатиладиган хизматларни ихчамлиги бўйича	тўлиқ комплексда хизматни алоҳида турлари
Коммерсиализация даражаси бўйича	тўлиқ савдо- сотик (тижорат)

	қисман савдо – сотик (тижорат) нотижорат
Ташкилий – технологик регламентация бўйича	мажбурий регламент бўйича кафолатли қўшимча
Маҳсулотни реализация қилиш жараёни билан боғлиқлиги бўйича	биргаликдаги реализация сотувдан кейинги
Хизматни бажаришда алмашинув шакли бўйича	пулли бепул
Корхона раҳбари фаолиятини ўрни бўйича	ташкилий (менежер) логистик маркетинг

Марказий ва маҳаллий ҳокимиятда ишлатиладиган яна бир хизматлар таснифини кўриб чиқамиз. Бунда ҳокимият органлари, жамият ташкилотлари, гуманитар фондларда ишлатиладиган хизматлар тишунилади. Бу холат жамиятни бир тузумдан бошқа тузумга ўтиш даврида муҳим аҳамиятга ега бўлиб, қўйидаги соҳаларга бўлинади:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси (ҳуқуқ тартибот, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва нафақа тизими хизматлари);
- аҳолини жисмоний, руҳий, интеллектуал ривожланиш соҳалари);
- аҳолини бозорда самарасиз, кўп пул сарфлашидан ҳимоя қилиш соҳаси;
- корхона егасига ёрдам берган соҳаси (бозор фондлари, институтлари хизмати, консультатив тизими, суғурта рашкилотлари);
- аҳолини майший маданиятини кўтариш соҳаси (майший, коммунал, транспорт хизматлари);
- бошқа соҳалар хизматлари;

Юқорида биз кўтриб чиққан сервис фаолиятидаги хизматлар таснифи турли мамлакатлар учун ўзига хос ва мос тарзда танланади ҳамда қўлланилади.

Сервисни баҳолаш учун унинг таърифидан келиб чиқмоқ лозим. Аммо бу масала иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Шу туфайли унинг умумий таърифини беришни мақсаддага мувофиқ, деб топдик. Бунга зарурат шу билан боғлиқки, айнан меҳмонхона сервисига таъриф бериш учун ҳам унинг умумий тушунчасига берилган таърифдан келиб чиқиш лозим бўлади. Бизнинг кузатувларимиз ва тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, хизмат сифатига тариф беришда ҳам истеъмолчиларнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий эҳтиёжларини ҳам

“Хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришда рақамли ҳамда инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари” ХИАК материаллари

қондиришга қаратилган бўлиши лозим. Агар ушбу назарий хулосадан келиб чиқиладиган бўлсак, хизмат сифатига қуидагича таъриф бериш мумкин.

Сервис сифати деганда жамиятнинг (одамларнинг, корхоналарнинг, давлатнинг) хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлалигича юқори савияда қондиришга қаратилган ва уларга кам харажатлар билан тегишли даражада моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтирадиган нуқсонсиз хизматлар мажмуаси тушунилади.

Ушбу таърифда хизмат сифатини тўлиқ ифода этиш учун тегишли жиҳатлар ўз ўрнини топган. Булар қуидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, мазкур таърифда сервиснинг истеъмолчилари ўз ифодасини топган бўлса, иккинчидан, хизматларга бўлган эҳтиёжнинг тўлалигича юқори савияда қондирилиши лозимлиги айтилган. Учинчидан, ҳар қандай сифат кам харажатлар билан амалга оширилса мулкдор учун самарали бўлади. Шу туфайли мазкур таърифда кам харажатлар билан тегишли даражада наф келтирадиган хусусиятлар мажмуаси ҳам ўз ифодасини топган. Энг муҳими, сервис сифати деганда 100 % нуқсонсиз хизмат тушунилади. Кўриниб турибдики, сервис сифатига берилган мазкур таърифнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олган. Шу жиҳатдан уни бугунги кун талабига жавоб берадиган таъриф деб баҳолаш мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг сифатини давлат органлари уларга лицензия ва сертификат бериш орқали назорат қиласи. Чунки, ҳозирги пайтда хизматлар ҳам бошқа товарлар сингари лицензияланадиган, маълум талабларга жавоб берадиган бўлди. Аммо уни истеъмол қилиш жараёнида истеъмолчининг ўзи ҳам назорат қилиш имкониига эга бўлади. Бу эса хизматнинг хизмат истеъмолчиси бўлган инсон ҳёти учун ҳам ва уни ташкил қилган мулкдор учун ҳам, ундан манфаатдор бўлиб турган давлат ва жамият учун ҳам нақадар муҳимлигидан ҳамда унинг сифатини баҳолаш лозимлиги ўта долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Хизматларнинг сифатини баҳолаш бошқа тармоқлардан фарқ қиласи. Агар ишлаб чиқариладиган товарларга бир хил стандартлар қўлланилса, хизматларнинг турларига қараб турли хил баҳолаш усувларидан ва кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Комил Баҳрамовиҷ Үразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Жавлонбек Акбаровиҷ Широҷ – СамИСИ, МА-121 гурух магистранти

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН ОЛИНГАН КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ АУДИТОРЛИК ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛИШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация - мақолада корхоналар томонидан олинган банк кредитлари ва қарз мажбуриятлари бўйича тўлов қобилиятынинг аудиторлик скоринг таҳлилини ўтказиш борасида тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. тўлов қобилияти, кредитга лаёқатлилик, скоринг таҳлил.

Аннотация - в статье даны рекомендации по проведению аудиторского скорингового анализа платежеспособности банковских кредитов и долговых обязательств, полученных предприятиями.

Ключевые слова. Платежеспособность, кредитоспособность, скоринговый анализ.

Abstract: Scientific proposals and conclusions were given on the audit analysis of the solvency of bank loans and debt obligations received by enterprises.

Keywords: Solvency, creditworthiness, scoring analysis

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодиётимизнинг таркибий қисми булмиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши, фаолият кўламининг кенгайиши билан бевосита боғлиқ хисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши, фаолият кўламининг келгусида кенгайтириш бу ушбу субъектларнинг ўз малаглари билан бир қаторда қушимча маблағларни жалб қилиниши тақозо этади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу белгилаб берилган вазифалардан келиб чиккани холда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўз фаолиятларини кенгайтириш учун қушимча маблағларни жалб этиш, хусусан тижорат банклари томонидан ажартиладиган кредит

¹ 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. 3.1-банд. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

маблағларини жалб этиш заруратини юзага келтиради. Ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жалб этилган қушимча кредит ҳамда қарз маблағларининг қанчалик даражада оқилона миқдорда жалб этилганлиги, яъни қўшимча жалб этилган маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар тўлов қобилиятини ҳисобга олгани ҳолда жалб этилиши, келгусида корхоналар фаолиятни кенгайтириш йулида сарфланиши ҳамда жалб этилган қўшимча маблағларни қайтариш даврида эса корхоналарнинг фаолиятига салбий таъсир этмаслигига сабаб бўлади. Шу нуқтани назардан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшимча маблағлар жалб этилиши даврида уларнинг тўлов қобилиятига қай даражада эътибор қаратилганлигини айдиторлик таҳлили муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг келгусида бизнес бошқарувида ижобий таъсир этадиган омилларга баҳо беришда хусусан хўжалик юритувчи субъектларни тўлов қобилиятининг қай даражада эканлиги тўғрисидаги зарурий ахборотларни ўз вақтида бизнес бошқарувидағи раҳбарларга етказиб берилиши учбу бизнеснинг келгусида ривожланишида таъсир доираси доимо долзарб масала ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида келгусидаги имкониятларини ҳисоблаш орқали кредитга лаёқатлилигига аниқ ва тўғри баҳо бериш мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда молиявий (ликвидлилик, баланс ликвидлиги, маблағлар айланувчанлиги, молиявий барқарорлик, самарадорлик) ва номолиявий (бизнес обрўси, кредит тарихи, бошқарув самарадорлиги ва бошқалар) кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикаиз банклари амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловга қобилияти ҳамда кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усул ва воситалардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Амалиётда энг кўп қўлланилиб келинаётган усуллардан бири коэффициентлар усулидир. Бу усул орқали хўжалик юритувчи субъектни молиявий жиҳатдан таҳлил қилиш амалга оширилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, банклар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва муҳторлик коэффициентларидан фойдаланилмоқда. Лекин, хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловга қобилияти ҳамда кредитга лаёқатлилигига баҳо бериишда фактина учбу уч курсаткичлардан фойдаланиш учбу хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига тулиқ баҳо бериб булмайди.

Мамлакатимиз иқтисодий хаётида кредит муносабатларида иштирок этаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини ўрганишни давр талаби асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш устида иш ташкил этиш лозим. Бундан кўзланган асосий мақсад эса кредит олиш истагида бўлган хўжалик

юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи туғрисида аниқ ва ишончли аудиторлик текшируви маълумотларига ўз вақтида эга бўлиш ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитлаш жараёни иштирокчилари сифатида аудит текшируви давомида ушбу субъектларнинг тўлов қобилиятига баҳо беришдан асосий мақсад бу хўжалик юритувчи субъектларнинг дастлаб кредит расмийлаштириш жараёнида ажратилган ушбу кредит маблағлари зарурий хажмда ажратилганлиги ҳамда корхоналарнинг келгусида кредит тўловларини қоплай олиш даражасига кай даражада инобатга олинганлиги туғрисида аниқ таҳлилий маълумотларни шакллантиришдар иборатдир. Чунки, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз тўлов қобилиятидан юқори миқдорда кредит ҳамда қарз мажбурияталарини расмийлаштириб ўз молиявий хўжалик фаолиятига жалб этилиши келгусида ушбу субъектларнинг умумхўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ҳамда молиявий жихатдан қарамликка сабаб бўлади. Кредит ва қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олмаслиги эса хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлигига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилиятини аудиторлик таҳлили муҳим ҳисобланади ва ушбу таҳлил маълумотлари асосида аудиторлик таҳлили обьекти ҳисоланган хўжалик юритувчи субъектлар қанчалик даражада қўшича жалб этилган кредит ва қарз маблағлари миқдори оқилона тарзида бўлганлиги бўйича аниқ маълумотларни беради.

Бизнингча хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловга қобилиятига аудиторлик таҳлилини амалга оширишда ҳамда ишончли, зарурий маълумотларни шакллантиришда қўйидаги молиявий кўрсаткичларни муҳим деб ҳисоблаймиз: (1) қоплаш коэффициенти; (2) жорий ликвидлик коэффициенти; (3) автономия коэффициенти; (4) дебитор қарздорликларнинг айланувчанлик даври; (5) ТМЗларнинг айланувчанлик даври.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилиятини таҳлил қилишда номолиявий кўрсаткичларни қўйидагиларини муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Корхонанинг умумий кредит тарихи
2. Корхона таъсисчиларининг кредит тарихи
3. Рахбариятнинг узгариши
4. Корхона репутацияси, обру-эътибори (суд амалиётлари буйича)
5. Корхона томонидан ишлаб чикарилаётган маҳсулот иш ва хизматларга харидорлари сони
6. Корхонага асососий хом-ашё етказиб берувчи таъминотчилари сони
7. Лойихани ишга тушиш муддати
8. Ажратилаётган кредит муддати
9. Амалга оширилаётган лойиҳада корхонанинг уз улуши
10. Кредит таъминоти учун қўйилаётган мулклар

Халқаро миқёсида қуплаб ривожларган давлатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилияти ҳамда кредитга лаёқатлигини баҳолашда турли хилдаги молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичларга асосланувчи скоринг моделлари кенг қўлланиб келинмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий холатини чуқур тахлил қилиш имконини берувчи бундай замонавий усуллар ўз навбатида баҳолашнинг обективлиги, аниқлигини таъминлаб беради.

Скоринг тахлили бу маълум кўтсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда ушбу кўрсаткичларнинг тахлил қилинаётган обьектга ижобий ёки салбий таъсир даражасидан келиб чиққани ҳолда баллар бериш орқали баҳолаш жараёнини ташкил этиш ҳисобланади.

Бизнингча юқорида келтирилган молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлардан келиб чиққани ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилияти ҳамда кредитга лаёқатлигини баҳолашда қўйидаги 1–жадвалда келтирилган шаклда скоринг тизими орқали фойдаланиш анча самарали ҳисобланади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий холатига объектив баҳо беришни таъминлайди.

1-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнингнинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлов қобилиятини молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлар асосида скоринг тизими орқали баҳолаш

Молиявий курсаткичлар		Максимал 50 балл
1. Қоплаш коэффициенти		
	1 синф $K \geq 2$	10 балл
	2 синф $2 > K \geq 1,6$	8 балл
	3 синф $1,6 > K \geq 1,2$	6 балл
	4 синф $1,2 > K \geq 1$	4 балл
	5 синф $K < 1$	2 балл
2. Жорий ликвидлик коэффициенти		
	1 синф $K \geq 1,5$	10 балл
	2 синф $1,5 > K > 1$	8 балл
	3 синф $1 > K > 0,7$	6 балл
	4 синф $0,7 > K > 0,4$	4 балл
	5 синф $K < 0,4$	2 балл
2. Автономия коэффициенти		
	1 синф $K > 0,75$	10 балл
	2 синф $0,75 > K > 0,5$	8 балл
	3 синф $0,5 > K > 0,4$	6 балл
	4 синф $0,4 > K > 0,3$	4 балл
	5 синф $K < 0,3$	2 балл
4. Дебитор қарздорликларнинг айланувчалик коэффициенти (кунларда)		
	1 синф $K < 30$	10 балл
	2 синф $45 > K > 30$	8 балл

	3 синф $60 > K > 45$	6 балл
	4 синф $90 > K > 60$	4 балл
	5 синф $K > 90$	2 балл

5. ТМЗларнинг айланувчанлиги коэффициенти (кунларда)

	1 синф $K < 30$	10 балл
	2 синф $60 > K > 30$	8 балл
	3 синф $90 > K > 60$	6 балл
	4 синф $120 > K > 90$	4 балл
	5 синф $K > 120$	2 балл
Номолиявий курсаткичлар		Максимал 50 балл

1. Корхонанинг умумий кредит тарихи буйича:

	2 ва ундан куп маротаба кредит олган хамда ижобий кредит тарихига эга	5 балл
	1 ва ундан куп маротаба кредит олган хамда ижобий кредит тарихига эга	3 балл
	Салбий кредит тарихига эга	1 балл

2. Корхона таъсисчиларининг кредит тарихи буйича:

	Ижобий кредит тарихига эга	5 балл
	Кредит тарихи мавжуд эмас	3 балл
	Салбий кредит тарихига эга	1 балл

3. Рахбариятнинг узгариши буйича:

	Рахбарият охириги 3 йил давомида узгармаган	5 балл
	Рахбарият охириги 2 йил давомида узгармаган	3 балл
	Рахбарият тинмай узгариб туради	1 балл

4. Корхона репутацияси, обру-эътибори (суд амалиётлари буйича)

	Судда амалиётлари утказилмаган	5 балл
	Суд ажрими мижоз фойдаси кабул килинган	3 балл
	Илгари ёки хозирги холатда мижозга нисбатан суд ажрими кабул килинган	1 балл

5. Корхона томонидан ишлаб чикарилаётган маҳсулот иш ва хизматларга харидорлари сони буйича:

	4 ва ундан юкори харидорлар мавжуд	5 балл
	2-4 харидорлар мавжуд	3 балл
	1 та харидорлар мавжуд	1 балл

6. Корхонага асососий хом-ашё етказиб берувчи таъминотчилари сони буйича:

	4 ва ундан юкори харидорлар мавжуд	5 балл
	2-4 таъминотчи мавжуд	3 балл
	1 та таъминотчи мавжуд	1 балл

7. Лойихани ишга тушиш муддати буйича:

	Кредит маблаги ажратилгандан 3 ойгача муддатда лойиха тулик ишга тушади	5 балл
	Кредит маблаги ажратилгандан 6 ойгача муддатда лойиха тулик ишга тушади	3 балл

	Кредит маблаги ажратилгандан 1 йилгача муддатда лойиха тулик ишга тушади	1 балл
8. Кредит муддати буйича:		
	1 йилгача муддатда ажратиладиган кредит маблаги	5 балл
	3 йилгача муддатда ажратиладиган кредит маблаги	3 балл
	3 йилдан ортиқ муддатга ажратилдалигандай кредит маблаги	1 балл
9. Лойихада корхонанинг уз улуши буйича:		
	Жами лойиха суммасининг 50%дан ортиқ уз улуши мавжуд	5 балл
	Жами лойиха суммасининг 25% - 50% уз улуши мавжуд	3 балл
	Жами лойиха суммасининг 25% гача уз улуши мавжуд	1 балл
10. Кредит таъминоти учун қуийлаётган мулклар буйича:		
	Кредит таъминоти учун кредит суммасининг 120% дан ортиқ кисми мол мулклар ва бошқа ликвидлик таъминот	5 балл
	Кредит таъминоти учун кредит суммасининг 110% дан ортиқ кисми мол мулклар ва бошқа ликвидлик таъминот	3 балл
	Кредит таъминоти учун кредит суммасининг 100% дан ортиқ кисми мол мулклар ва бошқа ликвидлик таъминот	1 балл
Жами		100 балл

Ушбу жадвалда кўриниб турибаки хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳамда номолиявий кўрсаткичлари асосида маълум баллар берилади ҳамда якуний натижа тўпланган балл аниқланади. 2 – жадвалда эса хўжалик юритувчи субъектларнинг туплаган якуний баллари асосида тўлов қобилияти синфларга ажратилади ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қай даражада тўловга қобилиятли эканлиги бўйича аудиторлик хulosasi берилиши мумкин бўлади.

2-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнингнинг кредитга лаёқатлилиги ва тўлов қобилиятини скоринг тизими оркали синфларга ажратиш тартиби

Коэффициент учун балл	Тўлов қобилияти синфи	Тўлов қобилияти бўйича изоҳ
100 – 90 Балл	1 синф	Юқори тўлов қобилиятига эга
89 – 75 Балл	2 синф	Яхши тўлов қобилиятига эга
74 – 65 Балл	3 синф	Тўлов қобилияти ўрта даражада
64 – 51 Балл	4 синф	Тўлов қобилияти паст даражада
50 ≥ Балл	5 синф	Тўлов қобилияти жуда паст даражада

Шундай қилиб, бизнингча юқорида тавсифи келтирилган усул орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилиятига аудиторлик таҳлилини амалга ошириш самарали ҳисобланади. Скоринг таҳлил усули келгусида бизнес эгалари учун банк кредитларидан янада оқилона фойдаланишдаги муҳим омиллар тўгрисида зарурий ахборотларни олиш имкониятини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентинингнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Пардаев М.Қ.Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик.- Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021 – 588 б.
- 3.Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Ибрагимов М.М. Уразов Д.К. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Дарслик, Самарканд, “Фан булоғи” нашриёти”, 2022, 408 б.;
- 4.М.В. Мельник Н и др. Экономический анализ в аудите . . М.: ЙОНИТИ-ДАНА 2007

Комолиддин Мамасабирович Мисиров – Фискал институт «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти., и.ф.д.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИННИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Аннотация: Мамлакатимиз ҳозирги босқичида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, молиявий ҳисоботларнинг шаффоғлигини ошириш, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларга уйғунлаштириш ва кенг доирадаги иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисбот, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари, узоқ муддатли активлар, моддий активлар ва асосий воситалар.

Аннотация: На современном этапе в нашей стране выделяются аспекты, связанные с реформированием бухгалтерского учета и отчетности, привлечением иностранных инвесторов, повышением прозрачности финансовой отчетности, освещенный гармонизация финансовой отчетности в соответствие с международными стандартами, осуществлением широкомасштабных экономических преобразований.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, финансовая отчетность, национальные стандарты бухгалтерского учета, международные стандарты финансовой отчетности, долгосрочные активы, материальные активы и основные средства.

Abstract: At the present stage in our country, aspects related to the reform of accounting and reporting, attracting foreign investors, increasing the transparency of

financial reporting, highlighting the harmonization of financial reporting in accordance with international standards, and the implementation of large-scale economic reforms are highlighted.

Key words: accounting, financial reporting, national accounting standards, international financial reporting standards, long-term assets, tangible assets and fixed assets.

Иқтисодиётнинг замонавий глобализацияси миллий ҳисоб тизимни ҳалқаро даражага етказиш, молиявий ҳисботларнинг мувофиқлигини таъминлаш ва ўзаро уйғунлаштиришни даврнинг ўзи таққоза қилмоқда. Бу эса молиявий ҳисботдадаги зарурий ахборотни олишда ўзаро тафовитларни мувофиқлаштиришда муҳимdir.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳисботларини тайёрлашда молиявий ҳисбенинг ҳалқаро стандартлари (МХХС) тамойилларига мувофиқлигини таъминланиши, нафақат йириқ, балки ўрта ва кичик корхоналарнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда асос сифатида хизмат қиласди. МХХСлари асосида тайёрланадиган молиявий ҳисбот кўпроқ ахборотларни ўзида мужассамлаштиради. Сўнгги йилларда мамлакатимизда молиявий ҳисботларни тузишни меъёрий-хуқуқий жиҳатларини МХХСрига уйғунлаштириш борасида зарурий чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва ҳалқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини ҳалқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш¹ доирасида зарурий чора тадбирларни амалга ошириш ҳақида алоҳида таъкидланган:

Бугунги кунда республикамизда бухгалтерия ҳисбенинг асосий қоидалари, шунингдек, бухгалтерия ҳисбини ташкил этиш принциплари ва талабларини МХХСнинг принциплари ва талабларига уйғунлаштириш зарур. Хўжалик юритувчи субъектлари молиявий ҳисоб ва ҳисботларини МХХСнинг асосий қоидаларига асосан тузиши ҳисботнинг шаффофлигини таъминлайди. Хўжалик юритувчи субъектлари учун МХХС талабларига мувофиқ равишда ҳисбот бериш хўжалик субъектининг молиявий-иқтисодий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олишга, шу билан бирга молиявий ҳисбларнинг ишончлилигини ошириш имконини беради.

МХХС жадал амалиётга кириб келиши натижасида, бир қатор муаммолар пайдо бўлди, яъни:

- МХХС ва БХМС параллель ҳисоб юритилиши натижасида, бухгалтерия ҳисоби мураккаблашди;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Қарори. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.08.2021 й., 06/21/6280/0811-сон.

- мавжуд дастурий маҳсулотлар мукаммал эмаслигини кўрсатди;
- икки стандарт мақсадлари фарқланиши, мамлакатимиз ҳисботлари молиявий тавсифга эга бўлган бир вақтда, МХХС инвесторлар ушун энг шаффоф маълумотларни тақдим этишга қаратилган (бунга корхоналар хозирги кунда тайёр эмас).

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддаси, Солиқ Кодексининг 306-моддаси, 5-сон “Асосий воситалар” номли БҲМСнинг 35-бандига асосан ер қиймати амортизация қилинмайди. 16-сон “Асосий воситалар” БҲХСда «Мулк, машиналар ва ускуналар» БҲХСнинг 56-параграфида ер ва бино бирга харид қилинганда ҳам алоҳида амортизация қилинадиган қиймат билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

5-БҲМСга асосан асосий воситалар таркибига 0170 счётда «Иш ҳайвонлари», 0171 счётда юритилаётган «Маҳсулдор моллар», 0180 счётида «Кўп йиллик ўсимликлар» киритилган. 16-сонли БҲХСда ҳайвонлар ва ўсимликлар, 41-сон «Қишлоқ хўжалиги» БҲХСда қишлоқ хўжалигига доир активлар ҳисоби юритилади; сотиш учун тавсия қилинаётган мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар 5-сон МҲХСда «Сотишга мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият» билан билан боғлиқ ҳолатларни ўз ичига олади.

Демак, халқаро стандартларга ўтишда биз меъёрий-хуқуқий базага ўзгартиришлар киритишимиш лозим эканлигини ушбу ҳолатларда яққол намоён бўлмоқда. Бу ҳолат, аудитда тўла ва асосли бухгалтерия ҳисоб стандартлари асосида олиб борилишида аудиторлик хulosалари ишоншлигини таъминланиш учун мутаносибdir. Халқаро стандартлар асосида юритиладиган молиявий ҳисботларга Миллий ҳисоб тизимидағи молиявий ҳисботларни уйғунлаштириш орқали ҳисботларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш муҳимдир.

Асосий воситалар ҳисобини юритишда алоҳида ўзига ҳос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда МҲХСлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш орқали ҳисботнинг ишончлилигини ошириш зарурdir Бунда, моддий активлар ўз навбатида, иккита гурухга ажратилади: Узоқ муддатли моддий активлар ва қисқа муддатли моддий активлар. Ҳозирги амалиётимизда қўлланиб келинаётган «асосий воситалар» тушуншаси «узоқ муддатли моддий активлар»нинг моҳияти ва аниқликларини ўзида мужассамлаштириши керак. Бу асосий воситалар атамаси ушбу узоқ муддатли моддий активларни қанчалик даражада тавсифлаши муаммоли ҳолат, яъни мисол учун номоддий активлар асосий восита эмасми деган савол туғилади.

Шу боис, асосий воситалар тушуншасини янги бозор иқтисодиёти шароитига мослаштириш зарурати мавжуд, деб ўйлаймиз. Фикримизча, узоқ муддатли моддий активлар таркибини халқаро стандартларга мувофиқлаштирасак, «Мулк (ер), бино, машина ва асбоб-ускуналар» атамасини амалиётга киритиш мақсадга мувофиқ.

Миллий стандартларимизда асосий воситаларга берилган таъриф халқаро стандартда «мулк, бино, машина, асбоб-ускуналар»га берилган таърифга тўлиқ мувофиқ келади.

Халқаро стандартга кўра «Мулк, машиналар ва ускуналар» объектлари актив сифатида тан олинади, бунда:

(а) катта эҳтимол билан таъкидлаш мумкинки, корхона активларни фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий наф олади; ва (б) корхона ушун активнинг қиймати ишончли баҳоланиши мумкин.

Иккинчидан, халқаро стандартларда «мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар»ни тан олишда бир даврда кўп вақт ўтишни талаб этади деб кўрсатилган бўлса, республикамиз миллий стандарттида бир йилдан ортиқ дейилган. Бундан ташқари, миллий стандартда Ўзбекистон Республикасида белгиланган минимал иш ҳақининг 50 баробаридан ортиқ қийматлиудаги буюмлар мулк, машиналар ва асбоб-ускуналар сифатида тан олиниши эътироф этилган. Фикримизча, бу мезонни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб этади.

Ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида бир даврдан ортиқ хизмат қилувчи, ишлаб шиқариш, хизмат кўрсатиши ёки маъмурий бошқарув жараёнида фойдаланувши «асосий воситалар» таркибини стандарт талабларидан келиб чиқиб мустақил белгилаши керак. Чунки бирор-бир кичик корхона учун қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан кам бўлган воситалар бўлиши мумкин. Амалдаги тартибга кўра ҳозирги кунда қиймати 50 минимал иш ҳақидан кам бўлган воситалар «асосий воситалар» сифатида эътироф этилмаслиги натижасида уларга депрециация ҳисобланмай қолмоқда, уларнинг тўлиқ қиймати шу давр харажатларига киритилмоқда. Бу жараёнларни ҳисоб тамойилларига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Учиншидан, «Асосий воситалар» нинг таркиби(ҳолатлари)ни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак. Халқаро стандартда «Мулк, машиналар ва ускуналар» нинг ҳолатлари келтирилган. 5-сон «Асосий воситалар» БҲМСда асосий воситалар таркиби белгиланмаган. Бу таркиб 21-сон БҲМСда счёtlар режасидаги асосий воситаларнинг таркибларга алоҳида счёtlар ажратилган. Фикримизча, 5-сон БҲҲСда «Асосий воситалар» нинг таркибиниларини келтириш керак.

Мамлакатимиз амалиётида ер давлатнинг мулки ҳисобланади. Ердан узоқ муддатга фойдаланиш ҳукуқи берилган. Ҳукуқ бўлганлиги боис, бу номоддий актив сифатида эътироф этилиши ҳисоб тамойилларига мувофиқ келади, деб ўйлаймиз. Ерни ободонлаштириш, узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатларини тегишли даврлар харажатларига киритиш ҳисоб тамойилларига мувофиқ келади. Ишчи ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик ўсимликларни биологик актив сифатида тан олиш тамойилларини белгиловчи стандартларни ишлаб чиқиш керак.

Халқаро стандартда эҳтиёт қисмлари ва сервис асбоб-ускуналари одатда захира сифатида ҳисобга олиниши ва истеъмол қилиниши

мобайнида фойда ва заарларда тан олиниши қайд қилинган. Бироқ, агар ташкилот уларни бир даврдан ортиқ даврда фойдаланишни кўзда тутса, йирик эҳтиёт қисмлар ва резервдаги асбоб-ускуналар «асосий восита» сифатида таснифланади. Аналогик тарзда, агар эҳтиёт қисмлар ва сервис асбоб-ускуналари «Асосий восита» объектларидан эксплуатация қилиш билан боғлиқ ҳолда фойдаланилган тақдирда «Асосий восита» сифатида ҳисобга олинади.

Тўртингчидан, халқаро стандартда ташкилот «Мулк, машиналар ва ускуналар» га қилинган харажатлари уларнинг сарфланиш даврида тан олиниши кўзда тутилган. Булар қўйидагиларни ўз ишига олади:

«Мулк, машиналар ва ускуналар» объектларини харид қилиш ва жиҳозлаш билан боғлиқ ҳолда сарфланган харажатлар;

объектни бойитиш, қисман алмаштириш ва унга хизмат кўрсатилиши оқибатида амалга оширилган харажатлар сифатида тан олинади.

Миллий стандартда ҳам мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналарнинг қийматига тўғридан-тўғри киритилувчи харажатларни алоҳида моддада ажратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бу ҳолат уларнинг таннархи ошиши механизмини тўғри белгилаш имкониятини беради.

Хорижий тажрибаларга мувофиқ капитал харажатлар активларнинг хизмат қилиш муддати узайишига олиб келса, бундай харажатлар депрециация суммасини камайтиришга мослаштирилади. Натижада активларнинг бошланғич қиймати ўзгармайди, унинг қолдиқ қиймати эса ушбу капитал харажатлар суммасига ошади.

Амалиётда капитал таъмирлаш харажатларини ишлаб шиқариш ёки давр харажатларига киритиш кўрсатилган. Халқаро стандартлар талабаларидан келиб шиқиб, капитал таъмир меҳнат унумдорлиги ошиши ёки маҳсулот сифати яхшиланишига олиб келса, уни «Мулк, машиналар ва ускуналар» қийматида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Нигина Маруповна Усманова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил изланувчиси

КИТОБ САВДОСИ ХИЗМАТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда китоб савдоси хизматлари иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳисоблаш тартиби ва такомиллаштирилиши қараб чиқилган. Бунда тадқиқотлар натижасида китоб савдоси жараёнида кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни 8 та қилиб белгилаб, уларни 3 гурӯхга бўлинган ҳолда қаралиши тавсия қилинди. Биринчи гурӯхга 4 та кўрсаткич, иккинчи гурӯх бевосита жамият нуқтаи назаридан баҳоланадига иккита кўрсаткичлар киритилди. Учинчи гурӯхга бевосита китоб харидорлари, яъни китоб ўқувчилар нуқтаи назаридан баҳолаш учун ҳам иккита кўрсаткичдан фойдаланиш лозимлиги тавсия қилинди.

Калит сўзлар: китоб, китоб савдоси, китоб савдоси хизматлари, китоб савдоси самарадорлиги, харидорлар манфаати, жамият манфаати, корхоналар манфаати.

Аннотация: в статье рассмотрена методика расчета и совершенствования показателей, отражающих экономическую эффективность услуг книжной торговли в нашей стране. В результате исследования было рекомендовано определить 8 показателей, отражающих эффективность услуг, оказываемых в процессе продажи книг, и разделить их на 3 группы. В первую группу вошли 4 показателя, во вторую группу вошли два показателя, которые непосредственно оцениваются с точки зрения общества. К третьей группе, было рекомендовано использовать два показателя для оценки с точки зрения непосредственных покупателей книг, т.е. читателей книг.

Ключевые слова: книга, книготорговля, услуги книготорговли, эффективность книготорговли, интерес покупателя, интерес общества, интерес предприятия.

Abstract: the article considers the methodology for calculating and improving indicators that reflect the economic efficiency of book trade services in our country. As a result of the study, it was recommended to identify 8 indicators that reflect the effectiveness of services provided in the process of selling books, and divide them into 3 groups. The first group included 4 indicators, the second group included two indicators that are directly assessed from the point of view of society. to the third group. it was recommended that two indicators be used to evaluate from the point of view of direct book buyers, i.e. book readers.

Key words: book, book trade, book trade services, book trade efficiency, buyer's interest, public interest, enterprise interest.

Бугунги кунда китоб савдоси нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу даврларда китоб савдоси дунё миқёсида мисли кўрилмаган тараққиёт босқичида. Жумладан, “китоблар савдосининг умумий ҳажми 2016 йилда 150 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, унинг 2/3 қисми олтита мамлакат ҳиссасига тўғри келади: 30 фоиз АҚШга, 17 фоизи Хитойга, 8 фоизи Германияга, қолган қисми Япония Франция ва Англия ҳиссасига тўғри келмоқда¹. Шунингдек, Норвегияда - 10 минг, Чехияда – 15 минг, Венгрияда – 16 минг, Германияда – 20 минг кишига битта китоб дўкони ҳизмат кўрсатади². Булардан ҳам кўриниб турибдики, дунё миқёсида китобларни нашр этиш ва сотиш кўрсаткичлари давлатлар иқтисодиётининг ривожланиш даражасига мос равищада ўсмоқда.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиши тизимини ривожлантириш ва китоб муроаласи ва

¹Книжный рынок – 2017: новые горизонты. <http://www.unkniga.ru/bookrinok/knigniy-rinok/7621-knizhnuy-rinok-2017-novye-gorizonty.html>.

² Солиева Г.А. Ўзбекистонда китоб савдосининг ривожланиши ва унинг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини ошириш омиллари. 08.00.05 – Хизмат кўрсатиши тармоқлари иқтисодиёти ихтисослигидан иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд, СамИСИ, - 2018. – 4 бет.

китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда китоб бозорида босма ва электрон китобларга бўлган талаб ҳам ошиб бораётганилиги, уларнинг босма шаклда нашр қилинишини бироз қисқартиши мумкин. Бироқ, китобсиз билим, билимсиз тараққиёт бўлмайди. Шу туфайли мазкур масала ўта долзарб ҳисобланади.

Китоб савдоси билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субектлари қуидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бир қанча функцияларни бажаради. Булар таркибига қуидаги расмда келтирилган функцияларни киритиш мумкин.

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, биринчи ўринда **савдо** функцияси турибди. Қолган функциялар ҳам айнан шу функцияning бажарилишига ва самарали бўлишига хизмат қиласи. Масалан товарларни китоб дўконигача этказиб берувчилар, уни қабул қилиш жараёни, сақлаш ва сотиш жараёнлари ҳам айнан савдога хизмат қиласи.

Китоб савдосини амалга ошириш учун китобларни турли нашриётлардан ва китоб базаларидан этказиб берилади ёки китоб дўконларининг ўзлари олиб келади. Китоб еказиб берувчилардан китобларни сотиб олиш товар ресурсларининг шаклланишига қаратилган бўлиб, ушбу жараёнда иқтисодий муносабатлар содир этилади. Бу муносабатлар моҳиятига кўра турли турли иқтисодий категориялар билан боғлиқ бўлади. Буларга: сарф-харожатлар, савдо тушуми, даромадлар, фойда кабиларни киритиш мумкин. Буларнинг пировард мақсади китоб савдоси самарадорлигига ўз ифодасини топади.

Этказиб берилган ёки олиб келинган китоблар бирданига сотилмайди. Улар сотулгунча маълум муддатда сақлаш зарурати прайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси мазмун жиҳатидан иқтисодий алоқаларни ташкил этади. Бу алоқаларнинг ҳам самарали бўлишини таъминлаш учун ушбу жараёнларни бошқаришни тақозо қиласи. Ушбу иқтисодий алоқалар даврий бўлмаган нашрлар ва бошқа товарларни этказиб бериш шартномалари асосида амалга оширилади. Товарларни улгуржи шаклда харид қилиш ҳам шартнома асосида амалга оширилади. Этказиб бериладиган ва олиб келинган товарлар учун молиявий операциялар амалга оширилади. Булар ҳам мазкур соҳанинг самарадорлигига маълум даражада таъсир қиласи.

Китоб савдосида ҳам барча савдо жараёнлари сингари маркетинг функцияси иштирок этади. Ушбу унсур билан китоб бозорида китобларнинг тез сотилишига эришиш вазифаси мужассамлашган. Маркетингнинг жуда кўп йўналишлари мажудки, уларни қўллаб, тегишли ахборотларни тўплаб, улар асосида китоб савдосини амалга ошириш учун самарали йўлларини танлаш мумкин бўлади. Бунда китобнинг сони, баҳоси, мазуни каби омилларга аҳамият берилади.

Китоб савдосида **реклама функцияси** китоблар ҳақидаги барча маълумотларни аҳолига этказиш тадбирларини амалга оширишни ўз ичига олади. Реклама натижасида харидорлар чиқарилган ва сотувга қўйилган

китоблар ҳақида хабардор бўлади ва мос равишда уларда харид қилишга талаб пайдо бўлади. китоб савдосида ҳам бошқа савдолар сингари рекламанинг ўрни катта. Аммо бу ўзига хос соҳа бўлганлиги туфайли, реклама ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Китобларнинг рекламаси телевидение, радиоларда, даврий нашрларда, китоблар қўргазмаларида, турли соҳаларда китоблар билан боғлиқ тематик қўргазмалар ўтказишида, шу жумладан юбилей саналарида ташкил этилган тадбирларда амалга оширилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки китоб савдосини бошқаришга шу билан боғлиқ бўлган молиявий ва иқтисодий фаолиятни режалаштириш, бухгалтерия ҳисобини олиб бориш, иқтисодий ва молиявий таҳлил қилиш, назорат қилиш ва меҳнатни ташкил қилиш қоидаларига амал қилиш кабилар ҳам киради. Ушбу бошқарув функцияларини амалга ошириш китоб савдосининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, китоб савдоси фаолиятининг самарадорлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Буларни инобатга олиб, китоб савдоси жараёнида қўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ифодаловчи қўрсаткичларга нималар кириши ва уларни аниқлаш йўлларини ҳам қандай қараб чиқиши мумкинлигига алоҳида аҳамият берилмоқда. Китоб савдоси билан боғлиқ хизматлари самарадорлигини ифодаловчи қўрсаткичлар таркиби хўжалик юритувчи субъектлар, жамият ва харидорлар манфаатидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Булар таркибига қўйидагилар кириши тавсия қилинмоқда (1-жадвал):

1-жадвал

Китоб савдоси жараёнида қўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ифодаловчи қўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари

Т/р	Кўрсаткичларнинг номи	Аниқланиш формулалари	Изоҳ
Китоб сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан			
1.	Китоб савдосидан тушган тушумнинг соҳада банд бўлган ходимларга нисбати (Кму), минг сўм	$Kmu = \frac{Qc}{Xc};$	Qc – китоб савдосидан тушган тушум, минг сўм; Xc – банд бўлган ходимлар сони
